

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Д. АШУРОВА, Ф. УБАЕВА ВА Ҳ. БОЛТАБОЕВА

ГАПНИНГ УЮШГАН ВА АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

Т О Ш К Е Н Т — 1962

Асар гапнинг уюшган ва ажратилган бўлакларига бағишланган.

Биринчи қисмда гапнинг уюшган бош (эга, кесим) ва иккинчи даражали бўлаклари (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳоллар) турли аспектда изоҳланади. Чунинчи: уюшган бўлакларнинг семантик-логик хусусиятлари, морфологик ҳамда синтактик белгилари, уларнинг узаро боғланиш усуллари, бунда тенг боғловчилар ва интонация, паузанинг роли ёритилади.

Иккинчи қисм эса гапнинг ажратилган бўлаклари: ажратилган изоҳловчилар, изоҳ маъносида ажратилган аниқловчи, ҳол, тўлдирувчи, кесимлар, ажратилган изоҳларнинг семантик характеристикаси, интонацион хусусиятларига бағишланган.

Асар олий ўқув юртларининг ҳозирги замон ўзбек тили ўқитувчилари, филология факультетлари студентлари, тилшунос олимларга мўлжалланган.

*Масъул муҳаррир
Ғ. Абдурахмонов*

Ашурова Д., Убаева Ф. ва Болтабоева Х.

Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари.
Т., Ўзфанакадашир, 1962.

181 с. (ЎзССР Фанлар Академияси. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти).

1. 2 соавт.

Ашурова Д., Убаева Ф. и Балтабаева Х. Однородные и обособленные члены предложения.

БИРИНЧИ ҚИСМ

КИРИШ

Ўзбек тилининг синтактик қурилишида уюшиқ бўлақлар масаласи атрофлича ишланишни талаб қилувчи, назарий ва амалий қиммати катта бўлган актуал проблемалардандир.

Туркий тиллар грамматикаларида, рус тили грамматикаларидаги сингари, уюшиқ бўлақли гаплар икки турли термин билан юритилади. Бир гуруҳ туркологлар уюшиқ бўлақли гапларни „Предложения слитного типа“, „Слитное предложение“¹ деб атаса, иккинчи гуруҳ туркологлар „Предложения с однородными членами“ ёки „Однородные члены предложения“² деб номлайди.

Г. Д. Санжеев „Қалмоқ тили грамматикаси“ номли асаарида асосан уюшган кесимлар ҳақида фикр юритади, шунингдек, уюшган иккинчи даражали бўлақлардан тўлдирувчиларнинг уюшиши устида бир оз тўхтади. Автор бу асарининг уюшган тўлдирувчиларга бағишланган қисмида уюшган тўлдирувчиларнинг жуфт сўзлардан бўлишини, улар синонимик ва бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзлар орқали ифодаланишини кўрсатиб ўтади³. Лекин уюшган иккинчи даражали бўлақлардан аниқловчи ва ҳолларнинг уюшиши тўғрисида ҳеч нарса демайди.

Н. П. Диренкова „Шор тили грамматикаси“ да уюшган

¹ Проф. В. М. Насилов, Грамматика уйгурского языка, М., 1940, стр. 128; Г. Д. Санжеев, Грамматика калмыцкого языка, изд-во АН СССР, М.—Л., 1940, стр. 106; Н. П. Диренкова, Грамматика шорского языка, изд-во АН СССР, М.—Л., 1941, стр. 282.

² Н. А. Баскаков, Ногайский язык и его диалекты, изд-во АН СССР, М.—Л., 1940, стр. 122; Е. И. Убрятова, Исследования по синтаксису якутского языка, изд-во АН СССР, М.—Л., 1950, стр. 217; А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, изд-во АН СССР, М.—Л., 1956, стр. 630; М. Б. Балакаев, Современный казахский язык, Синтаксис, изд-во АН КазССР, Алма-Ата, 1959, стр. 213.

³ Г. Д. Санжеев, Грамматика калмыцкого языка, Издательство АН СССР, М.—Л., 1940, стр. 106—109—119—120.

бўлақларнинг боғловчи воситалар ёрдами билан бирикяши ҳақида гапиради⁴,

Проф. А. Н. Кононов ўзбек ва турк тилларига оид грамматикаларида уюшган бош ва иккинчи даражали бўлақларни алоҳида-алоҳида баён этади⁵. Автор турк тилига оид асарид гапнинг уюшиқ бўлақларнинг ифодаланиши, боғловчи воситалар билан қўлланиши, бундаги айрим хусусиятлар каби масалалар ҳақида мулоҳаза юритади.

Проф. М. Б. Балакаев ҳозирги замон қозоқ тилининг содда гап синтаксисига оид асарид гапнинг уюшиқ бўлақлари тўғрисида анча кенг маълумот беради. Автор уюшиқ бўлақларнинг типлари, уларнинг шаклланиши, ёйиқ ва йиғиқ бўлиб келишлари, боғловчи воситалар билан қўлланиши каби масалаларни алоҳида ёритади⁶.

Д. Майриков қирғиз тилидаги гапнинг уюшиқ бўлақларини махсус текшириб, уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятларини анча батафсил очиб берди⁷.

Ўзбек тилида гапнинг уюшиқ бўлақлари ҳақидаги таълимот дастлаб коллектив томонидан ёзилган „Тил сабоқлиғи“ дарслигига киритилган эди. Бу ҳодиса дарсликнинг „Гапларнинг тузилишига кўра турлари“ қисмида текширилиб, уюшиқ бўлақли гаплар „Уюшиқ гаплар“ деб аталган⁸.

„Тил сабоқлиғи“ нинг IV бўлимида иккинчи даражали бўлақлардан аниқловчиларнинг уюшиши ҳақида баъзи мулоҳазалар айтилган⁹. Асарда тўлдирувчи ва ҳолларнинг уюшиши масаласи алоҳида кўриб чиқилмаган.

„Гапнинг уюшган бўлақлари“ термини дастлаб ўзбек тили грамматикасига оид адабиётлардан „Нахв“ да қўлланади¹⁰.

И. А. Батманов ўзининг „Очерк синтаксиса узбекского языка“ номли асарид уюшиқ бўлақли гапларни „Слитные предложения“ деб номлайди : „Туташ (слитный) гап деганда таркибида бир неча уюшган бўлақлари бўлган гап тушунилади“¹¹. Автор уюшган бош бўлақлар устида анча мукам-

⁴ Н. П. Дыренкова, Грамматика шорского языка. Издательство АН СССР, М.—Л., 1941, стр. 282—284.

⁵ А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 387—389;

А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1956, стр. 630—633.

⁶ М. Б. Балакаев, Современный казахский язык, Синтаксис, Алма-Ата, 1959, стр. 213—222.

⁷ Д. Майриков, Однородные члены предложения в киргизском языке, автореферат, Москва, 1956.

⁸ «Тил сабоқлиғи», III бўлим, Самарқанд-Тошкент, 1924, 11-бет.

⁹ Уша асар, IV бўлим, 7—12-бетлар.

¹⁰ «Нахв», Тошкент, 1925, 52-бет.

¹¹ И. А. Батманов, Очерк синтаксиса узбекского языка, Госиздат, Ташкент, 1933, стр. 59.

мал фикр юритади, лекин уюшган иккинчи даражали бўлаклар ҳақида кам тўхтади¹².

Н. Саид ва А. Йўлдошевларнинг „Грамматика“ сйда уюниқ бўлакли гаплар „Уюшиқ мучали гаплар“ деб аталган ва бу боб бирмунча кенг ёритилган¹³. Улар эски традиция бўйича, уюшиқ ҳоллари уюшиқ тўлдирувчиларга киритган¹⁴.

Кейинчалик Ҳ. Ғозиев тўлиқсиз ва ўрта мактаблар учун тузган дарслигида уюшиқ бўлакли гаплар ҳақида олдинги дарсликларга нисбатан анча тўлиқ маълумот беради. Автор бу асарида уюшиқ бўлакларнинг типлари, ифода этилиш йўллари, боғловчилари ва уларда тишиш белгиларининг қўлланиши каби масалаларни ёритади¹⁵.

В. В. Решетов „Современный узбекский язык“ номли китобида уюшиқ бўлакли гаплар ҳақида шундай деб ёзади: „Уюшиқ бўлакли гаплар таркибан содда ёниқ гапдан фарқ қилмайди“¹⁶.

Автор ўзбек тилидаги уюшиқ бўлакли гапларни уч типга бўлади: биринчи типда бирдан ортиқ эга битта кесимга боғланади; иккинчи типда битта эга бир неча кесимга боғланади; учинчи типда бир неча уюшган иккинчи даражали бўлаклар битта бўлаққа боғланади¹⁷.

Аюб Ғуломов „Ўзбек тилида аниқловчилар“ номли асарида қаратқич, қаралмишларнинг уюшиб келиши ва ундаги тартиб, интонация, шунингдек, уюшган ва уюшмаган сифатловчи аниқловчилар каби масалаларни ёритади¹⁸.

Бундан ташқари, ўзбек тилида гапнинг уюшиқ бўлаклари, уларнинг типлари, ифода этилиш йўллари масаласини А. Ғ. Ғуломов узининг қайта ишланган „Содда гап“ номли асарида таҳлил қилади¹⁹.

Уюшиқ кесимли гаплар билан қўшма гапларнинг ўзаро фарқи эса Ф. К. Камоловнинг „Қўшма гапларга доир масалалар“ номли асарида анча батафсил изоҳланган. Бундан ташқари, асарда қўшма гап составига кирган содда гапларнинг эгаси, аниқловчиси, тўлдирувчиси ва ҳоллари ҳам уюшиб келиши мумкинлиги тўғрисида гапирилади²⁰.

¹² Уша асар, 62-бет.

¹³ Н. Саид ва А. Йўлдошев, Грамматика, II қисм, Наҳв, ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1936, 29—34-бетлар.

¹⁴ Уша асар, 30-бет.

¹⁵ Ҳ. Ғозиев, Ўзбек тили грамматикаси, II бўлим, Синтаксис, ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1941, 79—97-бетлар.

¹⁶ В. В. Решетов, Современный узбекский язык, ч. I, 1946, стр. 149.

¹⁷ В. В. Решетов, Современный узбекский язык, ч. I, 1946, стр. 149—150.

¹⁸ А. Ғулом, Ўзбек тилида аниқловчилар, Тошкент, 1941, 9, 46—48-бетлар.

¹⁹ А. Ғ. Ғуломов, Содда гап, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1955, 92—97-бетлар.

²⁰ Ф. Камолов, Қўшма гапларга доир масалалар, Тошкент, 1955, 22—26-бетлар.

УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ БАЪЗИ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилида гап бўлаklarининг уюшиб келиш ҳоллари ўзининг узоқ тарихига эга. Бу ҳодиса барча туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи учун ҳам муштарак бўлган турк-руник ёдгорликларида ҳам учрайди. Масалан: Удар сәнўн кәлтi; табъач қаъанта Ісјi Лiкән кәлтi, бір тўман абы, алтун, кўмўш кәргәксiз кәлўртi²¹.

Уюшиқ бўлаklarининг кўплаб қўлланганини XI асрда ва ундан сўнг яратилган асарларда ҳам учратамиз. Масалан:

*Чектилар шарбату таом аввал,
Иккисидин етушди ком аввал.
(Навой)*

*Ушбу йил шу ҳалиқ таомдин парҳез қила бошладим.
Пичоқ ва қошиқ ва дастурхонғача эҳтиёт қилур эдим
(„Бобирнома“).*

Демак, ҳозирги замон ўзбек тилида гап уюшиқ бўлаklarининг қўлланиши тасодифий ҳол бўлмай, балки тарихан шаклланиб келаётган ўзига хос синтактик ҳодисадир. Бу ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- 1) уюшиқ бўлак компонентлари ўзаро тенг алоқада бўлади;
- 2) улар гапда бир хил синтактик вазифани бажаради;
- 3) улар ўзи учун умумий ҳисобланган бўлак билан бир хил муносабатда бўлади;
- 4) тенг боғловчилар ёрдами билан боғланади ёки боғланиши мумкин;
- 5) санаш интонацияси орқали талаффуз қилинади;
- 6) одатда, бир хил сўз туркумларидан ифодаланади.

²¹ С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 33.

Уюшиқ бўлақлар бирор морфологик белгига эга бўлса: 1) бу белги уюшиқ бўлақларнинг энг охириги компонентига қўшилиб, ҳаммасига тааллуқли бўлади ёки, 2) грамматик белги ҳар бир уюшиқ бўлақка қўшилиб келади. М а с а л а н: *Ўрик, олма, шафтолларнинг кўркам гулдасталари, тоза руҳли, қувноқ табиатнинг мўл-кўл ейган гўзаллик сепи қуёшда турли ранг ва нур билан порлайди* (Ойбек). *Мактаб олдидаги чойхонада ҳангомалашиб ўтирган эдик. Гап ой ва планеталарга учиб тўғрисида кетди* („Қизил Ўзбекистон“).

Мисолларнинг ҳар иккаласида ҳам келишиқ қўшимчаси уюшиқ бўлақларнинг энг охириги компонентига қўшилиб келиб, олдинги компонентларга ҳам тааллуқли бўлмоқда. А. Н. Кононов бундай ҳодисани умумий морфологик белгини „қавс ташқарисига чиқариш“ деб юритади²². Ёқут тилида эса морфологик белгини гап уюшиқ бўлақларининг ҳар бири қабул қилади²³.

Агар уюшиқ бўлақларнинг ҳар бирига логик урғу тушса, шунингдек, уларнинг ҳар бирини таъкидлаш лозим топилса, у вақтда уюшиқ бўлақларнинг ҳар бири ўзбек тилида ҳам морфологик белги қабул қилади:

*Бу боғларда озод меҳнатнинг
Жаранглайди созланган сози,
Бу боғлардан юксалар кўкка
Тинч ҳаётнинг, бахтнинг овози.*
(Уйғун)

*Ҳамманинг оғзида, кўзида ўша икки оғиз машъум сўз
ваҳми эди* (М. Исмоилий). *Умрзоқ ота... энди унинг
арвоҳига фотиҳа ўқиб, Эъзозхонни, Тўлқинни, Учқун-
ни дуо қиладиган бўлиб қолди* (Ҳ. Фулом).

Уюшиқ бўлақларнинг ўзаро боғланиши тенг боғловчилар, юкламалар ва пауза, интонация ёрдами билан бўлади. Тенг боғловчилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлақлар, гап бўлақларининг ўзаро уюшиш муносабатларидаги айрим хусусиятларига кўра, интонация ёрдамида боғланган уюшиқ бўлақларга нисбатан озми-кўпми фарқ қилади: боғловчиларнинг қатнашуви уюшган бўлақларнинг ўзаро боғланиш воситаларини ва маъно муносабатларини очиқ, янада аниқроқ ифодалашни таъмин этади.

Уюшган бўлақларнинг ўзаро боғланишида ишлатиладиган боғловчилар қўлланиш усулларига кўра асосан уч хил:

²² А. Н. Кононов, Грамматика турецкого языка, М.—Л., 1941, стр. 204.

²³ Е. И. Убрятова, Исследования по синтаксису якутского языка, М.—Л., 1950, стр. 230.

1) якка қўлланувчилар: *ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, билан;*

2) такрор қўлланувчилар: *на... на, гоҳ... гоҳ, хоҳ...хоҳ, дам... дам, бир... бир, баъзан... баъзан,* шунингдек, *яна... яна* каби;

3) гоҳ якка, гоҳ такрор ҳолда қўлланувчилар: *ҳам, ё, ёки.* Булар такрорланиб келгани каби, ёлғиз ҳолда ҳам ишлатилади.

Якка қўлланувчи боғловчилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлақлар орасидаги пауза жуда қисқа, такрор қўлланувчилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлақлар орасидаги пауза эса узун ва таъкидли бўлади.

Ўзбек тилида гапнинг уюшиқ бўлақларини боғлаш учун тенг боғловчилар — бириктирувчи, зидловчи, айирувчи боғловчилар қўлланади. Бу боғловчилар ўз вазифаларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шулардан, хусусан, айирувчилар деб аталиб келинган боғловчиларнинг ҳаммасини, гапнинг уюшиқ бўлақларидаги вазифаларига кўра, фақат шу термин остидагина битта группага бирлаштириш унчалик мувофиқ кўрилмади. Чунки *ё, ёки, ёхуд* кабилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлақларнинг бири мантиқан тасдиқ, иккинчиси инокор маъносида бўлади. Масалан: *Карим ё ўқийди, ё ёзади* (ўқиса ёзмайди, ёзса ўқимайди). *Одил китобни ёки қаламни олади* (китобни олса, қаламни олмайди, қаламни олса, китобни олмайди).

Айирувчилар тўдасида *гоҳ... гоҳ, дам... дам, баъзан... баъзан* каби боғловчилар ишлатилганда, ҳамма уюшиқ бўлақлар мантиқан ё бўлишли, ё бўлишсиз маънода қўлланилади. Масалан: *У тагдўзи дўппи остида орқадан бирам чиройли кўринган ўртамиёна калласини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа буриб, тирқишдан синчиклаб қаради* (М. Исмоний).

Бу хил гапларда *гоҳ... гоҳ, дам... дам* каби такрорланувчи боғловчилар уюшиқ бўлақлар орасидаги галма-галлик ёки бирин-кетинлик сингари муносабатни кўрсатиб туради.

Демак, бир термин билан аталувчи бу икки тўда боғловчилар вазифаларига кўра ҳам, бир составдаги уюшган бўлақларда қўлланиш миқдори ва ўринларига кўра ҳам ўзларига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун олиб, улардан бир тўдасини айирувчилар группасидан „галма-галлик боғловчилари“ термини билан алоҳида ажратиш олинди.

Шундай қилиб, ўзбек тилида гапнинг уюшиқ бўлақларида қўлланиладиган боғловчилар вазифаларига кўра тўрт группага бўлинди: бириктирувчи, зидловчи, айирувчи, галма-галлик боғловчилари.

Баъзан уюшиқ бўлакларни бириктириш учун *-у, -ю* юкламалари қўлланади. Булар ёрдами билан ифодаланган уюшиқ бўлакларнинг муносабати ўзаро жуда зич боғланган бўлади. Улар ўзаро боғланган уюшиқ бўлакларнинг биринчисига қўшилиб айтилади, сўнгра жуда қисқа пауза ҳосил қилинади. М а с а л а н: *Қўл ҳамма нарсага тез ўрганадиган ёшлик чоғларида у мактаб билан нахтага чиқиб, бир колхозчи қиздан икки қўллаб тезу тоза теришни ўргатиб қайтганди* (П. Қ о д и р о в). *Бағдоду Истамбулда, Кобилу Техронда кўрган-кечирганларини дам қулиб, дам гиёсиниб ҳикоя қиларди* („Қизил Ўзбекистон“)

Шунингдек, *-у, -ю* юкламалари зидловчи боғловчилар функциясида ҳам келади. Бундай ҳолда биринчи бўлак талаффузиданоқ иккинчи бўлакда зид маъно ифодаланиши биллиниб туради. Ана шундай хусусиятлари билан улар икки булакнинг ўзаро боғланишига ёрдам беради. М а с а л а н: *Ёфим Данилович худди гапирадиган бир қиёфада туриб халққа қарадию, гапирмади* (А с қ а д М у х т о р).

Уюшиқ бўлаklar одатда бир хил сўз туркумидан бўлади. М а с а л а н: *Замиранинг баланд, аммо майин овози бор эди* (П. Қ о д и р о в).

Бу гапда уюшиқ аниқловчилар (*баланд, майин*) бир хил сўз туркуми — сифат орқали ифодаланган.

Баъзан уюшиқ бўлаklar турли сўз туркумлари билан ифодаланади. Бундай ҳолда улар кўпинча мазмунан яқин гуруҳидаги сўзлардан бўлади. М а с а л а н: *Уйда Наимий... на ҳассани, на узини қайёққа қўйишини билмай ўтирарди* (А с қ а д М у х т о р). Бу гапда тўлдирувчилар турли сўз туркумлари: от (*ҳассани*) ва олмош (*ўзини*) билан ифодаланган бўлсаларда, уюшган ҳисобланади. Чунки уюшиш учун сўзнинг қайси сўз туркумига мансублиги эмас, балки унинг бир хил лексик-семантик гуруҳга кириши ва гапда бир хил синтактик функцияда бир хил бўлакка боғланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга²⁴.

Бир гапда уюшиқ бўлаklar бир ёки бир неча тўда ҳолида уюшадилар — таркиб топадилар. Ҳар бир тўдадаги уюшиқ бўлаklarнинг компонентлари изоҳловчи бўлаklarсиз, яъни йиғиқ ёки тобе бўлаklar билан бирга, ёйиқ ҳолда бўлиши мумкин. М а с а л а н: *Гавҳар бу гапларни у кунги баҳсдагидай шўх овоз билан эмас, бугунги билганларига хулоса қилиб, секин ва юракдан гапирарди* (П. Қ о д и р о в). — *Сиз Хумсондаги отангизни ҳам, Тошкентдаги*

²⁴ А. А. Реформатский, Введение в языковедение, М., 1960, стр. 283.

онангизни ҳам ташлаб, Ботиралини деб, бизни деб, шу ерга кўчиб келгансиз (Ҳ. Фулом). Олов, шунингдек, йиртқич ҳайвонлар билан курашишда, улар устидан ғалаба қозонишда ҳам ибтидоий одамнинг энг яқин кўмакчиси сан лган („Фан ва турмуш“).

Бундан ташқари, ҳозирги замон ўзбек тилида гапнинг уюшиқ бўлаклари ёзувчиларнинг асарларида ва ораторларнинг нутқида стилистик восита сифатида жуда кенг қўлланмоқда. Чунки улар фикрни аниқ, тўлиқ, образли ифодалайди, шунингдек, нутққа ифодалилик, эмоционаллик ва кўтаринкилик бериш учун хизмат қилади.

УЮШИҚ БОШ БЎЛАКЛАР

УЮШИҚ ЭГАЛАР

Эгалар уюшмаган (якка) ҳолда келиши билан бирга, уюшиб келиши ҳам мумкин. Уюшган эгалар грамматик жиҳатдан ўзаро тенг бўлади. Уларнинг бири иккинчисига эргашмайди, бирини аниқлаш учун иккинчисига савол бериш ҳам мумкин эмас.

Уюшган эгалар грамматик томондан ўзаро тенг бўлиб, бошқа бўлақларни — аниқловчи ва кесимни эргаштиради. Аниқловчи уюшиб келган эгаларнинг ҳаммасига барабар эргашishi ёки уларнинг маълум бир аъзосигагина эргашиб, бошқа аъзоларига эргашмаслиги мумкин. Лекин кесим уюшиб келган эгаларнинг ҳаммасига барабар эргашади. **Масалан: Ўзининг кечмиш болалиги, қишлоғи, ўртоқлари ёдига тушади** (Ойбек). Бу гапда учта эга уюшиб келган бўлиб, уларнинг ҳаммаси „ўзининг“ аниқловчисини ва „ёдига тушади“ кесимини эргаштиради. Лекин „кечмиш“ аниқловчисини уларнинг ҳаммаси барабар эргаштирмайди, уни фақат „болалиги“ эгасигагина эргаштиради.

Уюшиб келган эгалар, уюшмаган аниқловчи ва кесимлардан ташқари, уюшган аниқловчи ва кесимларни ҳам эргаштириб кела олади. **Мисоллар: Бир-биридан қизиқ, бир-биридан рангдор латифалар, ҳикоялар ёғилди** (Ойбек). **Фарғонада қурилажак каналлар, сув омборлари, гидростанциялар ва чўлларда яшнайдиган ўрмонлар, боғлар чолни қувонтирди, тўлқинлатди** (Ойбек). **Тун салқинидан кўнишиб ётган майсалар, илк баҳор чечаклари уйғонди, яшнади** (Ш. Рашидов).

Уюшиқ эгаларнинг кесимлари ҳар беш даражадаги феъл билан ҳам ифодаланаверади. Уюшиқ эгаларнинг кесимлари мажхул даражадаги феъл билан ифодаланса, уюшиқ эгалар объектни, бошқа даражадаги феъллар билан ифодаланса, логик субъектни кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, ую-

ниқ эгалар актив конструкцияли гапларда логик субъектларни²⁵, пассив конструкцияли гапларда логик объектларни ифодалайди.

Мисоллар: 1. *Олимжон билан Бекбўта ўз бригадаларига кетдилар* (Ш. Рашидов). *Музыкалар инграшдан, болалар куйлашдан, саф-саф одамлар юришдан тўхтади* (П. Турсун).

2. *Хуросоннинг энг узоқ бурчакларидан салом ва табриклар ёғдирилди* (Ойбек). *Бу жойда илгари отга тақа, араваги миҳ қоқиларди* (И. Раҳим).

Уюшиқ эгалар, асосан, бир хил сўз билан—от ёки отлашган сўзлар билан ифодаланлади. Баъзан эгалар от ва олмош каби турли туркумдаги сўзлар билан ифодаланган ҳолда уюшиб келиши ҳам мумкин: ... *сопол идиш-товоқ, бир томонда турли рангдаги кўрпа-тўшак, яна алланималар уйиб қўйилган эди* (А. Қаҳҳор).

Уюшиб келган эгалар: бир хил сўроққа жавоб бўлади. Баъзи ҳолларда улар турлича сўроқларга жавоб бўлиб келиши ҳам мумкин. Мисоллар:

1. *Манманлик, шухратпарастлик кўп ёмон касал бўлди* (А. Қаҳҳор). 2. *Бу пахта майдони ва унинг атрофи Кўкорол деб юритилар эди* (Х. Назир). 3. *Катта-катта иморатлар, турли тоифа одамлар, уларнинг ғалати кийинишлари уни ҳайратга солар, ҳайратидан анграйиб қолар эди* (П. Турсун). 4. *Ариқларда қий-чув билан чўмилиб, қизгин тупроққи ағнаган қора-қура болалар, ўрикзорларда ўрик қоққан қизлар, ҳавода зарғалдоқнинг „биёв-биёв“и ва тракторнинг гулдирови, девор орқасида тандирда пишаётган ноннинг ҳиди, олисларда чайлалардан, дала шийпонларидан кўтарилаётган тутун кўмалари, боғларда меваларни қушлардан қўриқловчиларнинг шовқини — ҳамма нарса унга тинч ҳаётни ва эркин меҳнат нашъасини гавдалантирар эди* (Ойбек).

Келтирилган мисолларнинг биринчисидаги эгалар „нима?“ иккинчисидаги эгалар „қаерлар?“ сўроқларига жавоб бўлиб келса, учинчи мисолдаги „одамлар“ эгаси „кимлар?“ сўроғига, „иморатлар“ ва „кийимлари“ эгалари эса „нималар?“ сўроғига жавоб бўлади. Туртинчи мисолдаги „болалар“, „қизлар“ эгалари ҳам худди учинчи мисолдагидек „кимлар?“ сўроғига, бу гапдаги бошқа эгалар эса „нима?“ сўроғига, жавоб бўлиб келади.

Уюшиб келган эгаларнинг грамматик формасига қараб сўроқлар шаклининг ўзгариши (эгаллик ва кўплик қўшимча-

²⁵ Бу ўринда «субъект» кенг маънода қўлланиб, жонли ва жонсиз предмет тушунчаларини ҳам ўз ичига олади.

ларини қабул қилиши) ҳам мумкин. Бу эса турк тилларининг, жумладан, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятидир. **Мисоллар:** *У жанобнинг фикрлари, завқлари, илтифотлари — тилимизнинг ғалабасидир* (Ойбек). ... *оёқларим, тиззаларим бир оз шилинибди* (Ойбек).

Уюшиб келган эгалар тузилиш томондан биргина сўздан ёки сўзлар бирикмасидан иборат бўлади:

1. Уюшиб келган эгаларнинг ҳар бири биргина сўздан иборат бўлади: *Айниқса Норбуви билан Қўлдош қишлоқни яхши билади* (Ҳ. Шамс). *Партия ва ҳукумати-миз ...Сорахоннинг хизматига юксак баҳо берди* (Ҳ. Гулом).

2. Уюшиб келган эгаларнинг баъзилари (баъзи аъзолари) биргина сўздан, баъзилари эса сўзлар бирикмасидан иборат бўлади: *Коммунист одамнинг хато қилиши ёмон, аммо хатони бўйнига олмаслик, ўжарлик ундан ҳам ёмон* (Уйғун). *Шохлатиш, озиқ бериш мумкин* (А. Қаҳҳор).

3. Уюшиқ эгаларнинг ҳаммаси сўзлар бирикмасидан иборат бўлади: *Киши ўз-ўзига талабчан бўлса, майда гап, ... ўзига бино қўйиш, юракда кек сақлаш ҳам йўқолади* (Ш. Рашидов). *Ўз кучига ишонган халқ, уюшган халқ, озод меҳнат қилган халқ ҳақиқатан ҳам ҳар ишни бажаришига қодир* (Ш. Рашидов). *Қаерга боришим, нима қилишим номаълум* (П. Турсун).

Такрорланган эгалар уюшиқ эга ҳисобланмайди: *Мен мен секретарь* (А. Қаҳҳор). Такрорланган эгаларнинг бир элементи такрорланган бирикмади уюшиқ эгалардан фарқ қилиши лозим. Масалан: *Ўз-ўзини танқид ва қуйидан бўладиган танқид ҳар тарафлама қўллаб-қувватлансин* (“Қизил Ўзбекистон”).

Уюшиқ эгаларнинг кесимлари баъзан тушиб қолади, грамматик томондан ифодаланмайди. Лекин улар гапнинг умумий мазмунидан англашилиб туради. Масалан: *Ўртада супа ва ҳовуз* (Ойбек). *Стол устида янги газета, журналлар* (Ш. Рашидов).

Уюшиқлик, дастлаб, икки бўлакдан ҳосил бўлади. Ҳаракат ё ҳолатнинг бажарилишида субъектнинг иштироки, предметнинг белгиси, ҳаракат ё ҳолат объектининг миқдори кабиларга қараб уюшиқ бўлак аъзолари кўпая боради.

Текшириш натижасида маълум бўлишича, уюшиқ эгаларнинг икки аъзولي тури кўп қўлланади. Уч аъзولي тури икки аъзولي турига қараганда, тўрт аъзولي тури уч аъзولي турига қараганда, беш аъзولي тури тўрт аъзولي турига қараганда кам қўлланади. Уларнинг кўп аъзولي турлари эса янада камроқ учрайди. Масалан, Шароф Рашидовнинг „Ғо-

либлар“ повестида уюшиқ эгалли 114 та содда гап бўлиб, шу гапларнинг 77 тасидаги уюшиқ эгалар икки аъзоли, 17 тасидаги уюшиқ эгалар уч аъзоли, 14 тасидаги уюшиқ эгалар тўрт аъзоли, 5 тасидаги уюшиқ эгалар 5 аъзоли, биттасидаги уюшиқ эгалар эса олти аъзолидир. Асқад Мухторнинг „Дарёлар туташган жойда“ повестида уюшиқ эгалли 65 та содда гап мавжуд. Уларнинг 35 тасидаги уюшиқ эгалар икки аъзоли, 16 тасидаги уюшиқ эгалар уч аъзоли, 6 тасидаги уюшиқ эгалар тўрт аъзоли, 4 тасидаги уюшиқ эгалар беш аъзоли, иккитасидаги уюшиқ эгалар олти аъзоли биттасидаги уюшиқ эгалар эса етти аъзолидир. Шундай қилиб, икки аъзоли уюшиқ эгалар унумли ҳисобланади.

Уюшиқ эгалар, уюшмаган эгалар каби аввало атоқли ҳамда турдош отлар билан ифодаланади. Уюшиқ эгалар турдош отнинг жонли ёки жонсиз предметларни билдирувчи турлари билан айрим-айрим ифодаланиб келади. Баъзан эса улар турдош отларнинг жонли ҳамда жонсиз предметларни кўрсатувчи турлари билан аралаш ҳолда ифодаланади. Жонли ва жонсиз предмет тушунчаларини кўрсатувчи турдош отлар билан ифодаланиб келган эгалар бир хил уюшиқ бўлак заңжирини ташкил қилади.

Уюшиқ эгалар оддан бошқа сўз туркумлари билан ҳам ифодаланиб келади. Уюшиқ эгалар олмошлар билан, кўпинча кишилик олмошлари билан ифодаланади, шунингдек, баъзи ҳолларда эгаллик ва кўрсатиш олмошлари билан ҳам ифодаланиб келади. Лекин сўроқ, белгилаш, биргалик, бўлиш-сизлик каби олмошлар билан деярли ифодаланмайди.

Уюшиқ эгалар ҳар икки сон ва ҳар уч шахсдаги кишилик олмошлари билан ифодаланади, лекин бирлик ва кўпликни кўрсатувчи бир шахсдаги кишилик олмошлари билан ифодаланмайди. Уюшиқ эга вазифасида келган кишилик олмошлари эгаллик қўшимчаларини қабул қилмайди. Кишилик олмошлари орқали ифодаланган уюшиқ эгалар, кўпинча икки аъзоли бўлади. Уч аъзоли олмош-уюшиқ эгалар жуда сийрак учрайди. Тўрт ва ундан ортиқ аъзоли олмош (кишилик олмоши)-уюшиқ эгалар эса учрамайди.

Уюшиқ эгалар от ва олмош орқали ифодаланиши билан бирга, отлашган сифат, сифатдош, сон, феъл билан ҳам ифодаланади. Отлашган сўзлар, худди от каби, келишик, эгаллик ва кўплик қўшимчаларини қабул қилади ҳамда отнинг сўроқларига жавоб бўлади. Уюшиқ эгаларнинг отлашган сўзлар билан ифодаланиши қуйидагича:

1. Уюшиқ эгалар отлашган сифатлар билан ифодаланади. Бунда оддий даражадаги аслий ва нисбий сифатлар отлашиб, эга вазифасида келади. М а с а л а н :

Кичигу катта, хурд ила реза
Қилдилар бир-бирига истеҳзо,
(М у қ и м и й)

Ҳар бир виждонсиз, ҳар бир ифлос, ҳар бир муттаҳам,
ҳар бир йиртқич унинг сатива қиличига дуч келди
(Г. Фулом).

2. Уюшиқ эгалар отлашган сифатдошлар билан ифодаланади. Бунда, кўпинча, ўтган замон сифатдошлари отлашиб, уюшиқ эга вазифасини бажариб келади. М а с а л а н: *Унда Ленин номли колхоз коммунистларининг халқни сувсизликка қарши курашга отлантиргани, қўшни колхозларнинг аҳиллик билан ишлагани, ғалаба қозонилгани, неча-неча юз гектар янги ерлар ўзлаштирилгани бадиий тасвир этилган* (Ш. Рашидов).

3. Уюшиқ эгалар отлашган сонлар билан ифодаланади. Бунда, кўпинча, саноқ ва тартиб сонлар отлашиб, гапда уюшиқ эга вазифасини бажарадилар: *Миясида чувалган калавадай алланималар аралаш-қуралаш бўлиб, гоҳ бири, гоҳ иккинчиси устун келар, сўнгра саҳифага тушиш олойдан яна тутқич бермай йўқоларди* (Х. Назир). ...*биринчи ва иккинчи ваздаларининг устидан чиқиб, кунлик нормаларини ошириб бажараётирлар* (Газетдан). Баъзан жамловчи сонлар ҳам уюшиқ эга вазифасида кела олади.

4. Уюшиқ эгалар отлашган феъллар билан ифодаланади. Уюшиқ эгаларнинг отлашган феъллар билан ифодаланиши отлашган сифат, сифатдош, сон каби сўзлар билан ифодаланишига қараганда кам учрайди. Кўпинча жуфт феъллар отлашиб, гапда уюшиқ эга вазифасида келади. Бундай уюшиқ эгалар, асосан, икки аъздан иборат бўлади. М а с а л а н: *Ферманинг олди-сотди, ўлди-туғилдилари ҳисобга олинди. Тинчликсевар мамлакатлар билан олди-берди, борди-келдимиз кун сайин кучаймоқда.*

Юқоридагилардан ташқари, маълум бир сўз туркумига кирувчи айрим сўзлар ҳам баъзан шартли ҳолда отлашиб, уюшиқ эга вазифасида қўлланади. М а с а л а н, „*ва*“, „*чунки*“, „*шунинг учун*“ лар ёрдамчи сўзлардир каби.

Уюшиқ эгалар от ва отлашган сўзлар билан аралаш ҳолда ифодаланиб келиши ҳам мумкин. М а с а л а н: *Далада асосан хотин-қизлар, ўспирин ва кексалар ишлайдилар* (Ш. Рашидов).

Шер қадамла янги ҳаёт тузади
Нур қўйнида ҳар комсомол, ҳар бир ёш.
(Х. Олимжон)

.... кўз олдида турли миллат йўқсилларининг бирлашган кучи ва бу кучнинг зулмат занжирларини парчалаб, олға бораётгани кўринади (П. Турсун).

Уюшиқ эгалар от ва отлашган сифат, сон каби сўзлар билан ифодаланганидек, ундов ва тақлид сўзлар билан ҳам ифодаланиб келади: **Дод-вой, оҳ-уф борган сари кучайди** (С. Айниёй). **Қаттиқ чувуллаш пасайиб, унинг ўрнини салқин шамол ғир-ғири, тўрғай, қалдирғочларнинг вижир-вижири эгаллади** (Ҳ. Назир).

Ҳозирги замон ўзбек тилида уюшиқ эгалар уч йўл билан ўзаро тенг боғланадилар:

1. Бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёрдами билан.

2. Бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ҳамда тенг боғловчилар ёрдами билан (аралаш йўл билан).

Уюшиқ эгалар бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёрдами билан ўзаро тенг боғланадилар. Масалан: **Супанинг икки ёнида бошланг Мансуров, қовоғи қизариб, синиқиб қолган Башорат, унинг ёнида нотаниш бир рус хотин, камондай олдинга эгилган новча Абдусамад қимир этмай, бошларини қуйи солиб туришибди.** (Асқад Мухтор).

Бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёрдами билан ўзаро боғланган уюшиқ эгаларнинг охириги аъзоси „шу кабилар“, „бошқалар“ сингари сўзлар билан деярли ифодаланмайди. Агар бу сўзлар уюшиқ эганинг охириги аъзоси сифатида келса, улардан олдин, кўпинча, боғловчи қўлланади. Масалан: **Ғижжак, танбур, чанг, уд, най, даф, ва ҳоказо янгради** (Ойбек). **Паҳлавон ва бошқалар Навоийнинг амир бўлиши ҳақидаги хабарни катта қувонч билан қаршиладилар** (Ойбек).

Кўп аъзоли уюшиқ эгалар баъзан интонация ва боғловчилар ёрдами билан аралаш ҳолда ўзаро тенг боғланади. Бундай вақтда уюшиқ эганинг мазмунан ўзаро мустаҳкам бириккан аъзолари боғловчилар ёрдами билан, мазмунан ўзаро мустаҳкам бирикмаган аъзолари эса интонация ёрдами билан боғланади.

Мисоллар: **Партия ва ҳукуматимиз, совет халқи Сорахонимнинг хизматига юксак баҳо берди** (Ҳ. Ғулом). **Дилдор, Хумор ва Асалхон соқийлик қилишди** (Ойбек).

Бириктирувчи боғловчилар икки аъзоли уюшиқ эгаларни ҳамда кўп аъзоли уюшиқ эгаларнинг охириги икки аъзосини ўзаро бириктириб боғлайди. Бундай вақтда уюшиқ эга аъзолари сонини орттириш, санашни давом эттириш мумкин эмас. Уюшиқ эгалар (уюшиқ эга аъзолари) орасида қўлланган бириктирувчи боғловчи санашнинг тугалланганлигини

кўрсатади. Шу сабабли бу хил уюшиқ эгаларни (уюшиқ эгаларнинг иккита-иккита боғланиб келиши бундан мустасно-лар) шартли равишда юмуқ ёки ёпиқ уюшиқ эгалар деймиз.

Мисоллар: *Мни ғалаба ва халқимизнинг бахти юпатади* (У й ғ у н). *Одамлар, машина ва мотоцикллар у ёқдан бу ёққа ўтгани-ўтган* (А с қ а д М у х т о р).

Батъан тенг боғловчилар (бириктирувчи боғловчилар) куи аъзоли уюшиқ эгаларнинг олдинги аъзоларини ўзаро бириктириб боғлайди. Уюшиқ эганинг кейинги аъзолари эса интонация ёрдами билан бирикади. Бу хил уюшиқ эга аъзоларининг ўзаро муносабати у қадар бирикиб етмаган бўлади; улар сонини кўпайтириш, санашни давом эттириш мумкин. Шунинг учун бундай уюшиқ эгаларни юмуқ бўлмаган ёки очик уюшиқ эгалар деймиз.

Мисоллар: *Унинг орқасидан Бобоали ва бир неча сарой мулозимлари, мансабдорлар йўлга тушдилар. Нойтахтнинг бир кўп шуаро ва фўзалоси, акобирлари ҳозир бўлдилар* (О й б е к)

Уюшиқ эга аъзолари бириктирувчи ва айирувчи боғловчилар билан ўзаро боғланади. Зидловчилар уюшиқ эгаларни бириктириш учун қўлланмайди, улар кўпинча уюшиқ кесимларда қўлланади.

Бирктирувчи боғловчилардан „ва“ уюшиқ эгаларда, шунингдек, уюшиқ кесимларда ҳам якка ҳолда қўлланади, такрорланган ҳолда эса деярли қўлланмайди. Бу боғловчи икки аъзоли уюшиқ эгаларни ҳамма кўп аъзоли уюшиқ эгаларнинг кўпинча охириги икки аъзосини бириктириб боғлайди ва уюшиқ эга аъзоларининг ҳаммаси тўла айтилганлигини, уларнинг тугалланганлигини кўрсатади.

Мисоллар: *Партия ва ҳукуматимиз халқ бахти учун ишлайди, отажон* (Ш. Рашидов). *Нима учун бизнинг ерларда ҳам цитрус экинлари, хурмо, лимон, мандарин ва апельсинлар ўстирилмайди?* (И б р о ҳ и м Р а ҳ и м).

Уюшиқ эгалар жуфт-жуфт бўлиб келса, „ва“ боғловчиси шу жуфтлар орасида қўлланади ва жуфт бўлақларни бириктириб боғлайди. Бир жуфт билан иккинчи жуфт эса интонация ёрдами билан бирикади. **Масалан:** *Эрк ва муҳаббат, Ватан ва халқ, дўстлик ва садоқат, жанг ва меҳнат, шодлик ва бахт, жасорат ва ғалаба, ўтмиш ва келажак, ёшлик ва баҳор, табиат ва ҳаёт* — ҳаммаси ҳам унинг ижодида ўзининг ифодасини топа билди (У й ғ у н). *Кетмон ва чўкичлар, болға ва мисронлар тўхтовсиз зарб билан тош ва ш ғалларни, тунроқ ва балчиқларни кўпоради* (Ш. Рашидов).

„*Ҳам*“ ёрдамчиси уюшиқ эгаларда қўлланиши жиҳатдан „*ва*“ ёрдамчисига бир қадар ўхшайди. Масалан, уюшиқ эга кўп аъзоли бўлса, „*ҳам*“ унинг охириг икки аъзоси орасида қўлланади, уюшиқ эгалар жуфт ҳолда бўлса, шу жуфтлар орасида келади.

„*Билан*“ ёрдамчиси аслида кўмакчи бўлиб, ўрни билан (уюшиқ бўлакларда) боғловчи вазифасида келади ва биргалик маъносини англатади. Бу боғловчи уюшиқ эгаларда қўлланади, лекин уюшиқ кесимларда қўлланмайди. У вазифаси жиҳатидан „*ва*“, „*ҳам*“, „*ҳамда*“ боғловчиларига тенг бўлиб, икки аъзоли уюшиқ эгаларни ўзаро тенг боғлайди, аммо кўп аъзоли уюшиқ эгаларнинг охириг икки бўлагини боғлашга хизмат қилмайди ҳамда шу хусусияти билан „*ва*“ боғловчисидан фарқланади. Уюшиқ эгалар жуфт-жуфт бўлиб келса, „*билан*“ боғловчиси худди „*ва*“ боғловчисидек, ана шу жуфт бўлакларни ўзаро бириктиради. Масалан:

*Зайнаб билан хушчақчақ Ҳури,
Адол билан яллани Нури,
Асап билан ўйинчи Сора,
Сурма билан қувноқ Рухсора,
Сарви билан дуторчи Гулнор,
Қундуз билан Сўқсур ва Анор
Бирга-бирга қайтади хандон,
Бирга чақчақ қилади чандон.*
(Ҳ. Олимжон)

Баъзи ҳолларда жуфт эгаларнинг бири „*ва*“, иккинчиси „*билан*“ боғловчилари ёрдамида бирикиб келиши ҳам мумкин. Масалан: *Эрта саҳардан бери иш бошида юрган Ойқиз ва Олимжон, айниқса Сувонқул билан Бекбўта устига кўк пивз сепилган ошни зўр иштаҳа билан едилар* (Ш. Рашидов).

Уюшиқ эгалар „*на... на*“ боғловчиси билан ҳам ўзаро бирикиб келади. Бу боғловчи уюшиқ эгаларда, шунингдек, бошқа уюшиқ бўлакларда ҳам фақат такрорланган ҳолда қўлланади ва инкор маъносини ифода этади. „*На... на*“ боғловчиси билан бириккан уюшиқ эгаларнинг кесими кўпинча бўлишли формада бўлади. Уюшиқ эгаларнинг ҳамда кесимда ифодаланган ҳаракатнинг инкор этилиши, бўлмаслиги кесимнинг грамматик формасидан эмас, балки боғловчидан англанади. „*На... на*“ боғловчиси уюшиқ эгаларнинг олдидан келади, улардан кейин қўлланмайди. Масалан:... *уларда на мақсад, на эҳтирос, на ҳаёт бор* (Асқад Мухтор). *Кўнгилларида на дард бор, на ишқ* (П. Турсун).

Уюшиқ эгалар бириктирувчи боғловчилар ўрнида келган „*-ю*“, „*-у*“ каби юкламалар билан ҳам ўзаро боғланади. Бун-

ли вақтда уюшиқ эгалардан таъкид ва кучайтириш маъно-лари аниқлашिलाди.

М а с а л а н : *Мену Бону булбулдурмиз, ҳис ори* (Н а с о л л а й). *Чолу кампир келишди* каби.

Уюшиқ эгалар айирувчи боғловчилар билан ҳам ўзаро боғланиб келади. Айирувчи боғловчилар бири маълум белгига (кесим ифода этган белгига) эга бўлган, бошқаси эса шу белгига эга бўлмаган ёки кесим ифода этган белгига галма-гала эга буладиган уюшиқ эгаларни бириктириб боғлайди. Уюшиқ эгаларда айирувчи боғловчилардан „ё“, „ёки“, „ёхуд“ яқка, ё такрор ҳолда қўлланади, „дам... дам“, „гоҳ... гоҳ“ каби боғловчилар эса фақат такрор ҳолда қўлланади.

М а с о л л а р : *Умрзоқ тоға ё Зеби хола Қудрат билан боришиб*, Коляни кўриб келишади (Ҳ. Назир). *Ё Умрзоқ тоға, ё Зеби хола Қудрат билан боришиб*, Коляни кўриб келишади. *Ҳозир бизда ҳар бир рационализатор ёки ихтирочи ўз мясига келган таклифни кутаради* (А. М у х т о р). *Дам Раъно ўқийди, дам Шухрат. Бир Раъно ўқийди, бир Шухрат. Юзларига гоҳ дуқ, гоҳ ғазаб, гоҳ ялинчоқлик ёйилади* (О й б е к).

Воқеа-ҳодисани бўрттириб, кучайтириб кўрсатиш мақса-дида баъзан уюшиқ эгаларда кўш боғловчилар ҳам ишла-тилади. М а с а л а н : *Унинг келганини на Сидиқжон пай-қиди ва на Қурбон ота* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бунинг касбин на одам ва на шайтон қилади* (Ҳ. Ҳ а к и м з о д а).

Уюшиқ эгалар ҳозирги замон ўзбек тилида ё аниқлов-чиларсиз, ё аниқловчилар билан кенгайган ҳолда қўлланади. Аниқловчиларсиз келган уюшиқ эгалар йиғиқ, аниқловчилар билан келган уюшиқ эгалар ёйиқ уюшиқ эгалар дейилади. М а с о л л а р : *Қиш, баҳор, ёз ўтди*. (П. Турсул). *Унинг қаҳри ҳам, раҳми ҳам самимий* (О й б е к). *Устахона айвонидаги культиватор, пешланган кетмонлар ирқираб кетди* (И. Раҳим).

Бир уюшиқлик занжирини ташкил қилган эгаларнинг баъзиси йиғиқ, баъзиси ёйиқ ҳолда аралаш келиши ҳам мумкин. М а с а л а н : *Қоп-қоринги сойдан бир чақирим чамаси йўл босиш керак. Аммо чайла ҳам, юмшоқ пи-чан ҳам момикдай ёстиқ ҳам уни ўзига тортади* (Ш. Рашидов). *Тоғлар, адирлар, узоқ-яқиндаги дарахтлар қурум босгандай қоп-қора тус олди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Уюшиқ эгалар гапнинг икки бўлаги — аниқловчи ва кесим томонидан аниқланади. Кесим ҳукм чиқариш йўли билан уюшиқ эганинг белгисини кўрсатса, аниқловчи маълум бир белги-хусусиятни кўрсатиш йўли билан уюшиқ эганинг турғун белгисини кўрсатади.

Маълумки, аниқловчи қаратқичли аниқловчи ва сифатловчи деб иккига бўлинади. Уюшиқ эгалар ана шу ҳар иккала аниқловчи билан ҳам кела олади. М и с о л л а р: **Уларнинг одатлари ҳам, ўйинга бўлган интилишлари ҳам бир-бирига асло ўхшамас эди** (Ш. Рашидов). **...жингалак сочлари ва бўйнидаги чўғдай галстуги шамолда ҳилпилламоқда эди** (Ҳ. Назир).

Аниқловчи уюшиқ эгаларга нисбатан умумий ва хусусий бўлиши мумкин. Умумий аниқловчи уюшиқ эга аъзоларининг ҳаммасида мавжуд бўлган бир хил белгини кўрсатади, яъни уюшиқлик занжирини ташкил қилган эгаларнинг ҳаммасини бирдек аниқлайди. Хусусий аниқловчи эса уюшиқ эга аъзоларининг ҳаммасини бирдек аниқламайди, балки улардан биричинггина белгисини кўрсатади. Бу белги уюшиқлик занжирини ташкил қилган эгаларнинг бошқаларида мавжуд бўлмайди.

Одатда, аниқловчи аниқланмишдан олдин келади. Худди шунингдек, умумий аниқловчи ҳам уюшиқ эгалардан олдин келади. Лекин уюшиқ эгалардан олдин келган ҳар бир аниқловчи ҳам умумий аниқловчи бўла бермайди. Баъзан аниқловчи уюшиқ эгалардан олдин келиб; фақат биринчи эганинггина белгисини кўрсатади; бошқа эгаларнинг белгисини эса кўрсатмайди, уларни аниқламайди. Бу эса гапнинг умумий мазмунидан, ўша предметнинг ўз хусусиятидан англашилиб туради. Масалан: **Дала ҳавоси, қимиз, кўкаламзор — дардимга нақ даво** (Ойбек). **Бурчак-бурчакда рангдор тошлар, суяклар, яна алланималар чочилиб ётарди** (Ҳ. Назир).

Ёйиқ уюшиқ эгалар умумий ва хусусий аниқловчилар билан келишига кўра тубандагича бўлади:

1. Умумий қаратқичли аниқловчиси бўлган ёйиқ уюшиқ эгалар: ... **менинг олтинларим, марварид-маржонларим, атлас-шоҳиларим йўқ** (Ҳ. Ҳакимзода). **Бошқа печларнинг сталевар ва подручийлари қараб турарди** (А. Мухтор). **Унинг муҳаббати, андишаси, нафрати, назокати гул этиб юзига уради** (Ҳ. Фулом).

2. Хусусий қаратқичли аниқловчиси бўлган ёйиқ уюшиқ эгалар: ... **Кўчалардан одамларнинг ғовур-ғувури, автомашиналарнинг гувуллаши эшитилиб турарди** (Ш. Рашидов). **Паст девор орқасидан жўжаларнинг чийиллаши, товуқларнинг қурқираши эшитилди** (И. Раҳим).

3. Умумий сифатловчили аниқловчиси бўлган ёйиқ уюшиқ эгалар: **Катта қишлоқнинг ҳар жой-ҳар жойида бекор ётган эски бостирмалар, отхоналар, дўконлар**

рушди (Ш. Раҳим). ...*Витриналарга янги чиққан китоблар, журналлар қўйилган* (А. Мухтор).

Уюшиқ эгаларнинг умумий сифатловчили аниқловчилари фикрини таъсирлироқ баён қилиш учун такрорланган ҳолда ҳам қўлланади. Масалан: *Қутлуғ бўлсин янги меҳнат, чинги бойлик, янги турмуш, онг-билимнинг мусовати* (Ҳ. Ҳакимзода). *Соранинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳарикати кишиларга тетиклик, мардлик, қувонч бағишлади* (Ҳ. Гулом).

1. Хусусий сифатловчили аниқловчиси бўлган ёйиқ уюшиқ эгалар: *Кўчанинг икки томонида кўм-кўк тол ва қадди расо тераклар тизилган* (Ш. Рашидов). *Ихчам кийимлари, кифтларига тушиб турган иккита йўғон соч ўрими ўзига келишган эди* (Ҳ. Назир). *Бу уйнинг ўртасида катта юмалоқ стол, икки дераза ўртасида сариқ чарм тортилган диван бор* (А. Мухтор).

2. Умумий ва хусусий сифатловчили аниқловчиси бўлган ёйиқ уюшиқ эгалар: *Қишлоғимиздаги қадди расо тераклар, хушбичим тоللар кўм-кўк бўлиб турибди*.

3. Умумий қаратқичли, хусусий сифатловчили аниқловчиси бўлган ёйиқ уюшиқ эгалар: *Дарахтлар орасидан колхозчиларнинг бир тинда қурилган шинам уйлари, кичик-кичик боғчалари кўришиб туради* (Ш. Рашидов); *Унинг арслондай кўркам гавдаси, кенг пешонаси, чуқур самимият ифодаси билан тўла йирик, ҳушёр кўзлари, кир яктаги ичидан қавариб турган кенг кўкраги, бақувват қўллари... унга жуда ёқди* (Ойбек).

Шундай қилиб, уюшиқ эгалар аниқловчисиз ва умумий ҳамда хусусий аниқловчилар билан кенгайган ҳолда, ёйиқ ҳолда кела олади.

Умумий ва хусусий қаратқичли, умумий сифатловчили ва хусусий қаратқичли аниқловчиси бўлган ёйиқ уюшиқ эгалар учрамайди.

4. Таъкидлаш, ҳулосалаш мақсадида уюшиқ бўлақларда, жумладан, уюшиқ эгаларда умумлаштирувчи бўлақ қўлланади. Умумлаштирувчи бўлақ саналувчиларни — уюшиқ эгаларни жамлаб, умумлаштириб кўрсатади ва жинс тушунчасини ифода этади. Саналувчилар эса шу жинс составига кириб, уни ташкил қилиб, тур тушунчасини кўрсатади. Умумлаштирувчи бўлақ уюшиқ эгалардан олдин ҳам, кейин ҳам келади. Умумлаштирувчи бўлақ қаерда бўлмасин, у уюшиқ эгадан кескин пауза билан ажралади. Умумлаштирувчи бўлақлар уюшиқ эга аъзоларининг ҳаммасини ёки уларнинг баъзиларини умумлаштириб келади. Масалан: 1) *Балиқлар ҳаёти, тузилиши, кўпайиши — ҳаммаси Қуд-*

ратнинг китобида бор (Ҳ. Назир). 2) Унинг кўз олдида инженер бўлиб етишган талавар Кравченко, Шералиевлар, ҳаммани ижодга, янгиликларга рағбатлантирувчи меҳрибон кексалар; профессор Назаров ва обермастер ва ҳатто қайсар Нуриддинов ҳам уни қувонтиради (А. Мухтор).

Уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бўлаклари, кўпинча, от билан ифодаланади. Шу билан бирга, олмош, сон каби сўзлар билан ҳам баъзан ифодаланиб келиши мумкин.

Уюшиқ эгаларда асосан турдош отлар умумлаштирувчи бўлак вазифасида келади. Атоқли отлар эса бундай хусусиятга эга эмас. Атоқли отлар бир жинсга кирувчи кўп предметнинг умумий номини ифода этмайди, балки ёлғиз предмет номларинигина ифода этади. Шунинг учун ҳам улар умумлаштирувчи бўлак вазифасида кела олмайди. Умумлаштирувчи бўлак вазифасида келган турдош отлар, кўпинча, кўплик формада келади. Мисоллар: *Холмуроднинг дўстлари: Эргаш, Жўра ва Омонтой* ҳам биринкетинг отпускadan қайтишди (П. Турсун). *Катта қишлоқнинг эртанишар қовунлари — амири, кўкча, оқуруғлари* қадим замонлардан бери машҳур (И. Раҳим).

От билан ифодаланган умумлаштирувчи бўлаklar „каби“, „сингари“ дек ўхшатиш маъносини англатувчи сўзлар билан ҳам келади. Бу сўзлар умумлаштирувчи бўлаklarдан олдин қўлланади²⁶.

Масалан: *Ўзбек адабиётида Муқимийга қадар Алишер Навоий, Бобир, Лутфий, Саккокий каби машҳур шоирлар етишган.*

Умумлаштирувчи бўлаklar кўпинча белгилан олмошлари билан ифодаланади. Баъзи ҳоллардагина кишилик, бўлишсизлик каби олмошлар билан ифодаланиб келиши мумкин. Олмошлар билан ифода қилинган умумлаштирувчи бўлаklar жинс маъносига эга бўлмасдан, фақат уюшиқ бўлаklarни таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилади.

Мисоллар: *Шўрванинг эти, мойи, суви — бари сизники бўлди-ку* (Ойбек). *Мана улар: деҳқонлар, коранда-чоракорлар, қароллар, шаҳар косиблари, ишчилар, зулм оловида суюқларига қлдар ёнган бечоралар ва уларнинг оилалари, оталари* (Ойбек). *Унга на йўловчи, на самоварчи — ҳеч ким эътибор қилмади* (Асқад Мухтор).

²⁶ Проф. А. Н. Кононов ҳам «каби», «сингари» сўзлари билан келган отларни умумлаштирувчи бўлаklar жумласига киритади. Қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика узбекского языка, Ташкент. 1948. стр. 343.

Ююқорнида эслатганимиздек, уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бұлақлари сон билан ҳам ифодаланади. Бунда умумлаштирувчи бұлақлар, асосан, жамловчи сонлар билан ифодаланади, чуңончи: *Дехқонбой акам билан Ҳафиза опам икковлари кетадиган бұлишди!* (А. Қаҳқор). *Анорхон, Эргаш, Содиқ — уюви уч томонга — тракторчилар, универсалчилар ёнига жўнади* (И. Раҳим).

Уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бұлақлари тузилиши ақиқатдан биргина сўздан ёки сўзлар бирикмасидан иборат бўлади: 1) *...девор, тош, тупроқ, ёғоч — ҳаммаси оташдек қизиган* (И. Раҳим). 2) *Қавм-қариндошлар, ар жўралар, қўни-қўшиллар — бутун қишлоқ уйданунига юриб, бир-бирини табриклар эди* (А. Қаҳқор). *Ҳамма нарса — уйлар, деворлар, дарахтлар қоронғиликка жимгина чўкди* (Ойбек).

Уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бұлақлари ёлғиз ёки аниқловчилар билан кенгайган ҳолда келиши ҳам мумкин: 1) *Шу қадар завқ, шу қадар фикрлар, шу қадар шод хайллар — ҳаммаси сочилиб кетди* (А. Мухтор). *Кўчилар, уйлар — ҳамма ёқ ям яшил* (Ҳ. Назир). 2) *Бундан ташқари, боғнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар — нок, урик, беҳи, жийда ва ҳоказо аничагина* (Ойбек).

Фикрни янада кучлироқ, таъсирлироқ баён қилиш мақсадида уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бұлақлари олдида келиши бұлақларни келтириш ҳам мумкин: *Бундодан гўжа ош қайнатса бұлади. Ун қилиб атала-умоч, увра ош, муллас, ўттиз икки хил овқат пиширилса бұлади* (Ойбек).

Уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бұлақлари баъзан такрор ҳолда ҳам келади. Бундай вақтда пўтқининг таъсирчанлиги, таъкид маъноси кучаяди. Масалан: *Шу чоқ унинг хайлидан Анорхоннинг ёшлиги, ўқиган чоғлари, бирга ўйнаганлари, тарнов олдидаги учрашув, қирдаги сайҳат, эрталабки воқеа, Анорхоннинг машинада индамай кетиши — ҳамма ва ҳамма нарса кезиб ўтди* (И. Раҳим).

Баъзан бир содда гапда уюшиқ эга умумлаштирувчи бұлақлари иккита бўлиши ҳам мумкин, чуңончи: *... сўзанами тўртовимиз — қудам, Ҳафиза, Салтанат — ҳаммамиз тикдик* (А. Қаҳқор). *Пастда ҳамма нарса: ким қандай ўйнапти, кимнинг қандий камчилиги бор — ҳаммаси очик кўриниб туради* (И. Раҳим).

Уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бұлақлари уюшиб ҳам кела олади: *Оналаримиз, қизларимиз, она сингилларимиз: Жамилалар, Турсунойлар, Зухралар,*

Лайли ва Ширинлар ўтмишда ҳуқуқсиз бўлганликлари учун ҳам муродларига ета олмаганлар, бахтсиз мазлумалар бўлганлар (Ҳ. Фулом).

Гап бўлаклари ҳар тилнинг специфик хусусиятларига кўра гап ичида маълум бир тартибда жойлаштирилади. Масалан, ўзбек тилида икки составли содда ёйиқ гапнинг эгасини одатдаги муайян тартиб бўйича гап бошида, кесими гапнинг охирида келади. Тўлдирувчи ва ҳол гап ўртасида, яъни эгадан сўнг, кесимдан олдин жойлашади. Аниқловчилар эса аниқланмишдан олдин келади. Гап бўлаклари уюшиб келганда ҳам ана шу тартиб сақланади. Чунинчи, уюшиқ эгалар гап бошида, уюшиқ кесимлар гап охирида жойлашади; уюшиқ аниқловчилар аниқланмишларидан олдин, уюшиқ тўлдирувчи ва ҳоллар уюшиқ кесимлардан олдин келади.

Гап бўлаклари, жумладан, уюшиқ эгаларнинг ҳам тартиби ўзгариши мумкин. Инверсияга учраган уюшиқ эгалар одатда кесимдан сўнг, гап охирида келади. Уюшиқ эгалар, кўпинча, тантанали нутқ, ва чақириқларда инверсияга учрайди. Масалан: *Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг қуроли кучлари!* („Ўқитувчилар газетаси“). *Яшасин Коммунистик ва ишчи партияларнинг бузилмас ғоявий бирлиги ва қардошларча бирдамлиги!* („Ўқитувчилар газетаси“).

Уюшиқ эгаларнинг айримлари инверсияга учраши, айримлари учрамаслиги мумкин. Уларнинг инверсияга учрамаган аъзоси кесимдан олдин келади, яъни гапнинг кесими уюшиқ эга азолари ўртасида жойлаштирилади. Масалан: *Бир ҳовлида ёлғиз туриш ноқулай бўлмасмикан, деган адишани на Канизак хўлига келтирар эди, на Сидиқжон* (А. Қаҳҳор). *Сенда тажриба ҳам йўқ, уқув ҳам* (Ш. Рашидов). *Ит ҳам эркаланибди, сичқон ҳам* (Ўзбек халқ эртаклари).

Уюшиқ эга азоларининг бундай инверсияга учраши уюшиқ эганинг тўлиқсиз инверсияга учраши дейилади. Юқорида айтилганидек, уюшиқ эга азоларининг барчаси ўз ўрнини ўзгартириб, инверсияга учраса, бундай ҳол уюшиқ эганинг тўлиқ инверсияга учраши дейилади. Шундай қилиб, уюшиқ эгаларда икки хил инверсия — тўлиқ ва тўлиқсиз инверсия юз беради.

Гапнинг оддий бўлаклари каби, уюшиқ эга компонентлари ҳам гап ичида маълум тартибда жойлаштирилади. Лекин бу гап бўлаклари тартибидан анча фарқ қилади.

Уюшиқ эга азоларининг гап ичида ўринлаштирилиши асосан қуйидагича:

1. Ҳаракат субъектлари ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг бўлиб, уларнинг бирор хусусиятини ажратиб кўрсатиш таъсирини қилмаса, уюшиқ эгаларнинг жойлашиши эркин бўлади. *Настки классларда ўқиётган Лола билан Меҳри тўр иштиқ билан барга эргашди* (Ш. Рашидов). *Анорхон билан Тансиқ турли колхозларда юзларча эрлар билан бир орасида йўл қурмоқ билан банд эдилар* (Ойбек).

2. Ҳаракат субъектларининг иш даражасига, мансабига қараб жойланади: *Партия, Совет ҳукумати, қишлоқ камбағаллари сўянган тоғимиз эди* (Ойбек). *Комилжон, Анорхон, Эрназар ака, Умаралилар, бригадирлар, звено бошлиқлари ва бөрча колхозчилар пахтанинг тақдири ҳақида қайғурмоқдалар* (И. Раҳим). Биринчи гапда учта эга бўлиб, биринчиси „партия“, иккинчиси „Совет ҳукумати“, учинчиси „қишлоқ камбағаллари“ дир. Иккинчи гапда еттига эга бўлиб, биринчиси „Комилжон“ — колхоз раиси, иккинчиси „Анорхон“ — раис ўринбосари, учинчиси „Эрназар ака“ — тажрибали колхозчи, бригадир, тўртинчиси, „Умарали“ — колхозлар бирлашувчи, раисликдан бўшалиб қолган колхозчи — бригадир, бешинчиси „бошқа бригадирлар“, олтинчиси „звено бошлиқлари“, еттинчиси „колхозчилар“ дир.

Уюшиқ эгалар сиёсий адабиётларда, кўпинча мансабга қараб эмас, балки алфавит тартибида ўринлаштирилади. Масалан: *Зиёфатда совет томонидан А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев ҳозир бўлдилар* („Қизил Ўзбекистон“).

3. Ҳаракат субъектининг ўрнига қараб жойлаштирилади: *Столнинг бир томонида Иван Никитич, иккинчи томонида Ойқиз, ўртада Жўрабоев ниманидир гаплашиб ўтирадилар* (Ш. Рашидов). Бу гапда биринчи эга — *Иван Никитич* (район сув хўжалигининг бошлиғи), иккинчи эга — *Ойқиз* (қишлоқ Советининг раиси), учинчи эга — *Жўрабоев* (район партия комитетининг биринчи секретари) дир. Демак, бу гапдаги уюшиқ эгалар субъектнинг мансаби, иш даражасига қараб эмас, балки жойлашиш тартибига қараб таш ичида кетма-кет берилган.

4. Эгалар ҳаракатнинг бирин-кетинлигига қараб жойлаштирилади: *Ичкаридан институт директори, илмий ходимлар чиқишиб келишди* (И. Раҳим). Ёки: *Ичкаридан илмий ходимлар ва институт директори чиқиб келди*. Бу гапда иккита эга бўлиб, уларнинг бири — *институт директори*, иккинчиси — *илмий ходимлар* дир. Биринчи гапда ичкаридан биринчи бўлиб институт директори, ундан кейин илмий ходимларнинг чиқиб келиши, иккинчи гапда ходимлар олдин, улардан кейин институт директорининг чиқиб

келиши тасвирланган ва шунга мувофиқ эгалар жойлаштирилган.

Яна мисол: *8-палатага аввал Комилжон, кейин Эрназар ака ва Анорхонлар киришди* (И. Раҳим). *Машиналардан бирин-кетин Жўрабоев, Смирнов, Ойқиз, Олимжон ва Қодиров тушишди* (Ш. Рашидов).

5. Фикр қаратилган предметнинг сифатига қараб эгалар жойлаштирилади: Бунда қайси предметнинг сифати устун бўлса, ўша предметни ифодаловчи эга биринчи ўринга жойлаштирилади. Бошқа эгалар эса ундан кейин тартиб билан ўринлаштирилади: *„Красная Москва“, „Кремль“, „Сулико“...хотин-қизларнинг жони* (И. Раҳим). *Райком биноси олдида ҳали бирор ерининг сирикўчмаган янги „Победа“, унинг ёнида эса анча эскириб қолган „Эмка“ ҳам турибди* (Ш. Рашидов).

6. Уюшиқ эганинг „аллаким“, „алланима“, „кимдир“, „нимадир“, „бошқалар“ каби сўзлар билан ифодаланган аъзолари деярли ҳамма вақт охирида жойлаштирилади. Улар уюшиқ эганинг кейинги аъзолари ҳисобланади. Масалан: *Бу ерда Бўтабой, Зокир ота, Абдусамад қори ва яна кимлардир бир тўда бўлиб ўтиришар эди* (А. Қаҳҳор). *Қўзибой ҳам, бошқалар ҳам Қудратдан яна алланималарни сўрамоқчи бўлиб, оғиз очган эдилар* (Ҳ. Назир).

УЮШИҚ КЕСИМЛАР

Уюшиқ кесимлар грамматик томондан ўзаро тенг бўлиб, умумий эгага эргашадилар ва иккинчи даражали бўлақларни эргаштирадилар. Уюшиб келган кесимлар бир умумий эгадан ташқари бирдан ортиқ (уюшиқ) эгага ҳам эргашади ва, шу билан бирга, уюшиқ иккинчи даражали бўлақларни ўзига эргантириб ҳам келади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида уюшиқ кесимлар ифодаланиш материалларига кўра иккига бўлинади:

1. Фель-уюшиқ кесимлар.
2. От-уюшиқ кесимлар.

Фель-уюшиқ кесимлар. Уюшиқ кесимларнинг фель билан ифодаланиши бошқа сўзлар билан ифодаланишига қараганда анча унумлидир, чунки фельнинг асосий синтактик функцияси — кесим бўлиб келиш.

Фель билан ифодаланган уюшиқ кесимларда шахс-сон ва замон маъноси шу фельларнинг формасидан аниқланади. Уюшиқли занжирни ташкил қилган кесимларнинг ҳаммаси шахс-сон ва замон томондан, асосан, бир хил бўлади, яъни барчаси бир шахс-сон ва замонни кўрсатади. Масалан: *Горькийни кўрдим, докладини эшитдим, ўзи билан суҳ-*

оши ташди (Г. Гулом). *Қизим, нима деясан, менинг тургимда гапирайтибсанми?* (А. Қаҳҳор). *Болаларининини биринчи суюб эркалатинг, бошини силанг* (Асқад Муҳаммад). Келтирилган мисолларнинг биринчисида кесимлар биринчи, биринчи шахс, ўтган замон формасида; учинчиси эса кушлик, иккинчи шахс, буйруқ формасида келган.

Уюшиқ кесим аъзоларининг замон жиҳатдан бир хил бўлиши логикий ҳол эмас. Улар бир замонда бўлган ҳаракатларини ифодалани билан бирга, баъзан турли замонда бўлган ҳаракатларини ифодалаб ҳам кела олади. Мисоллар: *Фан билан қуролланган совет олимлари янги хужайралар ва хужайрасиз ҳаёт қонунини кашф этдилар, осмон жисмларининг ҳақиқий сирларини очмоқдалар, қурғоқчиликка оварҳам бермоқдалар, табиатни ўзгартирмоқдалар* (Ш. Раҳим). *Тўхта, тўхта, Иван Борисович, шайдай эриб кетаяпсан-ку, муздай сувга ювинмоқчисан, бундай қилсанг, бирор касалга йўлиқасан, болам* (Ш. Рашидов). *Бу гапни бир айтдингиз, яна қайтариб гапиринг!* (Ҳ. Ҳакимзода).

Юқоридаги гапларнинг биринчисида тўртта кесим бўлиб, уларнинг биринчиси ўтган замонни, қолган учтаси ҳозирги замонни; иккинчи гапда учта кесим бўлиб, булардан биринчиси ҳозирги замонни, иккинчиси ва учинчиси келаси замонни; учинчи гапда эса иккита кесим бўлиб, биринчиси ўтган замонни, иккинчиси келаси замонни кўрсатади.

Баъзан уюшиқ кесимлар турли замон формасида бир феъл билан ҳам ифодаланиб кела олади. Масалан: *Минглаб станциялар қурдик, қурамыз* („Хат“).

Агар бу кесимларнинг ҳар иккаласи ҳам бир замон, масалан, ўтган замон формасида келса, улар уюшиқ кесим бўлмаб, балки таъкидлаш, кучайтириш маъноларини англатувчи такрор кесимлар ҳисобланади. Масалан: *Минглаб станциялар қурдик, қурдик* каби.

Демак, феъл замонлари уюшиқ кесимларнинг ҳосил бўлишида бир қадар роль ўйнайди.

Тилимизда ҳозирги ва келаси замон феълларига қараганда ўтган замон феълининг турлари кўп. У турли хил формаларга эга. Филология фаълари кандидати, доцент А. Ҳ. Сулаймонов ўзининг кандидатлик диссертациясида ўтган замон феълнинг 21 хил формасини кўрсатади. Ҳар бир форманинг асосий маъноларини ва ундан ташқари турли маъно оттенкаларига эга бўлишини аниқлайди²⁷.

²⁷ А. Ҳ. Сулаймонов, Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ўтган замон феълни категориялари, кандидатлик диссертация. Самарқанд, 1949.

Кесимлар, жумладан уюшиқ кесимлар ҳам ўтган замон феълининг юқорида айтилган 21 хил формасини деярли барчаси билан ифодаланади ва, ўз асосий маъносидан ташқари, турли маъно оттенкаларини ифодалайди.

1. Уюшиқ кесимлар ўтган замон аниқ феъли билан ифодланади: *Яна бош суқиб қаради, бир-икки қадам босиб, ичкарироқ кирди* (Ойдин). *Раҳимдод қаттиқ қўрқди ва бирдан чириллаб юборди* (Айний).

2. Ўтган замон ҳикоя феъли билан ифодланади: *Кампир хурмасини таққа ерга қўйибди-ю, югурганича уйига кириб, ширин уйқуда ётган ўғлини уйғотибди*. (Ойдин). *Тўқайни гулистонга айлантирибдилар, чўлларга сув чиқарибдилар* („Ўзбек халқ эртаклари“).

3. Равишдошнинг „-(и)б“ формасига эди тўлиқсиз феъли қўниши билан ясалган ўтган замон ҳикоя феъли билан ифодланади: *Эсингизда борми, мен ҳу бир йил келиб эдим, боғда айланиб юриб, онаидан қолган бир омонатни Сизга бериб эдим... Мен гўзани бир ботмондан ортиқроқ тахмин қилиб келтириб эдим, бир ботмондан кам чиқмаслигига ишониб эдим*.

4. Узоқ ўтган замон ҳикоя феъли билан ифодланади: *Некқадам қариган, ишдан чиққан* (Айний). *Бу ёғи.. ўйлачган ва маъқулланган* (А. Мухтор).

5. Узоқ ўтган замон ҳикоя феъли билан ифодланади: *У Сатторовни ўз ёнида шундай меҳрибон кўришга руҳан тайёрланган, бундай бўлишини кўп ўйлаган, ҳатто тасаввур этган эди* (А. Мухтор).

6. Ўтган замон давом феълининг „-а(р) эди“ формаси билан ифодланади: *Уч қиз сандалнинг уч томонига ўтириб олиб, ҳамон қотиб-қотиб кулишар, нималарнидир очик гапира олмай, сўзларининг ярмиси ичларида қолиб, яна қиқиллашар эди* (Ойдин). *...улар ҳамон қарама-қарши турар, нима ҳақидадир завқ билан гаплашар эдилар* (Асқад Мухтор).

7. Ўтган замон давом феълининг „ўқимоқда эди“ формаси билан ифодланади: *Бу вақтда Ҳасанлар бир-бировларни билан дардлашмоқда, бундан кейин бошларига нималар келишини ўйлаб, йиғлашмоқда эдилар* (Айний). *Бошқа хотин-қизлар ҳам дарахтларни уст ва остидан олув термоқда, бултур тутқун бўлганларни ҳасрат билан эсламоқда... эдилар* (Айний).

8. Ўтган замон истақ феъли билан ифодланади: *Бугун идорада ўтириб, конспектларни яна бир марта кўздан кечирмоқчи, мастерликка имтиҳон бермоқчи эдилар*.

Тимли нутқда турли замон формаси бўлган уюшиқ кесимларнинг қўлланиши бир хил эмас. Ёзма нутқда кўпинча ўтган замондаги иш-ҳаракатни ифодаловчи уюшиқ кесимлар кўпроқ, ҳозирги ва келаси замондаги иш-ҳаракатни ифодаловчи кесимлар эса камроқ қўлланади.

Масалан, Асқад Мухторнинг „Дарёлар туташган жойда“ повестида 192 та уюшиқ кесимли содда гап бўлиб, шундан 137 та содда гапдаги уюшиқ кесимлар ўтган замонда бўлган, 31 та содда гапдаги уюшиқ кесимлар ҳозирги-келаси замонда бўлиб турган, 19 та содда гапдаги уюшиқ кесимлар келаси замонда бўладиган ҳаракатларни ифода этади; 5 та содда гапдаги уюшиқ кесимлар эса турли замонда бўлган ҳаракатларни кўрсатади. Бунинг сабаби, биринчидан, асарнинг ҳикоя йўли билан ёзилиши бўлса, иккинчидан, тилимда ўтган замон феълнинг турли бой формаларга эгаллиги ҳамда ҳар бир форма орқали турли маъно оттенкаларини ифода этиш имкониятининг катта эканлигидир.

Уюшиқ кесимлар ҳам бўлишли, ҳам бўлишсиз феъллар билан ифодаланади. Бундай вақтда уюшиқ кесимларнинг ё ҳаммаси бўлишли, ё ҳаммаси бўлишсиз, ёки бир уюшиқ кесимларни ташкил қилган кесимларнинг баъзиси бўлишли, баъзиси бўлишсиз формада келади. Масалан: 1) *Профессор мартен цехидаги бу янгиликка ниҳоятда қизиқди ва Пугачев режими­нинг натижаларини синчиклаб текширди* (Асқад Мухтор). *Кел, андак бирга ўтир, оу ёнга бир назар сол* (Пушкин). 2)... *тиз букма, ялинма бу итларга!* (Ҳ. Ҳакимзода). *Сиз, афандим, қоринни яхши тўйғизибсиз-у, яхши чайнамабсиз* (М. Горький).

Уюшиқ кесимлар ўтимли ва ўтимсиз феъллар билан ҳам ифодаланади. Бундай вақтда уюшиқ кесимларнинг ҳаммаси ё ўтимли, ё ўтимсиз феъллардан бўлади. Шу билан бирга, уларнинг баъзилари ўтимли, баъзилари эса ўтимсиз феъллар билан ифодаланиб келиши ҳам мумкин. Мисоллар: 1) *Сорахоним бош ролларда ўйнаган Аброр Ҳидоятлов, Маъсума Қориеваларнинг ўйинларини эътибор билан кузатиб борди, улардан кўп нарса ўрганди* (Ҳ. Фулом). *Яна янгиликлар эшитади, янги ажойиб кишиларни учратади* (Асқад Мухтор). 2) *Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқларининг абадий дўстлиги мустаҳкамлансин ва ривожлансин!* („Қизил Ўзбекистон“). *Очил ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмайди, ўз билганидан қолмайди* (Ф. Йўлдош). 3) *Тур, галвирин ол, ўлча!* (С. Айний). *Қоражон Бойчибарни миниб олди, зинқайиб кетди* (Ф. Йўлдош).

Истак майлидаги феъллар билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *Мен-да сайрай бутун тилакларни, жонлатай, сўзлатай варақаларни...* (Ҳ. Олимжон). *Ўрайлик, йиғайлик, терайлик, дўстлар* (Ғ. Ғулом).

Шарт майлидаги феълнинг истак, илтимос маъноларини англатувчи формаси билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *...мен ҳам қалбимнинг шўбласи билан саҳнани ёритсам, саҳна орқали кишиларнинг қалбига йўл топсам, бу қалблардаги яхшига меҳр-муҳаббат, ёмонга ғазаб ва нафрат туйғуларини ёлқинлантирсам... дейман* (А. Қаҳҳор). *Яна яхшироқ ишласам, катта-катта муваффақиятларга эришсам дейман*

Кесимлар бўлишли ва бўлишсиз, ўтимли ва ўтимсиз феъллар билан ифодаланган ҳолда уюшиб келганидек, аниқлик ва истак, аниқлик ва буйруқ, истак ва буйруқ майлларидаги феъллар билан аралаш ифодаланган ҳолда ҳам уюшиб келади. Масалан: *Ҳаммамиз ҳам умид билан меҳнат қилгандик, роҳатини ҳам кўрайлик* (Ойбек). *Ўқишга келдинг, энди ғайрат билан ўқи! Сен ўқимоқчисан, бор, шаҳарга бор!* (оғза и нутқдан).

Бир уюшиқ занжирни ташкил қилган кесимлар аниқ, биргалик, ўзлик, мажҳул, орттирма даражадаги феъллар билан ифодаланганидек, аниқ-биргалик, аниқ-ўзлик, аниқ-орттирма, биргалик-ўзлик, биргалик-орттирма каби турли даражадаги феъллар билан аралаш ҳолда ҳам ифодаланиб келади.

1. Аниқ ва биргалик даражадаги феъллар билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *Хўжайин булгандан кейин киши ўз хўжалигининг кам-катаги, унинг ривожини тўғрисида ўйлайди, ... маслаҳат солади, маслаҳат олади, ... ўргангани, тортишади...* (А. Қаҳҳор).

2. Аниқ ва ўзлик даражадаги феъллар билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *Сорахонимнинг санъатини томоша қилган халқимиз қора ўтмиш азобини эслаб, ўзи учун худоса чиқаради ва бахтли ҳаёти туфайли беҳад севилади* (Ҳ. Ғулом).

3. Аниқ ва орттирма даражадаги феъллар билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *Ўзи ўқиди ва болаларини ҳам ўрта ва олий мактабларда ўқитди* (оғзаки нутқдан).

4. Биргалик ва ўзлик даражадаги феъллар билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *Ювиндим ва ҳовлига чиқиб, онамга қарашдим.*

5. Биргалик ва орттирма даражадаги феъллар билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *Саша билан расм чизишдим ва деворий газетани кеча кўрсатган жойингизга қоқтирдим.*

6. Аллик ва орттирма даражадаги феъллар билан ифодаланган уюшиқ кесимлар: *Индан келгач, ечиндим, ювиндим ва оиқаш шайёрлаттирдим.*

Кесимлар мажхул ва бошқа тўрт даражадаги феълнинг бирортаси билан ифодаланган ҳолда бирга уюшиб келмайди. Бу эса мажхул даражадаги феълнинг хусусиятига боғлиқ. Кесими мажхул даражадаги феъл билан ифодаланган гапларча логик объект грамматик эга, логик субъект грамматикни тўлдирувчи вазифасида келади. Бошқа даражаларда логик субъект грамматик эга, логик объект грамматик тўлдирувчи функциясини бажаради. Шунга кўра, гапда иккита кесим бўлиб, бири мажхул, иккинчиси бошқа 4 даражадаги феълнинг бирортаси билан ифодаланса, уюшиқ бўлак ҳосил бўлмайди, балки қўшма гап ҳосил бўлади. Масалан: *Қудрат қон кутариб келиб қолди-ю, сўз бўлинди* (Х. Назир). Бу гап икки содда гапдан тузилган қўшма гапдир. Биринчи содда гапда „Қудрат“ эга бўлиб, у логик субъектга тенг бўлса, иккинчи содда гапда „сўз“ эга бўлиб, у логик объектга тенгдир. Логик субъектга тенг бўлган эга аниқ даражаси феъл-кесими („*келиб қолди-ю*“), логик объектга тенг бўлган эга эса, мажхул даражадаги феъл-кесими („*бўлинди*“) эргаштиради.

Уюшиқ кесимлар равишдошлар билан ҳам ифодаланadi. Бу ҳолда улар эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. Равишдошлар ўзларининг синтактик вазифаларига кўра уч гуруҳга бўлиниди:

1. Содда гапнинг кесими (уюшиқ кесим аъзоси сифатида) вазифасида келувчи равишдошлар.

2. Ҳол вазифасини бажарувчи равишдошлар.

3. Қўшма гапда эргаш гапнинг кесими вазифасида келувчи равишдошлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи равишдошлар тусланувчи феъл билан ифодаланган кесимдан англашилган ҳаракатга нисбатан иккинчи даражали иш-ҳаракатни (эганинг қўшимча иш-ҳаракатини) кўрсатади ва тусланувчи феъл-кесим билан бирга уюшиқ бўлакни (уюшиқ кесимни) ташкил қилади. Иккинчи гуруҳга кирувчи равишдошлар эганинг қўшимча иш-ҳаракатини кўрсатмайди, балки феъл-кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай ҳолда, қандай равишда бажарилганлиги, умуман, кесимдан англашилган ҳаракатнинг ҳолатини кўрсатади ва гапда ҳол вазифасини бажаради. Учинчи гуруҳга кирувчи равишдошлар эса, юқорида айтганимиздек, қўшма гапда эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Қўшма гап таркибида равишдош-кесимнинг ҳам, феъл кесимдек, ўзига махсус эгаси бўлади. Ҳар иккала кесим, яъни феъл-кесим билан равишдош-кесим бир эгага

эргашмайди, уларнинг ҳар қайсиси ўзлари мансуб бўлган эгага эргашади. Масалан: *Келажак учун режалар қурилиб, умид чечаклари анқиб ҳид сочди* (Ҳ. Шамс).

Содда гапнинг кесими вазифасида келган равишдошлар [содда гапнинг кесими вазифасида, кўпинча, „-(и)б“ формасидаги равишдошлар қўлланади], яъни биринчи гурпуага кирадиган равишдошлар, юқорида айтганкмиздек, эганинг қўшимча ҳаракатини кўрсатади; феъл-кесимлар эса эганинг асосий ҳаракатини кўрсатади. Шунинг учун гап қурилишида феъл-кесим асосий, равишдош-кесим иккинчи даражали кесим ҳисобланади. Профессор В. В. Решетов ҳам феъл-кесимни асосий, равишдош-кесимни иккинчи даражали кесим деб кўрсатади²⁸.

Тартиб жиҳатдан асосий кесим гап охирида, иккинчи даражали кесим ушдан олдин, гап ўртасида жойлашади. Уюшиқ кесим кўп аъзоли бўлса, равишдош-кесим баъзан феъл-кесимлар ўртасида келиши ҳам мумкин. Масалан: 1) *Бригада бошлиғи бир тракторни Эрназар ака зеносига юбориб, иккинчисини кўча бўйидаги 6 гектарли парчада қолдирди* (И. Раҳим). *Турғунбой ака дам қизариб, дам оқараёттир.* (Ойдин). 2) *Жамила виждонсиз мингбошига жисмоний қаршилик кўрсатади, зolimни уриб, унинг соқолини юлиб ташлайди* (Ҳамза). 3) *Хўжайин ўрнидан туриб, эшикни қия очди, бировни имлаб, яна ўз жойига ўтирди* (Ойбек).

Асосий кесим билан иккинчи даражали кесим грамматик ва мазмун томондан бир-бири билан бирикиб, зичлашиб кетади. Шунинг учун ҳам шахс-сон, замон каби тушунчаларни англаувчи қўшимчалар уларнинг бирига, одатда, охиргисига (феъл-кесимга) қўшилиб келади ва равишдош-кесим учун ҳам умумий бўлади: *Китобхонани титиб, ўқиган китобларини қайта варақлади* (А. Мухтор).

Равишдош-кесимни тусланувчи феъл-кесим билан алмаштириш ҳам мумкин. Бу ҳолда равишдош-кесим ўрнида келган феъл-кесим билан кейинги кесим орасидаги мазмун яқинлиги (фикрий яқинлик), зичлик йўқолади, унинг ўрнига таъкид маъносига пайдо бўлади. Чунончи, *Китобхонани титди, ўқиган китобларини қайта варақлади* каби. Бу хил гапларнинг, яъни равишдош-кесими тусланувчи феъл-кесим билан алмаштирилган гапларнинг кесимларини тенг боғловчилар ёрдами билан боғлаш ҳам мумкин. Масалан, *Комилжон Татьянани кўриб, тўхтади* (И. Раҳим). *Комилжон Татьянани кўрди ва тўхтади.*

²⁸ В. В. Решетов, Современный узбекский язык, ч. I, Ташкент, 1946, стр. 150.

Равишдош-кесим ҳам феъл-кесим билан тенг ҳуқуқли (чунки, хусусий ва умумий иккинчи даражали бўлақларни эргаштириш келади: *У пахта териш кампанияси вақтида пайтнинг қўлдан бермаслик учун кеч ётиб, эрта туради* (П. Турсун). *У пешонасидан ўпиб, бошини силади* (П. Турсун). Келтирилган мисолларнинг биринчисида „*ётиб*“ ва „*туради*“ сўзлари кесим бўлиб, уларнинг биринчи равишдош билан, иккинчиси тусланувчи феъл билан ифодаланган. Бу икки бўлақнинг ҳар қайсиси гап составичаси „*пахта териш кампанияси вақтида*“ деган пайт, „*пайтнинг қўлдан бермаслик учун*“ деган мақсад ҳолларини эргаштиради. Шу билан бирга, „*ётиб*“ бўлағи „*кеч*“ „*туради*“ бўлағи „*эрта*“ деган хусусий пайт ҳолларини ҳам эргаштириб келгандир. Иккинчи мисолда „*ўпиб*“ ва „*силади*“ бўлақлари кесим бўлиб, уларнинг биринчиси „*пешонасидан*“, иккинчиси „*бошини*“ деган хусусий иккинчи даражали бўлақларни эргаштириб келгандир. Бу содда гапнинг кесимларини умумий иккинчи даражали бўлақлар билан таъминлаш ҳам мумкин. Чунончи, *У юлтиш учун пешонасидан ўпиб, бошини силади. У гапириб-гапириб пешонасидан ўпиб, бошини силади* каби.

Бир уюшиқлик занжирини ташкил қилган равишдош-кесимларнинг баъзиси, худди феъл-кесимлар каби, иккинчи даражали бўлақ билан кенгайиб, ёйиқ ҳолда келади, баъзиси эса иккинчи даражали бўлақларсиз, йиғиқ ҳолда келиши ҳам мумкин. Масалан: *Ҳабибулла ювиниб, уст-бошини янгилаб, сандалга ўтирди* (П. Турсун). Бу мисолдаги „*ювиниб*“ кесими иккинчи даражали бўлақсиз, йиғиқ ҳолда, „*янгилаб*“ кесими „*уст-бошини*“ иккинчи даражали бўлағи билан кенгайган ҳолда келгандир.

Равишдош-кесим (содда гапнинг кесими) билан равишдош-ҳол баъзан аралаштириб юборилади. Бу эса, айниқса, мактабда она тили ўқитиш ишини қийинлаштиради.

Маъlumки, ҳол феъл-кесимда ифода этилган ҳаракатнинг белгисини кўрсатади ва „*қандай*“, „*қандай қилиб*“, „*қандай ҳолда*“, „*қандай равишда*“ каби сўроқларнинг бирига жавоб бўлиб, грамматик томондан феъл-кесимга эргашиб келади, лекин уюшиқ кесимнинг равишдош билан ифодаланган аъзоси каби умумий эгага бевосита эргашмайди: *Гулнор кўзларини дам очиб, дам юмиб, уйқуга қаршилик кўрсатади* (Ойбек). Бу мисолда „*Гулнор*“ сўзи гапнинг эгасидир, „*қаршилик кўрсатади*“ бўлағи „*нима қилади?*“ сўроғига жавоб бўлиб, эганинг ҳаракатини кўрсатади ва гапда кесим вазифасини бажаради; (*кўзларини*) „*дам очиб*“, „*дам юмиб*“ бўлақлари эса „*нима қилиб?*“, „*қандай қилиб?*“, „*қандай ҳолда?*“, „*қандай равишда?*“ каби сўроқларнинг

бирига жавоб бўлиб, „*қаршилик кўрсатади*“ кесимига эргашади ва ундан англашилган ҳаракатнинг қандай ҳолда бажарилганлигини билдириб, гапда равиш ҳоли вазифасини бажаради. Яна бир-иккита мисол келтирайлик: *Қилтириқ-махсум кўзларини пилчиллатиб, бедана қадам билан йўрғалади.* (А. Мухтор). *Улар боғлар, чорбоғларни оралаб, катта дала йўлига чиқдилар* (П. Турсун).

Келтирилган бу мисоллардаги „пилчиллаб“ ва „оралаб“ бўлаклари ҳам худди юқорида келтирилган мисоллардаги ҳол сингари „қандай?“, „қандай қилиб?“ каби сўроқларга жавоб бўлиб, кесимларда ифода этилган ҳаракатнинг бажарилишидаги ҳолатини кўрсатади ва гапда ҳол вазифасини бажаради.

Юқоридаги гапнинг равишдош билан ифодаланган бўлакларини тусланувчи феъл-кесим билан алмаштириш ва улар орасида тенг боғловчиларни қўллаш мумкин эмас. Агар шундай қилинса, гапнинг сўзловчи кўзда тутган мазмунни йўқолади ва тусланувчи феъл билан алмаштирилган бўлак мустақил ҳаракатни кўрсатувчи феъл-кесимга айланади: *Улар боғлар, чорбоғларни ораладилар ва катта дала йўлига чиқдилар* каби.

Феъл-кесимларда ифода этилган ҳаракатнинг равишдош-ҳол томондан ифода этилган ҳолати, кўпинча, шу кесимдан англашилган ҳаракат билан бир пайтда параллель давом этади. Ҳолат олдин, ҳаракат ундан кейин ёки аксинча бўлмайди. Масалан: *Ҳожарбиби шабададаёй елиб чиқиб кетди. Қудратиллахўжа чинакамига қаҳқаҳлаб кулиб юборди* (А. Мухтор).

Равишдош-уюшиқ кесим эса эганинг феъл-кесимда ифода этилган ҳаракатидан олдин бажарилган қўшимча ҳаракатни кўрсатади. Юқорида айтганимиздек, равишдош-уюшиқ кесимни тусланувчи феъл-кесим билан алмаштириш мумкин, равишдош-ҳолни эса феъл-кесим билан алмаштириб бўлмайди. *У кулиб гапирди* гапни *у кулди ва гапирди* тарзида айтиш мумкин эмас. Шундай қилиб, равишдош-уюшиқ кесим билан равишдош-ҳол бир-биридан жиддий фарқ қилади. Уларнинг асосий хусусиятларини (фарқларини) қуйида санаб кўрсатамиз:

1. **Равишдош-уюшиқ кесим** эганинг қўшимча ҳаракатини кўрсатади ва грамматик томондан унга тобе бўлади, эргашади.

2. Равишдош-уюшиқ кесим, одатда, тусланувчи феъл-кесимда ифода этилган ҳаракатдан олдин бажарилган ҳаракатни кўрсатади.

3. Равишдош-уюшиқ кесим гап ичида тартиб жиҳатдан феъл-кесимдан олдин жойлашади ва шахс-сон, замон каби

ушунчаларни англаувчи қўшимчаларни қабул қилмайди. Бу қўшимчалар феъл-кесимларга қўшилиб келиб, равишдош кесимлар учун ҳам умумий бўлади.

4. Равишдош-уюшиқ кесимларни феъл-кесим билан алмаштириш ва улар орасида тенг боғловчиларни қўллаш мумкин.

5. Равишдош-уюшиқ кесимлар ҳам феъл-кесимлардек, иккинчи даражали бўлакларсиз йиғиқ ҳолда ҳамда умумий ва хусусий Иккинчи даражали бўлаклар билан кенгайган, яъни ҳолда қўлланиши мумкин.

6. Равишдош-кесим қўшма гап таркибида махсус эгага, уюшиқ кесим таркибида эса умумий эгага эргашади.

1. **Равишдош-ҳол** ҳам эганинг ҳаракатини кўрсатади, яъни, шунга қарамасдан, у грамматик томондан эгага эмас, лекин феъл-кесимга эргашади ва ундан англашилган ҳаракатнинг қандай ҳолда бажарилганлигини билдиради.

2. Равишдош-ҳол ифода этган белги, одагда, феъл-кесимдан ифода этилган ҳаракат билан бир пайтда параллель тарзда эгага; бири олдин, иккинчиси ундан кейин бажарилганлиги. Масалан: *Чопиб*

Югуриб

Терлаб

Кулиб

Хафа бўлиб

—*келди* каби.

Ғазабланиб

Қўрқиб

Қувониб

Шодланиб

Хурсанд бўлиб

3. Равишдош-ҳолни феъл-кесим билан алмаштириш ва улар орасида тенг боғловчиларни қўллаш мумкин эмас, *келурди ва келди* деб бўлмайди.

4. Равишдош-ҳол эгага тўғридан-тўғри, бевосита эргашмайди, балки бавосита, яъни кесим орқали эргашади.

Равишдош-уюшиқ кесим ҳамда равишдош-ҳолнинг характерли хусусиятлари ва улар орасидаги фарқлар, бизнинг фикримизча, асосан шулардан иборат.

Сифатдошлар гапта, асосан, аниқловчи, отлашганлари эса эга, тўлдирувчи ҳамда феъл вазифасида кесим бўлиб келади. Сифатдошлар, шу билан бирга, уюшиқ кесим функциясини ҳам бажаради. Уюшиқ кесимлар, кўпинча, феъл вазифасида келган „-ган“, „-(а)р“ формасидаги сифатдошлар билан ифодаланади. Масалан: *Аmmo мени аяган, раҳм қилган* (Ш. Рашидов). *Гул суғорар, ҳовли сувиурар* (Ойбек).

Кесимлар сифатдош ва феъл билан ифодаланган ҳолда ҳам уюшиб кела олади. Чунончи: *Ер юзининг энг гўзал шаҳри бугун кучга тўлган, ижод билан, меҳнат билан қайнайди, хаёлларни қаноатлантиради* (А. Мухтор). *Шу бечора ҳам уюмид билан дунёга келган, ҳа демай катта бўлади, бола-чақа қилади* (А. Қаҳҳор).

1. Уюшиқ кесимлар инфинитив билан ҳам ифодаланади. Инфинитив билан ифодаланган уюшиқ кесимлар замонга нисбатан умумийлик ифода этади, конкрет бир замонни кўрсатмайди. Масалан: *Бизнинг ишимиз пахта даласида ишламоқ, ерни пишитмоқ, мўл ҳосил учун барча чораларни кўрмоқдир* (Газетадан). Баъзан инфинитив-уюшиқ кесимли гаплардан келаси замон маъноси англашилади, лекин замон маъноси инфинитивдан эмас, балки гапнинг мазмунидан сезилади. Мисол: *Ота-она орзуси бизни уйлантирмоғ-у, неvara кўрмоқ* (П. Турсун).

От-уюшиқ кесимлар. От-уюшиқ кесимлар эганинг кимлиги, нималиги, қандай ва қанақа эканлиги, миқдор ва тартиби каби белгиларни кўрсатиб келади; уни бирор жиҳатдан характерлаб беради.

От-уюшиқ кесимлар кесимлик аффикслари билан ёки уларсиз қўлланади. Баъзи ҳолларда эса улар боғламалар билан ҳам қўлланиб келади. Кесимлик аффикслари ва боғламалар уюшиқ кесимларнинг ҳар бир аъзоси билан келади ёки фақат кейингиси билан келиб, ҳаммаси учун умумий бўлади. Мисоллар: *ҳаракатлари нозик ва силлиқ* (Ойбек). *Москва, гўзалсан, поксан* (Г. Гулом). *Эргаш Холмурода ўртоқ ва овунчоқ дўлди* (П. Турсун). *Эргаш Холмурода ўртоқ бўлди ва овунчоқ бўлди* каби.

От-уюшиқ кесимларнинг боғламалари асосан грамматик маънога эга бўлиб, кесимнинг шахс-сон, замон ва майлини кўрсатиб келади. От-уюшиқ кесимларда боғлама ролида кўпинча „бўл“ феълининг турли формалари, „саналади“, „ҳисобланади“ каби феъллар қўлланади. Мисоллар. — *Турмушимиз бой, тўкис, тўлиқ бўлди* (Ойбек). *Кампир ҳали зийрак эди, қув эди* (Ойбек). *Пахта хулсаҳўр, талабкор, инжик экин* (Ойбек).

От-уюшиқ кесимларнинг от қисми етакчи маънони ифода этади. Уларни кесим составидан тушириб қолдириш мумкин эмас. От-уюшиқ кесимларнинг етакчи қисми ўз лексик маъносини тўлиқ сақлаган мустақил сўзлардан бўлади. Улар асосан, қуйидагича ифодаланади.

1. От-уюшиқ кесимларнинг етакчи қисми бош келишиқ формасидаги от ёки от ўрнида келган олмошлар билан ифодаланади. Бу группа от-уюшиқ кесимлар эганинг кимлигини, нималигини, жинсини ва бошқа шу каби белгиларни кўрса-

но тавини. Масалан: *Булар мавлоно Шаҳобиддин билан шоир мавлоно Биноий эдилар* (Ойбек). *Бунима? Мана бу — дур, мана бу — марварид. Мана бу ёнган — гавдур. Қолгайлари — ҳар хил тошлар: ёқут, зумрад* (Ойбек). *Карвон саройда от боқиб, хароб бўлиб юрган исми ё сенми?* („Ўзбек халқ эртаклари“).

Билки от-уюшиқ кесимли содда гапларда уюшиқ кесим билан эганинг ўрнини алмаштириши мумкин. Бундай вақтда ушунга булақларининг грамматик вазифалари ўзгаради, ушун уюшиқ кесим эга вазифасида, эга эса уюшиқ кесим вазифасига келади. Масалан: *Сиз ...ҳам дўстим, ҳам отамсиз* (Ойбек). *Ҳам дўстим, ҳам оғам — сиз. Дўстим ҳам, оғам ҳам — сиз.* Бундай кесимлар боғлама билан келганда, уюшиқ кесимнинг от қисми ўз ўрнини ўзгартириши, боғлама қисми эса ўз ғартирмайди. У ўз жойида қолади ва ўрни ўзгариши орқали гапнинг охирига ўтган бўлакни сонилик белгилари билан таъминлайди. Масалан: *Сиз ҳам дўстим, ҳам оғам бўласиз. Ҳам дўстим, ҳам отам сиз бўласиз* каби.

Билки (кўпинча, эга жамловчи, умумлаштирувчи сўз билан ифодаланганда) уюшиқ кесим билан эганинг ўрнини алмаштириши мумкин эмас. Бундай вақтларда эганинг ўрнини алмаштириб, уни кесимдан кейин қўйсақ, гапга хос бўлган ҳукм ва тугалланган интонация йўқолади. Гап тугалланмаганга ухшаб, унинг давоми кутилади. Гапнинг эгаси эса саналувчиларни умумлаштириб келувчи бўлакка айланади. Боғламалар ёрдамида ҳам у бўлакни кесим шаклига келтириш бўлмайди, боғламанинг ўзи кесимга айланиб қолади. Мисол: *Ҳаммаси муғомбирлик, эркалик, ноз!* (Ойбек).

Муғомбирлик, эркалик, ноз — ҳаммаси...

Муғомбирлик, эркалик, ноз — ҳаммаси бўлди.

2. От-уюшиқ кесимларнинг етакчи қисми ҳаракат номи билан ифодаланади. Масалан: *Бизнинг вазифамиз бу мақолаги бутун халққа, биринчи навбатда колхозчиларнинг қулоғига етказиш, ундан кейин, кечроқ бўлса ҳам, далага одам чиқариш эди* (А. Қаҳҳор). *Бу — ажойиб иштилиш, ижодга иштиёқ, янгилеклар қидириш!* (А. Мухтор).

3. От-уюшиқ кесимларнинг етакчи қисми сифат билан ифодаланади. Масалан: *Зумрад кўп чиройли, одобли, ақлли қиз экан* („Ўзбек халқ эртаклари“). *Бой — пишиқ, муғомбир одам* (Ойбек).

4. От-уюшиқ кесимларнинг етакчи қисми сон билан ифодаланади. Мисоллар: *...план ё етмиш, ё саксон* (Ойбек). *Айтчи, отининг оёғи тўрттамиди ё учтами-*

ди? („Ўзбек халқ эртақлари“). *Сиз ё биринчи, ё иккинчи эдингиз.*

От уюшиқ кесимлар чиқиш келишигидаги сўзларнинг „иборат“ сўзи билан бирга келиши орқали тузилади. Бундай вақтда „иборат“ сўзидан кейин „бўлди“, „эди“ сингари боғламаларни келтириш ҳам мумкин. Масалан: *Бизнинг асосий вазифамиз пахта-ни текис ундириб олиш ва яхши парвариш қилишдан иборат эди* („Бухоро ҳақиқати“).

Бундай кесимлар „керак“, „лозим“ каби сўзлар билан ҳам кенгайиши мумкин: *Бизнинг асосий вазифамиз пахта-ни текис ундириб олиш ва яхши парвариш қилишдан иборат бўлиши керак эди.* От-уюшиқ кесимлар ҳам замонни кўрсатади. От-уюшиқ кесимлар ҳозирги замонни ифода этганида, асосан, кесимлик аффикслари билан ё уларсиз келади. Масалан: *Сен ўз ишингга жуда лойиқсан, .. кучлисан, дадилсан* (А. Мухтор). *...сўзи қисқа, тўғри ва тирик* (Ойбек). *Сен олов, бўлакча йигитсан* (Ойбек).

От-уюшиқ кесимлар „экан“, „эмиш“ феъл боғламалари билан келиб ҳам ҳозирги замонни кўрсатади. Масалан: *Ўғли бефаросат, дағал ва хунук экан* („Ўзбек халқ эртақлари“).

От-уюшиқ кесимлар „эди“ боғламаси билан келганда ўтган замонни; „бўлади“, „ҳисобланади“, „дейлади“ каби боғламалар билан келганда ҳар уч замонни ҳам ифода этади. Масалан: *Мағрур ва шод эди* (Ойбек). *Раҳматилла Обидий интернетга муаллим ва мураббий бўлди* (А. Қаҳҳор). *Дарахтларнинг меваси мўл ва йирик бўляпти. Гап битта, иккита бўлмайди.*

От-уюшиқ кесимлар ўзларига тегишли аниқловчилар билан кенгайиб ҳам келади. Бундай вақтда аниқловчилар от-уюшиқ кесимларнинг боғлама қисмига эмас, балки от қисмига эргашади ва уни аниқлайди. Масалан: *...ҳаракатлари болалигидагидек чаққон, тез* (А. Мухтор). *Баҳор ҳавоси ана шу тўлин ойдек тиниқ, беғубор* (И. Раҳим).

От-уюшиқ кесимларнинг инкор формаси асосан „эмас“ сўзи ва „-ма“ қўшимчаси орқали ясалади. „-ма“ қўшимчаси боғламага қўшилиб келади. Масалан, *Ҳар қандай сўз беҳуда, маъносиз бўла бермайди* каби.

Кесимлар бир туркумдаги сўзлар билан ифодаланган ҳолда уюшиб келиши билан бирга, турли туркумдаги сўзлар билан, масалан, от ва феъл билан ифодаланган ҳолда ҳам уюшиб кела оладилар. Бундай уюшиқ кесимлар ҳам тенг боғловчилар ва бириктирувчи пауза ёрдамида ўзаро тенг боғланадилар ҳамда маълум бир замонни кўрсатадилар: *Бу*

ердами ким ва нима мақсадда келди? (А. Қаҳҳор). *Ёзувчи ҳақиқатга қарашиб юрган эди, бориб-бориб ўз-ўзидан саркаръа бўлиб қолди* (А. Қаҳҳор). *Тўпанисо опам билан оғрига булсам, иш билар эдим, гап билар эдим, тушунган хотия бўлар эдим* (А. Қаҳҳор). *Мен Хўжакент қишлоғидан келдим, жиянингизнинг ўғли бўганим* (Ойбек).

* * *

Уюшиқ ағалардек, уюшиқ кесимлар ҳам бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёки тенг боғловчилар ёрдами билан ўзаро бирикадилар. Уюшиқ кесимлар кўп аъзоли бўлса, баъзан, охирги икки аъзоси бириктирувчи боғловчи билан, олдинги аъзолари эса бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёрдами билан боғланади. Охирги икки бўлак орқали келган боғловчи санашнинг тугалланганлигини кўрсатади. Шунинг учун бундай уюшиқ кесимларни юмуқ (очиқ) уюшиқ кесимлар дейиш мумкин. Боғловчи ёрдами билан бириккан икки аъзоли уюшиқ кесимлар ҳам юмуқ уюшиқ кесимлар ҳисобланади. Мисоллар: *Улар янгидан-янгиси парсаларни орзу қилдилар, янги ширин тилаклар билан яшайдилар ва ишлайдилар* (Ш. Рашидов). *Ой-тушти дарров тушунди ва онасини юпатиш учун сўзини оёшиқа ёққа бурди* (Ойдин).

Уюшиқ кесимлар бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёрдами билан ўзаро алоқага кирганда охирги бўлак орқали ҳам боғловчиларнинг қўлланмаслиги мумкин, яъни уюшиқ кесимларнинг ҳамма аъзолари бир-бири билан фақат бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси орқали боғланиши мумкин. Баъзан эса уюшиқ кесим аъзолари такрорланган бириктирувчи ёки айирувчи боғловчилар ёрдами билан ўзаро грамматик боғланади. Бундай вақтда санашни давом эттириши имконияти бўлади. Шунга кўра, бу хил уюшиқ кесимларни юмуқ бўлмаган (очиқ) уюшиқ кесим дейиш мумкин. Масалаи: *Умидсизликка тушма, ...кучинг, қувватинг бор, вақтида иш қил, корнома кўрсат* (Айний). *Обқат пули ё тегар, ё тегмас эди* (Айний).

Бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёрдами билан ўзаро бириккан уюшиқ кесимлар ҳам, юқориди айтганимиздек, юмуқ бўлмаган уюшиқ кесимлар группасини ташкил қилади. Бундай уюшиқ кесимлар ўтган замон аниқ феъли билан инфодаланганларида пайт жиҳатдан кетма-кетлик ва ольван бир пайтдилликни англагади: 1) *Дастурхон ёздиқ, ундан-бундан гаплашиб ўтирдик* (Ойбек). 2) *Холмурод бу кунларда ўз ҳолига ачинмади, йиғламади*

(П. Турсун). *Ҳир кун бозор айланиб, эртадан кечгача тентиради, шаҳарнинг турли томонларига узоқ-яқинга юк ташиди* (Ойбек).

„*Борар эдим*“ формасидаги ўтган замон феъли билан ифодаланган юмуқ бўлмаган уюшиқ кесимлар бир-бири билан алмашилиб, галма-гал бўлиб турган иш-ҳаракатларни ёки узоқ вақт ичида бирин-кетин юз берган иш-ҳаракатларни, ё вақтма-вақт такрорланиб турган иш-ҳаракатларни ифодалайди. Мисоллар: *У Азизнинг нафаси тезлашганда ёки жуда секинлашиб қолганда ўрнидан туриб кетар, ичкарида врач „ташвишланманг“ дегандай қўл кўтарганда, ҳорғин киприкларини пириллатиб яна жойига ўтирар эди* (А. Мухтор). *Фақат раис Мирҳайдар ўз колхозчиларидан хабар олгани келганда, дастлаб уларга кирар, бемалол ўтириб, ҳар қиз, ҳар аёлнинг ҳол-аҳволини суриштирар, аризаларини тинглар, яхши сўзи, оталарча насиҳати билан ҳар бирининг кўнглини кўтарар эди* (Ойбек).

Шу билан бирга, „*борар эдим*“ формасидаги ўтган замон феъли билан ифодаланган уюшиқ кесимлар бир пайтга тўғри келган иш-ҳаракатларни ҳам ифодалайди. Масалан: *...чигитни ҳаммадан олдин экишга тиришар, шошар эди* (Ойбек). *Василий Иванович сталевар чўмичини қўлига биринчи олган кишидек шошилар, ҳатто бир оз қалтирар эди* (А. Мухтор).

Уюшиқ кесим аъзолари бир-бири билан бўлган турлича муносабатларга кўра, ё бириктирувчи, ё зидловчи, ё айирувчи боғловчилар ёрдами билан ўзаро бирикади.

Бириктирувчи боғловчилар уюшиқ кесимларни ўзаро бириктириб боғлайди. Биргина бириктирувчи боғловчи ёрдамида боғланган кесимлардан англашилган ҳаракатлар бир-бирига жуда яқин бўлади. Масалан: *...ёр-жўралари қидиришар ва чақиршар эди* (А. Мухтор). *...уни тўхтатди ва аёлга буюрди* (П. Турсун).

Бириктирувчи боғловчилар ёрдами билан боғланган уюшиқ кесимлар бир пайтда бўлган ҳаракатларни ифодалайди. Ҳаракатлар маълум бир пайтда параллель давом этади. Уюшиқ кесим аъзолари ҳаракатларнинг бажарилиш пайти жиҳатидан бир-бирини тенг бўлади. Масалан: *Фозил шоир... қирқдан ортиқ дoston тўқиди ва ижод қилди* („Ф. Йўлдош“).

Бириктирувчи боғловчилар ёрдами билан ўзаро бириккан уюшиқ кесимлар кетма-кет, олдинма-кейин юз берган ҳаракатларни ҳам ифодалайди. Бундай вақтда уюшиқ кесимлардан англашилган ҳаракатларнинг бири юз бериб турганнида, иккинчиси амалга ошмайди, бир вақтда икки ҳаракат

паралелен давом этмайди. Бир ҳаракат тугагач, иккинчи ҳаракат унинг кетидан давом этади. Шундай қилиб, ҳаракатлар ўзларининг бажарилиш пайтлари жиҳатдан тенг бўлмаган. Мисалан: *...туя юнгидан тўқилган шол дастурдонга урилган нонларни келтириб, меҳмонлар олдига қўйди тар ва сардорга қараб таъзим қилиб, чиқиб кетди тар* (Айний). *Нафас олиб-олмай қоронғи залга чиқди ва иш кабинетининг эшигига яқинлашди* (А. Муҳтор).

Уюшқ кесим аъзолари баъзан бириктирувчи боғловчилар урида келувчи „-да“, „-у“ каби юкламалар ёрдами билан ҳам ўзаро бирикиб келади. Бундай уюшқ кесимлардан англашилган ҳаракатлар пайт жиҳатдан бир-бирига жуда яқин туради. Бир ҳаракат тугаши биланоқ, иккинчиси бошланаётган кетади. Иккинчи ҳаракат кўпинча тасодифий, кутилмаган бўлади. Мисоллар: *Ойқиз бирданига деворнинг ўнг томонига бурилди-да, ирғиб отдан тушди* (Ш. Рашидов). *...Папиросини охиригача тутатиб-тутатиб чекди-ю, сўвратини давом эттирди* (Ш. Рашидов). *Тош юракчилар! Вақти ки келиб, биз асирларнинг олдига учиб кетсанглар, бизнинг аҳволимизни кўрсангизлар-у, яна мана егани учиб кетсанглар* („Ҳинд эртаклари“).

Зидловчи боғловчилар бири бўлган, бири бўлмаган иш-ҳаракатларни ифодаловчи кесимларни ёки бир ҳаракат наъжасида ҳосил бўлувчи ҳаракатнинг юзага чиқмаганлигини аниқлатувчи кесимларни ўзаро тенг боғлайди. Бу боғловчилар ёрдами билан бириккан уюшқ кесимлардан англашилган ҳаракатларнинг бири бажарилади, бошқаси эса бажарилмайди. Шунинг учун ҳам кесимлардан бири бўлиши, иккинчиси бўлишсиз феъл билан ифодаланади. Зидловчи боғловчилар ёрдами билан бириккан уюшқ кесимларнинг ётқинлиги, ё кейинги аъзоси бўлишсиз формада бўлади. Мисоллар: *Мана, нима қилсаларинг ўзимни қила беринглар, аммо бола чақага тегманглар* (П. Турсун). *Бир пилла қўйди, лекин ичмади* (Ойбек). *У нима қилишни билмас, лекин нимадир қилишни истар эди* (П. Турсун).

Баъзан зидловчи боғловчилар ёрдами билан бириккан уюшқ кесимларнинг барча аъзоси ё бўлиши, ё бўлишсиз феъл билан ифодаланади. Бундай уюшқ кесимларда зидлик маъноси кесимни ифодаловчи сўзнинг лексик маъносидан англашилади: *Зокир ота гўза шохласа, кўсак кўпаяди деган фикрга қўшилади, лекин ҳосил ортади деган фикр-ни рад қилди* (А. Қаҳҳор).

Бир ҳаракатнинг бажарилмаслиги учун иккинчи ҳаракат тусқин бўлмаса, зидловчи боғловчи ёрдами билан бириккан уюшқ кесимларнинг барча аъзолари бўлишсиз феъл билан

ифодаланади. Масалан: *Дарсдан прогул қилмайди, вази фбаларни бажармасдан келмайди, лекин бошқа ўқувчи лардек, ўқитувчи томонидан берилган саволларга ўз қўл кўтариб жавоб ҳам бермайди* каби.

Зидловчилардан „балки“ боғловчиси бири реал бўлиб иккинчиси реал бўлмаган ҳаракатни ифодаловчи уюшиқ кесимларни ўзаро боғлашга хизмат қилади. Шунинг учун бу боғловчи ёрдами билан ўзаро алоқага кирган уюшиқ кесимларнинг бири бўлишли, иккинчиси бўлишсиз формада келади: *Ҳаётнинг сўнмаслиги умрнинг узунлигида эмас балки инсониятнинг бахти-саодати учун мангу ўлмас улуг ва жонли ишлар қилишдадир..*

Зидловчилардан „лекин“, „аммо“, „биноқ“ боғловчилари эса, асосан, бири иккинчисини чекловчи уюшиқ кесимларни ўзаро боғлайди. Мисоллар: *...Ишқларида куйиб юрмоқ-дамиз, лекин ҳеч иложини тона олмаётимиз* (Ҳамза). *Денисов — деҳқонлар орасида кўп юрган собиқ ирригатор — содда, одамшаванда, лекин талабчан, ҳақиқатчи эди* (Ойбек).

Юкламалар бириктирувчи боғловчилар вазифасида келгани каби, зидловчи боғловчилар вазифасида ҳам келади. Масалан: *...бошқа уй топилмасмикин деб сўрагани оғиз очди-ю, сўрамади* (А. Қаҳҳор).

Баъзан юклама билан бирга зидловчи боғловчи ҳам қўлланади. Бундай вақтда юклама боғловчи вазифасини бажармайди, балки ўз функциясини — юклама вазифасини бажаради: *...бошқа уй топилмасмикин деб сўрагани оғиз очди-ю, лекин сўрамади.*

Айирувчи боғловчилар уюшиқ кесим аъзоларини ўзаро тенг боғлаб, улар ифода этган ҳаракатлардан бирининг бўлиши, иккинчисининг бўлмаслигини ёки ҳаракатларнинг галма-гал давом этиб туришини кўрсатади. Айирувчилардан „ё“, „ёки“ боғловчилари уюшиқ кесимларда яқка ҳолда ҳам такрор ҳолда ҳам келади, „дам“, „гоҳ“, „баъзан“, „бир“ боғловчилари эса асосан такрорланган ҳолда қўлланади. Биргина айирувчи билан боғланган уюшиқ кесимлар юмуқ уюшиқ кесимлар группасини ташкил этади, бундай вақтда бир кесим иккинчисини истисно қилади. Масалан: *Мадкаримга тўғри бўлмай писиб ётади ё орқа бетига қарамай қочади* (Ф. Ёўлдош). *...хаттотликда машқ қилар ё мусиқида куйлар яратишга уринар эди* (Ойбек).

Такрорланиб келувчи айирувчилар билан боғланган уюшиқ кесимлар юмуқ бўлмаган уюшиқ кесимлар группасини ташкил қилади ва бундай группадаги кесимлар галма-гал бўлган ёки бир-бирини истисно қиладиган иш-ҳаракатларни ифодалайди. Мисоллар: *Отам бечора дам нафаси ичига*

*тўшиб мингирайди, халифани инсофга, мурасага чақир-
ландек бўлади, дам уақишиб қаттиқроқ гапиради* (Н. Турсун). *Йўлчи гоҳ бунга шубҳаланади, гоҳ ишо-
нади* (Ойбек). *Мана шу лой баъзан тойилтиради, баъзан
ойған йиқитади* (А. Қаҳҳор). *Салмоқ билан айтил-
лан меҳнат қўшиғи гоҳо кўтарилар, гоҳо теварак-ат-
рофни босиб кетар эди* (Сиддиқбековдан).

Уюшиқ кесим аъзолари, юқорида айтилгандек, ё тенг боғловчилар, ёки бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси билан ўзаро бирикади. Баъзан эса бу икки ҳол бир уюшиқ кесимнинг ташкил қилган кесимлар орасида юз беради: уюшиқ кесимнинг баъзи аъзолари тенг боғловчилар ёрдами билан бирикса, баъзилари бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси билан ўзаро боғланади. Уюшиқ кесимлар баъзи ҳолларда турли боғловчилар ёрдами билан ҳам бирикиб келади. Шундай қилиб, феъл-уюшиқ кесимларнинг мураккаб қўшилмалари ҳосил бўлади. Мисоллар: 1) *Ҳазаллар тез тарқалар, оғиздан оғизга ўтор, шаҳарлардан-шаҳарларга кўчар ва халқ ичига сингиб кетарди* („Муқимий“). *Самоварчини уйғотиб, эртага мажлис бўлишини айтди ва чойхонани „гулдай“ қилиб қўйишни буюрди, сўнг-ри отни қўйгани отхонага борди* (А. Қаҳҳор). 2) *Мени ўлдириг ё тириклай гўрга кўминг, лекин бу номуссизнинг қўлига топишира кўрмак!* (Айний). *Кийими қўпол, лекин янги ва пухта эди* (Ойбек).

Феъл-уюшиқ кесимларнинг мураккаб қўшилмалари тенг боғловчи вазифасида келган юкламалар ҳамда тенг боғловчининг ўзи билан ёки фақат тенг боғловчи вазифасида келган юкламалар ёрдами билан ҳам бирикиб келади. Масалан: 1) *Манзура сўнги сўзларини ғижиниб айтди ва курсини ўрнидан кўтариб тарақлатиб яна ўрнига қўйди-да, жадал чиқиб кетди* (А. Мухтор). *Мастер остонада орқасига қайрилиб Манзурага қаради-да, узур сўрагандай жилмайди ва „хайр“ деб чиқиб кетди* (А. Мухтор). 2) *Бола ингради-ю, йиғламади, ҳайрон бўлиб отасининг оғзига, бурнига, иягига, яна оғзига қаради-да, ширин-шўртас бармоғини унинг оғзига тикди* (А. Қаҳҳор).

* * *

Уюшиқ эгаларда умумлаштирувчи бўлак қўлланса, уюшиқ кесимларда умумлаштирувчи кесим қўлланади. Умумлаштирувчи кесим ҳам уюшиқ эганинг умумлаштирувчи бўлақлари сингари саналувчиларни (уюшиқ кесимларни) умумлаштириб кўрсатади. Умумлаштирувчи бўлак ифодаланиш

материаллари жиҳатдан уюшиқ эгалар билан ҳамма вақт тенг бўлиши шарт эмас. Уюшиқ кесим билан умумлаштирувчи кесим эса ифодаланиш материаллари жиҳатдан асосан тенг бўлади. Масалан: *Баъзи вақтда сал қўрқитиб ҳам қўяман: кесак отаман, бўрига ўшаб узоқдан увуллайман* (Ойбек) *Филҳақиқат, нодир йиғитсиз: ҳам шоир, ҳам шаробхўр* (Ойбек). Умумлаштирувчи кесим умумлаштирувчи бўлакка нисбатан кам учрайди.

Феъл-уюшиқ кесимлар иккинчи даражали бўлаklar билан ё уларсиз қўлланади. Иккинчи даражали бўлаklarсиз келган уюшиқ кесимлар йиғиқ, иккинчи даражали бўлаklar билан келган уюшиқ кесимлар ёйиқ уюшиқ кесимлар дейилади. Мисоллар: 1)...*насиҳат қилади, юпатади* (Ойбек). *Чол мамнун бўлди, шодланди* (Ш. Рашидов). 2)...*Гулсун келган ерида писиб ўтирди ва диққат билан қулоқ сола бошлади* (Айний).

Бир уюшиқ занжирини ташкил қилган кесимларнинг баъзиси йиғиқ, баъзиси ёйиқ ҳолда келиши ҳам мумкин. Масалан, *Кампир ғазабланибди, ўқлов билан уриб итнинг оёғини синдирибди* („Ўзбек халқ эртаклари“).

Иккинчи даражали бўлаklarни уюшиқ кесимларга нисбатан умумий ва хусусий деб иккига бўлиш мумкин. Умумий иккинчи даражали бўлаklar уюшиқ занжирини ташкил қилган кесимларнинг ҳаммасига оид бўлади, хусусий иккинчи даражали бўлаklar эса уюшиқ занжирини ташкил қилган кесимларнинг ҳар бири ёки муайян биттасига тегишли бўлади. Бир кесимга эргашиб, унинг белгисини кўрсатиб келган иккинчи даражали бўлак иккинчи кесимга эргашмайди, унинг белгисини кўрсатмайди.

Ёйиқ уюшиқ кесимлар умумий ва хусусий иккинчи даражали бўлаklar билан келишига кўра тубандагича бўлади:

1. Умумий тўлдирувчига эга бўлган ёйиқ уюшиқ кесимлар: ...*сен билан овунаман, кўнгил очаман* („Ўзбек халқ эртаклари“). *Бу хабарномани ўқиди, кўрди* (Ф. Иўлдош).

2. Хусусий тўлдирувчига эга бўлган ёйиқ уюшиқ кесимлар: *Мураббия ...унинг ҳовучидаги сувни тўкиб ташлади ва ...қайнамаган сувдаги қуртлар ҳақида гапирди* (Ойдин). ...у *Даниловнинг сўзларини эслади ва хаёлининг калавасини топгандай бўлди* (Асқад Мухтор).

3. Умумий ва хусусий тўлдирувчига эга бўлган ёйиқ уюшиқ кесимлар: *У қўллари билан кўзларини уқалади, юзларини силади* (Ш. Рашидов).

4. Умумий ҳолга эга бўлган ёйиқ уюшиқ кесимлар: *Лаълихон яна ўзини тута олмади, ...йиғлади* (Ойдин).

5. Хусусий ҳолга эга бўлган ёйиқ уюшиқ кесимлар: *Ҳо-*

ир кўз ёши қилади-ю, сўнгра биринчи бўлиб рапорт беради (Ш. Рашидов). *Боланг 3—4 кун қийналади, кейин урганиб кетади* (А. Қаҳҳор).

6. Умумий тўлдирувчи ва хусусий ҳолга эга бўлган ёйиқ уюшиқ кесимлар: *Гултувак қўйилган чорпоя устидаги чарм қўлқопни олиб ғижимлади, яна текислади, чўзди ва тағин жойига қўйди* (А. Муҳтор).

7. Умумий ҳол, хусусий тўлдирувчига эга бўлган ёйиқ уюшиқ кесимлар: *Энди бу этик тор келиб, оёғини қисмоқда, тўпиғини ва бирмоқларини ғажимоқда* (П. Турсунов). *У Москванинг узоқ чеккаларида окоп қазиган, шиканли симлар тўсган, солдатларнинг ярасини боғлаган* (А. Муҳтор).

* * *

Уюшиқ кесим аъзолари ҳам гап ичида, уюшиқ эга аъзоларидек, маълум тартибда жойлашади. Бу тартиб уюшиқ кесимлар англатган белгига нисбатан субъектнинг муносабатидан, феълнинг мазмунидан келиб чиқади. Уюшиқ кесим аъзоларининг гап ичида жойлашиши тубандагича:

1. Уюшиқ кесимлар ҳаракат ё ҳолатнинг бажарилиш миқдорига кўра гап ичида ўринлаштирилади. Қайси ҳаракат кўп бўлса, ўша ҳаракатни ифодаловчи кесим, кўпинча, биринчи ўринда, яъни олдинда келади. Масалан: *Навоий стим-есирлар, фақирлар учун ойлаб ош-нон берди, кийим-кечак улашди* (Ойбек). *Ҳар кун аямни уришадилар, икки марта ўласи қилиб урдилар* (А. Қаҳҳор). Биринчи мисолдаги „берди“ ва „улашди“ бўлаклари кесим бўлиб, кейингиси миқдор томондан анча кўп бўлган ҳаракатни, аввалгиси биринчисига қараганда миқдор жиҳатдан анча кам бўлган ҳаракатни кўрсатади. Пайт жиҳатдан эса ҳаракатларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда галма-гал давом этган. Бу „ойлаб“ деган пайт ҳолидан ва гапнинг мазмунидан англашилади.

2. Уюшиқ кесимлар ҳаракат ё ҳолатнинг бажарилиши пайтига кўра ўринлаштирилади. Қайси ҳаракат олдин бажарилса, ўша ҳаракатни ифодаловчи кесим биринчи ўринда, қолганлари эса ундан кейин тартиб билан жойлашади. Масалан: *У кела солиб Қурбон отани даст кўтарди, икки айлаштириб ерга қўйди, ҳол-аҳвол сўради, яна қучоқлади* (А. Қаҳҳор). *...том устига чиқди, ундан беда ғарамлари устига ўрмалади, узоқларга кўз тикди* (П. Турсунов).

3. Уюшиқ кесимлар ҳаракатнинг бажарилиш сабабига кўра ҳам ўринлаштирилади. Бу ҳолда сабаб бўлувчи ҳара-

катни билдируви кесим кўпинча олдин, сабаб натижасида ҳосил бўлган ҳаракатни кўрсатувчи кесим эса кейин жойлаштирилади. Мисоллар: *Чол дарров гапга тушунди ва бошини қимирлатиб қизнинг сўзини маъқуллади* (Ш. Рашидов). *Одамшаванда, гап, сўзи маъноли бу камбағал хаста иигитни Йўлчи яши кўрар, аҳволига кўнглидан қайғурар эди* (Ойбек) *...тиришқоқ Фозил ўқишга имконият топмади, саводсиз қолди* („Ф. Йўлдош“).

4. Уюшиқ кесимлар предмет белгисининг қиммати, аҳамияти кабиларга қараб гап ичида ўринлаштирилади, яъни сўзловчи ёки ёзувчи предметнинг қайси белгисига кўп аҳамият берса, ўша белгини кўрсатувчи кесимни биринчи ўринга жойлаштирилади. Масалан: *Кийими топ-тоза, содда ва сулув* (Ойбек). *Ҳаво салқин, тоза* (Ойбек). *Янги шаҳар кучалари қуруқ ва тоза* (Ойбек).

5. Уюшиқ кесим кўп аъзоли бўлса, баъзан аъзоларидан бири бошқаларини умумлаштириб, хулосалаб келади. Ана шу хулосаловчи кесим ё бошида, ё охирида келади, лекин ўртада келмайди. Масалан: *Турли моддаларни қизиттар, эриттар, қўшар, айирар — уз илми-ҳунарининг чуқур тилсимларида таажжубланарлик сабр, матонат ва ғайрат билан ишлар эди* (Ойбек). *Мен қараб турмадим: пода боқдим, ўроқчилик қилдим, отбоқар бўлдим* (Ойбек).

Поэзияда уюшиқ бош бўлак аъзоларининг гап ичида жойлашиши факультативдир: унда уюшиқ бош бўлак аъзоларининг гап ичида юқорида кўрсатилганидек ўринлаштирилиши баъзан ҳисобга олинади, баъзан эса ҳисобга олинмайди. Вазн ва қофия талабларига мувофиқ шоир уюшиқ бош бўлак аъзоларини истаганча ўринлаштирилади. Масалан:

*Улуғ Чин қўзғолди, озодлик олди,
Кўрсатди азамат халқ эркин кучин.*

(Ғ. Ғулом)

*Бу ерда илм олиш, соғайиш, китоб,
Дам олиш, музыка худди офтоб.*

(Ғ. Ғулом)

Гап бўлақларининг поэзияда ўринлаштирилиши махсус текширишни талаб қилади.



Уюшган ва уюшмаган кесимлар уюшган ва уюшмаган эгалар билан сон ва шахсда мослашади. Бу мослик тубандигичадир:

Уюшган эгалар киши номлари билан ифодаланган бўлса, кесим бирлик формада ҳам, кўплик формада ҳам кела олади. М а с а л а н: *Верандадан узоқларга қараб, кулиб турган Мицзура, Солижон ва Сатторов олдиндаги машинани ташиб, қўл кўтардилар* (А. М у х т о р). *Колхоз раиси вашино бошлиғи келди* (газетадан).

Уюшиқ эгалар киши номларидан бошқа жонли ва жонсиз предмет отлари билан ифодаланган бўлса, кесим кўпинча бирлик формада келади; жуда кам ҳоллардагина кўплик формада учраши мумкин: ...*чуғурчуқлар, майналар гала-гали бўлиб ғўзалар ичига ёпириларди* (Ҳ. Назир). *Тарбиячи ва ўқитувчи аёлларнинг очик чехраси ва тетик овози Холмуродни руҳлантирди* (П. Турсун). *Ёзда сизларни кўпгина қизиқарли ишлар, ўйин-кулгилар кутиб турибди* (Ҳ. Назир). ...*чўлнинг ҳар ёгидан оловлар, чироқлар имлар эдилар* (Ойбек).

Уюшиқ эгалар турли шахсни кўрсатувчи сўзлар билан ифодаланса, кесим сон ва шахсда эгалар билан эмас, балки умумлаштирувчи бўлак билан мослашади. Умумлаштирувчи бўлакнинг тушиб қолиши, яшириниб келиши мумкин. Бундай вақтда ҳам кесим эгалар билан мазмунан мослашади.

М а с а л а н:

Сен ва мен
Мен ва сен] — *иккимиз ишладик.*

Мен ва сен
Сен ва мен] — *ишладик.*

Карим ва мен
Мен ва Карим] — *иккаламиз келдик.*

Карим ва мен
Мен ва Карим] — *келдик.*

Уюшиқ кесимлар уюшиқ эгалар билан шахсда мослашади, сонда эса баъзан мослашади ва баъзан эса мослашмайди: *Дилшод ва Анзират ҳам даладан чиқдилар ва Анорхон орқасидан кетдилар. Дилшод ва Анзират ҳам даладан чиқишди ва Анорхон орқасидан кетишди. Дилшод ва Анзират ҳам даладан чиқди ва Анорхон орқасидан кетди* каби.

УЮШИҚ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАР

1. УЮШИҚ АНИҚЛОВЧИЛАР

Уюшган ва ушмаган аниқловчилар. Одатда бир предмет бир ёки бир неча хил белгига эга бўлиши мумкин. М а с а л а н: „Қизил гул очилди“ гапида *қизил* сўзи гулнинг биргина белгисини ифодаламақда.

Шунингдек, бир турдаги предметлар бир хил ёхуд уларни бир жиҳатдан аниқлайдиган турли белгиларга эга бўлиши мумкин. М а с а л а н, *Бизнинг боғда қизил, сариқ ва оқ гуллар очилган.* Бунда *қизил, сариқ* ва *оқ* сўзлари бир турдаги предметлар (гуллар)нинг фарқли белгиларини бир жиҳатдан (ранг жиҳатдан) аниқламақда.


Аниқловчилар билан аниқланмишнинг ўзаро бундай муносабатида бир пайтда икки хил синтактик алоқа мавжуд бўлади: бири — аниқловчиларнинг ўзаро тенг муносабатга киришиши, иккинчиси эса уларнинг аниқланмишга нисбатан бир хил функцияда, тўғридан-тўғри алоқада бўлиши.

М а с а л а н:

*Доҳийлар, олимлар, мардларнинг ери,
Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан.*
(У й г у н)

Дарахтларнинг орасида қизил, кўк, пушти ва зангори чизиқлар билан товланиб турган камалак кўринди
(И. Раҳим).

Бу муносабатларни схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Уюшган аниқловчиларнинг ўзаро боғланиши ва аниқловчиликка бўлган муносабати қуйидагичадир:

1. Уюшган аниқловчилар битта предметнинг ҳар хил белгиларини кўрсатиб, уни бир томондан аниқлайди: *Навоий подшоҳнинг ҳодирига кирди. Рангсиз, ғамгин, бўшашиган подшоҳга далад беришга тиришди* (Ойбек). *У содда, уятчан, камтарин йигит эди* (Ойбек). *Тошишни, бутишни севган шўх сув моҳир, чаққон ва ғайратли қизнинг майлига бўйсуниб, жила-жила пахтазорни қоп-қоп бошлади* (Ойбек).

Биринчи мисолдаги аниқловчилар (*рангсиз, ғамгин, бўшашиган*) аниқланмиш (*подшоҳ*)нинг ҳар хил белгиларини бир томондан, яъни ҳолат томондан аниқлаган; иккинчи ва учинчи мисолдаги аниқловчилар (*содда, уятчан, камтарин; моҳир, чаққон ва ғайратли*) аниқланмишлар (*йигит; қиз*)нинг ҳар хил белгиларини бир томондан, яъни характер томондан аниқлаган.

Предметнинг мазмунан ўзаро яқин бўлган белгилари саналиб келганда ҳам, аниқловчилар уюшади. Бундай аниқловчилар синонимик аниқловчилар бўлади. Синонимик аниқловчилар санаш интонацияси воситаси билан бирикади. Шунинг учун улар уюшган аниқловчилар ҳисобланади. Синонимик аниқловчилар доимо битта умумий белгининг ҳар хил оттенкаларини ифодалаш учун қўлланади; улар маъно жиҳатдан ўзаро яқин бўлиб, предметнинг белгисини тўлароқ очиш учун хизмат қилади.

М а с а л а н: *Бу бадбашара, хунук аёлнинг таърифи ни ҳоятда ажойибдир* (А. П. Чехов). *Холназар Сарини ичиқ, захарли сўзлар билан саваламоқчи бўлди* (Б. Кербобоев). *Бу бемаъни, беҳуда қон тўкишларнинг тезроқ тўхтатилишини сабрсизлик билан кутарди* (Ойбек).

Уюшган аниқловчилар бир турдаги предметларнинг фарқли белгиларини ифодалайди: *Устахонага эшик олдидаги арқонга илинган қизил, сариқ, сур ранг, бинафша ранг ни калавалари тагидан бош эгиб кирилади* (Асқад Муҳтор). *Пушти, сарғиш, қип-қизил, кўкимтил... қўлларга қараб дил шод бўлди* (Ойбек).

Ўзгача, ҳар бир отга бирданга боғланиб келган бирдан ортиқ аниқловчилар айрим ҳолларда уюшган бўлади, бу ҳолда улар ўзларни томонидан аниқланаётган отга нисбатан бир хил муносабатда бўлиб, санаш интонацияси ва тенг аниқловчилар орқали ёки фақат санаш интонацияси ва бириктурувчи паузалар билан боғланади²⁹.

²⁹ „Грамматика русского языка“, т. II, Синтаксис, ч. 1, Изд-во АН СССР, М., 1954, стр. 622.

Баъзан бир печа аниқловчилар маълум бир аниқланмиш — отга боғланиб, уюшмасликлари ҳам мумкин.

Бир предметга боғланиб, уюшмаган аниқловчилар икки хил хусусиятга эга бўлади.

I ҳолат.

Уюшмаган аниқловчилар предметни турли томондан (ранг, шакл, материал, вақт каби) аниқлаб келадиган ва мазмунан турли гуруҳларга оид бўлган аниқловчилардир. Аниқловчилар предметни турли томондан аниқласалар, уюшмайди. М а с а л а н, *Кечаги қора булутлар тарқалиб, осмоннинг юлдузлари чарақлаб туради* (Б. Кербобоев), деган гапда *кечаги* ва *қора* аниқловчиларининг аниқланмиш *булутлар* сўзига муносабатини солиштирсак, *кечаги* ва *қора* сўзларини предметнинг қандайдир умумий хусусиятини харақтерламаётганлиги, балки уни турли томондан (*кечаги* — пайтга муносабатни, *қора* — рангни кўрсатиш йўли билан) аниқлаётгани англашилади.

II ҳолат.

Уюшмаган аниқловчилардан бири аниқланувчи сўз билан бевосита боғланиб, у билан бирга битта сўз бирикмасини ҳосил қилади, бошқаси эса бутунлай ана шу сўз бирикмасига тааллуқли бўлади³⁰. Бунда олдинги аниқловчи ёлғиз бир отни эмас, балки бутун бир сўз бирикмасини аниқлайди.

М а с а л а н: *Уларнинг ёнида тўсатдан бир аёл пайдо бўлиб қолди. У боши ва бўйинини қалин жун рўмол билан ўраган бир рус аёли эди* (П. Турсун). Бу гапда „*қалин*“ ва „*жун*“ сўзлари уюшмаган аниқловчилар ҳисобланади, чунки „*қалин*“ сўзи бутун сўз бирикмаси бўлган „*жун рўмол*“ни аниқлайди, гап ичида у билан бирга иптонанцион бирликни ҳосил қилади.

Бундай бирикмалар олдидан яна сифатловчи сўз келтирилса, аввалги ҳодиса такрорлана боради, яъни аввалги сифатловчи сифатланмиш саналган бирикмага киради³¹. М а с а л а н: *Илгари унинг пештоқидаги катта қора тунука вивескада „Эски шаҳар маҳкамаси“ деб ёзилган буларди...* (Асқад Мухтор). *Бошида кўк афғоний шойи салла* (С. Айниё). *Қайтарма шойи ёқали узун қора мовут пиджак* („Русча-ўзбекча луғат“).

Бу типдаги уюшмаган аниқловчиларнинг аниқланмиш билан бевосита алоқада бўлган кейинги аниқловчиси тушиб қолган тақдирда, олдинги аниқловчи аниқланмиш билан бевосита алоқага киришиши мумкин. М а с а л а н: *кўк афғо-*

³⁰ „Грамматика русского языка“, том II, Синтаксис, ч. I, Изд-во АН СССР, М., 1954, стр. 623.

³¹ Аюб Ғулом, *Ўзбек тилида аниқловчилар*, Тошкент, 1941, 56—57-бетлар.

ни шойи салла — кук афғоний салла — кук салла; қайтарма шойи ёқали узун қора мовут пиджак — қайтарма шойи ёқали узун қора пиджак — қайтарма шойи ёқали мовут пиджак каби.

Бундай ҳолларда ёзувчи ёки сўзловчи алоҳида эътибор берган аниқловчилар аниқланмиш билан тўғридан-тўғри боғланиб кета олади.

Бироқ аниқланмиш билан ёнма-ён келган аниқловчиларнинг аниқланмиш билан жуда ҳам жипс боғланган ҳолатлари учрайдики, бу хил аниқловчиларни тушириб қолдириб бўлмайди, сунъий равишда тушириб қолдирилган тақдирда таниқлишидан кутилган маъно келиб чиқмайди. *М а с а л а н: Аммо иккинчи гуруҳ одамлар ўртасида бус-бутун бошқача гаплар борарди* (Б. К е р б о б о е в).

Уюлмаган аниқловчилар учун мисол тариқасида келтирилган бу гапда „*бошқача гаплар*“ бирикмаси ўзаро муносабатга боғлангани учун, ундан „*бошқача*“ сўзини тушириб қолдириб, аниқланмиш вазифасида келган „*гаплар*“ сўзига „*бус-бутун*“ аниқловчисини бевосита боғлаб бўлмайди. Демак, бундай ҳолларда „*бус-бутун гаплар*“ эмас, балки „*бус бутун бошқача гаплар*“ тарзида ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Уюлмаган аниқловчиларнинг аниқланмиш билан бўлган муносабатида пауза ёрдами билан турлича маъно оттенкаларини белгилаш мумкин. Паузанинг ўрни ёки кўчишига қараб, гап турли мазмунни англатади. *М а с а л а н: Момо чашма шойи кўйлак устидан жужун камзул кийди, бешта қора гулли белбоғни айлантириб боғлади* (Б. К е р б о б о е в).

Бу гапда *қора гулли белбоғ* бирикмасини икки хил пауза билан айтиш мумкин:

1) *қора гулли* (пауза) *белбоғ* — белбоғнинг гулигина қора;

2) *қора* (пауза) *гулли белбоғ* — белбоғнинг ўзи қора, гули бошқа рағда.

Уюшган аниқловчиларнинг ўз аниқланмишлари билан боғланмиш бутунлай бошқача характердир, яъни уюшган аниқловчиларнинг бирортаси ҳам аниқланмиш составига кирмайди ва улардан бирортаси ҳам бир-бири билан аниқловчилик алоқасида бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бири ушнинг грамматик марказига бевосита боғлангандир.

Уюлмаган аниқловчилар уюшган аниқловчилардан санаш интонациясининг йўқлиги билан ҳам фарқланади. Шунинг учун боғловчилар ёрдамисиз бириккан уюшган аниқловчиларни битта аниқланувчи сўзга алоқадор бўлган уюлмаган аниқловчилардан ажратиш керак. Уюлмаган аниқловчилар

орасига боғловчи қўйиш мумкин эмас. Уюшган аниқловчилар боғловчиларсиз келганларида, санаш интонацияси орқали бирикадилар ва улар орасига маълум боғловчини кириштириш мумкин бўлади.

Уюшиқ бўлақлардаги санаш интонациясининг асосий хусусиятлари:

а) саналиб келувчи бўлақларнинг ҳар бирида бир хил ургу бўлади;

б) талаффуз темпи бир хил бўлади;

в) ҳар бир саналиб келувчи бўлақдан кейин, албатта, пауза бўлади;

г) саналиб келувчи бўлақларнинг ҳар бири тенг, қутарилган интонация билан талаффуз қилинади.

Маана шу хусусиятларнинг ҳаммаси уюлмаган аниқловчиларда йўқдир.

Уюшган аниқловчиларнинг турлари. Уюшган аниқловчиларнинг аниқланмишлар билан маъно муносабатлари турлича бўлади ва турлича муносабатдаги уюшган аниқловчиларнинг материаллари ҳам турлиликка эгадир. Шунинг учун уларни қўйидаги турларга бўлиб қарамоқ мумкин: 1) қаратиш йўли билан уюшган аниқловчилар; 2) сифатлаш йўли билан уюшган аниқловчилар; 3) санаш йўли билан уюшган аниқловчилар; 4) кўрсатиш йўли билан уюшган аниқловчилар.

1. Қ а р а т и ш й ў л и б и л а н у ю ш г а н а н и қ л о в ч и л а р. Қаратиш йўли билан уюшган аниқловчилар турида бир ёки бир неча қаралмиш бир неча қаратқич-аниқловчи томонидан аниқланади. Қаратқичли уюшган аниқловчилар асосан от ва отланган сўзлар ёки олмош орқали ифодаланади ҳамда ўз аниқланмишлари билан мослашув ёрдамида бирикади. Уюшган қаратқичлар шакланган ёки шакланмаган ҳолда қўлланади. Қаратқичнинг белгиси уюшган аниқловчиларнинг ҳар бирида такрорланган бўлиши ҳам мумкин. Бунда таъкид кучли бўлади. *М а с а л а н: Аширнинг, Нуржаҳоннинг, айниқса, Ортиқнинг орзуси юзага келганлигига беҳад хурсанд бўлди* (Б. К е р б о б о е в).

Ун мингларча халқнинг, машиналарнинг сурони билан тўла қурилишда... ҳаёт қайнар эди (О й б е к).

Такрорланувчи боғловчи ҳам уюшган аниқловчилардан кейин қўлланганда, кўпинча, қаратқичларнинг белгиси сақланади. *М а с а л а н: Бир куни бир воқеа бўлди-ю, кундошларнинг ҳам, Холмисонинг ҳам жони бир оз тинчиди* (А с қ а д М у х т о р). *Ясовулнинг сўнги сўзи Ортиқнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам устидан совуқ сув қуигандай бўлди* (Б. К е р б о б о е в).

Шунингдек, қаратқичли уюшган аниқловчиларнинг олдидан бир сўз такрорланиб келганда ҳам, кўпинча, аффиксация

гулиқ бўлади. Масалан: *У ҳар қизнинг, ҳар хотинининг фотъли, ахлоқини ўлчаида ўзини намуна қилганлигиндан, Нўлчи билан Гулнор ўртасида бир кўп сирли воқеалар бўлганига ишонди* (Ойбек).

Қаратқич белгиси *-нинг* уюшган аниқловчиларнинг охириги компоненти билан келиб, уларнинг ҳаммаси учун хизмат қилади³². Масалан:

*Доҳийлар, олимлар, мардларнинг ери,
Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан.*
(Уйғун)

Ҳар ўтирганда наҳот бир ҳикоя ёки бирон романининг бир бобини битиролмасам? (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Уюшиб келиш хусусияти шаклланмаган, белгисиз қаратқичда ҳам бўлади.

Асосан семантик томондан бир-бирига яқин бўлган ва мазмунан бир турдаги сўзлар орқали ифодаланган уюшқичликловчилар, кўпинча, қаратқич белгисини олмайди.

Масалан: *...чопиқ ва суғориш сифати ҳар жойда бирмил эмас, — нутқини давом эттирар эди Уктам* (Ойбек). *Гўн ва милтиқ овозлари борган сари кучайди* (Б. Кербобоев). *...Кўҳна Хуросоннинг эли адолат ва фазилат кўшига ташнадур* (Ойбек). *Йигитнинг юз ва кўзида индиша, алам ва ҳаяжон аломатлари кўринарди* (С. Айний).

Юқоридаги мисолларда аниқланмишдаги эгалик қўшимчалари уюшган бўлакларнинг қаратқич формасида эканлигини кўрсатиб турса ҳам, улардан ёлғиз қаратиш йўли билан аниқлаш маъносигина англашилмай, қаралмишнинг қандайлигини ифодалаш мазмунни ҳам англашилиб туради.

Баъзан шеърий асарларда ёки проза асарларида уюшиб келган қаратқичли аниқловчилар ҳам шаклланган, ҳам шаклланмаган, яъни аралаш ҳолда қўлланади. Масалан: *Ормиқ қизишиб гапирди:— Биродарлар, биз ким учун мардикорликка кетиб, қирилишимиз керак! Албатта, подшонинг, амин, арчинларнинг, Холназарбойларнинг бизни илгаригидан ҳам баттар эзиши, хўрлаши учун* (Б. Кербобоев).

Бу мисолда „амин“ ва „арчин“ аниқловчилари мазмунан бир турдаги сўзлар бўлиб, семантик томондан бир-бирига яқин бўлганликлари учун қаратқич белгиси иккинчи сўзга қўшилиб келади ва у қўшимча биринчи сўзга ҳам оид бўлади.

³² А. Н. Кононов, Грамматика турецкого языка, М. — Л., 1941, стр. 204.

2. Сифатлаш йўли билан уюшган аниқловчилар. Сифатловчи-уқшган аниқловчилар ўз аниқланмишлари билан битишув орқали бириккан бўлади, аниқланмишнинг қандай формада бўлишига қарамай, уюшган аниқловчининг бўлаклари шақлан ўзгармайди, уларнинг ҳар бири грамматик белгилар: келишник, эгалик қўшимчаларисиз аниқланмиш билан тўғридан-тўғри боғланади. Бу сифатловчилар уюшиб келаётгани учун, улар ўртасида тенглик алоқаси мавжуд бўлади.

М а с а л а н :

*Онам деганимда, оқ соч, жафбокаш,
Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён.
Сен ахир бағрингда нарвариш қилиб,
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон.*
(Ғ. Ғ у л о м)

„Боғи жаҳон аро“ аввалгидай гўзал, тантанали бир руҳ билан яшарди (О й б е к).

Сифатлаш йўли билан аниқланмишга боғланган уюшган аниқловчиларнинг ҳар бири мазмунан бир турдаги сифатлар ёки сифат функциясидаги (яъни предметнинг рангини, характери, ҳолатини ва ўринга муносабатини билдирувчи) сўзлар билан ифодаланади.

Уюшган сифатловчилар сифатлар орқали ифодаланади. М а с а л а н : *Янги, бахтли турмушимизнинг ҳар қандай душманларига қарши курашимиз керак* (А с қ а д М у х т о р). *Тўғонбек цягидаги қизғиш, сийрак, дағал соқолини қашиб, сукут этди* (О й б е к).

Сифатлар орқали ифодаланган уюшиқ аниқловчилар кўйидаги маъноларни англатади:

а) предметнинг рангини билдирувчи сифатлар уюшади. М а с а л а н : *Токчаларга қизил, кўк, сарғиш муқовалик китоблар тизилган* (Ҳ. Ғ у л о м);

б) предметнинг характери билдирувчи сифатлар уюшади. М а с а л а н : *Қаршимдаги камсухан, камгап, мулоийм Ҳилола ғойиб бўлиб, бутунлай бошқа Ҳилола — исёнкор аёл пайдо бўлди* (И. Р а ҳ и м). *Вазмин, камтарин кишилар кўпинча озгина ичкилик ичиши биланоқ серғовға, андишасиз, уришқоқ бўлиб қоладилар* („Фан ва турмуш“). *Бундай одамларнинг аксари разил ва ифлос одамлар бўлади* (М. И б р о ҳ и м о в);

в) предметнинг ҳолатини билдирувчи сифатлар уюшади. М а с а л а н : *Бу ғамгин, паришон кишиларни узоқдан кўриш биланоқ, Жўрабой ота уларнинг Ботирали дардида саҳарлаб йигилишганини сизди* (Ҳ. Ғ у л о м). *Орқадан борувчилар орасида чарчоқ, ғамли, хомуш Алишер На-*

войини, бошқа дўстлари ва душманларини кўрди (О й б е к);

г) предметнинг ўринга муносабатини билдирувчи сўзлар уюшади. М а с а л а н: *Пушкинни ўша вақтдаги рус халқининггина эмас, Россиядаги бошқа халқларнинг, Европа ва Шарқдаги ҳамма халқларнинг ҳам аччиқ тақдири, келажаги машғул этган эди...* („Қизил Ўзбекистон“). *...Әҳсон чой вақтида ҳам, ундан кейин ҳам ўзининг Москва ва Ленинграддаги ўртоқлари, яқин дўстлари тўғрисидагина сўзлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Уюшган аниқловчилар таркибидаги *-да+ги* қўшимчаси кунинча охириги уюшиқ аниқловчига, ўрни билан аниқловчиларнинг ҳар бирига ҳам қўшилади.

Сифатлаш йўли билан уюшган аниқловчилар сифатдошлар орқали ифодаланади. Бу ҳолда уюшган аниқловчилар предметнинг ҳаракат белгисини англатади. М а с а л а н: *Бунда на таажужубланидиган, на шубҳаланидиган ҳеч нарса йўқ* („Қизил Ўзбекистон“). *Гулдираган, шарқираган товуш бирдан тинди, ҳатто бўроннинг гувиллаши ҳам бир лаҳза эшитилмай қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Сифатлаш йўли билан аниқлашда ёйиқлик кўпроқ сифатдошга, йиғиқлик эса сифатларга оид, чунки сифатдош маъносидан иш-ҳаракат маъносининг ҳам англашиши унга тулдирувчи ва ҳол сингари гап бўлақларининг эргашиб келишига имкон беради: *У Шокир ота ёнида қатор тизилган, пардозланиб ялтираган махсиларни кўрсатди* (О й б е к). *Бунақа шини бир-биридан харидорини қизганидиган, бирининг дўкони бирпас ёпилса бошқаси кўпроқ фойда кўрадиган, шунинг учун бир-бирини гажиб ташлашга тайёр турган дўкондорлар қилса бўлади!* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3. С а н а ш й ў л и б и л а н у ю ш г а н а н и қ л о в ч и л а р. Бу ҳолда аниқловчилар предметнинг миқдорий белгисини санаш йўли билан ифодалайди. Бундай уюшган аниқловчилар асосан саноқ, тартиб ва чама сонларидан бўлади, улар ўз аниқланмишлари билан битишув орқали бирикади:

а) саноқ сонлар уюша и: *Дарвоза ҳам уйма, қўпарма тарзида, олти, ўн икки, ўн олти гиреҳ нақшлар билан безатилган* (С. А й н и й);

б) тартиб сон уюшади: *Ҳаммолчиликнинг ўнинчи, ўн биринчи куни бир мўйсафид киши Каппондан буғдой кўтарди* (О й б е к);

в) чама сон уюшади: *Буларда юзлаб, минглаб паранжилар ташланди, ёндирилди* („Қизил Ўзбекистон“).

4. Кўрсатиш йўли билан уюшган аниқловчилар. Бу ҳолда уюшган аниқловчилар предметнинг белгисини кўрсатиб келади. Улар одатда кўрсатиш олмошларидан бўлади ва ўз аниқлашмишлари билан битишув ёрдамида бирикади. М а с а л а н: *Уммас ҳаёлида ҳали у, ҳали бу эшикка боради* („Қизил Ўзбекистон“). *У... шоликорликларнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасада кўнқайиб турган қамиш томларни кўрди* (Ҳ. Ғ у л о м).

Биринчи мисолда *ҳали* сўзи *гоҳ... гоҳ* боғловчиси вазифасида келмоқда. Бу хил аниқловчиларда бир-бирига зид муносабат бўлмайди, шу сабабли уларнинг ўзаро боғланиши учун зидловчи боғловчилар қўлланмайди.

Шунингдек, ундов сўзлар ҳам сифатловчи вазифасида келиб, уюшмишлари мумкин.

М а с а л а н: *Ҳовлидан тақ-тақ, тарақ-туруқ садолари эшитилаётибди* (Ҳ. Ғ у л о м).

Уюшган аниқловчилар ҳақида гапирганда, яна қуйидагиларга тўхташ лозим: 1) уюшган аниқловчиларни бириктирувчи воситалар; 2) уюшган аниқловчиларнинг таркиби.

Уюшган аниқловчиларни бириктирувчи воситалар. Уюшган аниқловчили бирикмаларда синтактик муносабатларнинг юзага келишида икки ҳолат бор: бири — аниқловчиларнинг ўзаро тенг муносабатга киришиши, иккинчиси — аниқловчиларнинг аниқлашмиш билан бир хил функциядаги тўғридан-тўғри алоқалари. Демак, бу муносабатлар ҳам маъно жиҳатдан ўзаро боғланадиган сўзлар ва уларнинг алоқаларини юзага келтирувчи грамматик формалар воситасида рўй беради. Буларнинг биринчиси уюшувчи аниқловчилар ва аниқлашмиш муносабатининг асоси, иккинчиси эса ўша муносабатни юзага келтирувчи воситадир.

Уюшган аниқловчилар бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси ёрдамида боғлана олгани каби, боғловчи сўз орқали ҳам бирикади. Уюшиқ аниқловчиларни боғловчи воситалар қуйидагилардан иборат:

А. Бириктирувчи боғловчилар: **ва, ҳам, ҳамда, билан.**

Ва уюшган аниқловчилар орасида кўпроқ қўлланадиган бириктирувчи боғловчилардандир. У ҳар бир уюшган аниқловчи составида бир ёки бир неча марта қўлланади. **Ва** боғловчиси уюшиқ бўлакларга асосан тенглик, тенг ҳуқуқликлик, бир мазмунига иккинчисининг қўшилиши каби маъноларни беради.

Уюшган аниқловчилар орасида **ва** боғловчиси якка, бир мартаба қўлланганда, икки ёки бир неча компонентлар таркибида келади. Шунингдек, уюшган аниқловчилар компоненти иккита бўлса, уларнинг орасида **ва** ишлатилади.

Масалан: *Онасининг меҳрибон ва мулоийм чеҳрасига сарҳод жиддият ва ташвиш чўқарди* (М. Иброҳимов). *Шу оиргина сўз унинг бутун ички ва ташқи дунёсини ушди акс эттирган эди* (М. Исмоилий).

Уюшган аниқловчилар бирдан ортиқ бўлганда **ва** боғловчиси сўнгги уюшган аниқловчининг олдида келади ҳамма саналувчи бўлакнинг тугалланганини кўрсатади. Масалан: **Форс, озарбайжон ва арман тилларидан ташқари, инглиз ва француз тилларини ҳам мукамал биларди** (М. Иброҳимов). **Самарқандли, бағдодли, исрели ва хитойли ҳамма сайёҳларга бу шаҳар манзур бўларди** (Ойбек).

Ганда уюшган аниқловчилар жуфт ҳолда қўлланганда, уларнинг ҳар бир жуфти орасида **ва** боғловчиси келади. Бундай жуфтланиб уюшиб келган аниқловчилар, одатда, маъно жиҳатдан бир-бирига жуда яқин сўзлардан бўлади: *Улар шу тўнг ва тажанг, қайсар ва кучли, тадбирли ва меҳрибон эркакнинг хоҳишини бажаришга одатлиниб қолганлар* (Ҳ. Фулом).

Бундай жуфтланиб ифодаланган уюшиқ аниқловчиларнинг бир жуфти иккинчисидан, яқка уюшган аниқловчилар орасидаги паузадан узун оқ ва таъкидли пауза билан ажралади. Шундай паузали ифоданинг юзага келишида жуфтловчи аниқловчилар асосий роль уйнайди.

Ҳам боғловчиси уюшиқ аниқловчилар составида бир маргаба ёки такрор қўлланади.

Ҳам боғловчиси адабий тилда ёлғиз ҳолда икки уюшган аниқловчини боғлашда камроқ ишлатилади. Оғзаки тилда эса деярли қўлланмайди. Масалан: *...икки ёшнинг биринчи ҳам соф муҳаббатлари қовушиши билан натижагинди* (А. Қодирй).

Ҳам боғловчиси уюшган аниқловчиларни **ва** боғловчиси билан нисбатан кучлироқ бириктиради.

Ҳам боғловчиси маъно жиҳатдан тенг бўлган уюшиқ бўлакларни боғлайди, яъни у уюшиқ бўлақларга тенглик маъносини беради.

Ҳам боғловчиен такрорланиб қўлланганда, ҳар бир уюшган аниқловчидан олдин ёки кейин келади.

Уюшган бўлақларнинг ҳар бири мустақил эканлигини аниқ кўрсатиш, уларнинг маъносини бўрттириб ифодалаш ва бундай бўлақларнинг таъкидли ифодаси учун **ҳам** боғловчиси ҳар бир уюшган аниқловчидан сўнг такрорланиб келади. Уларнинг ўзаро боғланишида асосий ролини интонация уйнайди. Бу ҳолда уларда, албатта, аффиксация тўлиқ бўлади.

Масалан: *Ясовулнинг сўнги сўзи Ортиқнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам устидан совуқ сув қуйгандай бўлди.* (Б. Кербобоев). *Измсиз туриб кетишнинг ҳам, бирон нима дейишнинг ҳам эпини қила олмай, қози домла супада узоқ ўтириб қолди* (М. Исмоилӣ).

Уюшган аниқловчиларнинг боғланишидаги мана шундай муносабатни янада кучайтириш зарур бўлганда, ҳам боғловчиси уюшувчи ҳар бир бўлакнинг олдидан келади. Масалан:

*Ўтган ўтиб кетди туш каби —
Ҳам севинчли, ҳам оғир дамлар...
(Уйғун)*

Ҳамда боғловчиси вазифаси жиҳатдан ҳам боғловчиси билан деярли бир хилдир. Лекин бу боғловчи бир неча уюшган бўлакларнинг энг охиргисидан олдин келганда, шу сўнги бўлакни ажратиб кўрсатади³³; яъни ҳам боғловчисига -да қўшилиши билан, боғловчилик маъноси ортади, таъкид-ли ҳолатга эга бўлади. Бу ҳол, -да нинг айрим пайтларда ҳам вазифасида қўлланишини кўзда тутганда, гўё иккита ҳам бирга айтилиб, боғланишнинг кучайтирилиши сифатида изоҳланиши мумкин. Ҳамда боғловчиси ҳам боғловчисидан яна шу билан фарқланадиги, у уюшган аниқловчилар составида такрор ҳолда қўлланмайди ва адабий тилда жуда кам ишлатилади. Масалан: *Бизда меҳнатга янгича, социалистик ҳамда онгли муносабатда бўлиш ўсмоқда* („Қизил Ўзбекистон“).

Билан аслида кўмакчи бўлиб, бириктирувчи боғловчи вазифасида келганда, уюшиқ аниқловчиларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилади.

Масалан: *Ёдгор билан Гулнорнинг юракларидаги қайғу ва алам қуйдириш-ёндириш даражасида бўлса ҳам, буни ўзларидан бошқа ҳеч ким сезмайди* (С. Айниӣ). *Бундай ҳисобларга сен билан менинг ақлим етмайди* (С. Айниӣ).

Билан боғловчисининг асосий хусусияти шундан иборатки, у бир уюшиқ бўлак таркибида неча ерда келишидан қатъий назар, фақат икки бўлак орасида қўлланади. Масалан: *Очил билан Омоннинг Замирага қилган муомалалари ҳам гапирилди* (П. Қодиров). *Ойқиз билан Смирновнинг, Погодин билан Олимжоннинг ҳақ эканлигига ҳали ҳам ишонгим келмайди* (Ш. Рашидов).

³³ Ш. Шобдураҳмонов, Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1953, 16-бет.

Бу мисолларда **билан** боғловчиси икки компонентли ва жуфт компонентли уюшган аниқловчилар ўртасида келган.

Уюшган аниқловчилар **билан** ёрдамида боғланганда, улар орасида ўзаро шундай жипслик пайдо бўладики, бу икки булакни гўё бир бутундай қилиб кўрсатади. Шунинг учун **билан** сўзи туфайли олдинги бўлак ҳеч қандай қўшимча олмайди, қўшимча кейинги бўлакдагина сақланади.

Масалан: **Турғунжон билан Раҳматжоннинг** воқидидаги **ярасига қора, моғор дўпписи ёпишиб қолган эди** (М. И с м о и л и й). **Бўронбек ярадорнинг қаршисидаги кичкина тахтачага ўтирди.** „Карвон“ **Бўронбек билан Ботиралининг ўртасида тик туриб қолди** (Ҳ. Ғ у л о м).

Бошқирд, қозоқ ва қорақалпоқ тили грамматикаларида **яна**, **тагин** каби сўзларга бириктирувчи боғловчи сифатида қаралади²⁴. Бундай ҳодиса ўзбек тилида ҳам учрайди.

Яна сўзи фақат уюшиқ бўлакларнинг олдидагина такрорланган ҳолда қўлланиб, уларнинг маъноларини бир хилда қучайтириш билан бирга, янада жипсроқ боғланшлари учун ҳам хизмат қилади. Ана шу маънода бу сўз боғловчилик функциясини ҳам бажаради.

Масалан: **Дадасининг: „Анвар аканг ҳам келиб қолар, таоминг асрга тайёр бўлсин!“ — жумласи Раънога яна очик, яна равшан таъминот берар эди...** (А. Қ о д и р и й).

Б. Зидловчи боғловчилар: **биноқ, лекин, аммо**. Зидловчилар синтактик жиҳатдан тенг ҳуқуқли, мазмунан бир-бирига қарама-қарши аниқловчиларни боғлайди. Шунингдек, зидловчи боғловчилар уюшган аниқловчиларни боғлаганда, олдинги бўлакнинг маъноси кейинги бўлак маъноси билан тўлдирилади ва тўлдирилаётган бўлак маъноси таъкидланади. Зидловчи боғловчилар, асосан, сифатловчи-аниқловчиларни узаро боғлаш учун хизмат қилади.

Масалан: **Зуннун Арғун телбароқ, лекин ажойиб қиличбоз, баҳодир, ёвқур бек эди** (О й б е к). **Даҳшатли, аммо ғоят гўзал садо!** (Н. Ҳ и к м а т). **...юзида бир оз чўтирлик изи қолган бу камтар, аммо қатъий хотин энг мураккаб тушунчаларни ҳам оддий мисоллар орқали етказиб бера оларди** (П. Қ о д и р о в).

Зидловчи боғловчилар жуфт уюшган аниқловчилар орасида ҳам келиши мумкин. Бунда ҳар бир жуфт аниқловчи орасидаги

²⁴ Н. К Д м и т р и е в, Грамматика башкирского, языка, Изд-во АН СССР, М., 1948, стр. 128; Н. А. Б а с к а к о в, Каракалпакский язык, П, Фонетика и морфология, ч. 1, Изд-во АН СС Р, 1952, стр. 519; Г. В А р х а н г е л ь с к и й, Грамматика казахского языка, Ташкент, 1927, стр. 52.

зидловчилар ган мазмуни ва стилга кўра турли шаклда бўлади. М а с а л а н: *Бутун кучимни икки кўзимга йиғдимда, унинг бевафо, бироқ ғамгин, шўх, лекин маънос кўзларига тикилдим* (Ғ. Ғ у л о м).

В. Айирувчи боғловчилар: **ё, ёки, ёхуд.**

Айирувчи боғловчилар уюшган аниқловчилар таркибида яқка ёки такрорланиб келади.

Уюшган аниқловчилар иккита бўлса, уларнинг орасида **ё, ёки** боғловчиси келади. М а с а л а н: *Аmmo шахардан келганларнинг ҳаммаси ҳам бўтакўзлик бўлиб кетгани йўқ. Икки ёки уч йиллик шартнома билан келадиди, муддати биттач — хайр Бўтакўз* (И. Р а ҳ и м). *Дунё бино бўлиб, ҳокимнинг ё катта амалдорнинг қишлоққа келиши лоақал кўз ёши билан қайд қилинмаганини ҳеч ким эшитмаган эди* (М. И с м о и л и й).

Уюшган аниқловчилар таркиби иккидан ортиқ компонентдан иборат бўлса, айирувчи боғловчилар охириги бўлакдан олдин келади:

У бир тўндан иккинчисига ўтиб, кўп жойда шўх сужбат, қизгин баҳс ё ўйин-кулгининг устидан чиқар, бу ундаги сўлгин кайфиятни янада бўрттириб кўрсатарди (П. Қ о д и р о в). *Завод, фабрика, колхоз, совхоз ёки ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ана шу илғорларнинг меҳнаткашлар билан учрашувларини ўтказиш лозим* („Қизил Ўзбекистон“).

Айирувчи боғловчилар такрорланган ҳолда қўлланади. Бундай ҳолда улар уюшган бўлакларнинг маъносини кучли, таъкидли ифодалаш учун ёрдам беради:

Буларнинг барчаси озми-кўпми „ҳақиқат“ бўлади, лекин бу „ҳақиқат“ кишининг фақат бир кайфиятдаги кўриниши — ё қайғули, ё ғазабли ва ёки шодлик кўриниши билан боғлиқ бўлади (М. Г о р ь к н й).

Г. Галма-галлик боғловчилари: **баъзан... баъзан, гоҳ... гоҳ, дам... дам каби.**

Бундай боғловчилар иш-ҳаракатнинг галма-гал бўлаётганлигини аниқлашга уюшган аниқловчиларни алоқага киритади. Улар уюшган аниқловчиларнинг фақат олдидагина такрорланган ҳолда қўлланади: **Баъзан саҳна, баъзан минбар вазифасини ўтайдиган кенг сўри ҳозир чойхонага ҳам, қизил бурчакка ҳам ўхшайдиган дам олиш жойига айлантирилган** (А с қ а д М у х т о р). *Оқшомга яқин тўр кўтарганда гоҳ ҳазин, гоҳ ҳаяжонли бу хаёллар унутилди* (А с қ а д М у х т о р).

Баъзан ҳам зидловчи, ҳам галма-галлик, ҳам бириктирувчи боғловчилар аралаш ҳолда уюшган аниқловчиларни бириктириб келиши мумкин. Бундай уюшиқ бўлаклардан бирик-

тириш, зидлик, галма-галлик каби маънолар англашила берилми. Масалан: *Атрофга бир қараб, кейин томида қиққайган қувурдан бурқиб тутун чиқаётган эски, лекин дургондай баланд ва мустаҳкам уйга томон юрди* (Ойбек). *Хиротнинг эски ва янги шоирларидан бирикүүлариининг асарларидаги хоҳ яхши, хоҳ нуқсон, лекин қизиқ жиҳатлар устида Зайниддин, гўё махсус равишда текширгандек, жуда мароқли нарсалар гапирди* (Ойбек).

Уюшган аниқловчилар таркиби. Уюшган эгалар, кесимлар, тўлдирувчилар каби, уюшган аниқловчилар ҳам бирикмали ҳолда кела оладилар. Гапнинг икки ёки бир неча бирикмали уюшган аниқловчиси бўлади. Бирикмали уюшган оқлақлар икки сўзли, уч сўзли, тўрт сўзли, беш ва ундан кўп сўзли бўлиши мумкин. Масалан: *Отни қияликда усган, барги юпун, қовжироқ жинғилга боғлаб, тутун тиралаётган сойликка тушди* (Ойбек). *Қирра бурунли, қоп-қора, бўйни узун йигит... ғаров чўпни баланд кўтирди* (Асқад Мухтор).

Бу гапларда иккитадан уюшган бирикмали аниқловчи ва биттадан якка аниқловчи аниқланмиш (*жинғил, йигит*)га боғланади.

Катак-катак ойна томли, баланд бу цехда ҳамма тирса ...бу ердаги одамларнинг ўзига ўхшаш, қандайдир тахслашиб бўлмайдиган қудратдан дарак бериб туради (Асқад Мухтор). *У секин-секин юриб, кунга терс солинган, бир деразали, кичкина, қоронғи уйга кириб кетди* (Ойбек). Бу гапларда биттадан уч сўздан иборат бирикмали аниқловчи бўлиб қолганлари икки сўзли бирикмали аниқловчи ёки якка аниқловчилардир.

Ярадорнинг рангсиз юзини тиканакдек қора соқол қоплаган, Башоратнинг овозини эшитиши билан очилган, ичига ботиб кетган кўзлари жонсиз, хира эди (Асқад Мухтор). *Одамни очдан ҳам ўлдирмайдиган, қашшоқликдан ҳам чиқармайдиган бу касб ҳақида халқ аломат гаплар тўқиган* (Асқад Мухтор). *Жўрихон яқин борган сари йўловчини аниқроқ кўра бошлади: у юк деса дегуликкина, катталиқда тиришқоқ жониворнинг ўзи билан тенг келиб қоладиган, бесўнақай, семиз одам эди* (Асқад Мухтор). *Ҳали ўша кўзга кўринмас кучнинг домига илинмаган, хотин зотининг аянч тақдирини бошидан кечирмаган бу жажжси қизалоқлар Жўрахоннинг кўзига чиндан ҳам шу хотинларнинг аслида соф юраги, келажаги бўлиб кўринди* (Асқад Мухтор).

Бу гапларда эса уч сўзли, тўрт сўзли, беш сўзли, олти ва етти сўзли бирикмали аниқловчилар мавжуд.

Уюшган аниқловчилар жуфт сўзлардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан: ...*ҳар куни эртадан кечгача ёр-дўстлар, таниш-билгиларнинг олдига бориб маслаҳат солди* (Леқаид Мухтор). *Икки йўлдош ва ўн гўзал деганда аллақандай ошиқ-маъшуклар, ишқ-муҳаббат ҳақидаги афсоналар эсга тушади* („Қизил Ўзбекистон“).

Баъзан бир гапда якка ва жуфт сўзли уюшган аниқловчилар бирга келиши мумкин: *Тоғ-тахт дағдағасида йилларча олиб борган тўхтовсиз, давомли, каттакичи урушларда, тўқинишларда қиличбозликдаги маҳоратини кўп дафъа очиқ намоён қилган эди* (Ойбек).

Баъзан уюшган аниқловчилар ажратилган ҳолда ҳам келади. Кўпинча сифат ва сифатдон билан ифодаланган аниқловчиларгина ажратилади. Бошқа сўз туркумлари билан ифодаланган аниқловчиларнинг ажратилиши учрамайди³⁵.

Уюшган аниқловчилар, асосан, ўз аниқланмишларидан сўнг келгандагина ажратилади. Ажратилган уюшган аниқловчиларнинг аниқланмиши кўпинча атоқли от ёки отланган сўзлардан бўлади. Масалан: *Шу вақт афғон қирларига бош кўтарар ой — бизнинг азиз, қадрдон* (С. Сайдалиев).

Бирн акс этади гулларда,

Бирн олим — ёқимли, хушфезл.

(Ҳ. Пўлат)

Улардан бирн — серсоқол, рангпар ва ориқ — ўз мантиқининг кучини кўрсатишга ва „ҳақиқат мезони“ ни ўзича таъриф этишга астойдил тиришар, шерикларининг далилларини рад этарди (Ойбек).

Уюшган аниқловчиларнинг тартиби. Уюшган аниқловчиларнинг тартиби асосан қуйидагича бўлади:

1. Уюшган сифатловчи-аниқловчилар предметнинг рангини, характерини, ҳолатини, ўринга муносабатини билдирувчи сўзлар орқали ифодаланганда, уларнинг тартиби эркин бўлади, яъни бу ҳолда битта аниқловчи компонентнинг ўрнини бошқа аниқловчи компонент билан алмаштирилган тақдирда ҳам, уларнинг семантик ва грамматик маъносига зарар етмайди. Масалан: *Чўлнинг орасида тўрт томони тоғ билан ўралган кўл бўлиб, унинг ичида тўрт хил: оқ, қизил, кўк, сариқ балиқлар кўриниб турар эди*

³⁵ Ф. Абдураҳмонов, Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1955, 11-бет.

(„Минг бир кеча“). Бу — *хусндор, хушмуомала, қизлар-дай уятчан йигит эди* (О й б е к).

2. Уюшган сифатловчи-аниқловчилар ҳаракат билдирган сўмлардан, яъни сифатдошлардан бўлса, бундай ҳолда уларнинг тартиби кўпинча маъносига қараб бўлади. Масалан: *Килтакланган ва яраланган бола — яраланган ва килтакланган бола*³⁶.

3. Уюшган сифатловчили-аниқловчилар зидловчи боғловчилар орқали бирикканда, тартиби эркин бўлмайди, яъни уларнинг ўрни алмаштирилганда, бутунлай бошқача маънони билдириши мумкин.

Масалан: *Боғнинг атрофи эски, паст, лекин ямалиб, ясқалиб бутунланган деворлар билан уралган* (О й б е к). *Ташдан қараганда эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди* (О й б е к).

4. Уюшиқ сифатловчи-аниқловчилар саноқ, тартиб ёки чама сонларидан бўлганда, уларнинг тартиби қатъий бўлади: бу ҳолда миқдор жиҳатдан катта сон билан ифодаланган уюшиқ бўлак кичик сон билан ифодаланган уюшиқ бўлакдан кейин келади. Масалан: *Икки, тўрт, олти, саккиз мисрали „тарих“ лар саноқсиз пайдо бўла бошлади* (О й б е к). *Бека иккинчи, учинчи қаландардан ҳам сўрабди* („Минг бир кеча“). *Буларда юзлаб, минглаб паранжилар ташланди, ёндирилди* („Қизил Ўзбекистон“).

Уюшмаган аниқловчиларнинг тартиби уюшган аниқловчиларнинг тартибидан фарқ қилади.

Агар уюшмаган аниқловчилар аслий ва нисбий сифатлардан бўлса, у ҳолда, одатда, аниқланмиш нисбий сифат билан ифодаланган аниқловчи отнинг олдида туради, аслий сифат орқали ифодаланган аниқловчи эса, нисбий сифат орқали ифодаланган аниқловчининг олдида келади. Масалан: *Маждиддин катта пар ёстиққа ёнбошлади* (О й б е к). *Қизил штапель кўйлак кийган Гавҳарни Маҳкам жуда узоқдан ажратди* (П. Қ о д и р о в).

Бундай аниқловчиларнинг ўрни алмаштирилганда, бирикмадан бошқача маъно келиб чиқади ёки мантиқ йуқолади. Шу сабабли бу типдаги уюшиқ аниқловчиларнинг ўриларини алмаштириб бўлмайди.

Агар уюшмаган аниқловчилар фақат аслий сифатлардан бўлса, бундай ҳолда уларнинг тартиби қуйидагича бўлади: предметнинг муҳим ва доимий белгисини билдирувчи аниқловчилар бевосита аниқланмишнинг олдида туради; пред-

³⁶ А. Ғ. Ғуломов, Ўзбек тилида сўз тартиби, „Шарқ юлдузи“ журнали, Тошкент, 1946, № 4—5. (Мисол ҳам шу ишдан олинди).

метнинг унча муҳим бўлмаган, жузъий белгисини кўрсатувчи аниқловчилар эса аниқланмишдан анча олдинда туради³⁷.
М а с а л а н: *Уртадаги тоснинг устига ёпилган ва бурчакларига пул тугилган катта оқ парчани ўзаро бўлишиб олганларидан кейин, никоҳ суви улашилди* (Б. Кербобоев).

* * *

Юқоридakilардан маълум бўладики, уюшиқ аниқловчилар бирдан ортиқ йиғиқ, ёйиқ ёки ҳам ёйиқ ҳам йиғиқ ҳолдаги аниқловчиларнинг ўзаро санаш интонацияси ёхуд тенг боғловчилар орқали бирикиб келишидан ташкил топган гап бўлакларидир.

Улар маъно муносабатлари ва материаллари жиҳатдан сифатлаш, қаратиш, санаш ёки кўрсатиш йўли билан бирикиб келувчи аниқловчилардан ташкил топади; қаратқичли уюшиқ аниқловчилар шаклланиган ёки шаклланимаган формада келади. Бу эса уларнинг ўзларига хос хусусияти ҳисобланади.

* * *

Уюшган ва уюшмаган изоҳловчилар. Изоҳловчилар ҳам аниқловчилар каби уюшган ва уюшмаган ҳолда келиши мумкин.

Изоҳловчилар предмети бир томондан аниқласа, у ҳолда улар уюшган бўлади.

М а с а л а н: *Халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбобларидан бири, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Мин етмиш ёшга тўлди* („Қизил Ўзбекистон“).

Илмий даражалар ва унвоилар, фахрий унвоилар, вазифа номлари бир гап составида уюшган изоҳловчилар сифатида қўлланади. М а с а л а н: *Фалсафа фанлари доктори, профессор В. И. Зоҳидов. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Қоринийёзий, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси*

³⁷ Н. М. Мелноранский, Краткая грамматика казак-киргизского языка, Синтаксис, СПб, 1897, стр. 5.

нинг академиги ва президенти, геология фанлари доктори *Х. М. Абдуллаев*.

Агар изоҳловчилар предметни турли томондан аниқласа, шундай ҳолда улар уюшмаган ҳисобланади. **М а с а л а н:**
Китоб автори инженер Зокиров. Академик шоир Гафур Гулом.

II УЮШИҚ ТЎЛДИРУВЧИЛАР

Грамматик формаси ва вазифаси жиҳатдан тўлдирувчи бўлиб, маълум воситалар ёрдамида ўзаро тенг алоқага киришган ва гапнинг бирор бўлагига боғланиб, асосан бир турдаги сўроққа жавоб бўлган бир типдаги бўлақлар уюшган тўлдирувчилар бўлади. **М а с а л а н:**

*Баҳор қучоғида лола, сунбуллар,
Чечаклар, нурларга тўлди кўнгиллар.*

(У й г у н)

*Ў қизчаларини бағрига босиб, кечалари билан отани
ёки хунук бир ваҳимани кутар эди* (Асқад Мухтор).

Биринчи мисолда уюшган тўлдирувчилар ўзаро тенг алоқага киришиб, бир турли саволга жавоб бўлгани ҳолда, улар боғловчисиз — фақат санаш интонацияси ва бириктирувчи паузалар орқали ўзаро боғланиб келган. Иккинчи мисолдаги уюшган тўлдирувчилар ҳам ўзаро тенг алоқада бўлиб, айирувчи боғловчи ёки ва санаш интонацияси орқали ўзаро боғланган. Улар тушум келишиги формасидаги предметга (кенг маънода) нисбатан бериладиган икки хил сўроққа: кимни (отани), нимани (ваҳимани) сўроқларига жавоб бўлади.

Демак, уюшган тўлдирувчилар ҳар вақт бир хил сўроққа жавоб бўла бермайди, ўрни ва лексик-грамматик вазифаларига кўра, бир типдаги ҳар хил сўроққа ҳам жавоб бўлади.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги уюшиқ бўлақларни, уларнинг характерли белгиларига кўра, бешга бўлиб кўриш мумкин: 1) Уюшган тўлдирувчиларда синтактик алоқа; 2) уюшган тўлдирувчиларни бириктирувчи воситалар; 3) уюшган тўлдирувчиларнинг шаклланиши; 4) уюшган тўлдирувчиларнинг материаллари; 5) уюшган тўлдирувчиларнинг таркиби.

Уюшиқ тўлдирувчиларда синтактик алоқа. Уюшган тўлдирувчилар ўзаро тенг алоқага киришганлари ҳолда, бирор бўлақни, баъзан эса бир турдаги бир неча бўлақни изоҳлаб, улар билан тобе алоқада бўлади. Демак, уюшган

тўлдирувчилар ифодасида икки хил алоқа: тенглик ва тобе-лик алоқаси мавжуд.

Тенглик алоқаси. Бу уюшувчи бўлақлар (тўлдирувчилар) ўртасидаги ўзаро тенг муносабат, яъни бир-бирини изоҳламайдиган муносабатдир. Бу алоқа уюшган тўлдирувчилар составида кўпинча икки ҳолатда кўрилади: ёлғиз бўлақлар орасидаги тенглик алоқаси; жуфт-жуфт бўлақлар орасидаги тенглик алоқаси.

1. Ёлғиз бўлақлар орасидаги тенглик алоқаси. Бунда уюшган тўлдирувчиларнинг бирма-бир саналиши асосидаги ўзаро муносабат ифодаланади.

М а с а л а н : *Мени, саҳнадошларимни, замондошларимни хор-зор ҳаётдан... қутқариб олган Буюк Октябрь социалистик революцияси ҳаммамизга янги, озод, саводхон ва маданий ҳаётга йўлланма берди* („Қизил Ўзбекистон“).

*Бир толамни ерга туширмай,
Ударниклар, чечанлар терсин!
Келажакни севганлар менга*

Севгисини, меҳрини берсин!
(У й г у н)

У ёш жувонлик бахтидан, ўйин-кулгиларидан барвақт айрилган, барвақт ғам-ғуссага чўмган муштинлар она эди (М. И с м о и л и й).

2. Жуфт-жуфт бўлақлар орасида тенглик алоқаси. Бунда гапнинг баробарлик муносабатида ўзаро жуфтлашган бўлақлари жуфт-жуфт ҳолда бир-бири билан тенглик алоқасига кирган бўлади.

М а с а л а н : *Доҳий рус шоири ўз халқининг гўзаллиги ва ифбатини, соф виждони ва нуруний ақлини,*

ажойиб қобилияти ва зўр инсонпарварлигини, қуд-

рати ва ватанпарварлигини, эрксевар ва тинчликсеварлигини ифодалаб... бадий бойликлар яратди... („Қизил Ўзбекистон“). Бу саволлар фақат Акбаров ва Эшон-

овсв, Тошев ва Ҳақимов орасидаги зиддият ҳақида эмас,
 нуқ, ҳаётда ҳақ ва ноҳақни, рост ва ёлғонни, ҳақ-
қонийлик ва қалбакиликни тўғри фарқ қилиш, тўғри
белгилаш, тўғри баҳолаш ҳақида (П. Қ о д и р о в).

Булардан ташқари, уюшган тўлдирувчиларнинг бир сос-
 лавида ёлғиз ва жуфт бўлақлар ўзаро тенг алоқада келиши
 мумкин. М а с а л а н: Базм бутун шавкати, бутун анъа-
на ва одати, ваҳший сурони билан давом этади (О й-
 б е к).

Баъзан бир печа бўлақдан иборат уюшган тўлдирувчи-
 ларнинг бир тўдаси ўзига ўхшаш бошиқа бир тўда билан
 ўзаро тенг муносабатда бўлади. М а с а л а н: Қўмри, Ҳа-
мида, Зарифага; Собир, Қодир ва Носирга алоҳида
эътибор берилмоқда.

Тобелик алоқаси. Уюшган тўлдирувчилар бир бўлақни
 ёки бир турдаги бир неча бўлақни изоҳлайди, унга тобе
 муносабатда бўлади.

Уюшган тўлдирувчилар гапнинг бирор бўлагига тобелан-
 гада, бошқарувчи бўлақ одатда якка ҳолда келади: Ума-
рали „Коммунизм“ колхозининг чегарасидан ўтгунча ўғит
ташиётган бир неча машина, автокачка ва аравалар-

ни учратди (И. Р а ҳ и м). Ўктам майдонни айланиб,
ҳовуз, фронтанларни томоша қилиб, идора рўбаруси-
дан чиқиб қолди (О й б е к).

Уюшган тўлдирувчилар гапнинг бир турдаги бир неча
 бўлақларига тобеланганда, бошқарувчи бўлақлар, одатда,
 уюшган ҳолда бўлади: Мен сени аввало Ватан учун,
сўнгра оиланг учун ўстирдим ва тарбияладим („Қизил
 Ўзбекистон“).

*Ҳаммаси байрамга тайёрлангандай,
Ҳамма ясинган — жойида пардоз...*

Севинч ва мардликни қўшиб, басталаб,

Табиат тўлганиб чалади бир соз.

(У й ғ у н)

Уюшиқ тўлдирувчиларнинг бошқарувчи сўзи, кўпинча, феъл, баъзан эса иш-ҳаракат отлари, сифат, олмош ва сифатдош билан ифодаланади. Бундай сўз туркумлари билан ифодаланган бошқарувчи сўзлар гапда кесим, эга, аниқловчи ва тўлдирувчи вазифасида келади. Уюшиқ тўлдирувчилар тобелик муносабатида кўпинча кесимга, баъзан гапнинг эгаси, аниқловчиси ва тўлдирувчисига боғланиб, уларни изоҳлайди.

Ч у н о н ч и:

кесимга тобе уюшиқ тўлдирувчилар: *Моддалар устида ишларкан, қўлларини ва кийимларини куйдирди* (О й б е к). *Лола уни ойиси, опаси билан таништирди* (П. Қ о д и р о в). *Хотинлар ув тортиб йиғлашар, аламларига чидолмай ҳокимни, мингбошини, алдамчи бойни қарғашар эди* (М. И с м о и л и й);

эгага тобе уюшиқ тўлдирувчилар: *Ҳар хил бадий асарларни — романлар, повестлар ва ҳикояларни ўқиш жузда фойдалидир;*

аниқловчига тобе уюшиқ тўлдирувчилар: *Ольга Петровнанинг шу келиб-кетишларида унинг ғаразлардан, таъмалардан пок, тоза қалби ҳамма ёққа томир ёйди* (М. И с м о и л и й);

тўлдирувчига тобе уюшиқ тўлдирувчилар: *Улар Мирзанинг нозик, хаёлчан кўнглини қонли можаро, тантана ва ҳокимият ҳаваслари билан ёқишга тиришадилар* (О й б е к),

Уюшиқ тўлдирувчиларни бириктирувчи воситалар. Уюшган тўлдирувчилар тенг боғловчилар воситасида ёки боғловчиларсиз, бириктирувчи пауза ва санаш интонацияси орқали ўзаро боғланади. Бу боғловчилар уюшган тўлдирувчиларни бир-бирига боғловчи формат воситалардир.

Уюшиқ тўлдирувчилар тенг боғловчилар ёки интонация орқали ўзаро боғланиб, уюшган бўлақларнинг юмуқ ёки очиқ группасини ҳосил қилади.

Уюшувчи охириги бўлақдан олдин келган биттагина бириктирувчи боғловчи (такрорланувчи боғловчилар бундан мустасно) **ҳам** ёки **ва** воситаси билан ўзаро боғланган гап бўлақлари уюшиқ тўлдирувчиларнинг юмуқ группасини ташкил қилади. М а с а л а н: *Тошкент чопарининг бу кутилмаган*

ҳаракати хонни, Мукулмонқулни, қушбеги ҳам худайчини... бир ҳайратда қолдирган эди (А. Қодирӣй). Мер бой бисотлари, чиройли безаклари, юмшоқ туншак ва нар ёстиқлари билан кўзларга ором берар эди (М. Исмоилий).

Бириктирувчи паузалар ва санаш интонацияси ёрдами билан ўзаро боғланган гап бўлаклари эса уюшиқ тўлдирувчиларнинг очиқ группасини ташкил қилади. Масалан: *Дарсхоналарингизни, ётоғингизни, либосингизни, мана бу ажиб дарахтзор боғингизни кўрган одамнинг кўзи қувонади (Ҳ. Фулом). Қўшқишлоқ кишилари большевик ётирвали улар учун, халқ учун, революция учун жонини фидо қилганини билиб қўйишин (Ҳ. Фулом).*

Уюшиқ тўлдирувчиларнинг ўзаро тенг муносабатларида қўйидаги боғловчилар қатнашади:

1. Якка ҳолда қўлланувчи боғловчилар: **ва, ҳамда, билан** (ва ўрнида) каби;

2. Такрорланиб қўлланувчи боғловчилар: **гоҳ-гоҳ, даидам** каби;

3. Гоҳ якка, гоҳ такрорланиб қўлланувчи боғловчилар: **ҳам, ё, ёки** кабилар.

Шу боғловчилар воситаси билан боғланган уюшиқ тўлдирувчиларда ҳам пауза ва санаш интонацияси бўлади. Уюшиқ тўлдирувчилар орасида одагда бир-бирга зид муносабат бўлмайди, шу сабабли уларнинг ўзаро алоқасида *лекин, аммо, бироқ* каби зидловчи боғловчилар ва шу вазифадаги -у, -ю юкламалари ишлатилмайди.

Якка ҳолда қўлланувчи боғловчилар тубандаги каби уюшиқ тўлдирувчилар орасида ишлатилади: *Гуё кампир ҳам мендан шу сўзни кутиб турган экан, ҳамиятимга ва ақлимга таҳсин ўқиди ва қизига қаради (А. Қодирӣй). Ҳовли эр ва хотиндан бўш, ёлғиз қизларгагина хосланиб қолди (А. Қодирӣй); Уларнинг диллари умид ва шодлик билан тўлган, турмушининг қайғуларини, машаққат ва даҳмазаларини унутган эдилар (Ойбек).*

Келтирилган мисолларда якка ҳолда қўлланувчи боғловчи **ва** уюшган тўлдирувчиларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилган: биринчи, иккинчи мисолларда **ва** боғловчиси икки компонент орасида, учинчи мисолда эса уч компонентли уюшган тўлдирувчиларнинг сўнги иккитаси орасида келган. Демак, уюшиқ тўлдирувчилар икки компонентли бўлса, шу иккала компонент ўртасида, иккидан ортиқ компонентли бўлса, охириги икки компонент орасида якка ҳолда қўлланувчи боғловчилар ишлатилади. Бу уюшган тўлдирувчилар составида келган гоҳ якка, гоҳ такрор равишда қўллани-

лувчи боғловчиларнинг якка ҳолдаги шаклларига ҳам оид-дир.

Масалан: *Ҳар томонда трактор ё от билан культивация... қизғин бормоқда эди* (О й б е к). *Қўлтиқларида товуқ, хўроз билан, бошларида қатиқ ивитилган лаган ё хурма билан яланг оёқ, кир, жулдур кийимли болалар шипиллаб ўтади* (М. И с м о и л и й).

Якка боғловчилар воситаси билан боғланган уюшган тўлдирувчилар талаффузида шу боғловчи олдидаги тўлдирувчи билан боғловчи орасида қисқа пауза сезилади, шу сабабли якка боғловчи ўзидан кейинги тўлдирувчига қўшиб талаффуз этилади.

Якка боғловчилар жуфт ҳолда уюшган тўлдирувчилар орасида келганда, ҳар жуфт бўлак кўп вақт ўзаро пауза, санаш интонацияси орқали боғланади; улар орасидаги пауза оддий паузадан узунроқ бўлади.

Масалан: *Ойқизнинг барча ҳаракатларини диққат билан кузатган Лола унинг жасорати ва мардлигига, чидам ва садоқатига қойил бўлди* (Ш. Рашидов). *Ойқиз бу қизга узоқ тикилгач, уни ашула ва дутор ошиғи бўлса керак, деб ўйлади, чунки унинг ташқи кўриниши ўйинқароқлик ва шўхликни, ғамсизлик ва кулгини эслатиб туради* (Ш. Рашидов). *Изоҳловчилар кишининг амали ва унвонини ёки касби ва машғулотини билдиради* („Ўзбек тили дарслиги“).

Уюшган тўлдирувчилар орасида ва боғловчиси ўрнида келган билан кўмакчиси уюшувчи бўлакларнинг биринчи компонентига қўшилиб айтилади: *Тўтиқиз билан Дилшодда чиндан ҳам ўхшашлик, умумий жозоба бор эди* (М. Исмоилий). *Тўтиқиз билан Тўфа қизни... ўпиб кўчага чиқди* (М. Исмоилий). *Бироқ яширин овознинг натижаси аломат бўлиб чиқди: Саида билан Умидага ҳамма овоз берибди* (А. Қаҳҳор).

Такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилар тубандаги каби уюшиқ тўлдирувчилар билан бирга ишлатилади: *Улар хайр сўраб чўзган қўллари билан дўкондорларни ҳам, косибларни ҳам, йўловчиларни ҳам, бозорчиларни ҳам, сажоварлардаги чойхўрларни ҳам безор қилардилар* (П. Турсун).

Такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилар ўзидан олдинги уюшувчи бўлак билан қўшиб талаффуз этилади. Шу боғловчидан кейин, ҳар бир уюшган бўлак орасида узунроқ пауза ҳосил қилинади. Бу хил боғловчилар уюшиқ тўлдирувчиларнинг ўзаро боғланишини таъкидлаш йўли билан кучайтиради.

Такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилардан ё, гоҳ... гоҳ ҳар бир уюшган тўлдирувчидан олдин, ҳам эса баъзан шу хил бўлақлардан олдин, баъзан кейин келади.

Масалан: *У гоҳо ариқдаги сувнинг бир маромда чулдирашига, гоҳо алақайда яйрашаётган чигирткаларнинг чириллашига қулоқ солиб қолди* (М. Исмоилий). *Халқимиз ўзининг ақл-заковотини, ҳам, кучини ҳам, иродасини ҳам неча марталаб кўрсатган...* („Ўзбекистон маданияти“). *...салбий таъсир кўрсатишида Қаландаров фақат ўзига суянса, ижобий таъсир кўрсатишида сиз ҳам ўзингизга, ҳам халққа, ҳам коммунистларга, ҳам райкомга суянасиз* (Л. Қаҳҳор).

Уюшиқ тўлдирувчиларнинг шаклланиши. Уюшган тўлдирувчиларнинг ҳар бири одатда бир турли вазифадаги бир хил формал белгига эга бўлади, яъни улар бир хил келишида ёки бир хил вазифадаги кўмакчилар билан келади.

Воситасиз тўлдирувчилар уюшганда, ҳар бир тўлдирувчи тушум келишиги формаси *-ни -н* (баъзан-дан), билан белгили, айрим ҳолларда эса формасиз — белгисиз келади. Шунинг учун уюшган воситасиз тўлдирувчилар икки хил бўлади: 1) белгисиз уюшиқ тўлдирувчилар; 2) белгили уюшиқ тўлдирувчилар.

Белгисиз уюшиқ тўлдирувчилар қуйидаги ҳолларда кўринади:

1. Уюшган воситасиз тўлдирувчилар кўпинча абстракт маъноли сўзлардан бўлади. Масалан: *Ҳамма участкаларда одамлар энг баланд ғайрат ва ташаббус кўрсатишига тиришар эдилар* (Ойбек). *Навоий:— Шаҳаншоҳ Ҳиротда адолат ва осойишталик ўрнатиш учун менга ваколат бердилар* (Уйғун). *У ерда муҳим учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказдик* („Ўзбекистон маданияти“).

2. Уюшган воситасиз тўлдирувчилар англатган предмет ёки ҳодисалар сўзловчи ҳамда тингловчига олдиндан маълум ва конкрет бўлмай, балки „умуманлик“ маъносини ифодалаганда ҳам улар белгисиз формада келади. Бундай ҳолда улар қуйидагича кўринишида ҳам бўлиши мумкин:

а) якка сўзлар билан ифодаланади: Масалан: *У ҳеч ерда сувнинг шундай куйини тингламади, Буни ариқ ва сув яратганларнинг юраги тушунади* (Ойбек).

б) уюшган тўлдирувчиларнинг ҳар бири аниқловчи-аниқлашнинг типдаги сўз бирикмалари орқали ифодаланади. Масалан: *Баъзилар болага бир тўғрам нон ёки бир сиқим ўрик беришди* (П. Турсун). *Бешта китоб ва ўттизта дафтар олдим*.

Уюшиқ тўлдирувчилар, одатда, умумлаштирувчи сўзлардан олдин келади; умумлаштирувчи сўз тушум келишиги

(-ни) қўшимчасини олган тақдирда бошқа уюшувчи булақлар белгисиз формада бўлади. Масалан:

*Тракторстрой, сельмашилар —
Гигантларни қуриб ташладик.
Яна юзлаб, минглаб заводлар,
Фабрикалар қура бошладик.
(У й ғ у н)*

Белгилни уюшиқ тўлдирувчилар шаклланиши жиҳатидан икки хил бўлади: 1) ҳар бир уюшган тўлдирувчига тушум келишиги қўшимчаси қўшилади; 2) тушум келишиги формаси уюшган тўлдирувчиларнинг охиригисиди келади.

Уюшган воситасиз тўлдирувчиларнинг ҳар бири тушум келишиги формасини олганда, улар аниқлашган предмет ёки ҳодисалар сўзловчи ҳамда тингловчига олдиндан маълум бўлиб, аниқ ва конкрет маънони билдиради, уюшувчи булақнинг ҳар бири таъкидлаш йўли билан баён этилади.

Уюшган тўлдирувчиларнинг ҳар бири тушум келишиги қўшимчасини олиши қуйидаги ҳолларда юз беради:

1. Уюшган воситасиз тўлдирувчилар атоқли отлардан, кишилиқ ёки айрим кўрсатиш оломшларидан бўлганда ёхуд бу сўз туркумлари аралаш қўлланилганда. Масалан: *Умрзоқ ота... энди унинг арвоҳига фотиҳа ўқиб, Эъзохонни, Тўлқинни, Учқунни дуо қиладиган бўлиб қолди* (Ҳ. Ғулом).— *Ойишон, одам бор жойга одам келади. Нима, Турсунбой келиб, сизни, мени ҳафа қиладиган бирор гап айтгани йўқ-ку, ахир!* (Ж. Шарипов).— *...дўппи, қийиқ, палак, сўзана, зардеворлар тикар, буларни чиқариб сотар, кичкина Тўтисини, ўзини боқар эди* (М. Исмоилий).

2. Белгилни уюшиқ тўлдирувчиларнинг ҳар биридан сўнг ҳам такрорланувчи бириктирувчи боғловчиси ишлатилганда. Масалан: *Башорат бир-бирларини „ўртоқ“ деб атайдиган бу одамлар ўзларини ҳам, дўстларини ҳам жуда кучли, ҳар қандай бачканаликдан устун, мағрур ҳис этишларига қаттиқ ишонар эди* (Асқад Мухтор). *Навоий:— Шариат, адолат дейдилар. Аммо адолат ўрнатилмай келганда, зolimларга ён босиб, шариатни ҳам, адолатни ҳам бузадилар* (У й ғ у н). *Инсон йиғлашни ҳам, кулишни ҳам биледи* (Қ. Ҳикмат).

3. Белгилни уюшиқ тўлдирувчиларнинг ҳар бири ўзинга тааллуқли аниқловчилар билан келганда (бу аниқловчилар, кўпинча, ўринга муносабатни ифодаловчи сўзлардан бўлади): *... камбағал қишлоғидаги чордевор уйини, меҳрибон онасини, севикли укаларини кўз олдига келтириб, ўйлар экан, кўчада бирдан отларнинг дукурини эшитди*

(Ойбек). *Жўрабой ота таниш товушларни, қайғу-дош бечораларнинг йиғисини, алам ва ғазаб билан сўзлайётган сўзларини эшитди* (Ҳ. Фулом). *У бундай журъатни ва ҳаётий тасаввурни энг аввал ота-онасининг муҳаббатидан олиши керак эди* (П. Қодиров).

4. Белгили уюшиқ тўлдирувчининг олдидан бир хилдаги сўз такрорланиб келганда ҳам, бу тўлдирувчи ўзининг морфологик белгиси — тушум келишиги қўшимчасини сақлаб қолади. **М а с а л а н:**

*Ўз балоғатини, ўз талантини,
У билан ифода қилди халқ, башар.*
(У йғун)

Қур атрофида давра қурган ёш ва қариларнинг баъзилари яланг оёқларини, баъзилари ҳўл чориқларини ўтга тобладилар (П. Турсун).

5. Тушум келишиги қўшимчаси воситасиз белгили уюшиқ тўлдирувчиларнинг ҳар биридан кейин эмас, балки уюшувчи бўлақларнинг охирида ҳам келади. Бу ҳол уюшган тўлдирувчилар оддий равишда, яъни таъкидлашсиз санаб кўрсатилганда юз беради. **М а с а л а н:** *Давра қуриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини тавсифлашга тил кифоя қилмайди* (Ойбек).

6. Уюшиқ тўлдирувчиларнинг биригагина (кейингисига) тушум келишиги аффикси қўшилиши муносабати билан, уларнинг составида кўпроқ **ва, ҳам** боғловчилари, **-у,-ю** юкламалари иштирок этади. **М а с а л а н:** *Улар афандининг бой ва подшоҳларни қандай қўлга туширгани тўғрилирида қизиқ латифалар айтардилар* (П. Турсун). *Кошкийди саводим бўлса, дард ва ҳасратларимни, тилак ва ыстакларимни хатга солиб юборсам!* (М. Исмоилий). *Теварак-атрофдаги камбағал деҳқонларнинг бошларини бириктириб, бойларнинг молу мулкани, дону ғалларини тортиб олаётган эмиш* (М. Исмоилий).

Биринчи ва иккинчи мисолимизда **ва** бириктирувчи боғловчисининг қўлланиши биринчи бўлақда келишик қўшимчасининг ишлатилмаслигига олиб келган. Учинчи мисолимизда эса ҳар бир жуфт орасида **-у** юкласи келгани учун, ҳар бир жуфтнинг биринчи бўлағида келишик қўшимчалари ишлатилмаган.

7. Уюшган тўлдирувчиларни бириктириш учун боғловчи вазифасидаги **билан** ёрдамчиси қўлланганда, тушум келишиги белгиси фақат иккинчи тўлдирувчи таркибида келади: *Ҳожияхон Турсуной билан Башоратни қучоқлаб, онанинг бошида ўтирди* (Асқад Муҳтор).

8. Баъзан тушум келишиги қўшимчаси уюшган воситасиз тўлдирувчиларнинг олдинги ва кейинги компонентлари таркибида келиб, ўртадаги тўлдирувчи белгисиз формада ишлатилади. **М а с а л а н:**

Жавоб учун
Юрагимни,
Шеърим,
Ишқимни

Душманларга
Нафрат билан
Қўлга оламан.

(Х. О л и м ж о н)

Зайнаб энди ўз асрорини,
Армонини, истак, зорини
Опасига этиб ошкора
Қилмоқ идир дардига чора.

(Х. О л и м ж о н)

Уюшиқ воситасиз тўлдирувчиларнинг бундай шаклда қўлланиши шеърятда, асосан, вазн, қофия ва оҳангдорлик талаби билан боғлиқдир.

Воситали тўлдирувчилар уюшиб келганда, уюшувчи ҳар бир бўлак асосан жўпалиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишиклари аффикси орқали ифодаланади, бу бўлаklar баъзан кўмакчили конструкция шаклида қўлланилади. Шу жиҳатдан уюшиқ воситали тўлдирувчилар иккига ажралади: 1) келишиқ қўшимчаларини олган уюшган воситали тўлдирувчилар; 2) кўмакчили конструкция шаклидаги уюшган воситали тўлдирувчилар.

Уюшган воситали тўлдирувчиларда келишиқ қўшимчаси уларнинг ҳар бирига қўшилади. Бунда уюшиқ тўлдирувчиларнинг ҳар бирини айниб, таъкидлаб ифодалашга кўпроқ эътибор берилади. **М а с а л а н:** *Умсагул бир **Момога**, бир **Ойинага** қаради* (Б. Кербобоев). *Ефим Данилович бир **Башоратга**, бир **Онахонга** қараб, уларнинг юзидаги ҳаяжонни энди пайқади* (Асқад Мухтор). *Колхозга даромад кирса сизга, бизга, ҳаммага давлат киради, бойлигимиз ортади* (Ж. Шарипов). *У...илдан, санъатдан, сиёсатдан, колхоз хўжалиги ҳаётидан қулоғига кириб қолган гаплар ҳақида ўзича муҳокама юргизиб, нала-партиш... фикрлар айтар эди* (А. Қаҳҳор). *Фуломжон нафас олмай тинглади. Нафас олса жонбахшидан, дилкашидан айрилиб қоладигандек жим эшитди* (М. Исмоилий).

Воситали уюшиқ тўлдирувчиларнинг таъкидли шакли, яна, ҳар бир уюшган бўлакдан сўнг ҳам боғловчисининг

гакрорланиши йўли билан ифодаланади. Бундай ҳолларда воситали уюшиқ тўлдирувчиларнинг ҳар бири келишиқ қўшимчасини қабул қилади, унда таъкид маъноси янада кучлироқ бўлади: *Унинг гапларида ҳам, товушида ҳам ҳадик, ҳазинлик, ожизлик сезилиб туради* (А с қ а д М у х т о р).

*Тонг ёришиб, тонг ярқираб келади,
Кўзга ҳам, қўлга ҳам ўзни сездирмай —
Оёқ босишлари қоронғиликнинг
Акс этмас қулоқда бир оҳанг билан.*

(Х. О л и м ж о н)

Уюшган бўлақлар оддий равишда, яъни таъкидлашсиз саналганда, келишиқ аффикси уюшиқ воситали тўлдирувчиларнинг охиригисига қўшилади. М а с а л а н: *Ун бир ёшидан кетмон чопан, умрининг тенг ярмини қароллик, батраклик, чоракорликда ўтказган чолнинг юзлари кутилмаган даражада қип-қизил, ўзи эса тетик ва бақувват эди* (И. Р а ҳ и м). *Кекса деҳқон сеvimли дарахтнинг шохлари, новдалари, ғунча ва гулларига иштиёқ билан термилар экан, қалби севинч билан талпинарди* (Ш. Р а ш и д о в). *Бекнинг „мардлиги ва йигитлиги“ни ўзига-ўзи таъриф ва тавсиф қилиб, қувониб юрувчи Лаълининг кўнгли унинг шафқатсизлиги, золимлиги ва қотиллигидан ранжиди* (Ҳ. Ғ у л о м).

Уюшган бўлақлар составида кўпинча якка ҳолда қўлланувчи бириктирувчи боғловчилар иштирок этганда ҳам, келишиқ аффикслари уюшиқ воситали тўлдирувчиларнинг охирига қўшилади. М а с а л а н: *Афтидан, ногара садолари саркарда ва амалдорларга яхши таъсир қилган бўлса керак...* (С. А й н и й). *Қаландаров машқ ва ашуладан мамнун бўлди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *У Эшонбоевни қўл етмас баландликда кўрар, унинг таърибаси ва мантиқидан ҳайкардди* (П. Қ о д и р о в).

Баъзан келишиқ қўшимчалари уюшган воситали тўлдирувчиларда аралаш ҳолда ишлатилади: келишиқ қўшимчаси олдинги ва кейинги уюшган бўлақларда келиб, уртадаги тўлдирувчи белгисиз формадаги объектни англатади. Бундай ҳол кўпинча шеърятда вазн, қофия талаби билан рўй беради. М а с а л а н:

*Ўлкамнинг энг гўзал баҳори:
Гулга тўлган дала-тузимиз,
Шаҳарига, боғи, чўлига,
Дарёсига, наҳри, кўлига
Хўжайинмиз бизнинг ўзимиз.*

(Х. О л и м ж о н)

Баъзан бундай ҳодиса прозада ҳам учрайди. Бу, кўпинча, ёзувчининг стилига мувофиқ юз беради. *Масалан Аммо халқ бундай ёлворишларга, тавба, тазарруларга қулоқ солмади...* (А. Қодирӣ).

Воситали уюшиқ тўлдирувчиларда кўмакчилар баъзан ҳар бир уюшган бўлакдан сўнг келади, баъзан эса фақат уюшган тўлдирувчиларнинг энг охирида қўлланиб, бундай ҳолларда у барча уюшувчи бўлақларга тааллуқли бўлади.

Масалан: Хиротнинг улуғлиги, гўзаллиги, аҳамияти ҳақида ҳамма қаламлар ҳамфикр эди (Ойбек). *Ёдгор қиз тўғрисида ва келажаги тўғрисида ўйлай-ўйлай бирор натижа чиқара олмагач, утмишни эслаб кетди* (С. Айниӣ).

Кўмакчилар ўзбек тилининг бошқа формал-грамматик белгилари каби, бошқарилувчи сўз (тўлдирувчи) лардан кейин, охириги бўлакнинг бир элементи сифатида ишлатилади.

Уюшган тўлдирувчилар кўмакчи сўзлар билан келганда, от ва кўмакчилар орасида келишиқ қўшимчаси қўлланилмайди.

Уюшиқ тўлдирувчилар билан, учун, ҳақида, тўғрисида, орқали каби кўмакчилар ва устида ёрдамчиси билан келади.

Уюшган тўлдирувчиларнинг кўмакчили конструкцияларида ҳар бир кўмакчи ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, билан ёрдамчиси иштирокида тузилган конструкцияларда уюшиқ тўлдирувчилар бир ёки бир печа иш-ҳаракатга боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда тўлдирувчилар боғловчисиз ёки бириктирувчи боғловчилар ёрдамида ўзаро бирикади.

Масалан: Жон бераётган жўжаҳўроздек Субҳ ҳар замон-ҳар замон питирлаб, боши, оёқлари, қўллари билан ерни чангитиб урарди (Мирмуҳсин). *Бу шафқатсиз гап орзулар, ҳаваслар, умидлар билан қанот қоқиб турган бахтиёр кўнгилларни чўтирувчи, ўлдирувчи гап эди* (М. Исмоилиӣ). *Сизларнинг заводингизда бўлиб, сизларнинг меҳнатингиз ва турмушингиз билан танишиб, жуда хурсанд бўлдим* („Қизил Ўзбекистон“).

Уюшган тўлдирувчилар феълнинг бўлишли формасига тобе бўлган ҳолда, иш-ҳаракатнинг юзага келишида уюшувчи бўлақлардан бири восита бўлиши аниқлашади. Бундай ҳолларда уюшиқ тўлдирувчиларнинг ўзаро боғланишларида, одатда, айирувчи боғловчилар ишлатилади. *Масалан: Карим милтиқ ёки тўппонча билан отди.*

Уюшган тўлдирувчилар феълнинг бўлишсиз формасига тобе бўлганида, уюшиқ тўлдирувчиларнинг тобе бўлак билан ҳоким бўлак муносабатида восита бўлмаслиги сезилади.

Масалан: *У қуруқ гап ё сўз билан яшамайди, балки меҳнат билан яшайди.*

Билан ёрдамчиси иштирокида тузилган конструкцияларда уюшиқ тўлдирувчилар иш-ҳаракатнинг юзага келишида уюшувчи бўлакларнинг ҳаммаси восита бўлишини англатади. Масалан: ... бу икки кекса ўзларини донишманд ва ишбилармон фаҳмлаган кўп доно ва донандалар кўзойнак билан ҳам кўролмайдиган нарсаларни *турмуш тажрибалари билан, юрак кўзлари билан, ақл ва сезгилари билан, бошқалардан олдин кўриб олардилар* (М. Исмоилий).

Учун кўмакчиси билан тузилган уюшиқ тўлдирувчилар конструкцияси бир (баъзан бир неча) гап бўлагиде ифодаланган иш-ҳаракат, ҳолат, предметларнинг ўзига аталганлиги ёки хосланганлигини билдиради. Масалан: *Мардлик, қаҳрамонлик деб инсоннинг ўз шахсий ғами учунгина қилган курашини эмас, балки халқ учун, эл учун сарф этган меҳнатини айтади* („Гулхан“). *Рангнинг ўчиши, юракнинг уриши учун Фуломжонга шу бир оғиз сўз кифоа қилди* (М. Исмоилий).

Уюшиқ тўлдирувчилар ҳақида, тўғрисида каби кўмакчилар билан келганда, иш-ҳаракатнинг кимлар, нималар устида, қайси предметлар ҳақида эканлигини билдиради. Масалан: *Эҳсоннинг кетиши ёки келиши тўғрисида Шариф бошқа гапирмади* (А. Қаҳҳор). *Жўраҳон гузарда, чойхона ёнида кўрган йўловчи ва унинг хотини ҳақида сўзлаб берди* (Асқад Мухтор).

Баъзан устида ёрдамчиси тўғрисида, ҳақида кўмакчиларининг синоними сифатида уюшган тўлдирувчилар билан бирга қўлланади. Масалан: *Қандайдир номсиз бир шoir тарафидан айтилган бир рубой, бир байт ёки бир муаммо устида суз кетган тақдирда ҳам, Навоий жиддий суриштирди* (Ойбек). *Гап миллат, Шарқ, Ғарб устида кетиб, ирқ назариясига келганда, мен баҳслашдим* (А. Қаҳҳор).

Уюшиқ тўлдирувчилар ҳақида, тўғрисида кўмакчилари ва устида ёрдамчиси билан бирикиб келганда, улар орасида қаратқич-қаралмиш типидеги синтактик муносабат туғилади, бу муносабатни кўмакчи ва ёрдамчи сўзлар таркибидеги эгалик аффикси — қаралмиш белгиси **-и** ҳам кўрсатиб туради.

Орқали кўмакчиси иштирокида тузилган конструкцияларда уюшиқ тўлдирувчилар иш-ҳаракатнинг юзага келишида уюшувчи бўлакларнинг восита бўлишини англатади. Масалан: *Улар бир-бирлари билан гоҳ сўз, гоҳ имо-ишора*

орқали гапиршидилар, лекин келиша олмадилар (Б. К е р б о б о е в):

Кўмакчилар ҳамма уюшган тўлдирувчиларнинг охирида ёки уюшиқ тўлдирувчиларнинг ҳар бирдан кейин келиши мумкин.

Уюшган тўлдирувчиларнинг охиригисига кўмакчи қўшилганда, шу бўлақларнинг ўзаро жуда ҳам жипс алоқада эканлиги кўрсатилади. Уюшган бўлақлар ўзаро шундай жипс боғланган экан, бундай ҳолларда ҳар бир уюшиқ бўлақдан сўнг кўмакчининг такрорланиб келиши шарт эмас ва бунга эҳтиёж ҳам йўқ³⁸.

Якка бириктирувчи боғловчи уюшган тўлдирувчиларнинг икки ёки ундан ортиқ ёхуд жуфт-жуфт компонентли бўлақлари орасида қўлланилганда, кўмакчилар уюшган тўлдирувчиларнинг ҳаммасидан кейин келади. *М а с а л а н: У е р бой бисотлари, чиройли безаклари, юмшоқ тўшак ва нар ёстиқлари билан кўзларга ором берар эди* (М. И с м о и л и й). *Акбаров ва Очил билан айтишиб қизиган, асаблари сал гапдан аланга олгудай эди* (П. Қ о д и р о в). *Пўкки келтирган хабарнинг рост ва ёлғони, фойда ва зиёни ҳақида гапирган Черкасинг фикри ҳам-манинг диққатини жсалб қилди* (Б. К е р б о б о е в)

Уюшиқ тўлдирувчилар фақат санаи интонацияси орқали боғланганда, кўмакчилар уларнинг ҳаммасининг охирида келади. *М а с а л а н: Қалбим ажэойиб таассуротлар, ширин хотиралар билан банд* (С. З у н н у н о в а). *Найманчанинг томлари, деворларининг устлари хотин-қиз, бола-чақа билан тўлиб, узоқдан олачипор бўлиб кўринар эди* (А с қ а д М у х т о р). *Дастурхон турли-туман қанд-қурс, мева-чева, патир-сатирлар билан зеб берилган... эди* (О й б е к). *Саида уни гапга солмоқчи бўлиб, боғча, болалар ҳақида бир қанча саволлар берди* (Л. Қ а ҳ ҳ о р). Уюшган бўлақларнинг ҳар бири таъкидланиб, ажратилиб айтилиши лозим бўлса, кўмакчилар ҳар бир уюшган тўлдирувчидан сўнг такрорланиб келади. Бундай ҳолларда уюшиқ тўлдирувчиларда такрорланувчи бириктирувчи боғловчилар ҳам ишлатилиши мумкин. *М а с а л а н: Бу йил дехқончилик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам, савдогарчилик учун ҳам қўл келадиган бир йил бўладиганга ўхшайди* (Б. К е р б о б о е в). *...ҳали унга иш буюришининг ўзи мен учун ҳам, сен учун ҳам хавфли* (С. А й н и й).

Уюшган тўлдирувчиларда такрорланувчи кўмакчилар билан бирга, такрорланувчи айирувчи боғловчилар ҳам қўл-

³⁸ А. Н. Гвоздев, Современный русский литературный язык. ч. II, Спнтаксенс, Учпедгпз, М., 1958, стр. 125—126.

лашилади. **М а с а л а н:** *Саодат гоҳ мен билан, гоҳ атлас билан машгул, бояги уялиб туришини бир ёққа йиғиштириб қўйган* (А. Қодирий).

Уюшган тўлдирувчиларнинг ҳар бири таъкидлашиб, ажратилиб айтилганда, боғловчи сўз такрорланмаса ҳам, ҳар қайси бўлак охирида кўмакчи сўзнинг қўлланиши мумкин. **М а с а л а н:** *Орамиздан большевиклар чиқиб, бизни сулҳ учун, ҳуррият учун, ер-сув учун курашишга чақирдилар* (Ҳ. Фулом). *Узининг тугилиб ўсган ерингда оғаниларинг, билиш-танишларинг бўлиб, ҳар нечукда улардан шунингдек оғир кунларда сўз билан, иш билан бир ёрдам ола биласан* (А. Қодирий). *Халқ юриш бошлади. Бу бир бурда нон учун, инсоний ном учун бошланган юриш эди* (М. Исмоилӣ). *Биз у билан экин-текин ҳақида, ҳосил ҳақида, деҳқонларнинг турмуши тўғрисида гаплашдик* (И. Тургенев).

Уюшиқ тўлдирувчиларнинг материаллари. Уюшиқ тўлдирувчилар составидаги бўлаklar кўпинча бир хил сўз туркуми билан ифодаланади. Булар қуйидагилар:

1. **От билан:** *Ҳар қарич ерга, ҳар дарахтга алоҳида парвариш қилингани сезилар эди* (Ойбек).

*Нақадар хаёлга, фикрга бойсан,
Мени мафтун этди қўшиғинг, Жамбул.*
(Уйғун).

*Қизларингга ҳурлик ва нажот,
Бахт келтирдик аёлларингга.
Энди қуллик ва балоларни
Келтирмагил хаёлларингга.*
(Уйғун)

2. **Олмош билан:**

*Кечаси
У ширин
Хаёлга ботиб,
Кучини
Кимларга,
Нимага
Сотиб
Юрган кунларига
Афсус қилади.*
(Х. Олимжон)

...*Аравакаш, бу сафар кулиб эмас, қовоғини солиб:— Бу Қаландар бойнинг пахтаси, у сиз билан бизга ўхшаш ҳосилни кўрагида еб қўядиган очлардан эмас, деб жавоб қилган бўлур эди* (М. Исмоилӣ).

Отлашган сўз билан: Бурчақда қизлар мажлисида кўрилган оқ кийимлар билан Кумушбиби туради. Унинг ҳусни безалган уйнинг оқлари, кўклари, сариклари ва қизиллари билан товланиб, хаёлий бир сиймода... (А. Қодирий). Умр бўйи Азимбойнинг батраги бўлган, оқ билан қорани бир-биридан яхши ажрата биладиган бу соддадил киши тафтишчини қишлоқчасига қилиб узиб-узиб олмоқчи ... (Ҳ. Фулом). ...аввали шуки, мен уқўйларни битта-битта эмас, ҳар ўнтасини, йигирмата-сини бир жойда, бир одамдан савдо қилиб олганимдан, ҳар бирининг таннархини муайян қилиш мумкин эмас... (С. Айний).

3. Инфинитив билан:— *Иним, дунёда китоб ўқимоқдан, шеър айтмоқдан ўзга завқбахш машғулот йўқдир,— деди Навоий қатъий оҳанг билан (Ойбек).*

Уюшиқ тўлдирувчилар баъзан турли сўз туркумларидан бўлиши ҳам мумкин. М а с а л а н: *Уйда Наимий... на ҳасани, на ўзини қаёққа қўйишни билмай ўтирарди (Асқад Мухтор). Биз ҳам қондан, яшамоқдан, ҳузур, роҳатдан, гўзалликни сева олишдан маҳрум эмасмиз (Ҳ. Фулом).*

Биринчи мисолда уюшган тўлдирувчилардан бири от билан, иккинчиси олмон билан; иккинчи мисолда эса уюшиқ тўлдирувчилардан бири — от, иккинчиси — инфинитив, учинчиси ҳам от билан ифодаланган.

Уюшиқ тўлдирувчилар таркиби. Гапда тўлдирувчилар бир ёки бир неча тўда ҳолида уюшмоқлари — таркиб топмоқлари мумкин. М а с а л а н: *Тўхтовсиз, давомли, катта-кичик урушларда, тўқинишларда қиличбозликдаги маҳоратини кун дафъа очик намоен қилди (Ойбек). Ҳаётини, жонини юрт ишига, халққа фидо қилди (Ҳ. Фулом). Уларнинг диллари умид ва шодлик билан тўлган, турмушнинг қайғуларини, машаққат ва дахмазаларини унутган эдилар (Ойбек).*

Биринчи гапда уюшган тўлдирувчилар бир тўдадан иборат, яъни унда бир хилдаги ўрин-пайт келишиқ қўшимчаси олган бўлақлар уюшган. Иккинчи мисолда биринчи бир хилдаги (-ни келишиқ қўшимчасини олган) икки бўлак (ҳаётини, жонини) бир тўда ҳолида, иккинчи бир хилдаги (-га, қа келишиқ қўшимчасини олган) икки бўлак (юрт ишига, халққа) бошқа бир тўда ҳолида келган; ҳар икки тўда ҳам уюшиқ тўлдирувчилар сифатида бир бўлакка боғланмоқда. Демак, иккинчи мисол икки тўдали уюшиқ тўлдирувчилар гапдир. Шунингдек, учинчи мисол ҳам икки тўдали уюшиқ тўлдирувчилар гапдир, бироқ ундаги ҳар бир

тўда бошқа-бошқа сўзга, лекин бир турли бўлакка боғланган.

Ҳар бир тўдадаги уюшувчи тўлдирувчиларнинг компонентлари изоҳловчи бўлакларсиз, йиғиқ ёки тобе бўлаклари билан бирга, яъни ёйиқ ҳолда бўлишлари мумкин. **М а с а л а н:** *Ортиқ қоронғи хонанинг ичида Ойинани, Шакарни, ойисини, Аширни, ўтган кунларини, бўлган воқеаларни фақат тўшда кўргандай хотирига келтирди* (Б. Кербобоев).

Бу мисолда биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи бўлаклар бирикмаси — йиғиқ уюшиқ тўлдирувчилар, бешинчи ва олтинчи бўлаклар бирикмаси эса ёйиқ уюшиқ тўлдирувчилардир.

Ёйиқ уюшиқ тўлдирувчилар уюшган бўлаклар ёки уюшмаган бир ё бир неча бўлак орқали изоҳланади.

М а с а л а н: ... *тўхтовсиз, давомли, катта-кичик урушларда, тўқинишларда қиличбозликдиги маҳоратни кўп дафъа очик намоён қилган эди* (Ойбек).

Уюшган тўлдирувчиларнинг бир составидаги бўлакларнинг баъзиси уюшмаган, баъзиси уюшган аниқловчи билан ҳам кела олади:

Орқадан борувчилар орасида чарчоқ, ғамли, хомуш Алишер Навоийни, бошқа дўстлари ва душманларини кўрди (Ойбек). *Мунисхон анча ергача ўз иши, танийдиган, сўзлашадиган кишилари, обрўси тўғрисида сўзлаб борди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Унинг меҳнатда чиниққан қорамтир юзида, жонли, тийрак йирик кўзларида болаларча маъсумлик жилваланади* (Ойбек).

Аниқловчи сўз ҳамма уюшган тўлдирувчилар учун умумий бўлса, уюшиқ тўлдирувчилар тўдасидаги уюшган бўлаклар ёйиқ ҳолда келади. **М а с а л а н:** *Темурнинг кўзлари абадий юмилиб, Жаҳонгирнинг жасади ер бағрини қучмасдан бурунроқ авлодлари орасида рўй берган қонли талашлар, жанглари ёдлайди* (Ойбек). *Биз қотилнинг шерикларини, маслакдошларини, бошлиқларини ҳам топишимиз керак* (Ҳ. Фулом). *Миядаги тормозланиш процесслари одамнинг ҳаётий тажрибасида, тарбиясида камолга етиб мустаҳкамланади* („Фан ва турмуш“).

Уюшиқ тўлдирувчилардан баъзиларигина умумий аниқловчили ёйиқ шаклда бўлади. **М а с а л а н:** *Каримнинг китобини, қаламини, Собирнинг дафтариини олдим*.

Уюшиқ тўлдирувчиларнинг ҳар бир компоненти ўз аниқловчисига эга бўлса, ёйиқ ҳолда келади. **М а с а л а н:** *Камбағал қишлоқдаги чордевор уйини, меҳрибон онасини, севимли укаларини кўз олдига келтириб ўйлар экан*,

кўчада бирдан отларнинг дукурини эшитди (О й б е к).
Кўчада ҳеч ким қолмаган, йўл оёғи босилган эса-да, у
узоққина қаршисидаги дарвоза ичларини, том устла-
рини, девор рахналарини кузатди... (А. Қ о д и р и й).
Бу бўлма яхши, қимматбаҳо гиламлар, турли ман-
зараларни тасвирловчи суратлар билан безатилган
(А. Қ а ҳ ҳ о р).

Уюшиқ тўлдирувчилар бир пайтда ҳам умумий, ҳам улар-
нинг баъзиси ёки ҳар бири ўзининг махсус аниқловчисига
эга бўлади. М а с а л а н: **Давра қуриб ўтирган базмчи-
ларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини
тавсифлашга тил кифоя қилмайди** (О й б е к).

Бир тўдадаги уюшиқ тўлдирувчиларнинг баъзиси изоҳ-
ловчисиз, баъзиси ўз изоҳловчиси билан келади. М а с а л а н: **Ҳамма амалдорлардан, солиқчиларнинг зулмидан,
солиқларнинг оғирлигидан шикоят қиларди** (О й б е к).
**У қизчаларини бағрига босиб, кечалари билан отани
ёки хунук бир ваҳимани кутар эди** (А с қ а д М у х-
т о р). **Марияга дарров бошдан-оёғ мусулмонча кийим
кийдирадилар, намозни, ҳар хил дуоларни ва қуръон-
дан бир неча сурани ёд ўқишга ўргатадилар** (О й-
б е к)... **най кўкламга, табиатга, шоғ гулларига, қиш-
лоқ булбулларига ҳикоя қилган экан** (Ҳ. Ғ у л о м).

Уюшган тўлдирувчилар таркибида уларнинг тубандагиче
агча кенг ва мураккаб ёйиқ шакллари ҳам учрайди: **Ин-
дустриямизнинг тўнғичлари қандай қурилганлигини
совет кишилари қийинчилик ва машаққатларни
енгиб, қандай зўр ғайрат билан беш йилликлар қу-
рилишларига борганликларини, гигант корхоналарни
вужудга келтириб, тез ўзлаштириб олганликларини
янги техникани эгаллаб, Ватаннинг қудратини мус-
таҳкамлашга қандай ҳисса қўшганликларини кекс
авлод кишилари яхши эсда тутадилар** („Қизил Ўзбе-
кистон“).

Баъзан уюшиқ тўлдирувчилар ажратилган тарзда ҳам
келади. Бу ҳолда улар изоҳланмиш бўлакнинг мазмунини
ташқил қилувчи объектларни санаб кўрсатиш вазифасида
қўлланади. М а с а л а н: **Шунинг учун улар оддий кўзга
кўринадиган планеталар (Меркурий, Венера, Марс, Юпи-
тер, Сатурн)нигина кузата олар эдилар** („Ф а н в а
т у р м у ш“). ... **ўзбек халқининг золимларга (бой, руҳоний
ва мустамлакачиларга) қарши ғазоби ва кураши бу асно-
ийб драманинг асосий темасидир** („Қизил Ўзбеки-
стон“). Биринчи масолимизда **планеталар** сўзи изоҳланмиш
бўлак бўлиб, унинг мазмунини ташқил этувчи **Меркурий
Венера, Марс, Юпитер, Сатурн** сўзлари эса уюшиқ тўлди-

рувчилардир. Булар уюшиқ воситасиз тўлдирувчилар саналади. Иккинчи мисолимизда эса **золимларга** сўзи изоҳланмиш бўлак ҳисобланиб, унинг мазмуини санаб кўрсатувчи **бой, руҳоний, мустамлакачиларга** сўзлари уюшиқ воситали тўлдирувчилардир.

* * *

Хулоса: уюшиқ тўлдирувчилар иккита ва ундан ортиқ йиғиқ ва ёйиқ шаклдаги тўлдирувчиларнинг ўзаро бириктиб келувидан ташкил топган иккинчи даражали гап бўлаклари дир.

Уюшиқ тўлдирувчилар уюшувчи бўлакларнинг ўзаро синтактик муносабатлари, шаклланиши, қайси сўз туркумларидан ташкил топиши, ички ва ташқи состави жиҳатидан гурличадир. Шунга кўра, улар алоҳида типларга ажралади.

Уюшиқ тўлдирувчилар белгилли ва белгисиз формада бўлиши, пауза ва интонация, бириктирувчи ва айирувчи боғловчилар воситаси билан ўзаро боғланиши, келишиқ қўшимчаларни ёки ёрдамчи сўзлар орқали гапнинг кесими билан алоқага кириши жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эгадир. Уюшиқ тўлдирувчилар ўзининг ана шундай хусусиятлари билан гапнинг бошқа типдаги уюшиқ бўлақларидан фарқ қилади.

III. УЮШИҚ ҲОЛЛАР

Бир хил маъно муносабатини ифодаловчи (масалан, ўрин, пайт ёки ҳолат каби) бир неча ҳоллар гапнинг битта (баъзан бир неча) бўлагига боғланади ҳамда ўзаро тенг алоқага киришади. Ана шундай бўлақлар уюшган ҳоллар бўлади.

Уюшиқ ҳоллар кўп вақт феъл кесимга боғланиб, гап мазмунига мос маъноларни ифода-лайди. М а с а л а н : *Висол умидидан кейин юз берган бу ҳижрон ҳариккала томонга ҳам оғир ва қаттиқ таъсир қилди* (С. Айниёй). ... *У билмас эдики, ўзи бошидан кечирмаган нарсалар ҳақидаги кўп тушунчалари тажрибадан пайдо бўлган эмас, лекция материаллари каби осонгина, тайёргина олинган* (П. Қодиров). *Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида, дейилади қарорда, ўз-ўзига хизмат кўрсатиши ишини болалар ва ёшларнинг ёши, ...уларнинг соғлиғини сақлаш талабларини ҳисобга олиб ўтказиши керак* („Қизил Ўзбекистон“).

Биринчи мисолда уюшиқ ҳоллар ўзаро тенг алоқага киришиб, ўзаро бириктирувчи боғловчи ва ҳамда санаш интонацияси орқали боғланган. Иккинчи мисолдаги уюшиқ ҳол-

лар ҳам ўзаро тенг алоқада бўлиб, боғловчисиз—фақат санаш интонацияси ви бириктирувчи паузалар орқали ўзаро боғланган. Ҳар иккала мисолдаги ҳоллар ҳам иш-ҳаракатнинг бажарилиш усули ва характерини ифодалагани учун уюшиқ равиш ҳоллари ҳисобланади. Учинчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар эса иш-ҳаракатнинг боришидаги бир неча ўринни билдирганлиги учун уюшиқ ўрин ҳолларидир.

Шу жиҳатдан қараганда, уюшиқ ҳоллар баҳсида ҳам қуйидаги моментларга эътибор бериш керак: 1) уюшиқ ҳолларда синтактик алоқа; 2) уюшиқ ҳолларни бириктирувчи воситалар; 3) уюшиқ ҳолларнинг шаклланиши; 4) уюшиқ ҳолларнинг мазмун (маъно) турлари; 5) уюшиқ ҳолларнинг таркиби.

Уюшиқ ҳолларда синтактик алоқа. Уюшиқ ҳоллар ҳам, уюшиқ аниқловчилар ва уюшиқ тўлдирувчилар каби, ўзаро тенг алоқага киришиб, баъзан бир бўлакни, баъзан эса бир турдаги бир неча бўлакни изоҳлаб келади ва у бўлаklar билан тобе алоқада бўлади. Синтактик муносабатларга қараб, уюшиқ ҳоллар ифодасидаги алоқаларни иккига ажратмоқ мумкин: 1) уюшиқ ҳолларда тенглик алоқаси; 2) уюшиқ ҳолларда тобслик алоқаси.

Уюшиқ ҳолларда тенглик алоқаси қўшиқча икки ҳолатда кўринади: а) ёлғиз бўлаklarда тенглик алоқаси; б) жуфт бўлаklarда тенглик алоқаси.

Ёлғиз бўлаklar ҳолидаги уюшиқ ҳолларда тенглик алоқаси саналиш йўли билан бирин-кетин ифодаланади. М а с а л а н: *Бу ҳақда одамлар... баъзан истеҳзо ва пичинг билан гапиришар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р) *Бу иш айниқса Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда авж олди* („Қизил Ўзбекистон“).

Жуфт ҳолатдаги уюшиқ ҳоллар гапда дастлаб жуфт-жуфт бўлиб ўзаро бирикади, сўнгра бу бўлаklar жуфтлашган шаклда бир-бирлари билан кетма-кет боғланади. М а с а л а н: *Озарбайжон адабиётининг атоқли намояндлари*

республикамизнинг бир неча шаҳар ва қишлоқларига,

завод ҳамда фабрикаларига бориб, ўзбек китобхонлари билан учрашдилар („Ўзбекистон хотин-қизлари“ журнали).

Дала ва хирмонларда, идора ва хонадонларда завқли бир ҳаяжон ҳукм сураб, одамларнинг гап ва ҳаракат-

ларида ошиғич бир ташвиш, қалбларда бесабр толпиниш сезилиб турар эди („Қизил Ўзбекистон“).

Уюшиқ ҳолларда тобелик алоқаси. Бунда уюшиқ ҳоллар асосан бир бўлакни, баъзан эса бир турдаги бир неча бўлакни, яъни уюшган бўлакларни изоҳлай-

ди. Масалан: *Партия ўйламасдан ва ўйлатмасдан*

иш тутмайди (И. Раҳим). *Паҳлавон Қайсар... оқишом*

билан хаёли қочиб, нима қиларини билмай, гоҳ у ёққа,

гоҳ бу ёққа ағдарилиб ётди („Ўзбек халқ дostonлари“ - дан). *Бу ганини эшитгач, ҳафталаб ҳужра пчидан чиқмай ётган бекнинг кўчаларда, бозорларда, Қутидор уйларида шодланиб, руҳланиб юрганини кўрар эди* (А. Қодирий).

Уюшиқ ҳолларнинг бошқарувчиси кўпинча феъл, баъзан эса иш отлари, сифатдош, равишдош билан ифодаланиши мумкин. Бу сўз туркумлари билан ифодаланган бошқарувчи сўзлар гапда кесим, эга, аниқловчи, тўлдирувчи вазифасида келади. Уюшиқ ҳоллар тобелик муносабатида мана шу гап бўлакларига боғланиб, уларни изоҳлайди. Чунончи:

эгага тобе уюшиқ ҳоллар: *Очиқ ва тез ўқиш ҳаммага маъқулдир;*

аниқловчига тобе уюшиқ ҳоллар: *Кенггина ҳужранинг ҳам айвонга, ҳам жанубга очиладиган дарпардали иккита дарчаси бўлиб, тоқчалари ва хонтахта ёнидаги раф қаватлари турли диний ва дунёвий китоблар билан тўлиқ эди* (М. Исмоилий). *Дарахтзорда букчайиб, калавланиб ўтин терган кампирга Тўғонбек отни хашакка қўйишни буюрди...* (Ойбек).

Тўлдирувчига тобе уюшиқ ҳоллар: *Дўстининг шеърларида унга аввалдан белгили бўлган баъзи умумий нуқсонларини едириб кетиш учун, кўпроқ завқ ва баланд руҳ билан ўқишга тиришди* (Ойбек). *Гарчи дукур бўлса-да, лекин унинг қай даражада баланддан ё узоқдан келаятганини махсус асбобсиз биргина қулоқнинг ўзи билан эшитиб, аниқлаб бўлмаслиги табиий эди* (М. Исмоилий).

Уюшиқ ҳолларни бириктирувчи воситалар. Уюшиқ ҳоллар ҳам, бошқа уюшган иккинчи даражали бўлақлар каби, тенг боғловчилар орқали ёки боғловчисиз—фақат санаш интонацияси ва бириктирувчи паузалар воситаси билан

узаро боғланишлари мумкин. Булар уюшиқ ҳолларнинг тенг боғланиш белгилари ҳисобланади. М а с а л а н: *Қўллари, бетлари, жомакорлари лой азаматлар ҳар ёқдан қичқириб, у билан самимий, дўстона саломлашдилар* (О й б е к). *У ғамгин ва хаёлчан гапириб, ҳикояси давомида неча-неча марта уҳ тортди* (Ш. Р а ш и д о в). *Халқ душманни енгиб келган қаҳрамон ўғлини қарши олаётгандек, Барот полковни севинч билан, олқиш ҳайқириқлари билан қарши олар...* (М. И с м о и л и й). *Шарқ жази биланубда баланд тоғлар, тепалик, адир, қир, жилғалар* (И. Р а ҳ и м).

Биринчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар боғловчисиз—фақат санаш интонацияси ва бириктирувчи паузалар орқали, иккинчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар эса бириктирувчи боғловчи ва, шунингдек, санаш интонацияси орқали ўзаро боғланган. Учинчи мисолдаги уюшиқ бўлақларнинг ҳар бири ёрдамчи сўзли (*севинч билан, олқиш ҳайқириқлари билан*) конструкция орқали ифодаланиб, ўзаро бириктирувчи пауза орқали боғланади. Тўртинчи мисолда эса келишиқ қўшимчаси охириги бўлак (*жануб*) да келган бўлиб, у биринчи бўлак (*шарқ*) қа ҳам тааллуқлидир. Бу гадаги уюшиқ ҳоллар бириктирувчи боғловчи ва орқали ўзаро боғланган. Бир хил ёрдамчи сўз ва келишиқ қўшимчаси уюшиқ бўлақларнинг ўзаро ўхшаш вазифали шаклларда эканлигини кўрсатади.

Уюшувчи охириги бўлақдан олдин келган биттагина боғловчи (бириктирувчи боғловчи) орқали бириккан гап бўлақлари уюшиқ ҳолларнинг юмуқ группасини ҳосил қилади. М а с а л а н: *...томларда, деворларда, тут ва тут каллаклариди ҳокимни томоша қилмоқчи бўлиб ўтирган болалар қий-чув кўтариб қичқирешар эди* (М. И с м о и л и й). *Бозор бошига яқинлашганлари сари доира товуши ҳам баландроқ ва аниқроқ эшитилар эди* (С. А й н и й).

Боғловчисиз, фақат санаш интонацияси ва бириктирувчи паузалар орқали боғланган гап бўлақлари уюшиқ ҳолларнинг очиқ группасини ташкил қилади. М а с а л а н: *Қош қорайди. Осмоннинг бир чеккасида ранги ўчиб, волгина бўлиб турган ой нурга тўлди, чўлни босиб келаётган қоронғиликни зовурларга, пастқамликларга, дарахтларнинг остига суриб ташлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Андижонда, Марғилонда, Қўқонда анча саргардон бўлиб юрди* (М. И с м о и л и й).

Тенг боғловчилар уюшиқ ҳоллар орасида якка ҳолла (*ва, ҳамда, билан, лекин, аммо* каби) ва такрор ҳолда (*гоҳ .. гоҳ, дам... дам* каби), шунингдек, гоҳ якка, гоҳ такрор ҳолда (*ё, ёки, ҳам*) қўлланишлари мумкин.

Якка ҳолда қўлланувчи боғловчилар ёрдамида боғланган уюшиқ ҳоллар орасидаги пауза жуда қисқа бўлади. **М а с а л а н:** *Бу киши бир вақтлар Тошкентда ва Фарғонада донг чиқарган Шомуротбой эди (О й б е к). Кунботирнинг довзаси Турон билан Эронга кетди, бу гаплар Доро подшога етди.* („Ўзбек халқ достонлари“дан). *Фақат юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида нималар тўғрисида жимгина, лекин жиддий суҳбатлашмоқда эдилар (О й б е к). Булутларни ёриб чиққан қуёш нури сой қирғоқларидан, адир ва ёнбағирликдан эрталабки тумани қувлади (И. Р а ҳ и м).*

Биринчи, иккинчи ва учинчи мисоллардаги **ва, билан, лекин** боғловчилари икки компонент орасида; тўртинчи мисолдаги **ва** боғловчиси эса уч компонентли уюшиқ ҳолларнинг сўнгги иккитаси орасида келган. Якка ҳолда қўлланувчи **ва** боғловчиси икки ёки ундан ортиқ компонентли уюшиқ ҳолларни боғлайди. Боғловчи функциясида келган **билан** кўмакчиси фақат от билан ифодаланган икки компонентли уюшиқ ҳоллар орасида келади.

Лекин, аммо, бироқ каби боғловчилар ҳам фақат икки компонентли уюшиқ бўлаклар орасида келиб, уюшиқ равиш ҳолларинигина боғлаш функциясини бажаради.

Якка ҳолда қўлланувчи боғловчилар жуфт шаклдаги уюшиқ ҳоллар орасида ҳам келиши мумкин. Бунда, кўпинча, ҳар бир жуфт ўзаро пауза орқали ажралади ва ҳар бир жуфтнинг иккинчи бўлагигина келишиқ қўшимчасини қабул қилади. **М а с а л а н:** *Икки кун тўхтовсиз давом этган кучли бўрон чўллар ва қишлоқларда, йўллар ва экинзорларда кўнгилсиз из қолдириб кетди (Ш. Р а ш и д о в).*

Такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилар (**гоҳ-гоҳ, дам-дам** каби) ҳар бир уюшиқ ҳолдан олдин, фақат такрорланибгина қўлланади. Бу боғловчилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлаклар орасидаги пауза эса узун ва таъкидли бўлади. **М а с а л а н:** *Аммо шундай бўлса ҳам, гоҳ Бўронбек уйида, гоҳ Ибодилла ҳужрасида тунлари бўлиб турган маслаҳат мажлисларининг қатнашчилари ўзларини биринчи марта дорга чиққан дорбоз шогирдидай ҳис қилардилар (Ҳ. Ф у л о м). Подшоҳ дам кулиб, дам жиддий ўй билан қулоқ солди (О й б е к).*

Гоҳ якка, гоҳ такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилар эса якка ҳолда қўлланганда, икки ёки ундан ортиқ компонентли, шунингдек, жуфт шаклдаги уюшиқ ҳоллар орасида келади, такрор ҳолда қўлланганда эса **ё, ёки** боғловчилари ҳар бир уюшиқ ҳолдан олдин, ҳам боғловчиси эса **гоҳ** ҳар бир уюшиқ ҳолдан олдин, **гоҳ** кейин қўлланади. **М а с а л а н:**

У эгар устида ё хаёл суриб, ё мудраб боради (М. Исмоилий). У гўнгли тупроқда. ертўлада ҳам, иссиқ хонада ҳам ўса беради („Қизил Ўзбекистон“). Иккови ҳам ичда, ҳам тишда топишган (М. Исмоилий).

Уюшиқ ҳолларнинг шаклланиши. Уюшиқ ҳоллар тобиғ боғланиш белгиларининг шаклий кўринишларига мувофиқ уч турли бўлади: 1) келишиксиз уюшиқ ҳоллар; 2) келишикли уюшиқ ҳоллар; 3) кўмакчили уюшиқ ҳоллар.

1. **Келишиксиз уюшиқ ҳоллар.** Бунда уюшувчи ҳар бир ҳол ўзак ёки негиздангина иборат бўлади, уларнинг ҳеч бирида турловчи аффикс формаси бўлмайдн.

Келишиксиз уюшиқ ҳоллар уч турга бўлинади: а) туб сўзли уюшиқ ҳоллар; б) ясама сўзли уюшиқ ҳоллар ва в) келишик формаси ўзакка бирикиб кетган сўзлар орқали ифодаланган уюшиқ ҳоллар.

а) **туб сўзли уюшиқ ҳоллар.** Бунда уюшувчи ҳар бир ҳол туб ўзакли равишлар билан ифодаланган бўлади. Масалан: „Толиби илмлар“ шавқланиб, қадамларини тез ва дадил боса бошладилар (С. Айниё).

*Элим яшар осойиш ва шод,
Ўлкам ўзи янги бир жаҳон,
Ўзбекистон номли бир жаннат,
Боғларида ором олар жон.*

(Ҳ. Олимжон)

*Ҳавасларим қанотланиб кўкка учади,
Баъзан ётиқ, баъзан тикка учадн.*

(Ғ. Ғулом)

Биринчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар (тез, дадил) мазмунан ўзаро яқин сўзлар бўлиб, **тез**—иш-ҳаракатнинг бажарилишида суръатни, **дадил** эса ҳаракат бажарилишида журъатни билдиради. Учинчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар (**ётиқ, тикка**) мазмунан қарама-қарши, яъни антоним сўзлардан бўлиб, улар ҳаракатнинг бир умумий белгисини—унинг турли ҳолатдаги кўринишини ифодалайди.

Бундай ҳолда уюшувчи бўлакларга равишдошлар билан ифодаланган ҳоллар ҳам киради. Масалан: ...улар **кулишиб, хахолашиб, ҳангамалашиб, қишлоққа кириб келганларини билмай қолдилар** (М. Исмоилий);

б) **ясама сўзли уюшиқ ҳоллар.** Бунда эса ҳар бир уюшиб келувчи ҳол ясама равишлар билан ифодаланган бўлади. Масалан: **Ҳаёт турган ерига секин чўкди. Қизларча, келинчакларча, бир оёғини йиғиштириб, иккинчи оёғини тиззадан букиб ўтирди** (М. Исмоилий). У

билан **инсончасига, коммунистчасига** гаплашгиси келди (А с қ а д М у х т о р).

Биринчи мисолдаги **қизларча, келинчакларча** сўзлари уюшиқ ҳол бўлиб, улар отларга-ча ясовчи қўшимчасининг қушилиши билан ясалган равишлар орқали ифодаланган. Бу равишлар асосан ҳаракат ё ҳолат белгисининг бошқа бир белгига ўхшашлигини билдиради.

Иккинчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар (**инсончасига, коммунистчасига**) ҳам отларга-часига ясовчи аффикси қушилиши орқали ҳосил бўлган равишлар билан ифодаланган. Булар маъно жиҳатдан ҳаракат ё ҳолат белгисининг тўлиқ ўхшашлигини англатади;

в) **келишик формаси ўзакка бирикиб кетган сўзлар** билан ифодаланган уюшиқ ҳоллар. Келишик формаси ёрдами билан равиш ясалиши, одатда, сўзларнинг маълум келишикда „қотиб“ қолиш натижаси сифатида кўринади. Ясовчи аффиксга айланган келишик формаси ёрдамида ясалган бундай сўзлар таркибидаги келишик қўшимчалари грамматик функциясини йўқотади, синтактик муносабатни ифодаламай қўяди. Ўрин-пайт, чиқиш ёки жўналиш келишикларини формасидаги отлар, сифатлар ва бошқа сўз туркумлари равишга ўтади. Бу хил равишга ўтган сўзлар билан ифодаланган ҳоллар уюшиб келиши мумкин. М а с а л а н: *Гоҳ чанда, гоҳ ўнгда қулоқларни тешгувчи чинқириқ товушлар билан чигирткалар чириллашади* (М. И с м о и л и й). *У гоҳ ўннга, гоҳ сўлга жуда чиройли шох ташлаб, ияк силтаб Саидага томон келар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Биринчи дукур бўлса-да, лекин унинг қай даражада баланддан ё узоқдан келаятганини махсус асбобсиз... аниқлаб бўлмаслиги табиий эди* (М. И с м о и л и й). *У ёз чоғи Йўлчига узоқдан, яқиндан... термулиб юрган, унга мафтун бўлган эди* (О й б е к).

2. **Келишикли уюшиқ ҳоллар.** Уюшиқ ҳолларнинг ҳар бири бир турли вазифадаги бир хил келишик қўшимчасига эга бўлиши мумкин.

Ҳоллар уюшганда, ҳар бир ҳол жўналиш, ўрин-пайт ёки чиқиш келишиги формасида бўлиши мумкин. Бу келишик қўшимчалари уюшиқ ўрин ҳоллари билан уюшиқ пайт ҳолларидоғина қўлланади.

Келишик қўшимчалари баъзан уюшиқ ҳолларнинг ҳар бир компонентида, баъзан эса уларнинг энг охириги компонентидагина келиб, ҳар бир уюшувчи бўлак учун тааллуқли бўлади.

Агар уюшиқ бўлакларни таъкидлаш лозим топилса, у вақтда ҳар бир бўлак келишик қўшимчасини қабул қилади. М а с а л а н: *Ҳар кўчада, ҳар муюшда унинг турли та-*

бақага мансуб дўстлари, танишлари, ҳазилкашлари уч-
рар эди (О й б е к). Қизамиқ айниқса катта шаҳарларда,
аҳоли зич бўлган жойларда тез учраб туради, касаллик
кўпинча қиш фаслида ва эрта баҳорда кўпроқ тарқа-
лади („Қизил Ўзбекистон“).

Биринчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар (кўчада, муюшда)нинг
ҳар бири ўрин-пайт келишиги қўшимчасини қабул қилган
бўлиб, улар иш-ҳаракатнинг бир неча ўрнини билдиргани
учун, уюшиқ ўрин ҳоллари ҳисобланади. Иккинчи мисолдаги
уюшиқ ҳоллар (қиш фаслида, эрта баҳорда)нинг ҳар бири
ҳам ўрин-пайт келишиги аффиксини олган бўлиб, улар уюшиқ
пайт ҳолларидир.

Келишиқ қўшимчалари уюшиқ ҳолларнинг охириги ком-
понентида келади. М а с а л а н: ...*юраксиз ва кексалор
гузар ва маҳаллаларга тўнкалардан гулхан солиб,
„ўттиз икки танга“ қайғусида оломонга музаффарият
тилайдилар* (А. Қ о д и р и й).—*Қайси фабрика, қайси за-
вод ёки шахта қиш ёки ёзда тўхтаб қолади?*—*деди Саи-
да* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *У Жумаев учраб қолиши мумкин бўл-
ган коридор ва вестибюллардан тез ўтиб, кўчага чиқди*
(П. Қ о д и р о в).

3. Кўмакчили уюшиқ ҳоллар. Уюшиқ ҳоллар кўмакчили
конструкцияда ҳам келиши мумкин. Кўмакчилар баъзан
ҳар бир уюшиқ ҳол билан, баъзан эса фақат уюшиқ
ҳолларнинг энг охириги компоненти билан қўлланади. Бу
ҳолда кўмакчи ҳар бир уюшувчи бўлак учун таал-
луқли булади. Битта кўмакчининг уюшган бўлақларнинг
енг охириги компоненти билан қўлланиши уюшган бўлақлар-
нинг характерли синтактик хусусиятларидан бири ҳисоб-
ланади³⁹. М а с а л а н: *Уларни Гуломжон, Замон, Барот
полвон иззат ва ҳурмат билан кутиб олишди* (М. И с м о и л и й). *Муродова бу қирларга завқ ва ҳавас билан
қаради* (И. Р а ҳ и м). *Мастон кампир юракларни эзгув-
чи бир ҳасрат, аламли бир фиғон билан йиғлаётган
Турсунойга бир нима демоқчи бўлди, лекин демади*
(М. И с м о и л и й).

Кўмакчили конструкциядаги уюшиқ ҳолларда ҳар бир
кўмакчи ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Чунончи, билан кўмакчиси иштирокида тузилган кон-
струкцияларда уюшиқ ҳоллар кўпинча ҳолат билдиради.
Бундай уюшиқ ҳоллар боғловчисиз ёки тенг боғловчилар
воситаси билан ўзаро бирикади. М а с а л а н: *Хўжа Абдул-*

³⁹ А. Н. Гвоздев. Современный русский литературный язык. ч. II, Синтаксис, Учпедгиз, 1953 стр. 124.

и Марварий ҳар илмдан биларди. Шеърни фавқуллодда
давқ ва нозиклик билан танларди. (О й б е к).

Ёнаётир,
Ғазаб билан,
Ўч билан,
Тутаётир,
Сўнги исён,
Куч билан
Ўчаётир.
(Ҳ. О л и м ж о н)

Учун кўмакчиси фақат уюшиқ, мақсад ва сабаб ҳолли конструкцияларда қўлланади. М а с а л а н: *Улар узларига, уз ерларига, ўз уйларига ҳаёт суви келтириш учун, сувнинг баракатли неъматини билан бахтиёр бўлиш учун курашга борардилар* (М. И с м о и л и й). *Лекин уларни ҳозир шаҳарнинг ҳеч қандай ажойиботи қизиқтирмас, улар бунинг учун эмас, балки бу ердан овқат топиш ва ордан ўлмаслик учун келганлар* (П. Т у р с у н). *Уйига келгани учун, онасини соғ-саломат кўргани учун хурсанд эди* (М. И с м о и л и й).

Биринчи ва иккинчи мисолларда **учун** кўмакчиси мақсад уюшиқ ҳолли конструкцияда, учинчи мисолда эса сабаб уюшиқ ҳолли конструкцияда қўлланган.

Баъзан уюшиқ ҳоллар **бўйича**, **атрофида**, **ичида**, **орқали** кўмакчилари билан тuzилган конструкциялардан ифодаланади: *Учинчи кун Маждиддин... одат ва анъана бўйича подшоҳни кутиб олиш учун шаҳардан чиқди* (О й б е к)... *мўғуллар Эски Бухорони на олти ой ва на бир йил ичида ола билар эди* (В. Я н, „Чингизхон“). *Ёз бошланди, Ҳисор ва Самарқанд атрофида қорлар эриб, йўллар очилди* (С. А й н и й). *Улар аксари „Қизил Шарқ“ устaxonалари, Салордаги пахта заводи ва, айниқса, Тупроққўрғон атрофида юришади* (Ҳ. Ф у л о м). *Чўпонлар шу ҳазриқа манзилларда тунаб, ўтлоқларда қуй боқиб, Жумабозор, Тайлоқ ва Пулимағоқ орқали Самарқанд шаҳрига яқинлашдилар* (С. А й н и й).

Иккинчи мисолдаги **ичида** кўмакчиси ўрин-пайт келишини қўшимчаси вазифасида келган⁴⁰.

Кўмакчилар уюшиқ ҳолларнинг энг охирида ёки уларнинг ҳар биридан сўнг келиши мумкин.

Уюшиқ ҳоллар оддий санаш интонацияси орқали, яъни таъкидлашсиз ёки яқка бириктирувчи боғловчилар билан

⁴⁰ А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1960, стр. 320.

боғланганда, кўмакчилар уюшиқ ҳолларнинг сўнггида қўллавилади. **М а с а л а н:** *Отаси ҳам қийинчилик, камбағаллик билан ўтган* (М. И с м о и л и й).

*Уфқ қизил атласларга ўралиб,
Этагига зардан чечак тақади.
Энгил кулиш—табассум ва ноз билан
Олтин сочининг йўлларига боқади...*

(У й ғ у н)

Жуфт-жуфт компонентли уюшиқ ҳоллар орасида якка бириктирувчи боғловчи келганда, кўмакчилар ҳар бир жуфт уюшиқ ҳоллардан сўнг келади: **...оқ юрак ва пок тилак билан, зўр ихлос ва эътиқод билан ўқиган бомдод номозлари шу тахлит тамом бўлди** (М. И с м о и л и й).

Уюшиқ ҳолларнинг ҳар бири таъкидланиб, ажратилиб айтилиши лозим бўлса, у вақтда кўмакчилар ҳар бир уюшиқ ҳолдан кейин келади. **М а с а л а н:** *Бу Мадумар дод-хоҳ одатича зуғум билан, сийёсат билан халққа хўмрайиб турарди* (М. И с м о и л и й).

Уюшиқ ҳолларнинг мазмун жиҳатидан турлари. Уюшиқ ҳоллар мазмун жиҳатидан қуйидагича турларга бўлинади: 1) уюшиқ равиш ҳоллари; 2) уюшиқ ўрин ҳоллари; 3) уюшиқ пайт ҳоллари; 4) уюшиқ мақсад ҳоллари; 5) уюшиқ сабаб ҳоллари; 6) уюшиқ миқдор-даража ҳоллари.

1. Уюшиқ равиш ҳоллари. Уюшиқ ҳолларнинг энг кўп қўлланадиган группасини уюшиқ равиш ҳоллари ташкил қилади. Уюшиқ равиш ҳоллари одатда иш ҳаракатнинг бажарилиш усули ва характерини ифодалаб, шу иш-ҳаракат ҳақида равиш маъносидаги бир неча тушунишни аниқлайди. **М а с а л а н:** *Олим Шарқ халқларининг жаҳон маданияти хазинасига жуда катта ҳисса қўшаётганликлари туғрисида ҳурмат ва ифтихор билан гапиради* („Қизил Ўзбекистон“). *Шундан кейин Саида Қаландаровнинг баъзи бир қилмишларини шикоят тарзида эмас, маълумот тарзида гоҳ афсусланиб, гоҳ куйиб ва гоҳ кулиб гапириб берди.* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Уюшиқ равиш ҳоллари асосан қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади: а) ҳолат равишлари; б) равишдошлар; в) келишиқ формасидаги равишлашган сўзлар; г) **билан** кўмакчиси билан келган абстракт отлар; д) **ҳолда, равишда, суратда** сўзлари ёки **бўлиб** равишдоши билан келган сифатлар ё сифатдошлар; е) турли сўз туркумлари.

а) уюшиқ равиш ҳоллари ҳолат равишлари билан ифодаланганда, боғловчилар орқали ёки боғловчиларсиз — фақат санаш интонацияси билан бирикиши мумкин. Уюшиқ равиш

ҳоллари содда ва жуфт шаклдаги равишлардан бўлиши мумкин. М а с а л а н:

*Она ёлғиз қизини кутиб,
Ўтирарди сўлғин, паришон.*
(У й ғ у н)

... юксак пальма дарахтлари остида нималар тўғрисида *жишгина*, лекин *жиддий* суҳбатлашмоқда эдилар (О й б е к). Бундан бир неча ой аввал Ботирали Ўтап билан бирга қишлоқни *уйма-уй, қўрама-қўра* айланиб чиқди (Ҳ. Ғ у л о м);

б) равишдошлар билан ифодаланган уюшиқ ҳоллар. кўпинча, ўзаро боғловчисиз — фақат санаш интонацияси ва бириктирувчи паузалар орқали бирикади. М а с а л а н: *Она ардоғи, ота меҳрида эркаланиб, яйраб ўсаётган бола кимсасиз бўзлаб қолди* („Қизил Ўзбекистон“). Саидий унинг Муродхўжа домланинг уйида Аббосхон, Салимхонлар билан *сенсирашиб, ҳазиллашиб, кулишиб* ўтирганлиги кўрганидан кейин, „ҳар ҳолда бу одамда бир сир бор“, деган фикрга келди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Қўшнилари билан ҳаминча *кулиб, чақчақлашиб* гаплашадиган Ширмонхон отанинг юзидаги саросима, сўзидаги ваҳима Турсуноининг тирагига *ғулғула* солди (М. И с м о и л и й).

Равишдошлар билан ифодаланган уюшиқ ҳоллар кўпинча айирувчи боғловчилар билан бирикади: *Уста Баҳром кўрпада ҳамон чўзилиб ётар, Ғуломжон бўлса бешинчи чироқнинг сарғимтил ёруғида гоҳ сўзлаб, гоҳ ўйлаб утирар эди* (М. И с м о и л и й). *Уялиб ёки ҳавас қилиб қарашларининг боиси уларнинг жуфт тушгани эди* (П. Қ о д и р о в);

в) келишиқ формасидаги равишланган сўзлар билан ифодаланган уюшиқ равиш ҳоллари боғловчилар орқали ёки боғловчиларсиз — санаш интонацияси ва бириктирувчи паузалар ёрдамида ўзаро боғланади. М а с а л а н:

*Отанг—онанг
Сени жондан
Ва виждондан
Севади.*
(Ҳ О л и м ж о н)

г) **билан** кўмакчиси билан келган абстракт отлар орқали ифодаланган уюшиқ равиш ҳоллари кўпинча боғловчисиз, баъзан боғловчилар орқали бирикади ва асосан ҳолатни билдиради: *Қизим, аканг мард йигит эди. Номус билан, мардлиқ билан ўлди* (О й б е к). Кейин у севгилисининг узига, унинг қуралай кўзига мўлтираб гапирётгандек,

илҳом билан, эҳтирос билан ўқиди (М. Исмоилий). *Ғарчи овози зарда билан, аччиқ билан чиққан бўлса ҳам, лекин ипак каби майинлиги, тонг каби саринлиги билан дилхуш эди* (М. Исмоилий).

Кўмакчилар билан келган уюшиқ равиш ҳоллари фақат бириктирувчи ва айирувчи боғловчилар орқали бирикади. Уларни боғлашда зидловчи боғловчилар қўлланмайди. Масалан: *Навойий дўстона табассум ва илиқлик билан Султонмуродга мурोजаат этиб, унинг қаерлик экани, қандай илмларни ўтгани ва ҳоказо ҳақида суриштирди* (Ойбек). *Ғуломжон Ольга Петровнанинг севинчига... қизча. а ҳамон парвона бўлаётганига ҳам завқ, ҳам ҳайрат билан қараб турарди* (М. Исмоилий);

д) уюшиқ равиш ҳоллари ҳолда, равишда, суратда сўзлари ёки бўлиб равишдоши билан бирга келган сифат ё сифатдошлар орқали ифодаланади.

Ҳолда, равишда, суратда сўзлари ва бўлиб равишдоши такрорланиб келмай, балки фақат уюшиқ бўлақларнинг энг охириги компонентда қўлланади: *Моҳир врач Пётр Григорьевич гоҳ яширин, гоҳ очиқ ҳолда ўз фаолиятини давом эттиради* („Қизил Ўзбекистон“). *Йигит... хурсанд, мағрур ҳолда одим отди* (Ойбек). *Дев чиқиб, шаҳзодани ранги ўчган, титраган ҳолда кўриб: „Нега кўр-қаятурсан?“— деб сўради* („Минг бир кеча“). *Сайрамов чолни икки қўли билан енгил, лекин самямий равишда секин қучоқлаб, кулиб деди* (Ойбек). *Вали ака ҳам ўрнидан туриб, хотини ёнига келди... бошига оғир мусибат тушган киши товуши билан эзгин, ғамгин бўлиб гапирди* (М. Исмоилий);

е) уюшиқ равиш ҳоллари баъзан турли сўз туркумлари билан ҳам ифодаланади. Бу ҳолат фақат уюшиқ равиш ҳолларига хосдир. Бундай пайтларда қуйидагидай ҳол юз бериши мумкин: равиш ёки равишдош орқали ифодаланган уюшиқ бўлақка ёрдамчи сўз билан келган от (кенг маънода) компонент бўлади. Масалан: *Чўл томондан кўч кўтариб келаётганларни дам ҳазил билан, дам узоқ суриштириб кутиб олишмоқда* (Асқад Мухтор). *Эҳсон уйғонганда ҳам ширин уйқуда ётгандай юзини ишқалаб, керишиб, қийинчилик билан кўзини очди* (А. Қаҳҳор). *Навойий гулни, рангни жуда севар эди. Ҳаркунгидек, тўхтаб, завқ билан томоша қилди* (Ойбек). *Сойнинг суви уйноқлаб, кўпикланиб, шовқин билан шлюздан думаламоқда...* (И. Раҳим).— *Фақирнинг остонасини не мақсад билан босдингиз?—секин, лекин норозилик оҳанги билан*

сўради кимёгар (Ойбек). Улар бир-бирларига **термулиб-термулиб, маъюс-маъюс** қараб қўядилар (Ҳ. Ғулом).

Юқоридаги уч мисолда кўмакчили отларнинг баъзиси билан ичида равиш, баъзиси равишдош ўрнида келиб, уюшиқ бўлакнинг бошқа равиш ёки равишдош компонентлари билан маънода умумийлик ҳосил қилади. Бу ҳол равиш ёки равишдош билан ифодаланган бўлақлар уюшувини юзага келтиради.

Тўртинчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар равишдошлар (**ўйноқлаб, кўпикланиб**) билан ва кўмакчили конструкцияли от (**шовқин билан**) орқали ифодаланган. Бешинчи мисолдаги уюшиқ ҳолларнинг биринчи компоненти (**секин**) равиш ва иккинчи компоненти кўмакчили конструкцияли от (**норозилик оҳанги билан**) орқали ифодаланган. Олтинчи мисолда эса уюшиқ ҳоллардан бири қўшма сўз шаклидаги (**термулиб-термулиб**) равишдош, иккинчиси эса қўшма сўз шаклидаги (**маъюс-маъюс**) равиш орқали ифодаланган.

2. Уюшиқ ўрин ҳоллари. Уюшиқ ўрин ҳоллари ҳам уюшиқ равиш ҳоллари каби, уюшиқ ҳолларнинг анча кўп қўлланилган группасини ташкил қилади.

Уюшиқ ўрин ҳоллари ҳаракатнинг бўлишидаги бир неча ўринини билдириб, қўйидагилар орқали ифодаланади: а) ўрин равишлари орқали; б) ўрин-пайт, жўналиш, чиқиш келишикларидаги отлар орқали.

Уюшиқ ўрин ҳоллари, кўрганимиздек, ўрин равишлари билан ифодаланади. М а с а л а н: *У тагдўзи дўппи остида орқадан бирам чиройли кўринган ўрта-миёна калласини соҳ у ёққа, соҳ бу ёққа буриб, тирқишдан синчиклаб қаради* (М. Исмоилнй). *Қаландаров машинани олдинги, орқага юргизди, майдонни бир айланди* (А. Қаҳҳор).

Қучоқ-қучоқ барглари

Тўплади катта боғдан.

Севинчлар қалдирғочдек

Учарди сўл ва соғдан.

(Ҳ. Олимжон)

Шунингдек, уюшиқ ўрин ҳоллари жой отларига ўрин-пайт, жўналиш ва чиқиш келишиклари қўшилиши билан ҳам ҳосил бўлади. Улар ўрин-пайт келишигида келганда, ҳаракат, ҳолатнинг бажарилиш ўрни бир неча эканлигини кўрсатади. М а с а л а н: *Алишер Ҳиротда, Маишҳадда кўп инл таҳсил кўрди* (Ойбек). *Доим нимагадир, қаёққадир шошиламиз. Ҳатто мажлис ва йиғилишларда ҳам беш-олти нотиқнинг одатдаги нутқини эшитиб тарқаламиз* (Н. Раҳим). *Кўча-кўйда, уйларда, самоварларда шу чокқага қирс этмаган бу ҳодиса ҳозир гуё бомба бўлиб*

портлади-ю, унинг дэлхшатида хамма гаранг бўли қолди (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Уюшиқ ўрин ҳолли конструкцияда олдида кўмакчи-оти кўпинча уюшиқ ҳолларнинг ҳар бир компонентида такрорланиб қўлланади. М а с а л а н: **Колхоз омбори олдида, магазин олдида, ферма олдида, қолаверса колхозчилар хонадони олдида навқирон, ҳаммаси бир тусда итлар пайдо бўладилар** („Гулхан“ журналы).

Ичида кўмакчиси ҳам уюшиқ ҳолли конструкцияда қўлланади. У ҳам кўпинча уюшиқ бўлақларнинг энг охириги компонентида келади. М а с а л а н: ... **мўғуллар Эски Бухорони на олти ой ва на бир йил ичида ола билар эди** (В. Я н. „Чингизхон“).

Уюшиқ ўрин ҳоллари жўналиш келишигидаги сўзлар билан ифодаланганда, иш-ҳаракатнинг жўналиш ўрнини англатади. М а с а л а н: **Князь ўзи гоҳ Тошкентга, гоҳ Андижонга кетиб, узоқ-узоқ туриб қолар эди** (А. Қ а ҳ ҳ о р). **Мингбоши кўлини кўтариб, одамларни бирмунча жим қилди. Лекин томларга, деворларга, дарахтларга чиқиб олган болалар чуғури тинавермади** (М. И с м о и л и й). **Собир индамасдан, дам қоронғи, сокин далага, дам серюлдуз кўкка хаёлчан тикилиб тураверди** (О й б е к).

Ҳаракатнинг жўналиш ўрнини билдирган уюшиқ ўрин ҳоллари баъзан-гача шаклини олган ҳолда ҳам келади. Бунда уюшиқ ўрин ҳоллари ҳаракатнинг энг сўнги чегарасини билдиради: **Кейинги бир соатлик йўлни — Самарқанд боғлари орасидаги кўча боғларнинг ён тевааракларигача, жарлик ва сув кўтармаларигача, ўтлоқ ва экинзорларгача текшириб кўрмоқчи бўлди** (С. А й н и й). **Ахир,бунақа мамлакатлар ҳам жуда кўп, бир чеккаси Жанубий Кореяда бўлса, бир чеккаси Исландия билан Канадагача боради** (П. Қ о д и р о в).

Бундан ташқари, уюшиқ ўрин ҳолларида ҳаракатнинг энг сўнги чегарасини кўрсатишда **қадар** кўмакчиси ҳам қўлланади, у, кўпинча, уюшиқ бўлақларнинг энг охириги компонентидан кейин келади:

...**юқори Чиндан бошлаб Мовароуннаҳр, Хоразм, Фағона, Бухорога қадар чўзилган кенг ва катта территорияда яшаган уруғ, қабила, халқлар, уларнинг тиллари, уша давр тилининг фонетикаси ва морфологияси тўғрисида маълумот берувчи нодир филологик асардир** („Ўзбекистон маданияти“).

Уюшиқ ўрин ҳоллари чиқиш келишигидаги сўзлар билан ифодаланганда, ҳаракатнинг бошланиш ўрни бир неча эканини англатади. М а с а л а н: **Ҳамма, бу батальон фронтга кетди, деб ўйлаган эди, бироқ Ленинободдан, Кат-**

тақўрғондан, Олмаотадан ва бошқа шахарлардан катлар кела бошлади (А. Қаҳҳор) ...область ва марказдан келган катта-кичик билан баҳузур гаплашиб, кулишиб, имлашиб ўтирадиган бўлди (А. Қаҳҳор). Ёнингди чақнаган яшин гулдуриси дала-даштлар ва тоғу тошлардан оша узоқларга гулдираб кетганидек, миршаб ҳайқириғи ҳам кучаларда мавж уриб, янгидан-янги ҳайқириқларга қушилиб кетди (М. Исмоилий).

Уюшиқ ўрин ҳолларида бошқа уюшиқ ҳолларга писбаган умумлаштирувчи сўзлар кўпроқ қўлланади. Одатда, умумлаштирувчи сўзлар уюшиқ бўлақлардан олдин ёки кейин келади. *Бу ерда клубдан ҳам, артелдан ҳам, малязиндан ҳам — ҳамма жойдан хабарлар, янгилликлар етиб келиб туради (Асқад Мухтор). Осмонда, дарахтларда, томларда, бўғотларда — ҳамма ерда чумчуқлар чирқиллашади (М. Исмоилий).*

Баъзан умумлаштирувчи сўздан олдин хулосаловчи маънодаги кирish сўз — хуллас ишлатилади: *Эркак киши уйда ҳам, трамвай, троллейбус ёки автобусда ҳам — хуллас, ҳамма ерда аёлларга, кексаларга жой бериши лозим („Ўзбекистон маданияти“).*

3. Уюшиқ пайт ҳоллари. Уюшиқ пайт ҳоллари муайян ҳаракат ва ҳолатнинг бўлиш-бўлмаслик пайти бир нечта касини англатади.

Уюшиқ пайт ҳоллари: а) пайт равишлари; б) -да қўшимчасини олган сифатдошлар; в) чиқish келишиги қўшимчасини олган ва **сўнг**, **кейин** кўмакчилари билан келган сўзлар орқали; г) воситали келишик қўшимчаларини олган отлар билан ва д) шарт феъли формаси **-са** ни олган сўзлар ёки **иб** қўшимчасини олган равишдошлар орқали ифодаланади.

Пайт равишлари орқали ифодаланган уюшиқ пайт ҳоллари: содда равишлардан, ҳар хил формадаги қўшма равишлардан ва аралаш типдаги равишлардан ташкил топади.

1) уюшиқ пайт ҳоллари содда равишлардан ифодаланади. Масалан: *Эртада, кечда, кунда ва тунда, боринги, емишимиз хамир эди (И. Раҳим).*

*Ким билади,
Балки кунда,
Балки тунда
Ким қайларга етади.
(Ҳ. Олимжон)*

*Ота соқолларин изи иякда,
Юрак вазмин ишлар-ла боғлиқ бўлса ҳам,*

Кечмишда, ҳозирда ва келажакда
Бир машғал бўлиб қолдинг, ҳей комячейкам!
(Ғ. Ғулом)

Юқоридаги мисолларимизда уюшиқ пайт ҳоллари ясовчи аффиксга айланган келишиқ формаси ёрдами билан ясалган равишлар орқали ифодаланган. Сўзларнинг маълум келишиқда „қотиб“ қолиши натижасида ҳосил бўлган бу равишланган сўзлар бутунлай турланиш системасидан ҳам чиқиб кетгандир;

2) уюшиқ пайт ҳолларининг ҳар хил формали қўшма равишлар билан ифодаланиши қуйидагича бўлади: белгилани олмоши **ҳар** ва бошқа сўзларнинг қўшилишидан равишлар ясалади: *Ҳароратнинг нафасни бўғувчи дами ҳар кун ва ҳар кеча дустимнинг таклифини эслатади* (И. Раҳим);

3) уюшиқ пайт ҳоллари содда ва қўшма равишлар билан ифодаланиши, яъни аралаш типда бўлиши мўмкин. Масалан: *Оқлар отряди шу кун ёки эртага Тажан ва Марини босиб ўтиб, Чоржўйга, балки Тошкентга ҳам йўл олиши аниқ эди* (Б. Кербобоев);

4) -да қўшимчасини олган сифатдошлар орқали ифодаланган уюшиқ пайт ҳоллари асосан бириктирувчи боғловчилар ёки фақат санаш интонацияси воситасида боғланади. Бунда -да қўшимчаси ҳар бир бўлакда тушириб қолдирилмай қўлланади. Масалан: *Юрганда ҳам, турганда ҳам, ётганда ҳам, сув ичганда ҳам тинмай шу тўғрида ўйлар, шу саволга жавоб топишга уринар эди* (М. Иброҳимов). *Саломлашганда, ўтирганда, турганда оиланинг тенг ҳуқуқли азвосидай ҳаракат қилди* (Б. Кербобоев). *Бола йўталганда, аксирганда ва ҳатто нафас олганида ташқи ҳавога талайгина касаллик вируси чиқаради* („Қизил Ўзбекистон“).

Да қўшимчасини олган сифатдошларнинг ўз эгаси бўлса, улар пайт эргаш гапининг кесимига айланади. Масалан: *Омлавий иш бошланишига бир кун қолганда, Ойқиз ярим кечагача қишлоқ Советида бўлди* (Ш. Рашидов)⁴¹.

Баъзан бундай уюшиқ пайт ҳолларининг ҳар бирининг олдидан ҳар олмоши келиши мумкин: *У ҳар ўтирганда, ҳар турганда, ҳар кимни кўрганда шу ҳақда гапириб берар, тингловчиларни ҳам унинг ёнини олишга чақирар эди* (Б. Кербобоев);

5) уюшиқ пайт ҳоллари чиқиш келишини қўшимчасини олган ва **сўнг, кейин** кўмакчилари билан келган сўзлар орқали ифодаланади. Масалан: *Ярим соатли отиш, чо-*

⁴¹ Ғ. Абдурахмонов, Қўшма гап синтаксис асослари, Тошкент, 1958, 145-бет (мисол ҳам шу асардан олинган).

инидан сўнг сипоҳлар занжирлик оломонларни қочириб, биландмасжид ченига етдилар (А. Қодирий). Одатдаги табриклашлар, ташаккур изҳор қилишлардан кейин Раҳима Салимовна мантига уннаб кетди (П. Қодиров). „Стрелка“ ва „Белка“ лақабли итлар учгандан ва ерга қўнгандан кейин ўзларини яхши ҳис қилдилар („Қизил Ўзбекистон“);

б) уюшиқ пайт ҳоллари, кўпинча, восситали келишиқ қўшимчаларидан ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олган, асосан пайт ҳоли ёки пайт ҳоли маъносига эга отлар орқали ифодаланади. Бундай ҳолатда уюшиқ пайт ҳоллари уюшиқ ўрин ҳоллари билан бир хил шаклда бўлиб келсаларда, уларнинг лексик маънолари ўрин ёки пайт маъносини билдиради:

Энг охир рўзада ҳам, ҳайитда ҳам ўзлари сўймай оқлаб юрган биттаю битта хўрозни ҳам халтасига тидиб олиб кетди (М. Исмоилий). Одамлар қорда ҳам, ғуронда ҳам айни фидокорлик билан ишлар эдилар (С. Ёйбек).

Ел куйлайди ёқимли дилсўз,
Бизнинг қўшиқ, дўстим, бу ўша.

Совуқда ҳам жазирада ҳам

Денгизчининг юраги қайноқ.

(„Ўзбекистон“, журнали)

Идм деган вақти чоғлиқда ҳам, ҳафзагарчиликда ҳам пасангисини йўқотмагани тузук (М. Исмоилий);

7) баъзан уюшиқ пайт ҳоллари шарт феъл формаси -са орқали ифодаланиб, уларда наит оттенкаси бўлади. Масалан: У кейинги кунларда най чалса ҳам, ашула айтса ҳам, подани ўтлоққа олиб борса ҳам, ётса ҳам, турса ҳам, юрса ҳам шундай хаёллар билан банд эди (С. Айниё).

Шунингдек, баъзан уюшиқ пайт ҳоллари -иб қўшимчасини олган равиндошлар орқали ҳам ифодаланади, лекин булар уюшиқ равиш ҳоллари бўлмай, балки уюшиқ пайт ҳоллари-дир, чунки улар иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги наитни билдиради: Соғлом бола қўшни уйда бўла туриб, трамвай, троллейбусда кета туриб, касалликка дучор бўлиб қолиши мумкин („Қизил Ўзбекистон“).

Шарт феълли формалар ва -иб қўшимчасини олган равиндошларнинг ўз эгаси бўлса, у ҳолда эргаш гашининг кесимига айланади⁴².

⁴² Ф. Абдурахмонов, Қўшма гап синтаксиси асослари, Тошкент, 1958. 417, 151-бетлар.

4. Уюшиқ мақсад ҳоллари. Уюшиқ мақсад ҳоллари бир иш-ҳаракат ва ҳолатнинг бўлишидаги мақсаднинг бир неча эканини билдиради.

Уюшиқ мақсад ҳоллари асосан **учун, мақсадида, мақсади билан, умидида** каби кўмакчилик конструкциялар орқали ифодаланади.

Уюшиқ мақсад ҳолларида **учун** кўмакчиси асосан ҳаракат номларидан кейин келади ва, кўпинча, уюшиқ мақсад ҳолларининг охириги компонентигагина қўлланади. М а с а л а н: *Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин: „Мўғуллар, эронилар, ҳиндилар, мисрликлар билан яқинлашмоқ ва иноқлашмоқ учун бутун кучимизни сарфлаймиз“ — деб Октябрь революциясидан олдин ҳам айтган эди („Қизил Ўзбекистон“).* — *Нима десангиз шу-да... ишни яхши текшириш, тўлиқ кўтариб чиқиш учун комиссия тузинглар десангиз, биз раисликка ўзингизни таклиф қиламиз (А. Қ а ҳ ҳ о р).* *Фильм режиссёри романдаги ижтимоий ҳаётнинг улғувор манзараларини тўла-роқ, кенгроқ очиб бериш, қаҳрамонларнинг характери-ни чуқурроқ талқин қилиш, асар ғоясини бадиий воситаларда ёрқинроқ тасвирлаш учун Италия, Германия Демократик Республикаси кинематографияларини ижодий ҳамкорликка чақиради („Қизил Ўзбекистон“).* ... *гина-кудурат сўзларини эшитиш ва уни овутиш учун узоқ суҳбатга чоғланиб, креслога ўрнашиброқ ўтирди (А. Қ а ҳ ҳ о р).*

Баъзан умидида сўзи мақсадида кўмакчисининг синоними сифатида уюшиқ ҳоли конструкцияда қўлланади. Умидида сўзи, кўпинча, уюшиқ бўлақларнинг ҳар бир компонентида қўлланади. М а с а л а н: *Елкаларида эзиб келган қора қашшоқликни ағдариб ташлаш умидида, одам боласига ярашган бахтли ҳаёт билан яшаш умидида шод ва хуррам бўлиб борардилар (М. И с м о и л и й).*

Баъзан мақсад сўзи эгаллик қўшимчасини қабул қилган ҳолда, **билан** кўмакчиси билан бирликда уюшиқ мақсад ҳоли конструкцияни ташкил этади. Булар иш-ҳаракатнинг бўлишидаги мақсадни таъкидлаш учун қўлланади. М а с а л а н: *Ҳиндистонга, Бирмага ва Индонезияга тинчлик ва дўстлик мақсади билан қилган сафаримиз Совет Иттифоқи халқлари каби, бу мамлакатларнинг халқлари ҳам тинчликка, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга ва мустақамлашга астойдил интиляётганликларини яққол кўрсатди (Н. С. Х р у ш ч е в).*

5. Уюшиқ сабаб ҳоллари. Уюшиқ сабаб ҳоллари бирор ҳаракат ёки ҳолатнинг бўлиш-бўлмашлик сабаби бир неча эканини билдиради.

Уюшиқ сабаб ҳоллари: а) чиқиш келишиги қўшимчаси-дан) ни олган сифатдош формаси (-ган ёки -ганлик) билан; б) **учун** кўмакчиси билан бириккан сифатдош формаси (-ган ёки -ганлик) орқали ифодаланади.

Бу формалар, ўз эгаси бўлган вақтда, эргаш гапнинг асосими бўлиб келади⁴³.

Уюшиқ сабаб ҳоллари чиқиш келишиги қўшимчаси -дан ни қабул қилган сифатдош орқали ифодаланганда, кўпинча, селишиқ қўшимчаси энг охириги бўлакдагина келади.

Баъзан уюшиқ сабаб ҳоллари равишдош формаси -иб орқали ифодаланиб, сабаб оттенкасига эга бўлади: *Баъзилари ака-ука, ота-бола султонларнинг ўзаро урушларида қирилди, баъзилари ўз душманларидан хавфсиз раб ёки янги бахт қидириб узоқ элларга кўчиб кетди* (Ойбек).

Уюшиқ сабаб ҳоллари **учун** кўмакчиси билан бириккан сифатдош орқали ифодаланганда, кўмакчи, кўпинча, уюшиқ бўлақларнинг энг охириги компонентида қўлланади: *Ҳамидулла рўзгорни жуда яхши билгани ва шу билан бирга, орзу-ҳавасли эркак бўлгани, хотинининг уйда ўтиришини, ўтирганда гул, юрганда товус бўлишини истагани ва шунга интилгани учун кампирга жуда наъқул эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *У буни бюрода айтолмагани, „секретарлик ўрнини талашгандай бўламан“, деб андиша қилгани учун ўзидан ҳам норози бўлди* (Н. Қ о д и р о в).

6. Уюшиқ миқдор-даража ҳоллари. Уюшиқ миқдор-даража ҳоллари иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилишидаги миқдорий белгиларни ифодалайди. Уюшиқ миқдор-даража ҳоллари миқдор-даража равишлари ва соннинг **марта** сўзи билан келган бирикмалари орқали ифодаланади.

Иш-ҳаракатнинг миқдор-даражасини аниқлаган уюшиқ ҳоллар равишлар билан ифодаланади: *Бу йил пахта дала-ларида экишдан тортиб, йиғим-теримгача илғор агро-техника усуллари янада кенг ва янада кўп қўлланилади* („Қизил Ўзбекистон“).

Сон билан ифодаланган уюшиқ миқдор-даража ҳоллари кўпинча **марта** сўзи билан қўшилган бирикмалар ҳолида келади. Бундай уюшиқ ҳолли бирикмалар санок ёки тартиб сонлари ва **марта** сўзидан ташкил топади, **марта** сўзи эса уюшиқ ҳолларнинг энг охириги компонентидagina қўлланади: *... бозор охирида савдодан тушган пулларини ҳисоблаб кўргананда, пул оз чиқди. Иккинчи, учинчи марта са-*

⁴³ Ф. Абдурахмонов, Қўшма гап синтаксиси асослари, Тошкент, 1958, 158–159-бетлар.

наб кўрди, бари бир пул оз чиқаверди (С. А й н и й). У бу авторнинг мақоласини талабга жавоб берадиган даражага келтириш учун уни бир эмас, балки **икки ва уч марта** ҳам қайта ишлашдан эринмасди (Н. К. Крушская).

Баъзи ўринларда **марта** сўзига-**лаб** ясовчиси қўшилиб, **марталаб** шаклида уюшиқ ҳолли конструкцияда қўлланади: **Икки, уч марталаб борган кунимиз ҳам бўлган** (И. Раҳим).

Баъзан маҳал ва қайталаб сўзи марта сўзининг синоними сифатида, сонлар билан бирикиб, уюшиқ миқдор-даража ҳоли бўлиб келади: *Марказий ошхонада ҳар кун и дала бригадалари учун бир маҳал, гоҳда икки маҳал иссиқ овқат пиширилади* (И. Раҳим). *Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағин ҳам кучайди* (А. Қодирий).

Уюшиқ ҳоллар таркиби. Уюшиқ ҳоллар бир гапда бир тўда ёки бир неча тўда ҳолида таркиб топади. Шунингдек, уюшиқ ҳоллар состав жиҳатдан ҳам турлича бўлади.

Шунинг учун бу баҳсга икки томонлама ёндашмоқ лозим: бир томондан, бир гапда нечта уюшиқ ҳоллар тўдаси таркиб топганини ва, иккинчи томондан, ҳар бир тўдадаги уюшувчи бўлақлар составини аниқламоқ керак. Демак, уюшиқ ҳоллар таркиби масаласи иккига бўлиб қаралади:

- 1) уюшувчи бўлақлар тўдасининг миқдори;
- 2) уюшувчи ҳоллар состави.

Уюшувчи бўлақлар тўдасининг миқдори. Уюшиқ ҳоллар бир гапда бир тўда ёки бир неча тўда ҳолида таркиб топади.

Масалан: *Улар яхши ҳаётни ўн йиллаб ва юз йиллаб кутиб ўтиришни истамайдилар* („Қизил Ўзбекистон“). *Унинг фикрича, қўйлар бирон жарлик ё ариққа тушиб қолишлари, ё бўлмаса, бирон ўтлоқда, экинзорда ўтлаб юрган бўлишлари мумкин эди* (С. А й н и й).

Биринчи мисолда уюшиқ ҳоллар бир тўдадан иборат, яъни унда бир хилдаги (**ўн йиллаб** ва **юз йиллаб** каби) миқдор-даража ҳоллари бир бўлаққа боғланиб уюшган. Иккинчи мисолда биринчи уюшган икки бўлақ (**жарлик ё ариққа**) бир тўда ҳолида, иккинчи уюшган икки бўлақ (**ўтлоқда, экинзорда**) яна бир тўда ҳолида бошқа-бошқа сўзга, лекин бир турли бўлаққа боғланган.

Уюшувчи ҳоллар есстави. Ҳар бир уюшиқ ҳоллар тўдасидаги уюшувчи бўлақларнинг состави ё йиғиқ, ё ёйиқ, ёки йиғиқ ва ёйиқ, яъни аралаш ҳолатда бўлмоғи мумкин. Шунинг учун уларни: 1) уюшган йиғиқ ҳоллар; 2) уюшган

ёйиқ ҳоллар; 3) уюшган йиғиқ ва ёйиқ ҳоллар тарзида қисмларга ажратамиз.

Уюшган йиғиқ ҳолларда ҳар бир тўдадаги уюшувчи ҳолларнинг компонентлари изоҳловчи, аниқловчи бўлақлар-
қиз келади. М а с а л а н: ... **каналлар ва ариқлардан сел-
тингари лойқа сув келди** (Ш. Рашидов). **Заҳарли ўт-
тир, айниқса, ёш ҳайвонларга тезроқ, ўткирроқ таъсир**
қилади („Қизил Ўзбекистон“). **Наманганда ҳам, Қўқонда**
ҳам, Андижонда ҳам мастеровойлар, уларга қушилиб
қимбағал деҳқонлар бош кўтаришяпти (М. Исмоилий).
Ҳасан сўфи ётиб олиб, бир у ёққа, бир бу ёққа қаради
(М. Исмоилий).

Уюшган ёйиқ ҳолларда ҳар бир тўдадаги уюшувчи ҳол-
ларнинг компонентлари изоҳловчи, аниқловчи бўлақлар би-
лан бирга келади. Изоҳловчи сўзлар ҳамма уюшиқ ҳоллар
учун умумий бўлиши ёки уюшиқ ҳолларнинг ҳар бир ком-
поненти ўз изоҳловчисига билан келиши мумкин. М а с а л а н:
**Аэродромнинг барча томларида, майдон ва йўллари-
да сон-саноксиз қизил чироқлар хавфдан огоҳлантирарди**
(„Ўзбекистон хотин-қизлари“ журнали). **Собир индамасдан,**
**дам қоронғи, сокин далага, дам серюлдуз кўкка хаёл-
чан тикилиб тураверди** (Ойбек).

Биринчи мисолда изоҳловчи сўзлар ҳамма уюшиқ ҳол-
лар учун умумий бўлиб, уюшиқ ҳоллар тўдасидаги бўлақ-
лар ёйиқ ҳисобланади. Иккинчи мисолдаги уюшиқ ҳоллар-
нинг ҳар бир компоненти ўз изоҳловчисига эга бўлиб, бу-
лар ҳам уюшиқ ёйиқ ҳоллар ҳисобланади.

Шунингдек, уюшиқ ҳолларнинг анча кенг ёйиқ шаклла-
ри ҳам бор. М а с а л а н: **Мактубдан илҳомланган меҳ-
наткашлар КПСС Марказий Комитетининг навбат-
даги Пленумини муносиб кутиб олиш учун, етиш-
тирилган пахта ҳосилини тезроқ териб олиш учун**
**ва партия, Ватан олдида олинган социалистик маж-
буриятларни шараф билан бажариш учун курашмоқ-**
далар („Тошкент ҳақиқати“).

Уюшган йиғиқ ва ёйиқ ҳоллар. Уюшиқ ҳолларнинг баъ-
зи компонентлари изоҳловчи бўлақларсиз, яъни йиғиқ, баъ-
зилари эса тобе бўлақлар билан бирга ёйиқ ҳолда келади.
М а с а л а н: **Булутларни ёриб чиққан қуёш нури сой**
қирғоқларидан, адир ва ён бағирликлардан эрталабки
туманни қувлади (И. Раҳим).

Бу тўдадаги уюшиқ ҳолларнинг биринчи компоненти
ёйиқ уюшиқ ҳол, иккинчи ва учинчи компонентлари эса
йиғиқ уюшиқ ҳоллардир.

Уюшиқ ҳоллар ҳам уюшиқ аниқловчилар ва тўлдирув-
чилар каби, ажратилган ҳолда келишлари мумкин. Бунда

улар изоҳланмиш бўлақдан сўнг жойлашади. **М а с а л а н:** *Районнинг уч ерида: „Большевик“ кўчасида, Бешёғочдаги музей территориясида ва Чорсув майдонида ҳар бирига 100 киши сизгадиган ошхона қурилиб, ишга туширилсин! („Муштум“). Демак, бечораларни мурувватсизлик билан қириб келган камбағаллик ҳамма ерда: қишлоқларда, шаҳарларда, ўлкаларда, давлатларда ҳаммиса изғиб юргани учун, Матқовул ўз дунёсида бир тасодиф бўлмай, денгиздан бир қатра эди (М. И с м о и л и й).*

Биринчи мисолдаги **уч ерида** сўзи изоҳланмиш бўлақ бўлиб, унинг мазмунини санаб кўрсатувчи кейинги **уч бўлақ** уюшиқ ўрин ҳолларидир. Иккинчи мисолда эса **ҳамма ерда** сўзи изоҳланмиш бўлақ бўлиб, ундан кейин саналиб келувчи бўлақлар уюшиқ ўрин ҳоллари ҳисобланади.



Демак, уюшиқ ҳоллар ҳам, бошқа уюшиқ иккинчи даражали бўлақлар каби, икки ёки ундан ортиқ йиғиқ ва ёйиқ ёки ҳам йиғиқ, ҳам ёйиқ ҳоллардан ташкил топади, улар санаш интонацияси, тенг боғловчилар орқали ёки фақат санаш интонацияси ва бириктирувчи паузалар воситасида бирикади.

Уюшиқ ҳоллар синтактик муносабатларига кўра тенг алоқага киришиб, кўпинча бир бўлақни, баъзан эса бир турдаги бир неча бўлақни изоҳлаб келади ва у бўлақларга нисбатан тобе алоқада бўлади.

Уюшиқ ҳоллар тобе боғланиш белгиларининг шаклий кўринишларига кўра: келишиксиз, келишикли ва кўмакчили уюшиқ ҳолларга бўлинади, мазмун жиҳатдан эса, уюшиқ равиш ҳоллари, уюшиқ ўрин ҳоллари, уюшиқ, пайт, мақсад, сабаб ва миқдор-даража ҳоллари каби турларга ажралади. Уюшиқ ҳоллар ифодаланиши жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

УЮШИҚ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРДА УМУМЛАШТИРУВЧИ СЎЗЛАР

Уюшиқ иккинчи даражали бўлакли гапларда умумлаштирувчи сўзлар ҳам келиши мумкин. Умумлаштирувчи сўзлар уюшган бўлақларнинг воситаси билан изоҳланган бўлақнинг мазмунига мос формада шаклланади.

М а с а л а н: *Гап яна ҳамма биладиган оддий нарсалардан — темир йўл, мастеровойлар, бозор, мир-*

шаблар, қовоқхона сингарилардан бошланди (Асқад Мухтор). Бу чанг бутун маҳаллани — томларни ҳам, деворларни ҳам, сувсизликдан қакраб қолган яккам-дуккам дарахтларни ҳам бир хилдаги жонсиз, оқиш рингга бўярди (Асқад Мухтор).

Биринчи мисолда „оддий нарсалар“ изоҳланувчи предметларнинг хусусиятига, иккинчи мисолда „бутун маҳаллани“ турар жойнинг характерига қараб белгиланган.

Умумлаштирувчи сўзлар маъноси ва гапдаги ўрнига кўра икки хил бўлади:

1) умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан олдин келади. Бу ҳолда у доимо изоҳни талаб қилади, яъни умумлаштирувчи сўз саналувчи бўлақлар томонидан изоҳланади.

М а с а л а н: *Энди реакция кекса бўғинларга — чоллар ва кампирларга қўл кўтарди („Қизил Ўзбекистон“). Фарғона водийсининг ўзида: Наманганда ҳам, Қўқонда ҳам, Андижонда ҳам мастеровойлар, уларга қушилиб кимбағал деҳқонлар бош кўтаришяпти (М. Исмоилий);*

2) умумлаштирувчи сўзлар уюшиқ бўлақлардан кейин келади. Бунда улар уюшиқ бўлақларнинг маъно ва вазифаларини йиғиб, жамлаб, яқунлаб беради. Бундай умумлаштирувчи сўзлар уюшиқ бўлақларнинг маъно ва вазифаларини йиғувчи ёки яқунловчи умумлаштирувчилар ҳисобланади.

М а с а л а н: *Бу хабарни эшитиш билан Отабекда кўриладиган ўзгаришларни, ҳолларни, ҳаракатларни... барчасини бирма-бир кўнглидан кечирар эди (А. Қодирий). Агар аэропланга тушиб, узоқларга учиб кетсангиз, Ватанимизнинг гўзал шаҳарлари, бахмал боғлари, ям-яшил ўрмонлари, пахтакор далалари, Донбасси, Урали, Сибири — ҳаммасини яққол кўрасиз (Ғ. Ғулом).*

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келганда, умумлаштирувчи сўздан олдин баъзан хуллас, қисқаси каби сўзлар келиши мумкин. Бундай сўзлар уюшиқ бўлақлар билан умумлаштирувчи бўлақ орасида чегараловчи сўз сифатида қўлланади.

М а с а л а н: *Корхоналарда, қурилишларда, кўчаларда, квартираларда, хуллас, ҳамма ерда партиянинг навбатдаги съезди ҳақида гап бормоқда („Қизил Ўзбекистон“). Бу девона Тошкентнинг барчасига маълум, беклардан, бойлардан, қисқаси, шаҳарнинг катта-кичигидан ўзига ихлосмандлар ортирган ва кўпларнинг тарафидан қилган кароматлари ривоят этилган бир мажнун эди (А. Қодирий). Мамлакатимиздаги завод ва фабрикаларда, институт ва мактабларда,*

хуллас, ҳамма жойда ана шу шонли кунни байрам қилишга тайёргарлик кўрилмоқда („Қизил Ўзбекистон“).

Умумлаштирувчи сўзлар, кўпинча, жамловчи ёки жамлаш функциясидаги отлардан, таркиблардан, шунингдек, биргалик ёхуд бўлишсизлик олмошларидан ифодаланади. Гапда умумлаштирувчи сўз ва у билан бирга келган уюшиқ булақлар бир хил функцияни бажаради.

Умумлаштирувчи сўзлар жамловчи отлардан ифодаланганда, жинс-тўда тушунчасини, у билан бирга келган уюшиқ булақлар эса тур-қисм тушунчасини билдиради.

Масалан: *Ишчи, деҳқон, хизматчи, хуллас барча меҳнаткаш турмушини яхшилаш чоралари кўрилди* („Қизил Ўзбекистон“). *Қурилиш участкасига келадиган кўчаларга тикилиб қолган оломон шаҳар меҳнаткашларининг — ишчи, ўқувчи, хизматчиларнинг колонналарига зўрға йўл очиб бермоқда* (Асқад Мухтор).

Умумлаштирувчи сўзлар биргалик ёки бўлишсизлик олмошларидан ифодаланганда, умумлаштирувчи сўз ва уюшиқ булақлар жинс-тўда ва тур-қисм тушунчасини билдирмайди.

Масалан: *Демак, бечораларни муруватсизлик билан қириб келган камбағаллик ҳамма ерда: қишлоқларда, шаҳарларда, ўлкаларда, давлатларда ҳаммаша изғиб юргани учун Матқовул ўз дунёсида бир тасодиф бўлмай, денгиздан бир қатра эди* (М. Исмоилий). *Бу уйда на Аширдан, на Сахат чўлоқдан — ҳеч кимдан дарак йўқ* (Б. Кербобоев).

ХУЛОСА

Уюшган иккинчи даражали бўлақлар фикрни аниқ, тўлиқ, образли ифодалашнинг энг мувофиқ воситаларидадир. Улар ифодани ихчам тузиш, унда ҳис-ҳаяжон ва эмоционал ҳолатларни ҳам анча тўла акс эттириш, стилистик раванлик ва ихчамлик сингари хусусиятлари билан тилимизда катта аҳамиятга эга бўлган грамматик категориялардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу синтактик ҳодиса ифода воситаси сифатида нутқимизнинг деярли ҳамма типда, айниқса, ёзма нутқ турларида, бадний адабиётнинг турли жанрларида анча кенг қўлланади ва актив ҳодиса ҳисобланади.

Уюшган иккинчи даражали бўлақлар бириктирувчи, зидловчи, айирувчи ва галма-галлик каби тенг боғловчилар орқали бирикади, талаффузда фақат санаш интонацияси воситаси билан ёки санаш интонацияси ва бириктирувчи паузлар воситасида ўзаро боғланади. Улар, уюшган тўлдирувчилардан бошқа, иккинчи даражали бўлақларда асосан бир хил грамматик формада бўлиб, ўзаро тенг алоқага киради — бири иккинчисини изоҳламайди. Шунингдек, улар, кўпинча, битта бўлаққа, баъзан эса бир турдаги бир неча бўлаққа нисбатан тобе муносабатда бўлиб, ҳоким бўлақни изоҳлайди, гапда бир хил синтактик функцияни бажаради.

Гапнинг уюшган иккинчи даражали бўлақлари бирдан ортиқ ё йиғиқ, ёки ёйиқ, ёхуд ҳам ёйиқ, ҳам йиғиқ бўлақлардан ташкил топади. Улар бир гап составида бир ёки бир неча тўда ҳолида келишлари мумкин.

Уюшган иккинчи даражали бўлақлар изоҳланмиш бўлақлар билан атрибутив, объектив, релятив каби синтактик алоқаларига кўра, уч катта гурпуага бўлинади: уюшиқ аниқловчилар (атрибутив алоқа), тўлдирувчилар (объектив алоқа) ва ҳоллар (релятив алоқа).

Уюшиқ иккинчи даражали бўлақлар ўз ичларида маъно группаларига бўлинади. Чунончи, уюшиқ аниқловчилар қа-

ратиш, сифатлаш, санаш ва кўрсатиш йўли билан бирикиб келади; уюшиқ тўлдирувчилар воситали ва воситасиз каби турларга бўлинади; уюшиқ ҳоллар эса уюшиқ ўрин, равиш, пайт, сабаб, мақсад ва миқдор-даража ҳоллари каби группаларга ажралади.

Қаратқичли уюшиқ аниқловчилар, шунингдек, воситасиз уюшиқ тўлдирувчилар белгили ва белгисиз формада бўлиши мумкин.

Уюшиқ иккинчиси даражали бўлақлар турли сўз туркумларидан ифодаланади. Чунончи, уюшиқ аниқловчилар, кўпинча, сифат ва отдан; уюшиқ тўлдирувчилар, кўпинча, от орқали; уюшиқ ҳоллар эса, асосан равиш ва отдан ифодаланади.

ИККИНЧИ ҚИСМ

КИРИШ

Ажратилган бўлақлар, хусусан, ажратилган изоҳлар ўзига хос маъно функцияларида қўлланувчи, грамматик жиҳатдан маълум восита ва усуллар ёрдамида ажралувчи ўзига хос интонацион тасвирга эга бўлган гап бўлақларини ташкил этади. Ажратилган бўлақларнинг илмий жиҳатдан ишланиши ҳам амалий, ҳам назарий томондан катта аҳамиятга эга. Амалий жиҳатдан, ажратилган бўлақларни қўллаш катта ва мураккаб маъноларни сиқиқ ва аниқ жумлаларда баён этишга, фикрдаги муҳим жиҳатларни англаб олишга, фикрнинг аниқ, конкрет, тушунарли бўлишига имкон беради, нутқ маданиятини ўстиради. Ажратилган бўлақлар гапнинг мазмунида ҳам, структурасида ҳам муҳим роль ўйнайди.

М. В. Ломоносов, ўз даврида, „ажратилган“ терминини ишлатмаган бўлса-да, сўз тартиби билан шугулланиб, юксак тон ва оҳангдорликни юзага келтириш учун проза ҳамда поэзияда оппозитив ҳолатни кўпроқ ишлатишни талаб қилган эди, у бу ўринда ажратилган аниқловчиларни кўзда тутиб, уларнинг стилистик ролини юқори баҳолаган. Бундан ташқари, М. В. Ломоносов сифатдош ва равишдош обороти типидаги ажратилган бўлақларнинг фикрни ихчам баён этишдаги ролини алоҳида қайд қилган эди. У сифатдош ва равишдош ҳақида шундай деб ёзади:

„Бу феъл-исмлар, ўзида исмлар ва феъллар кучини бирлаштириб, нутқни ихчамлашга хизмат қилади“¹.

Назарий жиҳатдан эса ажратилган бўлақларнинг ишланиши қўшма гап билан содда гапни, яъни составида ажратилган бўлақлари мавжуд бўлган содда гапни чегаралай

¹ М. В. Ломоносов, Российская грамматика, 1878, стр. 307. § 44: Риторика, СПб., 1791, стр. 45—60; Қаранг: М. В. Ломоносов, Полное собрание сочинений, «Труды по филологии», М.—Л., 1952, стр. 407.

олишга, ажратилган изоҳларнинг гапдаги функциясини белгилашга ва уларнинг ажратилмаган оддий изоҳловчилардан, уюшқч бўлаклардан, изоҳланувчи бўлакнинг эса умумлаштирувчи сўзлардан фарқини очишга имкон беради; ёзув ишларимизда ҳам ёзма нутқнинг конкрет, аниқ, тушунарли бўлишини, тиниш белгиларининг ўз ўрнида тўғри ишлатилишини таъминлайди; ниҳоят, ажратилган бўлаklar ҳақидаги маълумотларни маълум даражада кенгайтиради.

Ажратилган бўлаklar тилшунослик фанида, шу жумладан, рус тилшунослигида ҳам турли хил қарашлар, тортишувлар объекти бўлиб келди.

Бир группа рус тилшунослари: А. Х. Востоков, Ф. И. Буслаев ва Н. И. Гречлар ажратилган конструкцияларни, улардаги предикативлик элементига суяниб, қисқартирилган эргаш гаплар деб баён этдилар.

Аммо улар ажратилган бўлаklarни мустақил гап сифатида таърифлашда тил фактларига турлича ёндашдилар. Бир хиллари ажратилган бўлаklarнинг вазифаларига алоҳида эътибор берса, кинчилари сифатдош ва равишдош типдаги ажратилган бўлаklarнинг феъллик хусусиятларига, учинчилари эса ажратилган бўлаklarнинг интонациясига алоҳида диққат қилдилар.

Ф. И. Буслаев бир фикрни тўлиқ эргаш гап билан ҳам, қисқарган гап билан ҳам берни мумкин дейди ва бунга қўйидагича мисол келтиради: *Человек, который принёс пользу отчеству, достоин уважения* (тўлиқ); *Человек, принёсший пользу отчеству, достоин уважения* (қисқарган).

Олим бу икки гапнинг ўзаро фарқи уларнинг грамматик муносабатларида эканлигини айтади ва яна давом этиб: „Тўлиқ эргаш гапнинг кесми сифатдош, сифат ва от орқали қисқаради“, — дейди². Лекин бу ўрида ажратилган якка аниқловчилар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Демак, бу ерда айтилган қисқартирилган эргаш гаплар ажратилган бўлаklarни тўлиқ ўз ичига олмайди, фақат юқоридаги ўринлардагина ажратилган конструкциялар ҳақида фикр юритилади.

Н. И. Греч эса ҳар қандай равишдош ва сифатдошда гап реаллашади, чунки улар феълдир, деб кўрсатади. Демак, у ажратилган бўлаklar вазифасидаги сифатдош ва равишдошларни, уларнинг феъллик характерига қараб, мустақил гап ҳисоблайди: „ . . . иккита феъл келган ҳолда икки гап ёки қўшма гап бўлади“.

„*Ручей, текущий по долине, впадает в озеро* — қўшма гап, чунки бу ерда икки феъл бор: бири *впадает*, иккин-

² И. Ф. Буслаев, Историческая грамматика русского языка, Синтаксис, изд. четвёртое, М., 1875, § 274.

чики *которий течет* маъносида келган *текущий* сифатдошдан иборат. Демак, ҳар қандай сифатдош феъл ҳисобланади ва мустақил гап тузади. Равишдош тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин³.

А. Х. Востоков ажратилган конструкцияларни, улардаги шузуага — фонетик ажралошга суяниб (қисқа, узун тўхталиш, овознинг сезиларли кўтарилиши ва пасайишини асосга олган ҳолда), қисқарган эргаш гап дейди ҳамда ёзувда бу ташқи ифода тиниш белгилари орқали берилишини қайд қилади⁴.

Бундан ташқари, чет элдаги баъзи бир тилшунослар ҳам ажратилган конструкцияларни қисқартирилган эргаш гап деб келдилар⁵.

Лекин юқоридаги олимларнинг ҳаммаси ҳам ажратилган бўлақларнинг ўзи устида махсус тўхтамаган. Улар ажратилган конструкциялар ҳақида фикр юритганлар. Бу тилшуносларнинг хизматлари шундаки, улар ажратилган конструкцияларни қисқартирилган эргаш гап дейиш билан, ажратилган бўлақларнинг кўпчилиги, яъни уларнинг кенгайган турлари функцияси, интонация ва паузасига кўра, эргаш гапларга ўхшаш синонимик конструкциялар эканлигини тўғри кўрсатиб берганлар.

Иккинчи бир группа олимлар: В. А. Богородицкий, А. А. Потебня, А. А. Шахматов, А. М. Пешковский ва В. В. Виноградовлар бу конструкцияларни гап эмас, гапнинг бир бўлаги, деб оладилар. Лекин улар бу бўлақларни гап бўлаги сифатида таърифлаганда тил фактларига турлича ёндашдилар. Бу жиҳатдан уларнинг фикрлари ҳам озми-кўпми ўзаро фарқ қилади. В. А. Богородицкий, А. А. Потебня, Будде каби тилшунослар ажратилган бўлақларни тарихан текшириб, уларнинг эргаш гапларга алоқаси бўлмаган ўзига хос ҳодиса эканлигини кўрсатадилар. Масалан, В. А. Богородицкий бундай ҳодисалар кишилар ҳали қўшма гаплардан фойдаланишни билмаган даврларда ҳам мавжуд бўлганлигини, улар ўзларининг мустақил тараққиёт тарихига эга эканликларини қайд этади:

„Қисқарган тур ёйиқ турдан келиб чиққан, деб ўйлаш хато бўлар эди: буларнинг иккаласи ҳам мустақил равишда келиб чиққан ва улар фақат бир оз бир-бирига ўхшайди“⁶.

³ Н. И. Греч, Практическая русская грамматика, СПб, 1827, стр. 526.

⁴ А. Х. Востоков, Сокращенная русская грамматика, изд. второе, СПб, 1848, стр. 75.

⁵ Surme G. A. Grammer of the English Language Syntax, London⁷ 1931, vol. III.

⁶ В. А. Богородицкий, Общий курс русской грамматики, изд. пятое, Соцэкгиз, 1935, стр. 239; А. А. Потебня, Из записок русской грамматики, Харьков, том 9, 1899, стр. 353; Будде, Вопросы методологии русского языкознания, Казань, 1917, стр. 113.

А. А. Шахматов ва А. А. Дерibas-Тюкшиналар ажратилган бўлақларни эргаш бўлақлар деб таърифлайдилар. Масалан, А. А. Шахматов равишдошлар воситасида ажратилган бўлақларни „эргаш кесимлар“ номи билан таҳлил қилади⁷.

А. М. Пешковский, В. В. Виноградов, А. Г. Руднев, Е. В. Кротевич, А. Н. Гвоздев, И. И. Ревзин ва К. Я. Петровскаялар ҳам ажратилган иккинчи даражали бўлақлар устида ишлаган. Грамматикага „ажратилган иккинчи даражали бўлақлар“ термини А. М. Пешковский⁸ киритди.

А. Г. Руднев ва Е. В. Кротевичлар ажратилган бўлақлар устида махус иш олиб бордилар⁹. Бу соҳада немис, инглиз тилларига онд адабиётларда ҳам анчагина яхши фикрлар берилган¹⁰.

Кейинги йилларда рус тилшунослигида Е. И. Франчук, П. М. Меделецларнинг ажратилган бўлақлар ва эргаш гапларнинг синонимик ҳолатларига, уларнинг ўзаро фарқларини аниқлашга боғишланган махус асарлари эълон қилинди; бу олимлар ажратилган бўлақларнинг эргаш гапларга синонимик конструкция эканлигини рус тили фактлари асосида исбот қилишди¹¹.

Шундай қилиб кўпгина тил тадқиқотчиларининг диққатини ўзига жалб этган ажратилган бўлақлар проблемаси рус, немис, инглиз тилшунослигида асосан м ваффақиятли равишда ҳал қилингандир. Бироқ ўзбек тилида ажратилган бўлақлар темаси яқиндан бошлаб текширилмоқда. Шунга кўра, юқоридаги олимларнинг фикрларидан тўғри фойдала-

⁷ А. А. Шахматов, Синтаксис русского языка, 1941, § 265—283; А. А. Дерibas-Тюкшина, Деспричастные конструкции в функции второстепенного сказуемого, «Ученые записки», т. XXV; М., 1954, стр. 51—85.

⁸ А. М. Пешковский, Русский синтаксис в научном освещении, изд. 4, стр. 370. 373. 393; А. М. Пешковский, Обособленные второстепенные члены, М., 1933.

⁹ А. Г. Руднев, Обособленные члены предложения, Л., 1947, стр. 79; Е. В. Кротевич, Обособление второстепенных членов предложения, Госиздат КазССР, Алма-Ата, 1941.

¹⁰ И. И. Ревзин, Проблема обособления (на материале современного немецкого языка), «Ученые записки» ЛОИ АГПИИЯ, т. 7, 1955, стр. 163—180; К. Я. Петровская, О месте обособленных обстоятельств, выраженных группой существительного (на материале современного английского языка), «Ученые записки» Ленинградского пединститута им. Герцена, т. 3, 1953.

¹¹ П. М. Меделец, Определительные придаточные предложения и причастные обороты как синтаксические синонимы, канд. диссертация, Л., 1952, ИЯ АН СССР; Е. И. Франчук, Употребление обособленных причастных оборотов и определительных придаточных предложений в современном русском языке, канд. диссертация, 1952, ИЯ АН СССР.

иниш ўзбек тилшунослигида бу масалани ҳал этишида муҳим аминлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам ажратилган бўлақларга асосан гап бўлақлари деб қаралади. Аммо бу масалага бағишланган илмий ишлар жуда кам.

Маълумки, 1957 йил 27—30 августда Уфада тилшуносларнинг СССР халқлари т. тарининг тасвирий грамматикасини яратишга бағишланган координацион кенгаши бўлди. Филология фанлари доктори, профессор А. В. Шапиро содда гап тўғрисида қилган докладда ажратилган бўлақлар проблемасини ишлашга туркий тилларда кам аҳамият берилганини таъкидлаб ўтди. У эргаш гаплар қўшма гап составида қандай роль ўйнаса, ажратилган бўлақлар ҳам содда гап составида шундай муҳим роль ўйнашини кўрсатиб берди. У бундай бўлақларнинг турк тилларида, шубҳасиз, мавжудлигини қайд қилиб ўтди. К. З. Ахмеров ҳам бошқирд тилидаги ажратилган бўлақлар ҳақида махсус тўхтади. У бошқирд тилида қандай гап бўлақлари ажратилишини кўрсатиб берди. Ҳар икки докладчи ҳам тилшуносликнинг бу соҳаси турли грамматик қурилишга эга бўлган барча тилларда ҳам илмий кузатиш ва текширишга муҳтож соҳалардан бири эканлигини, бу ишни тезроқ бошлаш зарурлигини қайд қилиб ўтдилар¹².

Ҳақиқатан ҳам баъзи авторларнинг кузатишлари умуман турк тилларида, хусусан ўзбек тилида, бундай ҳодисанинг мавжудлигидан дарак беради¹³.

Ажратилган бўлақларнинг изоҳ тишлари биринчи марта Н. Саид ва А. Йўлдошевлар томонидан „Гапдаги изоҳ мучалар“ номи билан ўзбек тили грамматикасига киритилди¹⁴.

Кейинча, Ҳ. Ҳозиевнинг 1938—1941 йиллардаги дарсликларидан бу синтактик ҳодисалар „Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар“ термини остида баён этилди¹⁵. Бундан ташқари, „Ўқитувчилар газетаси“нинг 1940 йил 15 апрель со-

¹² А. В. Шапиро, Простое предложение, стенограмма координационного совещания, Уфа, 1958, стр. 24; К. З. Ахмеров, К вопросу об обособлении второстепенных членов предложения в башкирском языке, указ. стенограмма, стр. 26—32.

¹³ А. З. Абдуллаев, Обособление в современном азербайджанском языке, канд. диссертация, Баку, 1953. Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, изд-во АН СССР, М.—Л., 1948; Г. Абдурахмонов, Ажратилган иккинчи даражли бўлақлар, Тошкент, 1955; К. З. Ахмеров, Некоторые вопросы грамматики башкирского языка, ж. «Бошқирдистон ўқитувчиси», 1939, № 6, стр. 8—9, ч. III; А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, изд-во АН СССР, 1946, стр. 430.

¹⁴ Н. Саид ва А. Йўлдошев, Синтаксис, Тошкент, 1936.

¹⁵ Ҳ. Ҳозиев, Синтаксис, Тошкент, 1938, 93—94-бетлар; Ҳ. Ҳозиев, Синтаксис, Тошкент, 1940—1941 йиллар; кейинчалик чиққан VI—VII синф грамматика дарсликларидан бу тема чиқариб ташланган.

Э с л а т м а: Озарбайжон тили грамматикасида ажратилган бўлақлар

пида она тили ўқитувчиларига ёрдам тариқа ида Ҳ. Ғозиевнинг „Ғандаги ажратилган иккинчи даражали бўлақлар ҳақида“ мақоласи босилиб чиқди¹⁶. Мақолада ажратилган бўлақларнинг асосий типлари: ажратилган изоҳлар, равишдош ва ёрдамчи сўзлар воситасида ажратилган бўлақлар устида гапирилади. Лекин ёрдамчилар воситасида ажратилган бўлақлар гап бўлақлари бўйича классификация қилинмайди.

1955 йилда Ғ. Абдураҳмоновнинг „Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар“ номли китобчаси чиқди. Бу асар ўзбек тилида ажратилган бўлақларни ва уларнинг хилма-хил кўринишларини илмий асосда кўрсатиб беришга уришнинг дастлабки натижаси бўлди.

Ғ. Абдураҳманов ўз ишида ажратилган бўлақларнинг эргаш гаплардан фарқини, уларни бир турдан иккинчи турга айлантириш усулларини тўла ёритиб берди, яъни уларнинг айрим ўринларда параллеллигини исботлади¹⁷.

Ғ. Абдураҳмонов гап бўлақларнинг бир неча хил ажралиш усулини кўрсатди¹⁸. „Кўпинча, гап бўлақларининг ажралиши учун уларнинг ўзларига оид сўзлар билан кенгайиб келишлари зарур бўлади. Бу ҳол гап бўлагига нисбий мустақиллик беради, бошқа гап бўлақларидан ажратилишини таъминлайди“, — деб ёзади автор¹⁹.

Тўғри, ажратилган бўлақларнинг кўпчилиги ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келади, лекин бу ҳол шу бўлақнинг грамматик жиҳатдан ажралишига олиб келмайди. Н. Н. Прокопович гап бўлақларининг ажралиши учун уларнинг кенгайиб келишлари асос бўла олмаслигини жуда яхши кўрсатиб берган эди²⁰.

Ғ. Абдураҳмонов ва А. Маъруфовнинг VIII—X синфлар учун чиқарган „Ўзбек тилидан қўлланма“ дарслигига²¹ бу тема авторлар томонидан махсус киритилган.

«Алова ва хусушлашмалар» термини остида берилган. Изоҳлар «Аловлар» номи билан таҳлил қилинган. Қаранг: Э. Демирчизода, Азарбайжан дилин грамматикаси, Боки, 1951; М. А. Ширалиев ва М. Ҳусаннзода, Ишеса, Боки, 1956; Н. Довқориевнинг «Қорақалпоқ тилининг грамматикаси»да (Нукус, 1946) «Гапнинг айримланган аъзолар» номи билан ва С. Аманжонов ва Ғ. Бегалиевнинг «Қозоқ тили грамматикаси»да «Ақшалланган муше» номи билан ажратилган бўлақлар изоҳ доирасида ифодаланган. Қаранг: Синтаксис, II қисм, Олмаота, 1946.

¹⁶ «Ўқитувчилар газетаси», 1940 йил 15 ва 22 апрель сонлари.

¹⁷ Ғ. Абдураҳмонов, Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар, Тошкент, 1955, 22—24-бетлар.

¹⁸ Уша асар, 6—10-бетлар.

¹⁹ Уша асар, 8-бет.

²⁰ Н. Н. Прокопович, Методика изучения обособленных определений, «Известия АПН РСФСР», 1947, № 10, стр. 115.

²¹ Ғ. Абдураҳмонов ва А. Маъруфов, Ўзбек тилидан қўлланма, Тошкент, 1957, учинчи нашир.

Ҳ. Ғозиев ва Ғ. Абдураҳмоновнинг юқоридаги асарлари умуман ажратилган иккинчи даражали бўлақлар тўғрисида ёзилган ишлардир. Биз бу ишимизда ажратилган бўлақларнинг бир типи бўлган ажратилган изоҳлар устида махсус фикр юритамиз²².

Ишимизнинг биринчи қисмида умуман ажратилган иккинчи даражали бўлақлар ва ажратиш усуллари, уларнинг типлари, стилистик аҳамияти, ташқи ифодаси ҳақида фикр юритилади. Бу масалаларни ёритиш, биринчидан, ажратилган бўлақларнинг бир типи бўлган ажратилган изоҳлар масаласини ҳал қилиш учун замин яратади, иккинчидан, юқоридегил авторларнинг фикрларини янада тўлдиради.

Иккинчи қисм ажратилган изоҳлар ва уларнинг турларида бағишланган. Бунда ажратилган изоҳлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари: маъно функциялари, грамматик хусусиятлари ҳамда ташқи интонацион белгилари, уларнинг бошқа синтактик ҳодисалардан фарқи, тарихи каби масалалар ёриштирилади. Шунингдек, бу бобда ажратилган изоҳларнинг гап бўлақлари бўйича классификацияси: ажратилган изоҳловчилар, изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар, изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар, изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчилар, изоҳ маъносида ажратилган кесимлар, ниҳоят, ажратилган изоҳларда тиниш белгилар каби масалалар устида таҳсил этилади.

Ажратилган изоҳларда тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳам баъзи аниқликлар киритишни талаб қилади. Масалан, ажратилган бўлақлар кенг маънода, одатда, икки томондан вергуллар билан ажратилади, лекин матбуотда баъзан кейинги вергулни қўймаслик ҳоллари ҳам учрайди, ҳолбуки, бунда маъно ўзгариб кетиши мумкин. Бир мисол: *Биз, **большевиклар**, олдинги сафда бормоқдамиз* гапда кейинги вергулнинг ҳам қўйилиши шарт.

Демак, амалий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган бундай масалаларнинг назарий томонини ҳам илмий нуқтаи назардан ёритиш керак. Шу сабабли ишда тиниш белгиларига оид қисмнинг бўлиши ҳам асослидир.

Ажратиш усули мураккаб, муҳим маъно оттенкаларини мумкин қадар аниқ ифодалаб беради. Натижада нутқда аниқлик, фикрий тўлиқлик, образлилик, оҳангдорлик, ихчамлилик вужудга келади.

Бу синтактик категория ўзбек тилида қадим замонлардан мавжуд бўлиб, узоқ тарихга эгадир. Масалан, ажратилган

²² Биз ўзбек тилшунослидаги мавжуд терминни ўзгартрмадик.

бўлаклар V ва XI—XIII асрларга доир асарларда ҳам учрайди²³.

Мисоллар: *Бу сатик бозни кылмыс кун узай ми Байдун бир аксук сўз төкәл санап арылап бирдим.*

Ми, Байчәп, јта бир аксук сўз төкәл санап арылап алдим (С. Е. Малов, О двух уйгурских документах XIII в., 1927, стр. 393).

Ми, Алап, Бачап ка инчка ајыди, бидитим (С. Е. Малов, О двух уйгурских документах XIII в., 1927, стр. 393).

*Бәп сизима кадашыма сизә огланым*²⁴.

Гулханий асарларида ҳам ажратилган изоҳлар жўда кўп учрайди:

*Жаҳд қилиб турди равон борғали,
Яғни яғоч қолмишини ёрғали.
Минди яғоч устига нажжордек,
Косибди пуркордаи пуркордек.*

Шундай мисоллар „Тафсир“²⁵ да ва бошқа ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди.

²³ С. Е. Малов, Енисейская письменность тюрков, М.—Л., 1952, стр. 100.

²⁴ К. З. Ахмеров, К вопросу об обособленных второстепенных членов предложений в башкирском языке, ўша стенограмма, 26-бет.

²⁵ А. К. Боровков, Очерки истории узбекского языка, «Ученые записки» Института востоковедения, М.—Л., 1958, т. XVI, стр. 166—167.

ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ АЖРАЛИШ УСУЛЛАРИ. АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРНИНГ ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРИГА КЎРА ТИПЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар ҳам, бошқа гап бўлаклари сингари, гап структурасининг бир бўлагини ташкил қилади ва маълум синтактик функцияда қўлланади; уларнинг бўлаклари сўроқларига жавоб бўлади ва, ниҳоят, бошқа гап бўлаклари билан семантик алоқага киришади. Бундан ажратилган гап бўлаклари ажратилмаган гап бўлақларидан фарқ қилмас экан, деган хулоса чиқмайди, аксинча, улар маълум мақсадларда қўлланилиб, ўзларига хос маъно функциялари (оттенкалари), грамматик алоқалари (ажралганлик алоқалари) ва ташқи ифодалари (ажратувчи интонация, пауза, ургу, ритм кабилари) билан ажратилмаган гап бўлақларидан тамоман фарқланиб туради.

Гап бўлаклари ажралиш хусусиятларига кўра икки хил бўлади:

1. **Факультатив ёки ноорганик ажралиш**²⁶. Бу хил ажралишда сўзловчи гап бўлагини маълум мақсадда ўз ўрнида ёки ўрнини ўзгартирган ҳолда таъкидлаб, бўрттириб, ажратиб беради. Бундай усул стилистик приём сифатида қўлланилади: *Маҳдум, довдираган йўсинда, Анвар билан ичкарига юрди* (А. Қодирий).

*Заводларда йигитлар — илғор —
Пўлат қуйиб, ҳаёт қуради,
Фабрикада қизлар — ижодкор —
Озод меҳнат завқин суради.*

(Ойбек)

²⁶ Н. Н. Прокопович эса ажратилган бўлақларни «обязательные и необязательные обособления» каби турларга бўлади. Қаранг: Н. Н. Прокопович, Методика изучения обособленных определений, «Известия АПН РСФСР», № 10, 1947, стр. 103; А. Н. Гвоздев, Очерки по стилистике русского языка, изд. второе, М., 1955, стр. 357—573.

Солиштиринг: Ф. Абдурахмонов, Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар, Тошкент, 1955, 6—10-бетлар.

Кеинги мисолдаги аниқловчилар оддий тартибда *илгор йигитлар, ижодкор қизлар* бўлиб, ёзувчи уларни тартибни ўзгартирган ҳолда ажратиб кўрсатган.

1. **Грамматик ёки органик ажралиш.** Бундай ажралиш махсус грамматик воситалар асосида, грамматик қонун-қоидаларга кўра бўлади. *Лекин сиз, Маннонов, унақа зарарли гапларни ташланг* (П. Қодиров).

Бу ердаги *Маннонов* сўзи грамматика талаби билан ажратилган, чунки сиз олмоши нисбий сўз бўлиб, изоҳ талаб этади, ажратилган бўлак унга эквивалент сифатида қўлланилиб, уни изоҳлаш функциясида ишлатилган; бундан ташқари, бундай нисбий сўзлар грамматик жиҳатдан белги қабул қилмайди, уларга онд белгилар доим ажратилган ҳолда қўлланилади.

Ажратилган бўлақлар ажралишларидаги грамматик белгиларига кўра, қўйидаги типларга бўлинади:

1. Грамматик тартибни ўзгартириш асосида ажратилган бўлақлар.

2. Ёрдамчи сўзлар воситасида ажратилган бўлақлар.

3. Равишдошлар ёрдамида ажратилган бўлақлар.

4. Изоҳ сўзлар орқали ажратилган бўлақлар.

* * *

Грамматик жиҳатдан ажралган бундай бўлақларнинг стилистик аҳамияти жуда каттадир, ҳозирги замон адабиёти-мизда ажратилган иккинчи даражали бўлақлар жуда кенг қўлланилмоқда. Бунга сабаб, ажратилган бўлақлар ҳозирги замон адабий тилимида, айниқса, социалистик реализм методи асосида ижод этаётган ёзувчиларимиз учун борлиқни аниқ, тўлиқ, ифодали, образли тасвирлашда энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун социалистик реализмга асос солувчи М. Горький бундай бўлақларга катта эътибор берган, уларнинг муҳим стилистик ролини жуда яхши тушунган эди. „Она“ романида автор 4726 та гап ичида 2913 та ажратилган бўлак ишлатган²⁷. Натижада, М. Горький энг мураккаб революцион ҳодисаларни ажратиш орқали жонли, аниқ, равон, ифодали, ихчам кўрсатиб бера олган.

М. Горький „Как я учился писать“ мақоласида: „Умуман аниқ сўзларни топиш ва уларни сўзлар сиқик ҳолда келиб

²⁷ Кўранг: А. Г. Руднев, Обособленные члены предложения, функции и способы их грамматического выражения в современном русском языке, Л., 1947.

маъно кенг ифодаланадиган қилиб териш жуда қийиндир...“ — дейди. Бу жуда қийин бўлишига қарамай, ёзувчи сўз ёрдамида жонли картиналар ярата олган. У асосий образларни, уларнинг муҳим белгиларини ажратиш орқали қисқа, аниқ ифодали, уқувчига тушунарли ҳолда тасвирлаган. Ҳозирги ўзбек ёзувчилари Ойбек, Уйғун ва Ғ. Ғуломларнинг асарларида ҳам образли ўхшатиш оборотлари, образнинг муҳим хусусиятларини ифодаловчи ажратилган аниқловчи ва изоҳловчилар, тўлдирувчи ва ҳоллар жуда кенг қўлланади. Масалан, Ойбекнинг „Қутлуг қон“ романидан олинган қўйидаги парчани кўрайлик: *Тишдан қарагандан эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди. Улар харидор билан битишгандан сўнг, қолган ҳамма ишни ширин сўз, эпчил киши—прикашик Саидмурод бажарар эди. У буш вақтида қўлини қовуштириб, бир чеккада жим турар, хусусан, Мирзакаримбой олдида эшоннинг хузурига кирган мурид сингари, ҳалим вазият олар эди.*

Ҳакимбойвачча, бир неча кишини эргаштириб, баъзан бу ерда кўриниб қолар, дидаси билин шивирлашиб, яна бир зумда ғойиб бўлар эди. У ҳар вақт шошар, гапирганда, юрганда, ишлаганда, бир нимага интилиш, сабрсизлик сезилар эди унда.

Мирзакаримбой аксар вақт курсида, устига гиламча ёйилган прилавканинг бир четида, тахланган газламага суяниб, тасбиҳ доналарини барқоқлари орқасидан битта-битта ўтказиб, чордана қуриб ўтирар эди. Кир дўпписи қошига қадар тушган, доимо бошида ташиган саватнинг оғирлиги остида бўйи қисқаргандай, япасқи новвой ҳар кун пешин вақтида иккита ширмой нонни бойга ташлаб кетар эди. „Ғарчча мой!“ Унинг жарангли овози растанинг томини тешгундай янгарди. Ёшлигига қарамай, чапанича юришга тақлид этган бир бола — чойхоначининг шогирди — нақ мўлжалли вақтда Мирзакаримбойга чой келтирар, қулоғига қистирилган қалам билан дўконнинг устунига бир „алиф“ чизиб кетар эди.

...Бундан уч ой илгари, Нурини „ўтқир нафасли“ домлага олиб борган кун, ташқари ҳовлида қорда чўққайиб идиш ювган бу қизга унинг кўзи тасодифан тушган эди. Аммо қиз, ялт этиб сўнган юлдуз каби, бир онда кўздан ғойиб бўлган эди. Фақат уни кўриш билан Йўлчининг ўз хаёлида сўроқладиғи у „бегона қиз“ жойланган эди. Аммо бу воқеадан бир кун кейин, яъни Нурининг никоҳ куни, у „бегона қиз“, узоқ қиз, бутунлай таниш ва яқин бўлиб қолди. Бу шундай бўлди: Нурининг

никоҳ куни, қиём чоғида, ичкаридаги хотинлар учун самовар қайнатиш ишига бойнинг хотини Йулчини чақирди. Чунки икки катта самоварни узлуксиз қайнатиш, унга сув ташиш, ўтин ёриш ва ҳоказони хотинлар энлай олмас эдилар. Сўнгра, тўй кунлари ичкарида самоварни кўпинча эркак киши қайнатиши эскидан бир таомил бўлиб қолган. Энг мутаассиб, энг рашкли эркаклар ҳам буни дин ва диёнатга зарарли деб қарамайдилар (Ойбек).

Юқоридаги парчадан ҳам кўринаднки, ажратилган бўлақларнинг стилистик аҳамияти катта бўлгани учун, ёзувчи ўз асаридан улардан кўплаб фойдаланган.

Ажратилган бўлақлар бирор образни сўз ёрдамида жонли қилиб тасвирлашда катта имконият яратади. Маълумки, одамларнинг ҳаммаси бир хил эмас, аксинча, ҳар бир одам ўзининг индивидуал белгисига, ҳам ички, ҳам ташқи хусусиятларига эга, бу хусусиятлар уни бошқа одамлардан фарқлантириб туради. Ёзувчи ўзи тасвирлаётган образдаги шундай муҳим, индивидуал томонларни топа билиши, уларни аниқ, раvon ифодалай олиши лозим. Бу хусусиятларни аниқ, очиқ, раvon баён этиш усули ажратишдир. Ажратиш орқали образнинг муҳим, фарқли хусусиятларини очиқ, раvon берини мумкин. Мисол:

*Бири акс этар гулларда
Бири олим, ёқимли, „хушфеъл“.*

(Ҳ. Пулат)

Бундан ташқари, ёзувчи ижобий образни ишчан, ҳаракатчан қилиб тасвирлаши лозим. Бундай образларнинг иши билан сўзи бир бўлиши, улар инсонларга энг хос яхши хусусиятларни ўзида ифода этиши керак. Ёзувчи бундай образнинг ҳаракатчанлигини, унинг фаолиягини, тўсиқларни енга олишини, асосан, ажратилган равиндош оборотлари ёрдамида ифодалайди, чунки улар қисқа, сиқик, аммо ифодага бой путқ оборотлари ҳисобланади. Мисоллар: *Аксари кечалари, уй эшигини беркитиб, деразаларга парда туттириб, алла-паллагача пул санайди* (Ойбек); *Сўнг Нури, ўрнидан туриб, дадаси билан совуққина кўршиди* (Ойбек).

Юқоридаги мисолларимизда қаҳрамоннинг бир неча ҳаракати кетма-кет баён этилмоқда. Шу билан бирга, ажратилган бўлақ асосий ҳукмнинг белгисини ҳам кўрсатмоқда.

Ёзувчи образни характерлашда, унинг ички дунёсини, руҳий ҳолатини, аҳволини, шароитини, мавқеини, албатта, очиқ ифодалаши лозим. Бунинг учун у, кўпинча, ўхшатиш ҳолларидан ва кўмакчилик ажратилган конструкциялардан

фойдаланади. Мисол, *Воропаев, энг яқин кишисига ёзганидаги сингари, Горевага дадил ва очиқ ёзган эди* (Павлелко).

Бу мисолда бир процесс иккинчисига ўхшатилиши билан мавжуд ҳолат очиқ, аниқ ифодаланапти.

Ажратилган бўлақлар конструкцияси эргаш гапларга ўхшаш конструкция бўлиб, уларнинг синоними ҳисобланади, яъни эргаш гаплардаги маъноларни бу конструкциялар орқали бир содда гап составида бериш мумкин. Бу ҳол тилимизнинг синонимик конструкцияларга бой эканлигини янада очиқ кўрсатади.

„Рус тили синтактик синонимларнинг, яъни жуда нозик маъноларидаги ва фарқланадиган, шунинг учун кўп ҳолларда бири ўрнида иккинчиси кела оладиган параллел нутқ оборотларининг жуда катта запасига эга“²⁵. Бу фикр ҳозирги замон ўзбек тилига ҳам оиддир.

Шундай қилиб, ажратилган иккинчи даражали бўлақлар фикрни турли шаклларда баён этиш имконини беради. Шунга кўра, уларни муҳим ва маҳсулдор стилистик восита деб атаймиз.

Синтаксис стилистика учун энг муҳим ва биринчи даражали аҳамиятга эгадир, чунки ҳозирги замон ўзбек тили хилма-хил синтактик синонимлар билан бойиб бермоқда. „Синтактик синонимлар“ номи остида тилшуносликда икки ва ундан ортиқ маъно ҳамда интонацияси билан бир-бирига ўхшаш, аммо узининг стилистик оттенкиси ва ифодаланиши, таркиби билан бир-биридан фарқланувчи конструкциялар тушунлади. Синтактик синонимлар масаласи нутқ маданияти билан боғланган, бу эса умумий маданиятнинг бир қисmidир.

Демак:

1) ажратилган бўлақларнинг тилимиздаги стилистик роли каттадир. Ажратилган бўлақларни қўллаш фикрни ихчам ифодалашга, кенг маънони оз сўз ёрдамида сиқиб беришга имкон туғдиради;

2) бундай бўлақлар фикрни очиқ, аниқ, конкрет баён этиш билан бирга, ўқувчининг ҳис-ҳаяжонини уйғотади;

3) ажратилган аниқловчи, изоҳловчи ва ўхшатиш оборотлари ёрдамида жонлилик, образлилик яратилади, нутқнинг ифодали бўлиши таъминланади.

Кўринадики, ажратилган бўлақлар масаласи кенг ва кўп қирралидир. Бу ишда биз ажратилган бўлақларнинг ҳамма

²⁵ «Вопросы языкознания» (1952, № 6) журналидаги В. В. Виноградов мақола­сига қаранг.

типларини эмас, фақат изоҳ мазмунидаги ажратилган бўлақларнинггина таҳлил қилиш билан чекландик.

АЖРАТИЛГАН ИЗОҲЛАР

Ажратилган изоҳлар ўзига хос маъно ва грамматик хусусиятларга эга гап бўлагидир. Улар гапдаги бирор бўлақнинг мазмунини аниқлаш, ҳажмини белгилаб бериш, маъносини, моҳиятини тушунтириш учун, яъни ажратилмаган бўлақларнинг функциясидан бутунлай бошқача функцияда қўлланилади. Шунингдек, улар ўзига хос ажратувчи интонация, пауза ва ритмга эга. Бу хусусиятлар ажратилмаган оддий изоҳловчиларда бўлмайди. Ажратилган изоҳлар ўзаро маъно ҳамда грамматик белгилари билан ажратилмаган изоҳловчилардан кескин фарқланиб туради. Масалан, *Студентлар, ударниклар олдинги сафларга ўтдилар; Раис Абдужамил Матқобулов худди идорасида ўтирганидек катта суратдан тикилиб турибди, ёнида бригадир Ҳаким Абдуқодировнинг сурати* (Р. Файзий).

Юқоридаги изоҳловчилар ўзаро фарқ қилади. Чунки биринчи мисолдаги *ударниклар* студентларнинг бир қисмини ударник қисмини ўзида ифодалайди, яъни студентлар ичидан чиққан *ударниклар* ажратилиб ифодаланмоқда. Иккинчи мисолимиздаги *раис, бригадир* сўзлари оддий изоҳловчи бўлиб, изоҳланмишнинг хусусиятини билдиради, яъни улар аниқловчидир.

Шунинг учун оддий изоҳловчилар атрибутдир, ажратилган изоҳловчилар эса изоҳланмиш бўлаққа эквивалентдир. Ажратилган изоҳловчилар ўзларига хос интонациялари ҳамда грамматик формалари билан ҳам изоҳланмишдан фарқ қилиб туради²⁹.

Ажратилган изоҳлар оддий изоҳловчилардан тубандгича фарқланади:

1. Оддий изоҳловчилар маълум предметни аниқлаш функциясини ўз устига олади, яъни улар аниқловчининг иккинчи туридир, бошқача қилиб айтганда, аниқловчининг предмет предметни аниқлайдиган типидир. Масалан: *Бригадир Карим; Ашулачи қиз* кабилар.

Ажратилган изоҳловчилар эса тамоман бошқа функцияни ўтайди, улар предметни аниқлабгина қолмай, балки шу

²⁹ А. Гуломов изоҳловчиларни мустақил ва мустақил бўлмаган изоҳловчиларга бўлади. Шу орқали ажратилган (мустақил) изоҳловчиларни оддий изоҳловчилардан фарқлайди. Қаранг: А. Гуломов, Ўзбек тилида аниқловчилар, Тошкент, 1941, 64-бет; Ҳ. Болтабоева, Ажратилган изоҳловчилар, «Ученые записки» Ферг. Гос. пед. инс-та, филолог. серия, Фергана, 1957, № 4. стр. 135—151.

предметни тавтологи³⁰ тарзда бошқа сўзлар воситасида кенг баён этади, унинг мазмунини тушунтиради, конкретлаштиради, моҳиятини очиб беради. Мисоллар: *Келин, Ҳадича хола, рўмолини қаншаригача туширган, борган сари ерга қапишиб кетаётибди* (А. Қ а ҳ ҳ о р); *Порох (милтиқ дори)нинг кашф этилиши ва унинг тарқалиши тарихига доир илмий асарлар орасида ҳозирги замон хитой олими Фан Цяз Шеннинг „Порохнинг кашф этилиши ва Фарбга ёйилиши“ асари алоҳида диққатга сазовордир („Фан ва турмуш“).*

Юқоридаги мисолларда оддий изоҳловчи атрибут, ажратилган изоҳлар эса изоҳланмиш бўлакнинг эквиваленти, яъни маъно ва грамматик жиҳатдан изоҳланмишнинг ўрнини боса оладиган бўлакдир.

2. Ажратилган изоҳловчилар ажратилмаган оддий изоҳловчилардан ўзларининг грамматик хусусиятлари билан ҳам кескин фарқ қилади. Ажратилган изоҳловчиларнинг маъно функцияси тамоман бошқа бўлиб, улар изоҳланмиш бўлакнинг гап бўлаги сифатида эквиваленти бўлганлиги сабабли, кесим билан изоҳланмиш сингари грамматик алоқага кира олади. Мисол: *Шунақа қилиб назир қилинган икки қиз эшонзодага, яъни Нуъмонжонга, қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р); *Улар қўёш атрофида турли эгри чизиқлардан иборат йўллар (орбиталар) буйича ҳаракат қилади* („Фан ва турмуш“).

Сўнги мисолдаги изоҳловчининг кесим билан муносабатга кира олишини қуйидагича кўрсатмоқ мумкин: *орбиталар буйича ҳаракат қилади*.

3. Ажратилган изоҳловчиларнинг ўзига хос хусусиятларида яна бири шундаки, улар доим изоҳланмиш сўздан сўнг қўлланади.

4. Ажратилган изоҳловчилар ўзига хос ажратувчи интонацияга эга бўлиб, логик ургу, ритм ва пауза билан ажралган бўлади. Бу оддий изоҳловчиларда йўқ.

Шундай қилиб, ажратилмаган изоҳловчилар **изоҳланмишнинг предметдан ифодаланган аниқловчисидир**. Ажратилган изоҳловчилар эса **изоҳланмишнинг маъносини аниқ тушунтиришни ўз устига олган гап бўлагидир**. Шунинг учун ҳам ажратилган изоҳловчилар ўзига хос функциядаги гап бўлаги бўлиб, ўзининг семантикасига, грамматик хусусиятларига ва ташқи ифодасига эга.

³⁰ Тавтология — бир маънони турли сўзлар билан қайта-қайта ифодалаш.

Ажратилган изоҳлар изоҳланмиш бўлакнинг мазмунини тушунтириш, конкретлаштириш, аниқ ифодалаш, кенгайтириш, тўлдириш, бўрттириш ва таъкидлаб бериш каби функцияларда ишлатилади.

Тушунтириш. Агар изоҳланмиш сўзнинг тушунилиши қийин бўлса ёки изоҳланмиш қисқартма сўздан иборат бўлиб, англашилиши оғир бўлса, унинг маъносини тушунтириш учун ажратилган изоҳловчи қўланилади. Бу қуйидаги йўллар билан воқе бўлади:

а) изоҳланмишнинг маъносини бошқа сўзлар воситасида соддалаштириб тушунтириш: *Автомобилга ўрнаштирилган юк кўтарувчи кран стрелкасининг (айланиб турадиган қисмининг) узунлиги 5 метр* („Фан ва турмуш“); *Ана шундай кўроллардан бири манжаниқлар (ирғитувчи машиналар) булиб, булар порох тўлдирилган шарсимон идишларни қамал қилинган қалъаларга қараб ирғитиш учун қўланилар эди* („Фан ва турмуш“);

б) изоҳланмиш бўлакнинг маъносини бошқача номлаш йўли билан тушунтириш: *Бу мустақиллик, партизанчасига эркинлик, албатта, отряднинг ишлари ва ҳаракатларида ўзбошимчаликни вужудга келтиради* (П. Қодиров);

в) чет тиллардан кирган сўзларнинг таржимасини бериш орқали изоҳлаш, тушунтириш. Мисол: *Муҳаммад Хусайин Шерозийнинг „Маҳзан ал адвия“ („Дорилар хазинаси“) номли машҳур фармакологик (дориворлар) луғатида қуйидагилар айтилган* („Фан ва турмуш“).

Сўнгги мисолимизда ажратилган изоҳлар араб ва латин тилларидан кирган сўзларнинг маъносини таржима қилиб бериш орқали тушунтириш ва изоҳлаш учун ишлатилган;

г) қисқартма сўзларни расшифровка қилиш йўли билан тушунтириш. Мисоллар: *У, ота-онасига лагерда ўрганган нарсаларини гапириб, райондаги ДТС (болалар техника станцияси)га қайтиш учун руҳсат сўради* (П. Қодиров); *Кейин НП да (кузатув пунктида) штаб бошлигини қолдириб, ўзи капитан Колчен билан жангга ташланди* (П. Қодиров);

Конкретлаштириш. Ажратилган изоҳлар изоҳланмиш бўлакнинг маъносини конкретлаштиради, мазмунини чегаралайди, унинг ҳажм доирасини санаб кўрсатади:

а) ажратилган изоҳлар, изоҳланмиш бўлакнинг ҳажм доираси кенг бўлса, ўша тушунчанинг доирасини аниқ ва конкрет баён этади, яъни санаб кўрсатади. Мисоллар: *Сув очии тантанасига Қорабулоқнинг бутун аҳолиси — чол-*

лар, хотинлар, болалар — чиқишди (М. Исмоилий); Қоқ ярим кечада Йулчини тобутга солиб, ҳовлида уч киши — Шокир ота, Қоратой, Уроз — жаноза ўқишди (Ойбек);

б) агар изоҳланмиш бўлак умуман ўринни ифодаласа-ю, конкрет ўрин англашилмаса, ажратилган изоҳ унинг маъносини конкретлаштириш, конкрет ўринни кўрсатиш функциясида ишлатилади. Мисоллар: *Пастда, пахтазор этагида, муздай булоғи ва ола-қуроқ салқини билан ёз кезлари киши эсонига оро берадиган теракзорлар бор эди („Шарқ юлдузи“); Нарироқда, қизғиш девор бўйлаб чирмашиган черкас тепасида, Матвей билан Нормат ишларди (А. Мухтор).* Бу мисолда изоҳланмиш бўлак ўрин маъносини умуман кўрсатади, ажратилган бўлак эса ўринни конкрет ифодалаш учун қўлланилган;

в) ажратилган изоҳлар пайт маъноларини ҳам конкрет ифода этади. Мисол: *Энди, кечадан бери, эшикдан кириш билан кўзга ташланадиган жойда, тепада, бутун магазинни энлаб турадиган қизил алвон а катта ҳарфлар билан ёзилган янги шиор пайдо бўлган эди (А. Мухтор);*

г) улар изоҳланмиш бўлакнинг мазмунига қўшимча мазмун бериш, маънони янада конкретлаштириш, тўлдириш учун ишлатилади. Бу ҳолда изоҳланмиш бўлак такрорланиши мумкин: *У далалар, боғлар, ирмоқлар устида — тўкин, баракали ёзнинг яшил дастурхони устида — мамнун парвоз қилади („Ўзбекистон хотин-қизлари“).*

Маънони конкретлаштиришда атоқли отлар ҳам қўлланади: *Яхшигина шоир бўлган букри шахзода — Ғариб Мирзонинг кўшиқда аксар шоирлар, чолғувчилар, ашулачилар базм қилишарди (Ойбек).*

Ажратилган изоҳлар мавҳум сўзларга, олмошларга оид бўлиб, уларнинг мазмунини очиш, ойдинлаштириш функциясида ишлатилади, чунки бундай олмошлар реал мазмун ифодалай олмайди. Уларнинг мазмуни ажратилган бўлакда реаллаштирилади. Мисоллар: *Сен, Пахомич, тўхта, сенинг фаҳминг етадиган гап эмас, мана, касаба раисларинг жавоб берсин бу гапга (А. Мухтор); — Қани, бу ёққа, Анвар! — деди Махдум. — Таомни шу ерда тановил қилсак ҳам бўлур... Сен, Раъно, укаларингга қара-чи (А. Қодирий); Улардан бири, кўзойнакли кекса хотин, ҳаммадан кейин қолиб, узоқ суҳбатлашди (Р. Файзий).*

Баъзан маъноси очиқ ифодаланмаган сўзларнинг маъносини очиқроқ ифодалаш учун ҳам ажратилган бўлак ишлатилади. Мисоллар: *Маҳкам ўзининг ҳали одам танимаслигини яна бир марта қўриб, азиз бир ҳисси — ўзига бўлган ишончи — қаттиқ зарб эди (П. Қодиров); Очилнинг*

тўртинчи ҳамхонаси, сочини устара билан олдириб юрувчи андижонлик йигитча, столга дафтар, китобини ёйиб, янги тарихдан конспект олмоқда (П. Қодиров).

Аниқлаш. Ажратилган изоҳлар изоҳланмишнинг хусусиятларини кўрсатиш орқали, унинг моҳиятини очиб бериш учун қўлланади. Мисол: *Дарвиш Ҳоҗсининг, кичкинагина, жиккак, ҳарақати тез, чўққи соқол чолнинг, ишига диққат билан қараб турди* (Ойбек).

Ажратилган изоҳлар шахсни касбига, миллатига, қариндошчилик алоқасига, мансаби ва туғилган ўрнига кўра аниқлаш орқали ҳам изоҳлаш функциясида ишлатилади. Мисол: *Ҳалиги киши — завком раиси — паст бўйли, қўллари узун, букирроқдан келган бўлиб, қўлидаги эски, ёстиқдай келадиган катта портфель оғирлиги бутун қоматини эгиб қўйгандай кўринар эди* (А. Мухтор).

Ажратилган бўлақлар маънони кучайтириш, бўрттириш ва тавтологик жиҳатдан қайтарилиб, кучли эмоция уйғотиш, ритордация учун ҳамда нфодани кучлироқ бериш мақсадида ҳам ишлатилади:

а) маънони кучайтиришда, айиришда: *Қишлоқ хўжалигининг тобора ривожланиши муносабати билан корхоналарга келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахта кўпаяди („Ўзбекистон хотин-қизлари“);... икки пуллик обрўси қолмаган муфтининг сирини ёлғиз менгина эмас, бутун шаҳар, ҳатто хоннинг ўзи ҳам биледи* (А. Қодирий);

б) эмоция уйғотиш ва ритордация учун. Мисол:

**Нақадар бахтлидир она бечора,
Наҳотки, шу ўғил, шу жигар пора,
Шу бир эт парчаси, шу бир қошиқ қон,
Шу чумчуқдай юрак, шу кичкина жон,
Ўзига жаҳонни сиғдирар бир кун.**

(Ҳ. Олимжон)

Ажратилган изоҳларни изоҳланмиш компонент билан маъно жиҳатдан тенг келиш ва келмаслигига қараб иккига бўлиш мумкин.

1. Ажратилган изоҳ ва изоҳланмиш бўлақ маъно жиҳатдан ўзаро тенг бўлган компонентлардан ташкил топиши мумкин. Мисоллар: *Аввал банорас паранжи ёпинган қайинона — Мирзакаримбойнинг хотини, ҳарсиллаб-гурсилаб аравага ўтирди* (Ойбек); *Инсоннинг тузни — натрий хлоридни — билмиш тарихи бу билан тугалланмайди* („Фан ва турмуш“).

Юқоридаги мисолларимиздан кўринадики, изоҳ ва изоҳ-

ланмиш бўлак маъно томондан ўзаро тенг бўлиб, дублетларни ташкил этади.

2. Ажратилган изоҳ ва изоҳланмиш маъно доиралари бир-бирига тенг бўлмаган компонентлардан ташкил топиши ҳам мумкин. Мисоллар: *Комсомоллар, айниқса, активист комсомоллар, жуда кўп ишлайдилар* (А. Мухтор); *Бу хабар кўпларни, шу жумладан Маҳкамни ҳам, жуда қувонтирди* (П. Қодиров); ... *Гавҳар билан бирга бўлган ҳамма жойлар (ҳатто мажлислар ҳам): „Севгилинг қани?— деб сўроқлаётгандай бўларди* (П. Қодиров); *Абу Али ибн Сино илм-фан соҳасида, хусусан медицина соҳасида, ғоят катта ва қимматли мерос қолдирди* („Фан ва турмуш“).

Юқоридаги мисолларимизда ажратилган компонентларнинг маъно доираси изоҳланмиш компонентнинг маъно доирасидан кичикдир, яъни унинг бир қисминигина ташкил этади — *активист комсомоллар* комсомолларнинг бир қисминигина кўрсатади. Бундай ҳолда улар, кўпинча, маънони конкрет ифодалаш, унинг маълум қисмини айириб кўрсатиш учун ишлатилади. Бундай ажратилган изоҳлар *айниқса, хусусан, ҳатто* каби сўзлар ёрдамида ташкил топади³¹.

Бу компонентлар ўзаро мазмун ифодалашдаги ролига қараб бир неча хил бўлади:

1. Биринчи компонент асосий, етакчи реал маънони ифодалайди, иккинчи компонент эса уни тўлдирарди, аниқлайди, яъни маънонинг қўшимча томонларинигина кўрсатади. Мисол: *Маълумки, ҳамма ишни кадрлар — техникани эгаллаган кишилар ҳал қилади*.

Бундаги ажралган компонент биринчи компонентнинг хусусиятини ифодалаш билан уни тўлдирмоқда.

2. Биринчи компонентда асосий реал ва конкрет маъно ифодаланмайди, аксинча, асосий етакчи маъно ажратилган бўлакда ифодаланади. Бу ҳолда биринчи компонент, кўпинча, олмошлардан ёки мавҳум сўзлардан бўлади. Мисол: *Олий маълумот олганлигининг гувоҳи бўлган бу дафтарчани — дипломи — нечун ахир кўксига босмасин* („Ўзбекистон хотин-қизлари“); *Шу ердан, .. колхоздан, ажойиб хабарлар келиб турди* („Таниш башаралар“ тўплами).

3. Баъзан ҳар икки компонент ҳам реал маънони ифодалаш мумкин. Бу ҳолда ажратилган компонент маънони янада бўрттириш, кучайтириш учун ишлатилади. Мисоллар: ... *чин-*

³¹ Буларни айрим тилшунослар ажратилган бўлақлардан фарқлайдилар (қаранг: Ван Юй-фу, Некоторые спорные вопросы изучения обособленных второстепенных членов предложения, «Русский язык в школе», 1959, № 1, стр. 112. Биз эса уларни ажратилган бўлақларнинг махсус типин ҳисоблаймиз.

дан ҳам бизнинг иқтисодий-маъмурий районда табиий газ запаслари шу қадар кўпки, республикамизнинг бошқа районларини, **ҳатто Уралнинг жанубий районларини ҳам**, табиий газ билан таъминлаш мумкин („Ўзбекистон хотип-қизлари“); **Хотинини, ўн саккиз йиллик хотинини, мана шундай ҳаяжон ичида биринчи марта кўриб туриши эди** (Р. Файзий).

Демак:

1. Ажратилган изоҳлар предметнинг иккинчи номинингана эмас, балки моҳиятини ҳам очиб беради, унинг эквивалентини ташкил этиб, мазмуннинг кенг ва таъсирли бўлишини таъминлайди.

2. Ажратилган изоҳлар маълум гап бўлагининг маъносиини тушунтириш, конкретлаштириш, эмоционалликни оширишда катта семантик қимматга эга бўлади.

3. Ажратилган изоҳловчи компонент билан изоҳланмиш компонент маънодаги етакчилигига кўра, ўзаро ҳар хил муносабатда бўлади.

АЖРАТИЛГАН ИЗОҲЛАРНИНГ ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ажратилган изоҳларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари қуйидагича:

1. Ажратилган изоҳловчи бўлақлар изоҳланаётган бўлақ билан бир хил морфологик формада келади. Мисоллар: *Унинг овозида истеҳзо эмас, бошқача бир оҳанг — ачинишга ўхшаган оҳанг бор эди* (П. Қодиров); *Музыка!.. Илгарилар музикадан (айниқса, опера ва симфоник музикадан) кўп нарсани тушунмас эканман* (П. Қодиров).

Юқоридаги мисолларимизда ажратилган бўлақларни олиб ташласак ҳам фикр, асосан, реаллашади, лекин у аниқ ва тўлиқ бўлмайди. Бундан ташқари, ажратилган изоҳ изоҳланмишнинг эквиваленти деган эдик, бу уларнинг бир хил формада бўлишидан ҳам кўриниб туради.

2. Ажратилган изоҳ ва изоҳланмиш бўлақлар гапнинг бошқа бўлақларига нисбатан бир гап бўлаги ҳисобланади. Мисоллар: *Шу вақт энг меҳрибон кишиси — лагердаги дўсти ва акаси Ўсар — кўз олдига келади* (П. Қодиров); *Шундай пайтда, Коля — Қудратнинг бир кўрпада катта бўлган оғайниси — жонига оро киради* (Ҳ. Назир).

Улар ритм-мелодия воситасида ўзаро тобе алоқани ташкил этиб, бир-бири билан грамматик алоқага киритувчи грамматик кўрсаткичларга (формаларга) эга бўлмайди.

3. Ажратилган изоҳлар ёрдамчилар билан ва ёрдамчиларсиз келади. Улар кўпинча *яъни, бошқача қилиб айтганда, масалан, хусусан, жумладан, айниқса* каби ёрдамчилар воситасида биринчи компонентни изоҳлайди. Мисоллар: *Бу „учиб борувчи ут“ (фейхо), бошқача қилиб айтганда, дори жойлашган учлик ўқ эди („Фан ва турмуш“). Партиямизнинг XX съезди тарихий қарорларида ижодий меҳнат қилаётган совет кишилари, айниқса новатор ишчилар, ҳаётдан олинган саҳна асарларини кўплаб яратиш вазифаси таъкидлаб кўрсатилган эди* (А. Олимжонов); *Урда хизматчилари, масалан беклар, мирзолар, ясовуллар ва шулар сингари „Саид“ ходимлари бирин-сирин чиқиб тарқала бошладилар* (А. Қодирий).

4. Ажратилган изоҳлар кўпинча нотаниш, семантик жиҳатдан умумий, абстракт сўзлар ёки олмошларга оид бўлади. Шунингдек, улар *ҳар хил, бир хил, ҳамма, баъзи вақтлар* каби мавҳум сўзларга ҳам оид бўлади, чунки бундай сўзлар аниқ, конкрет маъноларни ифодаламай, доим изоҳ талаб этади. У ҳолда ажратилган изоҳловчилар ўша маъноларга аниқ ифода беришлари лозим бўлади. Ана шу талабга кўра, улар изоҳланмиш билан грамматик муносабатларига кўра ажралади. Мисол: *Эшикка яқин, энг бериги станокда Рузвон хола, ундан нарида Ҳожи, кейин Қумри, Холнисо, Анзират, Назокат ва бошқалар ҳаммаси бир хилда, катта деразалардан қараб турган тиниқ осмондек кўм-кўк кийимда, станокларга кўз тикиб, шайланиб турар эдилар* (А. Мухтор).

5. Ажратилган изоҳлар синтактик тузилиши жиҳатдан яқка ва бирикмали бўлади. Мисол: *У энди хизмат қилади. Бизга, одамларга, хизмат қилади* („Ўзбекистон хотин-қизлари“).

Бирикмали изоҳларда бир сўз ҳоким бўлиб, у бошқа сўзларни ўз атрофида марказлаштиради. Мисоллар: *Электрон тўпи ичидаги металл парчаси қизиганда, ундан электронлар, яъни манфий зарядланган заррачалар, учиб чиқди* („Фан ва турмуш“); *... экранда фақат бир неча тиш — тарқатилаётган импульсларнинг тасвири — пайдо бўлади* („Фан ва турмуш“).

6. Ажратилган изоҳлар уюшиб ҳам келади. Мисоллар: *Бу чанг бутун маҳаллани — томларни ҳам, деворларни ҳам, сувсизликдан қақраб қолган яккаж-дуккам дарахтларни ҳам, бир хилдаги жонсиз, оқиш рангга бўярди* (А. Мухтор); *Катак-катак ойна томли, баланд бу цехда ҳамма нарса — волочкаларнинг вишиллаши ҳам, босқонларнинг гупиллаши ҳам, печларда оловнинг ловиллаши ҳам, темир жаранглари ҳам — бу*

ердаги одамларнинг ўзларига ўхшаш, қандайдир баслашиб бўлмайдиган қудратдан дарак бериб туради (А. Мухтор).

7. Баъзан ажратилган уюшиқ бўлақлар ўз таркибида уюшган бўлақларга ҳам эга бўлиши мумкин: ... *хоннинг маъмуриятпарварлиги, яъни унинг мадрасалар, боғлар, қасрлар, сарой-расталар ва дахмалар бино қилиши, тўрт ойлаб тўй бериши* — хазинада асрлардан бери йиғилиб ётган олтинларни сарф қилиб эмас, тўғридан-тўғри фуқарони муфт-мажбурий ишлатиш йўли билан эди (А. Қодирий).

8. Ажратилган изоҳлар, си тактик функциясига кўра, ҳам-ма гап бўлақлари вазифасида кела олади ва шу вазифадаги сўзларга оид бўлади:

а) улар аниқловчиларга оид бўлиб, изоҳ маъносида ажратилган аниқловчиларни ташкил этади:

Зайнаб билан Омон икковнинг —

Янги келин, янги куёвнинг —

Бахти шундай бўлди барқарор.

(Х. Олимжон)

б) тўлдирувчиларга оид бўлиб, изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчиларни ташкил этади: *Унсин учун, бечора қиз учун, бу қандай мудҳиш... мотам ...* (Ойбек);

в) ҳолларга оид бўлиб, ҳол вазифасида келишлари мумкин. Мисоллар: *Эртасигаёқ қаршисига. 3—4 чақирим нарига, Музаффар мирзо қўр тўкди* (Ойбек); *Кечқурун, соат 8 да, Онахон шўшилганича чиқиб кетди* (А. Мухтор).

Шуни ҳам айтиш керакки, бундай изоҳлар гап билан грамматик алоқага кирмовчи ундалмаларга ҳам оид бўлади. Бундай ҳолларда ундалмалар составида мавҳум сўзлар ҳам келади. Мисол:

Эй сен, гулханларнинг ёрқин шугласи,

Ёв жазо отрядин икки ёриб,

Дахшатли йўллардан мардона келган —

Партизан қалбларга бергил ҳарорат.

(Х. Олимжон)

9. Баъзан бир гапда турли типдаги ажратилган изоҳлар ҳар хил бўлақларнинг изоҳи бўлиб келишлари ҳам мумкин. У ҳолда бирдан ортиқ бўлақ бирданига изоҳланади, улардаги грамматик тартиб ажратилган изоҳларда ҳам сақланади. Мисоллар: ... *катталар кичикларга (яъни бойлар камбағалларга) меҳрибон ва ғамхўр бўлиб, кичиклар катталарга (яъни камбағаллар бойларга) ҳурмат билан, итоат билан ўтган эмиш* (М. Исмоилий).

Бу гапда олдин эга, кейин тўлдирувчи келиб, грамматик тартиб сақлангани ҳолда изоҳланмоқда, булар турли типли изоҳлардир.

Шундай қилиб:

1. Изоҳланмиш билан изоҳлар, асосан, бир фактни ифодалаб, бошқа гап бўлақларига нисбатан ҳам бир хил муносабатда бўлади ва бир хил грамматик кўрсаткичга эга бўлади.

2. Ажратилган изоҳларнинг изоҳ бўлак эканлиги гапдаги семантик-синтактик ўрнига кўра белгиланади, яъни уларнинг грамматик алоқаси тобе алоқанинг ажралган кўринишини ташкил қилади.

3. Ажратилган изоҳлар гапдаги синтактик роли ва лексик маъноси билан ўзи оид бўлган изоҳланмишга мувофиқлашади, яъни унинг морфологик кўрсаткичларини сақлагани ҳолда, изоҳланмишнинг маъносини кенг равишда ифодалайди ва бошқа гап бўлақлари билан изоҳланмиш бўлак сингари грамматик муносабатга киришади.

* * *

Ажратилган изоҳловчилар изоҳланмишнинг бир хил грамматик белгиларини сақлагани сабабли, кўринишдан уюшиқ бўлақларга ўхшайди. Лекин улар маъно жиҳатдан тамоман фарқ қилади.

Уюшиқ бўлақлар бирдан ортиқ предмет ёки белгини санаб кўрсатади: *Бизнинг боғимизда олма, ўрик жуда кўп*. Аммо ажратилган бўлақлар эса бир предметни бирдан ортиқ ном билан тушунтиради. Мисол: *Складда милтиқ дори — порох бор*. Бу мисолимиздаги „порох“ ҳам, „милтиқ дори“ ҳам бир предметни ифодалайди.

Бундан ташқари, „изоҳ“ терминининг ўзи уюшиқ бўлақларга қарама-қарши. Лекин уюшиқ бўлақлардаги умумлаштирувчи сўз ва уни ифодаловчи уюшиқ бўлақлар масаласи бошқачадир³².

Ҳозирги замон тилимизда умумлаштирувчи сўз доираси жуда кенг мазмунда тушунилади, яъни саналмиш бўлақларга нисбатан мазмуни кенг бўлган бўлақларнинг ҳаммасини умумлаштирувчи сўз деб қаралади. Мазмун доираси кенг бўлган сўзларнинг ҳаммаси ҳам умумлаштирувчи сўзни

³² Уюшиқ бўлақлар ё умумлаштирувчи сўзга илова сифатида (Буслаев, Шахматов), ёки умумлаштирувчи сўзга ўхшаш гап бўлақлари сифатида (Пешковский. Ж. «Русский язык в школе», № 5, 1956, стр. 19) тасвирланади.

ташқил қилавермайди. Мисол: *Бизнинг боғимизда ҳар хил дарахтлар: олма, ўрик, гилос ва олча ўсади*³³.

Бу ерда *ҳар хил дарахтлар* умумлаштирувчи сўз эмас, у изоҳланмиш бўлакдир, чунки *ҳар хил* сўзи семантик жиҳатдан мавҳум бўлиб, изоҳ талаб қилади. Шунинг учун ҳам саналмиш бўлақлар (*олма, ўрик, гилос ва олча*) *ҳар хил дарахтлар* бирикмасининг ажратилган изоҳи бўлиб, унинг мазмунини санаб, конкрет, аниқ кўрсатиш функциясини бажаради. Шунинг учун умумлаштирувчи сўз билан изоҳланмиш бўлак ҳамда ажратилган изоҳларни фарқлай билиш лозим: *Ердан унадиган барча нарсалар — дон-дун, полиз-сабзавот экинлар — ҳаммаси ҳам керак* (Б. Кербобоев).

1. Умумлаштирувчи сўз хулосаловчи, фикрнинг бўлақларини жамлаб, тўплаб берувчи бўлакдир, яъни бўлақларни тўплаб бериш учун ишлатилади*.

2. Умумлаштирувчи, албатта, ўзининг бўлақларини хулосалаб, кўпинча, улардан сўнг қўлланиши лозим, чунки бўлақлар бўлмаса, хулосаловчи, уларни тўпловчи бўлак ҳам бўлмайди. „Умумлаштириш“ терминининг логик мазмуни ҳам шуни ифодалайди.

Лекин изоҳланмиш бўлак билан ажратилган изоҳлар таъмоман бошқа функцияни ўтайди. Доираси кенгроқ бўлган бўлак, албатта, ўз доирасининг конкрет, аниқ изоҳланишини талаб этади, саналмиш бўлак уни изоҳлаб, доирасини илюстрация қилиб кўрсатади. Бундай ҳолда умумлаштириш эмас, конкретлаштириш рўй беради.

3. Умумлаштирувчи сўз хулосаловчи бўлгани учун, *хуллас* сўзини ишлатса бўлади.

Ажратилган изоҳлар эса *яъни, бошқача қилиб айтганда* каби сўзлар воситаси билан реаллашади.

Шунингдек, умумлаштирувчи сўзлар грамматик алоқаларига кўра ажралганликлари сабабли, кириш сўз ва кириш бирикмаларга ўхшайди: уларни, кириш сўзлар каби, гап таркибидан чиқариб ташланса ҳам фикр реаллаша беради. Аммо ажратилган изоҳлар киришлардан кескин фарқ қилади, улар фикрни тўлдириш, конкретлаштиришда муҳим роль ўйнайди:

³³ Ван Юй Фу умумлаштирувчи сўз ва уюшиқ бўлақлар тўда ва турни (хилни) ифодалайди, ажратилган изоҳлар турни эмас, балки белгилни, ўша предметнинг ҳажминини, мазмунини санаб кўрсатади, дейди. Қаранг: В а н Ю й-Ф у, Некоторые спорные вопросы изучения обособленных второстепенных членов предложения, ж. «Русский язык в школе», 1959, № I, стр. 112—115. Бу жиҳатдан қараганда, юқоридаги мисолни икки хил изоҳлаш мумкин.

* Умумлаштирувчи сўз — умумлаштириш функциясига эга сўз. Қаранг: В. М. Попов, Сокращенный лингвистический словарь.

1) кириш сўз ва кириш бирикмалар гап бўлаги эмас, уларга савол қўйиб бўлмайди. Ажратилган бўлақлар гап бўлагидир, улар гап бўлақларининг сўроқларига жавоб беради;

2) кириш сўзлар сўзловчининг айтилган фикрга бўлган муносабатини реаллаштиради. Ажратилган бўлақлар фикрнинг тўлиқ реаллашишида восита бўлади, унинг томонларини ифодалайди, тўлдиради, конкретлаштиради.

Шундай қилиб, ажратилган бўлақлар ўзига хос маънога, грамматик хусусиятга, ажратувчи интонация, урғу ва паузага эга бўлган синтактик ҳодисадир*. Улар хилма-хил маъно оттенкаларига эга бўлиб, турлича семантик-синтактик функцияларни бажаради. Шунинг учун уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Ажратилган изоҳловчилар.
2. Изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар.
2. Изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчилар.
4. Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар.
5. Изоҳ маъносида ажратилган кесимлар.

АЖРАТИЛГАН ИЗОҲЛОВЧИЛАР

Ажратилган изоҳловчиларнинг бошқа изоҳлардан фарқи шундаки, улар дрим гапдаги эгага оид бўлиб, эганинг эквивалентини ташкил этади, эгадан сўнг келиб, уни изоҳлайди.

1. Ажратилган изоҳловчилар бирор предметнинг нималигини тушунтириш, бирор предметни ўқувчига яхшироқ ва аниқроқ таништириш учун ишлатилади. Бу қуйидаги йўллар билан бўлади:

а) предметни ифодалаган сўзнинг маъносини соддалаштириш асосида, бошқа сўзлар воситасида тушунтириш билан: *Хўш, қуёш системасига кирадиган „бахтсизлик хабарчилари“, яъни кометалар нима? („Фан ва турмуш“). Жуковский кўрсатмаларига биноан лойиҳаланган винтлар (самолёт парраклари) ҳали ҳам НЕЖ винтлари дейилади („Фан ва турмуш“).*

Мисоллардаги ажратилган изоҳловчилар изоҳланмишнинг мазмунини бошқа сўзлар воситасида содда ва тушунарли қилиб баён этмоқда;

б) бошқа тилдан кирган сўзнинг таржимасини келтириш

* Э с л а т м а: Бу ўзига хос маънога ва грамматик хусусиятларга эга бўлган гап бўлақларини биз умуман изоҳлар деб юритамиз. Гап бўлақлари бўйича классификация қилганда эса ажратилган изоҳловчилар, изоҳ маъносида ажратилган аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳоллар, изоҳ маъносида ажратилган кесимлар деб номлаймиз. Баъзан ихчамликни кўзда тутиб, ажратилган тўлдирувчи, ажратилган ҳол деб ҳам қўлладик..

асосида ўша сўзнинг мазмунини тушунтириш билан: *Уезд ҳокими Қорабулоқ камбағалларининг оғзидаги луқжаларини олиб, Тешабой билан гешефт, яъни „бор-барака“ қилган чайқовчи немис Эдуард Карл Фишман сифатида буйруқ қилди* (М. Исмоилий). *Бир ёқда, қарасангиз, — бас, яъни карнай — чун-чун деб турибди, бир томонда ингичка флейта, яъни най товуши* (А. Мухтор); *Японияга чойни VIII асрда Хитой бонзалари (монахлари) келтирганлар* („Фан ва турмуш“).

Юқоридаги *бас, флейта, бонза* сўзлари ўзбеклар учун тушунарсиздир. Шунинг учун ёзувчи бу сўзларнинг таржимасини бериш орқали ундаги мазмуни ўқувчига тушунтирмақда;

в) баъзан атоқли отлар ҳам изоҳловчилар ўрнида ажралган ҳолда қўлланади. Чунки атоқли отларда аниқлик, конкретлик кучлидир. Мисоллар: *Менинг хўжайиним, Болта кўпас, ҳажга жўнайман деб юрибди* (М. Исмоилий); *Дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам ҳақида тузилган Совет-Хитой шартномаси асосида қурилайтган хитой автомашинасига берилган исм — Цзе фан — озодлик демак...* („Фан ва турмуш“).

Мисоллардаги ажратилган изоҳловчиларда ҳам ярим хабар реаллашмоқда, предикативлик элементи мавжуддир, яъни *хитой автомашинасига берилган исм — Цзе фан* дейиш ҳам мумкин, лекин шуни айтиш керакки, ёзувчининг мақсади бу бўлмаي, исм — *озодлик* эканлигидадир. Шунинг учун ҳам юқоридаги ярим ҳукм ёзувчининг мақсадини атрофлича ифодалашга имконият бермоқда.

Баъзан изоҳловчилар вазифасида шеваларда ишлатиладиган бир маънодаги сўзлар ҳам қўлланади. Мисол: *Бухоро кундалигидан қирғоқларига олтин уқа (қур) тутилган енгсиз желатка кийиб олган, ҳуснда мисли оз бу нозанин хоннинг севикли отини — Розияхоним эди* (А. Қодирий).

Бу хил тушунтиришда ажратилган бўлақлар кўпинча яъни ёрдамчисн воситасида изоҳланмишга боғланади. Мисоллар: *Бувам, яъни онамнинг отаси, ҳозир раиснинг ўрнида турибди* (Павленко); *„Полвон оға“, яъни полвонлар оғаси — Барат полвон эди* (М. Исмоилий).

2. Ажратилган бўлақлар аниқловчили изоҳловчилардан иборат бўлади. Улар шу предметнинг ўзини ҳам, белгисини ҳам бошқа сўзлар воситасида ифодалайди, баъзан эса фақат белгининг ўзини айтиш билан ҳам изоҳлайди. Мисол: *Машинадан колхоз раиси Матқобул ака — паяканагина, Семиз одам — тарвуздай юмалаб чиқди* (О. Ёқубов). *Касалхонага яқинда тушган Мирраҳим, жиккакина киши, ўзига жуда катта кўк халатга бурканиб... деразадан*

кўчага қараб ўтирган эди (А. Қаҳҳор); Балтиёр (муллабача) маънос фотиҳа ўқиб „Шайхулислом“ ҳузуридан кетди (А. Қодирий). Икки чол, ҳақоратланган мўйсифидлар, бошларини солиштириб, қайтиб кетди (М. Исмоилий).

Маълум шахсни касби, мансаби, қариндошлик алоқаси, миллати кабилари орқали таништирувчи ажратилган изоҳловчилар ҳам учрайди:

а) мансаб орқали таништирувчи ажратилган изоҳловчилар: *Отангиз, подшоҳ ҳазратлари*, у вилоятни *Бадий-уззамон мирзога берибдилар* (Ойбек);

Ишчиларни қириб,

қонда суза кетди

Жазочи Дубасов —

чор адмирал;

(Маяковский)

Даотой, яъни Гулта губернатори, қозоқлар билан ўша вақтларда иноқ эди-да (Б. Кербобоев); *Жўрахонга ўхшаган гавдали лотин — билим юртининг мудираси — синфга кирди* (А. Мухтор);

б) миллати орқали таништирувчи ажратилган изоҳловчилар: *Миллионлаган кишилар — французлар, чехлар, югославлар, руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, озарбайжонлар* — Европани бошдан оёқ кезиб чиқиб, фашизмнинг асл башарасини кўришди (Павленко);

в) қариндошлик алоқаси орқали таништирувчи ажратилган изоҳлар: — *Тақсирим бу баччани яхши биладилар — мадрасада таҳсил кўриб ётган шоғирдлари — Мамасодиқ домланинг кенжа ўғли, — деди қори, махфий қилиб* (М. Исмоилий); *Гулнор ўлимнинг учинчи куни Самарқанддан уларнинг бир қариндоши — Гулсумбиби опасининг ўғли, содда деҳқон йигит тасодифан келган эди* (Ойбек);

г) касбига қараб таништирувчи ажратилган изоҳлар: *Кекса, ҳокимона бепарво, ринд табиатли олим — замоннинг энг улуг тарихчиси* — нозик ва самимий муомала билан қарши олди (Ойбек). *Ичкари тарафдан кекса бир ходима — эшикочар хола — кўриниб, Гулшанга салом берди* (А. Қодирий);

д) туғилган ўрни орқали таништирувчи ажратилган бўлак:

*Кун қайтса уч тошга тушар сояси,
Отим Жамбул, Қозоғистон боласи...*

(„Ўзбек совет фольклори намуналари“)

*Баротой — озарнинг санъаткор қизи,
Кўнглингда Бокунинг оқ тонги яшар.*

(Х. Ғ у л о м)

3. Ажратилган изоҳловчилар тайин этиш, бирор бўлакнинг тенг мазмунини ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Агар изоҳловчилар грамматик жиҳатдан конкрет ва реал маънога эга бўлмаган кишилик ҳамда кўрсатиш олмошларига оид бўлса, бундай ҳолда ҳар доим ажратилади, чунки олмошлар реал мазмунни ифодамай олмагани учун изоҳ талаб қилади. Шунинг учун бу турдаги ажратилган изоҳловчилар олмош орқали ифодаланиб, аниқ бўлмаган мазмунларни аниқлаб кўрсатиш функциясида келади, натижада асосий ва етакчи мазмун ажратилган компонентда реаллашади.

Биринчи шахс бирликдаги кишилик олмошига оид ажратилган изоҳловчилар:

*Мен, ўзбек, тошкентлик ишчининг ўғли,
Сени юрагимдан куйлайман ҳардам.*

(Х. Р а с у л)

*Мен ҳам — Корейнинг ҳур граждани,
Баланд чўққиларга кўтариламан.*

(Т е Г и Ч е н)

Иккинчи шахс бирликдаги кишилик олмошига оид ажратилган изоҳловчилар:

*Сен, райком ходими, кеча у ерда бўлибсан-у, аммо
ҳеч нарсага эътибор бермабсан...* (Г. Н и к о л а е в а).

Маълумки, иккинчи шахс бирликдаги олмош ҳурмат маъносига қўлланганда, „сиз“ формасида ҳам кела олади: *Сиз, Макс Либерсмут жаноблари, менда шундай деб ёзилган...* (П а в л е н к о).

Учинчи шахс бирликдаги кишилик олмошига оид ажратилган изоҳловчилар: *Гулдуролар ғазабида ҳорғинлик борлигини сезган қачонлари у — ҳушёр дев — ишонган у, қора булутлар қуёш изини тўсолмайди, — йўқ, тўсолмайди* (М. Г о р ь к и й); *У, ҳақиқий инсон, ҳаёт олдида иш билан узини оқлаган* (У й ғ у н).

Кўпликадаги кишилик олмошига оид ажратилган изоҳловчилар: *Биз, олти қиз, биринчи бўлиб комсомолга ўтадиган бўлдик* (А. М у х т о р).

Э с л а т м а: Ажратилган изоҳловчилар I ва II шахс олмошларидан бўлганида, кесим билан изоҳланмиш сингари шахсда мослашмайди. Мисол: *Мен, Каримжон, сенга телефон қилган эдим. Мен телефон қилган*

эдим, деса бўлади, аммо *Каримжон телефон қилган эдим*, деб бўлмайди. Бу ҳолда ажралиш жуда ёрқин ифодаланган.

— *Ҳа, биз — совет студентлари — бу ишни ўз вақтида бажарамиз*,— деб *Латифжоннинг фикрига қўшилди у* (П. Қ о д и р о в); *Илвасинлар ҳам инграйдилар*,—*улар, илвасинлар, турмуш жангларидан лаззат ола олмайдилар* (М. Г о р ь к и й).

Баъзан олмошга оид ажратилган изоҳловчилар изоҳланмишдаги мазмуннинг доирасини чегаралаб кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Мисол: *Бундан ташқари*, *„Мадҳий“нинг ёрқин олмаслигига яна бир сабаб бор эдики, бу сирни урдада фақат биз, бир неча кишиларгина, билар эдик...* (А. Қ о д и р и й).

Келтирган мисолимиз юқоридаги мисоллардан ўзига хос оттенкаси билан фарқ қилади. Бунда „*биз*“нинг кимлар эканлиги очилмай, балки у неча кишидан иборат эканлигига кўра изоҳланмоқда, яъни миқдор томонидан аниқланмоқда.

Кўрсатиш олмошларига оид ажратилган изоҳловчилар: Мисол: *Бу — кўринишда баҳайбат бўлмаган қалин соқолли, кичик юзли, кўзларида доимо қотган қандайдир бир хиралик кўринган одам — сўроқ ва қийноқ мутахассиси эди* (О й б е к).

Бундай изоҳловчилар кўпроқ изоҳланмишнинг хусусиятлари билан бирга фактнинг мазмунини ифодалайди:

б и р л и г и:

Бу — чиқарилган импульс „таъбири“ — фазога радио тўлқин хоссаи берилганлиги сигналидир („Фан ва турмуш“);

к ў п л и г и:

Булар — район раҳбарлари — ҳа, ундайлари ҳали топилади, байрам муносабати билан кўнгилларига ором бахш этадиган „бажарамиз“ ашуласини эшитмоқчи бўлишибди („Муштум“).

Ажратилган изоҳловчилар маъно жиҳатдан ноаниқ сўзга оид бўлади ва унинг чегарасини аниқлайди, изоҳлайди ҳамда ҳар доим ажралиб қелади. Мисол: *Бу нолаанишлардан бири — яхши кийинган, улугвор, ҳамманинг диққатини ўзига тортган одам — ингичка табассум билан дейди* (О й б е к); *Ичкарида яна икки хотин бор эди: бири — ўрта ёшлардаги чўтир хотин — тикка туриб Урмонжонга бир нима деяётган экану, Сидиқжонни кўриб гандан тўхтади, иккинчиси — бир кўзи ёғлай, ёшгина жувон — кираверишда чўнқайиб ўтирар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бундай ҳолларда асосий маъно ажратилган иккинчи ком-

понентда реаллашади, чунки нисбий сўзлар реал мазмунни ифодаламайди, улар бошқа отлар ўрнида қўлланади.

Баъзан шу каби мазмуннинг тўлиқ бўлиши учун бир неча изоҳловчи қўлланиши ҳам мумкин. Мисол: *Бу — учиб борувчи ўт (фейхо), бошқача қилиб айтганда, дори жойлашган учлик ўқ эди* („Фан ва турмуш“).

Юқоридаги мисолимиздан кўринадики, бир сўзга тавтологик шаклда бир неча изоҳ бериш мумкин, уларнинг ҳаммаси ҳам бир маънони ифодалайди, тушунтиради, шу билан бирга, бири иккинчисини аниқроқ, тўлиқроқ баён этишга ёрдам беради.

4. Ажратилган изоҳлар олдинги бўлакни конкретлаштириш учун ҳам қўлланади. Мисоллар: ... *бронза ва мисдан ишланган қуроолар (чалғи ва ўроқ) ҳам топилган* („Фан ва турмуш“); *Талаффуз учун ҳарфларнинг уст ва остлариغا қўйиладиган турли белгилар (зер-забарлар) қабул қилинди* („Фан ва турмуш“); *Мирзачўлнинг ери (тупроғи) ҳамма жойда ҳам бир хил эмас* („Фан ва турмуш“); *Чилонжийданинг меваси (жийдаси) тўқ ва қўнғир қизил тусда бўлиб, ширин ва ейимлидир* („Фан ва турмуш“).

1) баъзан ўхшатишдан предметнинг ўзини келтириш орқали, конкрет маъно ифода этилади. Мисол:

Ярқирай бер, қуёш — инқилоб!
Бошла янги зафарларга йўл.

(О й б е к)

Кўкларда тинчликнинг куши — кабутар,
Ҳамма ҳавас билан тикилар унга.

(Ҳ. Ғ у л о м)

2) агар изоҳланаётган сўз умумийроқ, маъхумроқ ёки ҳажми кенгроқ сўз бўлса, ажратилган изоҳловчилар уни конкретлаштириш, ҳажм доирасини кўрсатиш учун қўлланади. Мисоллар: *Шу вақт ён қўшқилар — бўзчи, косагар, жомадўз — уйларидан чиқишди* (О й б е к); *Ҳамма, катта-кичик, салом бериб, у ўтиб кетгунча одоб билан қимирламай туршиша берди* (О й б е к); *Икки вазир — Хўжа Ато ва Абдуҳолиқ — девондаги ишларни бошқариб улгурмас эдилар* (О й б е к); *Ҳамма — халқ ҳам, амалдорлар ҳам — курашга фикр-хаёллари билан михланиб қолган шу ҳаяжонли пайтда Замон билан Қудратнинг кўзлари учрашди* (М. И с м о и л и й); *Сур очиш таянчасига Қорабулоқнинг бутун аҳолиси — чоллар, хотинлар, болалар чиқишди* (М. И с м о и л и й).

3) ажратилган изоҳловчилар фикрга аниқлик, тўлиқлик киритиш учун хизмат қилади. Бундай ҳолларда изоҳлана-

ётган сўз қайта такрорланиб, конкрет маъно ажратилган компонентда ифодаланади. Мисол: ...**китоблар — совет китоблари, кино — совет кинофильмлари, адабиёт — совет адабиёти, радио — совет радио эшиттиришлари** — буларнинг бари менинг дўстим эканлигини билинг... (П. Қодиров).

Баъзи изоҳланаётган сўзлар аниқловчилар билан кенгайган ҳолда, кучли таъкид ва ҳис-ҳаяжон билан қайта изоҳланади. Мисоллар: *Икки ўртоқ — икки очиқ ўртоқ — билим юртининг дарвозасидан шошиб чиқиб кетдилар* (А. Мухтор). *Эшонбоевнинг олдидан олиб чиққан туйғуси — қанча танқид қилсанг, шунча яхши деб турувчи туйғу — бу сўзларни оқларди* (П. Қодиров); *Широкогоров, бу йилги вино, ғалаба йилининг виноси, сир қанча сабабларга кўра, тузук чиқмаса керак деб, афсусланиб қўйди* (Павленко); *Самолёт қаноти ҳаво оқимига параллел еки унга нисбатан кичкина бурчак (атака бурчаги) ҳосил қилиб ўрнатилади* („Фан ва турмуш“).

Юқоридаги мисолларимизда изоҳланмиш бўлак қайтарилиб, таъсирни ва эмоцияни ошироқда.

Ажратилган изоҳловчилар кучайтирув ёрдамчилари билан бирга келиб:

а) илгариги бўлакнинг муҳим қисмини бўрттириб кўрсатади, бунда *айниқса, шулар қатори, хусусан* каби ёрдамчилар иштирок этади. Ажратилган изоҳловчилар ёрдамида бугун бўлакнинг асосий, муҳим қисми бўрттирилади. Ажратилган бўлак мазмун доираси жиҳатидан изоҳланмишдан кичик бўлади. Мисоллар: *Бу ерда одамлар, айнақса хотин-қизлар, бир-бирларини танийдилар, янги гаплар эшитадилар* (А. Мухтор); *Одамлар, айнақса болалар, чувиллашиб маъқуладилар* (М. Исмоилий); *Ҳамма, шулар қатори Қудрат ҳам, бир неча минут ҳайрон бўлиб турди* (М. Исмоилий). *Уларни бир-бирига боғлаб турган ҳислар сўнги кунларнинг синовидан — энг биринчи синов! — янада зўрайиб чиқибди* (П. Қодиров); *Шарқнинг машҳур мутафаккир олимларидан Абу Али ибн Сино (980—1037) илм-фан соҳасида, хусусан медицина соҳасида, ғоят катта ва қимматли мерос қолдирди* („Фан ва турмуш“);

б) бундан ташқари, эмоционалликни янада кучайтириб бериш ниятида *худди, ҳатто* каби ёрдамчилари билан ҳам келади. Мисол: *...у вақтда сиз — худди сизнинг ўзингиз — турган ерингизда отиласиз* (Павленко).

Ажратилган изоҳловчилар изоҳланмиш сўзни муҳим бўлакларга ажратиб ҳам изоҳлайди ва маънони янада тўлдиради. Мисол: *Бу ўсимликлардан 162 хилини медицина*

(61 тасини илмий медицина, 101 тасини халқ медицинаси) ишлатган („Фан ва турмуш“); Масалан, авваллари ровоч (яъни чукра ёки чуқри) жуда кенг тарқалган („Фан ва турмуш“).

Ажратилган изоҳловчилар бир предметни иккинчи предметга ўхшатиш орқали изоҳланмиш бўлакнинг мазмунини очиб беради. Мисол:

*Ишга чиқди умид-ла бу эр,
Мадад учун эргашди ҳамон
Бола-чақа — ялонғоч карвон!*

(О й б е к)

Ажратилган изоҳловчилар изоҳланмишнинг хусусиятини очиб беришда ҳам ишлатилади:

*Азамат йигитлар — санъат нашъаси,
Ҳаёт қўшиғини қилдилар такрор.*

(О й б е к)

Юқоридаги мисолимизда ажратилган бўлақлар *йигитлар*нинг бутун хусусиятини очиб бериш учун ишлатилгандир.

Белгисига кўра изоҳлаш ҳам турли хил оттенкаларда берилади. Мисол:

*Икки ён бинолар —
Басавлат, баланд:
Театр, магазин, турар жой,
Марказий телеграф —
Москва билан
Ер шарин боғловчи сарой.*

(Ж. Жаббор)

Юқоридаги мисолимизда *Москва билан ер шарин боғловчи сарой* — тушунтириш функциясидаги ажратилган изоҳловчи *Марказий телеграф* изоҳланмишни хусусиятига кўра баён этмоқда, яъни у *марказий телеграф* бўлгани учун *Москва билан бутун дунёни боғлай олади*.

*Ер — ҳаётнинг улуғ онаси —
Асир эди қиличга, зарга.*

(О й б е к)

Бу ердаги ажратилган бўлак ўтроқ халқ учун ҳаёт кечирishiнинг энг асосий гарови бўлган ернинг ўша даврдаги хусусиятига, аҳамиятига кўра тушунтирилган, яъни ернинг ўша даврдаги қиммати, хусусияти очиб берилмоқда.

Изоҳланмишнинг хусусиятини очиб берувчи изоҳловчи уни бошқа предметга муносабатига, мазасига миқдорига кўра ҳам изоҳлаши, т. шунтириши мумкин. Мисол: *Саҳрода*

ўсадиган ўсимликларнинг яна бири черкез ўти (**Рихтер шўр утлари**) ҳам жуда фойдали экан („Фан ва турмуш“).

Изоҳланмишни ифодаланишига кўра изоҳлаш ҳам учрайди: **Иккинчи турдаги феълларда бажарувчи шахс билинмаганлигидан, бу феъл — кесимнинг эгаси — бош келишикдаги от ёки олмош — ҳам булмайд** (А. Ғулом).

Юқоридаги мисолимизда ажратилган бўлак изоҳланмишни морфологик ифодаланишига кўра аниқламоқда, изоҳламоқда. Шунингдек, изоҳланмиш миқдорига кўра аниқланиши ҳам мумкин. Мисол: **Фазатронда нисбатан яна 15 марта каттароқ энергиялик протонлар, яъни 10 миллиард электрон-вольт энергиялик протонлар, ҳосил қилиниши мумкин** („Фан ва турмуш“).

Демак, юқоридаги мисолларимизда ажратилган изоҳловчи предметни мазаси, миқдорига кўра аниқлаб, уни тўлиқ, аниқ тасаввур этишга имкон бермоқда; гапда предметнинг бундай хусусиятлари ҳар тарафлама кўрсатилади, изоҳланади.

Тилда мотивлаштириш (риторация) оттенкаси билан изоҳланмишни тушунтирадиган ажратилган изоҳловчилар ҳам учрайди. Мисол:

*Бизларни бошлай бер нурли йўлингдан,
Партиям, халқларнинг суянган тоғи,
Мангу ҳилпирайди голиб қўлингда
Октябрь байроғи — ҳаёт байроғи.*

(Ҳ. Ғулом)

Мотивлаштириш оҳангдорлик, аниқлик яратади:

*Битта қишлоқ қолдир,
Кўм-кўк қишлоқ...
Мерос бўлар, юрт бўлади шод,
Шаҳар қилиб олар ўзлари —
Ўғил-қизлар — келажак авлод...*

(Мирмуҳсин)

У, яна, ҳис-ҳаяжонни ифодалайди: **Афсуски, вафоли хотиним, азиз меҳрибоним, бундай яхши кунларни кўрмай кетди** (С. Айний).

Бу мисолларда биринчи компонент асосий мазмунни ифодалайди, ажратилган бўлак компоненти эса уни тўлдиради, таъсирни, эмоцияни кучайтиради; олмошларга, мавҳум сўзларга оид бўлган ажратилган компонентларда асосий мазмун ифодаланади.

Ажратилган изоҳловчилар тавтологик тарзда қайтарилиб, ҳис-ҳаяжонни оширади. Уларнинг бундай тури кўпроқ лирикада қўлланилади. Мисол:

*Нақадар бахтлидир она бечора!
Наҳотки шу ўғил, шу жигар пора,
Шу бир эт парчаси, шу бир қошиқ қон,
Шу чумчуқдай юрак, шу кичкина жон,
Ўзига жаҳонни сифдирар бир кун.*
(Ҳамид Олимжон)

Эй Фарғона!
Эй большевик водийсида
Пахтакор — деҳқон.
Эй ўлкамиз

*томирида
жўшқин*

тоза қон —

Салом сенга!

(Ҳ. Олимжон)

Шундай қилиб, ажратилган изоҳловчилар қайд этилган функцияларда, турли-туман маъноларни ифодалашда қўлланади. Юқоридаги ажратилган бўлақларнинг охиригруппаси эмфотик характерда бўлиб, кучли эмоцияни, семантик қимматни яратади³⁴.

АЖРАТИЛГАН ИЗОҲЛОВЧИЛАРНИНГ ГРАММАТИК БЕЛГИЛАРИ

Ажратилган изоҳловчилар ёрдамчили ва ёрдамчисиз ҳолда келиши мумкин. Улар тушунтириш функциясида ишлатилганида *яъчи, ёки, ёхуд, бошқача қилиб айтганда* кабилар боғловчилик ролини бажаради. Баъзан ажратилган изоҳловчилар *-чи* юкламаси билан келиши мумкин: *Карима Раҳимова, яъни сенинг энг яқин дўстинг-чи, сенга хат юборибди.*

Баъзан *сифатида* сўзи ҳам ажратилган изоҳловчи состида келиб, уни изоҳланмиш билан боғлайди: *Улуғ ёзувчи М. Горький коммунизмнинг куйчиси сифатида, бутун меҳнаткашлар томонидан ҳурматланади.*

Конкретлаштириш, изоҳланмиш мазмунининг муҳим қисми бўрттириб кўрсатиш функциясидаги ажратилган изоҳловчилар *айниқса, хусусан, ҳатто, жумладан* кабилар ёрдамида изоҳланмиш бўлак билан боғланади. Мисол: *Ҳамма ўқувчилар, айнақса Карима ва Раънолар, тартибга риоя қиладилар; Ҳажма, ҳатто қариялар ҳам, қурилишга актив қатнашдилар* (А. Мухтор).

Номлик, отлик, деган каби сўзлар ҳам ажратилган изоҳловчилар таркибида қатнашиб, ёрдамчилик функцияси-

³⁴ Н. И. Греч, Практическая грамматика, СПб., 1827, стр. 349.

ни бажара олади. Мисол: *Менинг укам (Пўлат деган бола) беш баҳолар билан олтинчи синфга кўчди.*

Масалан сўзи ажратилган изоҳловчи составида келиб, унинг изоҳланмиш таркибига қарашли эканлигини кўрсатади. Мисол: *Кўп газлар, масалан кислород, ҳаводан оғир бўлади* („Фан ва турмуш“).

Баъзан ажратилган изоҳловчи кесим билан шахс ва сонда мослашиб, асосий элемент бўлган изоҳланмиш эса кесим билан мослашмаслиги мумкин. Мисол: *Ҳамма, масалан сиз ва биз, бу ишда намуна бўлишимиз керак* (П. Қодиров).

Сиз ва биз намуна бўлишимиз керак — бу ҳолда мослашув мавжуд; *ҳамма намуна бўлишимиз керак* — бу ўринда шахсда мослашув йўқ. Бунда изоҳ бўлакдаги шахс маъноси изоҳланмиш учун ҳам хизмат қилади.

Баъзан бу ҳолат аксинча бўлиши мумкин, яъни асосий элемент — изоҳланмиш I шахс олмошларидан ифодаланса, улар асосий кесим билан шахс ва сонда мослашиб, изоҳланмиш таркибига кирувчи ажратилган изоҳловчилар эса кесим билан шахс ва сонда мослашмаслиги мумкин. Мисол: *Мен, Каримжон, сенга жуда кўп хат ёздим, аммо жавоб олмадим; мен ёздим* — бунда мослашув мавжуд, *Каримжон ёздим* — бу ўринда мослашув йўқ. Бундай ҳолларда ажралиш жуда ҳам ёрқин ифодаланади. Бу юқоридagi ҳолатнинг тақозоси билан бўлади.

Маълумки, эга бош келишикда келади. Эгани изоҳлаб, ажратилган изоҳловчилар ҳам дони бош келишикда бўлади. Мисол:

*Инграр оғриқ каби қари тол,
Ойналарни безар қиш — гулкор.*
(Ойбек)

Ажратилган изоҳловчилар эга сингари эгалик қўшимчасини қабул қилади. Мисол:

*Районим Нурота — тоғлар ораси,
Отим Эргаш — Жуманбулбул боласи.*
(Фольклордан)

...бундан сўнг сенга меним машқларим (шеър дафтарим) керак бўлмас ва ўзинг билан олиб юришинг ҳам эҳтиётдан эмас (А. Қодирий).

Шундай қилиб, ажратилган изоҳловчилар, асосан, изоҳланмишнинг морфологик белгиларини ўзида ифодалайди. Улар морфологик жиҳатдан бирлик ва кўплик қўшимчаларини олади.

Бирликда: *Бош инженер Семён Иванович Астахов — эгнида оддий пахталик нимча, бошида ёзлик шапка,*

оёқларида резинка этик, кўзлари ўткир, қалин гавдали, бурундор, ўрта яшар киши — ўзига қарашли мутахассислари ва мироблар, колхоз раислари билан бирга бир зум тинмай елиб югурди (О й б е к).

Кўпликда: *Бу ерда одамлар, айниқса хотин-қизлар, бир-бирларини танийдилар, янги гаплар эшитдилар (А. М у х т о р).*

Ажратилган изоҳловчилар ўз ичларида уюшиб келишлари ҳам мумкин. Мисол: *Демак, халқ, ишчи, колхозчи, зиёли, қаерда ишламасин, мамлакатимизнинг қайси бурчакларида яшамасин, ўзининг амалий саволларига га-зетадан жавоб олиши мумкин („Қизил Ўзбекистон“); Биз-ким, „Бўстон“ колхозчилари, идора хизматчилари пахтакорлар қурултойининг тарихий қарорларидан ил-ҳомланиб, пахтачиликда ўтган йил орден-медалларга эга бўлдик... (А. Қ а ҳ о р).*

Ажратилган изоҳловчилар, кўпинча, ўзи изоҳлаётган сўз-дан сўнг келади. Мисол: *Биз, сизнинг дў тларингиз, йўл қўйилган хато ҳалокатга олиб боргунча индамай турар-мидик... (Ш. Рашидов); Қандайдир узук-юлук фикрлар, яъни кўнгилни ғаш қиладиган сезгилар, Бектемирни чулғаб олди (О й б е к).*

Баъзан бундай изоҳловчилар гапнинг охирида келиши ҳам мумкин: *Бу ерга яқинда бир янги одам келиб қолди, Яковнинг амаквачаси, ўзи сил касал (М. Горький).*

Сўнги мисолдаги ажратилган изоҳловчи юқоридаги гап-нинг эгасига оид бўлиб, унинг ким эканлигини изоҳламоқда ва гап охирида қўлланмоқда.

Ажратилган изоҳловчилар турли морфологик элементлардан ифодаланади.

Атоқли ва турдош отлардан:

*Келин-куёв — Зайнаб ва Омон.
Боқардилар маъсум ҳар томон.*

*Ҳар ёққа хабарчилар —
Тили узун жарчилар —
Чона-чона кетдилар.*

(Х. О л и м ж о н)

Белги отидан: *Бу мустақиллик, партизанчасига эр-кинлик, албатта, отряднинг ишлари ва ҳаракатларида ўзбошимчалик, назоратсизлик, масъулиятсизликни зу-жудга келтиради (Ф у р м а н о в);*

*Қутурган шоҳ — у золим тождор,
Эҳ, сўйдирди, хор қилди босиб,*

*Биринчи бор учини нурун сочиб
Чиқайтган фикр қуёшин.*
(С. Ж ў р а)

Сифатдан: *Хамма, катта-кичик, салом бериб, у утиб кетгунча одоб билан қимирламай туриша берди* (О й б е к)

Сон+отдан: *Биз, олтига қиз, биринчи бўлиб комсомолга ўтадиган бўлдик* (А. М у х т о р).

Таркибли отлашган сонлардан: *У—Канизакнинг звено бошлиғи бўлишига норози бўлиб, Ўрмонжоннинг олдига арзга борган аёллардан бири—дўнг пешана жувон эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Кенгайган сифатдош оборотидан:

*Эй сен, гулханларнинг ёрқин шуъласи,
Ёв жазо отрядин иккига ёриб,
Даҳшатли йўллардан мардона келган—
Партизан қалбларга бергил ҳарорат.*
(Ҳ. О л и м ж о н)

Ажратилган изоҳловчилар *-ар* қўшимчасини олган отлашган сифатдошдан ифодаланади. Мисол: *Уларнинг қурилишига бир неча юз кишилар мажбуран сафарбар этилиб, қанчадан-қанча сангтарошлар (тошкесарлар) тош қирққан ва уларни ташиб келтирган* („Фан ва турмуш“).

Ажратилган изоҳловчи изоҳланмишнинг морфологик белгиларини сақлайди, яъни изоҳланмиш бўлакнинг келишик формаларини ўзида ифодалайди ва унинг грамматик синоними ёки эквиваленти ҳисобланади.

ИЗОҲ МАЪНОСИДА АЖРАТИЛГАН АНИҚЛОВЧИЛАР

Маълумки, оддий аниқловчилар бирор предметни аниқлаб келадиган гап бўлагидир. Изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар эса шу аниқловчининг маъносини очиб бериш, уни тушунтириш, кенг ифодалаш, барча хусусиятлари билан тўлиқ баён этиш учун қўлланилади. Изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар ўзи оид бўлган аниқловчининг эквиваленти ҳисобланиб, унинг мазмунини ва грамматик формаларини ўзида баён этади. Мисоллар: *У ҳозирда ҳам Хоразм томонларида учрайдиган катта уй (ҳовли)ларнинг дарвозаларига ўхшайди* („Фан ва турмуш“); *Чуқур сингувчи нурлар (ридиация)нинг организмга таъсири устида ҳам бир қанча докладлар қўйилди* („Фан ва техника“);

*Инсон шаклида юрган,
Инсонни ёмон кўрган,*

*Дўзахлар уйин қурган
Трумэн, Черчилларнинг,
У номурод дилларнинг
Заволини истаймиз!*

(Ғ. Ғ у л о м)

Изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар мазмун функцияси жиҳатидан икки турли бўлади:


- 1) мослашув типигаги қаратқичли аниқловчилар;
- 2) битишув типигаги сифатловчи аниқловчилар.

Изоҳ маъносида ажратилган қаратқичли аниқловчилар. Қаратқичли аниқловчи қаратқич қелишигидаги отдан бўлади. Гапда ажратилган қаратқичли аниқловчи уни изоҳлаш учун ишлатилади ва изоҳланмиш бўлакнинг хусусиятларини очиб беради. Мисол:

*Зайнаб билан Омон икковнинг —
Янги келин, янги куёвнинг —
Бахти шундай бўлди барқарор;*
(Ҳ. О л и м ж о н)

*Онаси ҳам боласининг, бахти қора жигаргўшасининг,
кўзларида шу зору муштоқлик оловини кўрар эди* (М. И с м о и л и й).

Юқоридаги мисолларда ажратилган бўлак *икковнинг* сўзининг маъно доирасини очиб бериш, аниқ баён этиш учун ишлатилмоқда. Улар қуйидагича грамматик алоқага киради:



Яна мисол: *Шунинг учун экватор билан эклиптика текисликлари кесишган нуқталар (баҳорги ва кузги тенгликлар)нинг доимий силжishiнинг Улуғбек томонидан аниқ ўлчаниши Ер ўқининг прецессия ҳаракатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга* (“Фан ва турмуш”).

Бу ердаги изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар ўзи оид бўлган қаратқичли аниқловчини унинг хусусиятлари билан бирликда, кенг ифодаламоқда.

Изоҳ маъносида ажратилган қаратқичли аниқловчилар ўзидан илгариги аниқловчини тушунтириш функциясида ҳам ишлатилади. Бунда маълум сўздаги мазмун соддалаштирилган ҳолда ифодаланади. Мисол: *Алкалоидларда оғриқни тўхтатадиган, спазма (мускулларнинг тиришиши, тортишиб қолиши)нинг олдини оладиган дориворлар бор* ("Фан ва турмуш").

Бу хил тушунтириш шу сўзнинг бошқа тилдаги эквивалентини келтириш воситасида ҳам бўлиши мумкин. Мисол: *1952 йилда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига мувофиқ бутун прогрессив инсоният Урта Осиёнинг буюк олими Абу Али ибн Сино (Авиценна)нинг 1000 йиллик юбилейини нишонлади* ("Фан ва турмуш").

Юқоридаги мисолимизда *Авиценна* ажратилган бўлак бўлиб, *Абу Али ибн Сино*нинг синонимик эквивалентидир.

Баъзан қаратқичли аниқловчи ўз аниқловчиси билан кенгайган ҳолда қайтарилиб келиши мумкин. Бундай ҳолда ажратилган бўлақда аниқлик, конкретлик маъноси ортиқ бўлади. Мисол: *Умум шахс маъносида баъзан, айниқса жонли тилда шу шахснинг (учинчи шахснинг) бирлиги формаси ҳам қўлланади* (А. Ғ у л о м).

Бу гапда *шахс* сўзи тавтологик тарзда қайтарилиб, шу шахсни ўз аниқловчисига кўра аниқлаш функциясида ишлатилган.

Бундан ташқари, изоҳ маъносида ажратилган қаратқичли аниқловчилар қаратқич келишиги формасини олган олмошларга оид бўлиши ва уларни изоҳлаб келиши мумкин. Мисоллар: *Ҳозирча унинг, Воропае нинг, бажариши лозим бўлган иш йўқ, деди-да, ўзини четга олди* (Павленко); *Унинг, шерандон бўйлик қиличбознинг, бир вақтлар баҳодирона жуссаси жуда заифлашган* ((О й б е к).

Демак, ажратилган изоҳ маъносидаги қаратқичли аниқловчи олмошларни изоҳлаш, уларнинг маъно доирасини, мазмунини аниқ ифодалаш учун ишлатилар экан.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бундай изоҳ маъносидаги аниқловчилар изоҳланмишининг морфологик формасини, яъни *-нинг* қўшимчасини ўзида сақлайди. *-нинг* қўшимчаси баъзан ҳар икки компонентда, баъзан эса фақат изоҳ компонентда келиб, уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам хизмат қилади: *Радиоприёмниклардаги „ажойиб кўз“ („Магический глаз“)нинг ишланиши ҳам мана шу принципдадир* ("Фан ва турмуш"); *Осмонда кометалар („думли юлдузлар“)нинг кўриниши, уларнинг формаси тез ўзгариб бориши...*

кўп замонлардан бери кишиларни қизиқтириб келадиг („Фан ва турмуш“).

Баъзан ажратилган изоҳ маъносидаги аниқловчининг қаратқич қўшимчаси *-ники* формасида келиши ҳам мумкин. Мисол: *Уртоқлар, сизни тамом ишонтириб айтамызки, томорқаларни ўлчашда бутун колхозда атиги уч хонадоннинг томорқаси нормадан ортиқ чиқди — Конопатовларники, Кузьмч Васильевич Бортниковники ва Блиновларники* (Павленко).

Бу мисолдаги ажратилган аниқловчилар юқоридаги уч хонадоннинг бирикмали аниқловчини изоҳлаш, маъно доирасини очиб бериш учун ишлатилган ва ажратилган. *-ники* формасида *-нингга* қараганда мустақиллик кучлидир.

Ажратилган аниқловчилар отлашган сўз туркумлари билан ифодаланадилар.

Қаратқичли аниқловчилар **атоқли отлардан** ифодаланади: Мисоллар: *Яхшигина шоир бўлган букири шахзода — Ғариб Мирзонинг кўшикида аксар шоирлар, чолғучилар, ашулчилар базм қилишарди* (Ойбек); *Улар қадим замоннинг илғор олимлари бўлган Аристотель (Арасту), Платон (Афлотун), Птоломей ва бошқаларнинг асарларини ўрганишга қизиқар эдилар* („Фан ва турмуш“).

Таркибли турлош отлардан ифодаланади: Мисоллар: *Навоий худди узоқ фарзандидай кўрган бу жиянининг, бир вақтлар шоир ва сипоҳи бўлган йигитнинг, бу ҳолга тушганига қайғурарди* (Ойбек); *Меҳнатни, ҳаммадан кўра меҳнатда моҳирликни севган шоир замон боғбонларининг устози ҳисобланган Дарвеш ҳожининг, кичкинагина, жиккак, ҳаракати тез, чўққи соқол чолнинг, ишига диққат билан қараб турди* (Ойбек).

Ҳаракат номларидан ифодаланади: Мисол: *Алкалоидларда оғриқни тўхтатадиган, спазма (мускулларнинг тиршиши, тортишиб қолиши)нинг олдини оладиган дориворлар бор* („Фан ва турмуш“).

Демак, изоҳ маъносида ажратилган қаратқичли аниқловчилар изоҳланаётган аниқловчининг бутун грамматик формаларини ўзида ифодалайди. Умумий аниқланмиш бўлак билан ажратилган аниқловчи изоҳланаётган аниқловчи каби мослашади, аммо изоҳ ва изоҳланмиш аниқловчилар ўзаро ажралади. Улар доим от туркумидаги сўзлардан ифодаланади.

Изоҳ маъносида ажратилган сифатловчили аниқловчилар. Баъзан изоҳ маъносидаги аниқловчилар сифатловчи аниқловчиларга оид бўлиб, уни изоҳлаш, аниқлаш, тушунтириш учун ишлатилади ва сифатловчи аниқловчи функциясида келади. Мисол: *Хўжалар оддий (хўжа бўлмаган) одам*

ларни „қорача“ деб атар ва уларга аралашмасликка ҳаракат қилар эдилар (М. И с м о и л и й).

Бундай сифатловчи аниқловчилар турли йўллар билан ажралади:

а) бирор белгини ифодаловчи аниқловчининг мазмуни унга синоним бўлган сўзлар воситасида тушунтирилади: *Дунёдаги ёзувларни тарихий жиҳатдан, ёзувларнинг ўсув йўлларига кўра, бешта босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин: 1) минемоник босқич ёки предмет ёзуви, 2) пиктографик босқич ёки расм (сурат) ёзуви, 3) идеографик ёзув, 4) силлабик ёзув, 5) фонографик ёки фонетик ёзув („Фан ва турмуш“).*

Юқоридаги ажратилган аниқловчилар изоҳланаётган аниқловчи сўзнинг синонимини ташкил этади. Бундай аниқловчилар баъзан шу сўзнинг бошқа тилдаги эквиваленти бўлиши ҳам мумкин. Мисоллар: *Ўзбекистонда яшаган халқлар ва уларнинг ҳаёти ҳақида ёзма хабарлар ҳозирги давримиздан 2500 йиллар илгари ёзилган қадимги Эрон ва қадимги юнон (грек) манбаларида берилади...* („Фан ва турмуш“).

Бундай синоним сўзлар нисбий сифат билан ҳам ифодаланishi мумкин. Мисол: *У ишқорли (содали) кам минералланган сувлар тилига киради* („Фан ва турмуш“).

Юқоридаги мисолларимиздаги ажратилган бўлақлар иккинчи бир аниқловчига оид бўлиб, уни аниқлаш, изоҳлаш, тушунтириш функциясида қўлланган;

б) сифатловчи аниқловчининг маъносини аниқлаш асосида тушунтирилади: *Анвар кулди. Аммо бу кулиш унинг бояги кулгиларидан тамоман бошқа, яъни бахтиёрлик кулгиси эди* (А. Қ о д и р и й); *Йигирманчи зинадан кейин узун — ўрданинг эни қадар — бир йўлак бошланиб, унинг ўнг-сўлини ўн чоғлиқ бухори чакма эшиклар зийнатлаган эдилар* (А. Қ о д и р и й); *Шунга қарамасдан, бу музликнинг юқори (бош) томони ҳали ҳам текширилмаган* („Фан ва турмуш“).

Сўнги мисолимизда *бош* сўзи *юқори* сўзи билан ифодаланган аниқловчининг мазмунини ўзида баён этмоқда ва уни аниқлаб, тушунтириб келмоқда. Дастлабки икки мисолда ҳам худди шундай ҳолатни кўрамиз;

в) баъзан изоҳланаётган сифатловчи аниқловчилар ўзига оид сўзлар билан кенгайиб, тавтологик тарзда қайтарилиб, бири иккинчисини аниқлаб, изоҳлаб келиши мумкин. Мисол: *Бу обсерватория ер юзидаги энг баланд (денгиз бегтидан 4220 метр баланд) обсерваторияларнинг бири ҳисобланади* („Фан ва турмуш“).

Бу мисолимизда *баланд* аниқловчиси ўзига оид сўзлар

билан кенгайиб, тавтологиқ равишда қайтарилиб келмоқда. У энг баланд бирикмасини аниқ кўрсатиш, белгилаб бериш вазифасида қўлланмоқда.

Тупунтириш функциясида келган, изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар *яъни, бошқача қилиб айтганда* каби ёрдамчилар воситасида ўз изоҳланмишига боғланади.

Шуни айтиш керакки, ажратилган аниқловчилар маълум бир аниқловчининг мазмунини изоҳлаш билан бирга, уни аниқлаб ҳам келади. Мисоллар: *Унинг биносини баланд тоғ (музлик) шароитига мослаб тайёрлаш ва олиб бориб қуриш керак эди* („Фан ва турмуш“); *Кейинги йилларда жуда кўп ишлаётган ярим (чала) ўтказгич термоқаршилик ёки термисторлар* каби масалаларни ҳал қилишга имконият берди („Фан ва турмуш“).

Баъзан изоҳ маъносидаги аниқловчи ўзининг аниқланмишидан тамоман узоқлашган бўлиши ҳам мумкин, аммо, шунга қарамай, уларда қандайдир ритмик-мелодик алоқа мавжуд бўлади. Мисол: *Лекин 1955 йил 4 январда областъ ижроия комитети тагин янги қарор қабул қилди, яъни яслиларни кўчириш ҳақида* („Муштум“); *Беш йиллик охирига бориб уч юз йигирма беш минг тўқсон чикарамиз, яъни миллионнинг учдан бири* („Қизил Ўзбекистон“).

Бу ерда ажратилган изоҳ маъносидаги аниқловчи *янги* аниқловчисини конкретлаштириш, аниқ ифодалаш учун қўлланган. Бундай мисоллар жуда кўп учрайди.

Шундай қилиб, изоҳ маъносида ажратилган аниқловчиларнинг ҳар икки тури ҳам маълум бир аниқловчига оид бўлиб, унинг мазмунини турли йўллар билан изоҳлайди ва тушунтиради. Шунинг учун изоҳ маъносида ажратилган аниқловчи ўша аниқловчининг, кўнинча, эквиваленти ҳисобланиб, унинг шу функциядаги грамматик формаларини ўзида ифодалайди.

Сифатловчи аниқловчилар қўйидаги сўз туркумларидан ифодаланади:

Аслий сифатдан: *Мана шу сув омборидан керакли сувни оқизиб қўйиш учун ҳовузда сувнинг турли (баланд-паст) сатҳига мўлжалланган тўққизта тешиқ бўлган* („Фан ва турмуш“).

Нисбий сифатдан: *Рухий (психик) касалга дучор бўлган кишиларни даволаш масаласи билан медицина жуда қадим замонлардан бери шуғулланиб келган* („Фан ва турмуш“).

Сифатдош ва сифатдош оборотлардан: *...баъзилари парабола ва гипербола деб аталадиган очик (туташ бўлмаган) эгри чизик бўйлаб ҳаракат қилиши ҳам мум-*

кин („Фан ва турмуш“); *Аммо астрономик каталогларга киритилган, яъни орбиталари ҳисоблаб чиқилган, кометалар сони 500 га борди* („Фан ва турмуш“).

Саноқ сонлардан: *Ҳар қайси уяга маълум миқдорда, яъни 6—8 тадан,* чигит тушади („Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги“).

Бирикмали сонлардан: *Беш йиллик охирига бориб уч юз йигирма беш минг трактор чиқарамиз, яъни миллионнинг учдан бири* („Қизил Ўзбекистон“).

Иш оти + ёрдамчилардан: *Лекин 1955 йил 4 январда область ижроия комитети тағин янги қарор қабул қилди, яъни яслиларни кўчириш ҳақида* („Муштум“).

Бу хил ажратилган бўлақлар *яъни, бошқача қилиб айтганда, айниқса, хусусан, жумладан* сўзлари ёрдамида изоҳланмиш бўлак билан боғланади.

Сифатловчи аниқловчи изоҳланмиш бўлакдан грамматик жиҳатдан ажралади, аммо умумий аниқланмиш билан изоҳланмиш бўлак сингари битишади. Шунинг учун бўлса керак, уларни, баъзан, иккинчи томондан тиниш белги билан ажратмайдилар.

ИЗОҲ МАЪНОСИДА АЖРАТИЛГАН ҲОЛЛАР

Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар ўзига хос хусусиятлари ва функцияси билан бошқа синтактик ҳодисалардан фарқланиб туради.

1. **Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар ўзи изоҳлаётган изоҳланмишнинг мазмунини ифодалайди, тушунтиради, конкретлаштиради, тўлдиради ва аниқлайди.** Баъзан эса изоҳланмиш бўлакнинг мазмунини ўхшатиш орқали очиб беради: *Мисол: Мудандарё қирғоғидан, юлдузлар акси сувда кўриниб турган жойдан йўлга чиқиб, сургунга — қоп-қоронғи кеча қўйнига кириб, ғойиб бўлади* (Ш. Рашидов, В. Виткович).

Бу мисолимизда *сургун қоп-қоронғи кечага ўхшатилиб* изоҳланмоқда.

2. **Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар, кўпинча, изоҳланмиш бўлакнинг морфологик формаларини бутунича ўзида ифодалайди:** *Бу ҳол аёнлар орқасида, оломоннинг ўнг қанотида турган Фосиҳ афандини жиғи-бийрон қилди* (М. Исмоилий); *Супанинг қаршисига, ўн қадамча нарига, мўъжазгина бир чорпоя қўйилиб, унга самоварнинг эски-туски палослари солинди* (М. Исмоилий).

Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар *хусусан, жумладан, айниқса, ҳатто, яъни* каби ёрдамчи сўзлар воситасида изоҳланмишга боғланади. Мисоллар: *Бундай шалоқ сўз-*

нинг мачитда, яна намоз устида, айтилиши чиндан ҳам ажабланурли эди (М. Исмоилий); *Кўп вақтлардан, ҳатто йиллардан бери, ичида давом этиб келаётган бу тинимсиз курашга энди хотима бермоқчи бўлди* (М. Исмоилий).

3. Ажратилган изоҳ маъносидаги ҳол бошқа гап бўлаklари билан изоҳланмиш бўлак сингари грамматик муносабатда бўлади: *Қишда, далада иш йўқ кезларда, китоб ўқийди*. Яъни: *Қишда китоб ўқийди. Далада иш йўқ кезларда китоб ўқийди*.

Изоҳланмиш бўлак ва ажратилган изоҳ маъносидаги ҳол семантик жиҳатдан ўзаро тобе алоқани ташкил этиб, бошқа гап бўлаklарига нисбатан бир фактни ифодалаб, бир бўлак ҳисобланганликлари сабабли, изоҳ маъносидаги компонент гапда ажратилган ҳолда қўлланади: *...Қишлоқ бунёд бўлгандан бери, айниқса Андижон зилзиласидан кейин, сувга муҳтож бўлиб, чанқаб, қақшаб келаётган Қорабулоқ аҳолисига ҳокимнинг бирдан „раҳми“ келди* (М. Исмоилий).

4. Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар, кўпинча, семантик жиҳатдан абстракт сўзларга ёки олмошларга оид бўлади. Олмошлар реал мазмунни ифодаламай, албатта, изоҳ талаб этади: *У ерда, оломон орасида, бир неча сувори отлардан икки қадам нарида, дераза ёнида эди* (М. Исмоилий). *Курси дивандан икки қадам нарида, дераза ёнида эди* (М. Исмоилий),

5. Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар синтактик тузилиши жиҳатидан бирикмали ва яқка ҳолда бўлади: *Юқорида — шарқ ўймакорлиги ва симкорлигининг ажойиб намуналарини ўзида акс эттирган серҳашам шип тагида — турли-туман кийимлар осиглик дор бор эди* (М. Исмоилий); *Фуломжон булар олдида, ерда, отини жиловлаб хомуш турар эди* (М. Исмоилий).

5. Ажратилган изоҳ маъносидаги бирдан ортиқ уюшиқ ҳоллар изоҳланмишнинг мазмунини турли томондан изоҳлаб келиши мумкин. Мисоллар: *Супадан жуда нарида, марвартак тутлар салқинида, мачит девори орқасидаги дўконлар айвонида, оломон хўмрайиб қараб турар эди* (М. Исмоилий); *Ёнгинасида, қўл чўзса етуклик яқин бир ерда, ҳовлида, хилватда, шундай гузал бир жонон кўз сузиб турса-ю, кўнгли учун бўлса ҳам, икки оғиз ширин сўз тополмаса!* (М. Исмоилий).

Ажратилган изоҳ маъносидаги ҳоллар ўрин, пайт, сабаб, мақсад ва ҳолат маъноларини изоҳлайди ва ажратилади. Шунга кўра, улар алоҳида типларга бўлинади.

Пайт ҳолининг изоҳ маъносида ажратилиши. Ажратилган

пайт ҳоли изоҳланмиш бўлакдаги пайт маъносининг доирасини (даврни) чегаралаб ифодалаш функциясида ишлатилади. Мисоллар: *Тан даврида (эрамизнинг 618—907 йилларида) ўтган аъхмиклар топган бу янги аралашманинг хавфли хусусиятларини билганлар* („Фан ва турмуш“); *Сунь династияси даврида (960—1279 й.члар) Чень Гуй деган механик порох билан тўлдирилган ичи кавак найчани кашф этди* („Фан ва турмуш“); *Иккинчи халқаро қутб йили ўтказилган вақтда (1932—1933 йилларда), олимлар бу ажойиб баҳайбат ва кўп замонлардан бери сақланиб келаятган Федченко музлиги билан қизиқиб қолдилар* („Фан ва турмуш“).

Изоҳ маъносида ажратилган пайт ҳоллари пайт билдирувчи сўзларга оид бўлади ва кўпинча ўзлари ҳам пайт билдирувчи сўзлардан ифодаланади ёки пайт билдирувчи кўпинча олади. Ажратилган пайт ҳолининг бу тури кўпроқ фан тилида қўлланилади.

Агар изоҳланаётган пайт ҳоли мавҳумроқ сўздан бўлса ёки олмошдан ифодаланса, доим изоҳ талаб қилади. Ажратилган изоҳ маъносига пайт ҳоли изоҳланаётган пайт ҳолининг мазмунини ифодалаш учун ишлатилади.

„Бир вақт“ бирикмаси изоҳ талаб қилади: Бир вақт ёш палламда, икки дона арава михни қўлимдан алдаб олган эди (О й б е к); *Бир вақтлар, Назойига илк меҳмон бўлган кун, у ўз қобилиятларини бир-бир кўрсатган эди* (О й б е к).

Юқоридаги мисолларимизда „бир вақт“ бирикмаси билан ифодаланган ҳол мавҳум бўлиб, конкрет ва аниқ пайтни кўрсатмайди, яъни ўзидап кейин изоҳ талаб қилади. Ёзувчи фикрни тўлиқ ва аниқ очиб бериш учун изоҳ маъносига ажратилган пайт ҳолларидан фойдаланган; изоҳ маъносига пайт ҳоли мазмунан шу бўлакка тенг бўлиб, уни атрофлича аниқ баён этган. Ажратилган бўлақлар пайт билдирувчи сўзлардан ифодаланган.

Айрим вақтларда *баъзан, баъзи вақт, шу пайт* сўзлари аниқ пайт мазмунини ифодамай олмай, изоҳ талаб этади: Ажратилган изоҳ маъносига ҳоллар эса ўша мазмунни аниқ ифодалаб беради: *Баъзи вақтда, суғориш пайтларида, кечалари ҳам тиним бўлмас, сувни узоқдан ҳайдаб келишга тўғри келар эди* (О й б е к); *Худди шу пайтда, гузарнинг неча юзлаб одам тиқилиб ётган кенг саҳни нафас ололмай қолган ҳаяжонли бир вақтда, Барот полвон елкаларидаги мингбошининг оғирини кўтара олмагандек, орқасига қараб йиқилиб кетди* (М. И с м о и л н и й).

Юқоридаги мисолларимизда изоҳ маъносида ажратилган пайт ҳоли мавҳум пайт ҳолининг мазмунини ифодалаш билан бирга, кучли эмоционалликни ҳам юзага чиқармоқда.

Изоҳ маъносидаги пайт ҳоли:

1) илгариги бўлакни аниқлаш учун ишлатилади: *Кечки овқат олдида, ним қоронғиликда, қарол ва мардикорлар тиз чўкиб, қўлларини қовуштириб ўтиришди, уларнинг бошлари эгилган эди* (О й б е к); илгариги бўлакнинг маъносини тушунтириш учун ишлатилади: *Энди унинг қўлида райҳон эмас, боягина—бир неча минут олдингина—Ғулом чеккасида Ҳаёти учун асралган нарғис бор эди* (М. И с м о и л и й); *Нима учун кузда, пахта пишмида эмас, ҳозир, ёзда сотар экан?* (М. И с м о и л и й).

2) пайт мазмуни равишдошлар орқали ҳам ифодаланиб, изоҳ маъносида тушунтириш функциясини ўтайди: *Йўқ, бундай хотин уч ой ўтириб, яъни иддасини битириб, сўгин эр қилади* (М. И с м о и л и й).

Баъзан ажратилган изоҳ маъносидаги пайт ҳоллари пайт маъносининг чегарасини кўрсатиш билан, бундай „пайтлар“ кўп ёки оз учраб туришини ҳам ифодалайди. Бу ҳолларда *аксар, кўпинча* сўзлари қўлланади. *Қолган вақтларда, аксар кечалари, „Чаҳор девон“ билан машғул* (О й б е к).

Мисолда *аксар кечалари* бўш вақт бўлиши таъкидланмоқда.

Изоҳланаётган бўлак, кўпинча, ўзига онд аниқловчи билан бириккан ҳолда қайтарилиб, олдинги бўлакни аниқлаб ҳам келади. Мисоллар: *Бу вақт, қиём в. қти, самоварчи Марайим чаққон пилдираб сув сепиб ташлаган салқин Бўзчи гузарда эркин қадам ташлаб Жўрахон келарди* (А. М у х т о р); *Шу пайтда, Ғуломжоннинг кўзига олам қоронғи бўлиб турган худди шу мусибатли пайтда, Дилора қўшни жўякдан нав-ниҳол каби нозик қаддини кўтарди-ю...* (М. И с м о и л и й); *Кимсасиз кечада—хавфдан, хатардан холи деб ўйлашган қоронғи кечада—ваг-ваг ва битбилдиғлари билан киши ҳушини олгувчи беданлар балки келин туширардилар* (И. И с м о н л и й).

Бу ҳолда изоҳлашмишининг янада конкретлашини билан бирга, таъсир кучайтирилмоқда ва оҳангдорлик ошмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, изоҳ маъносида ажратилган пайт ҳоллари маълум пайтнинг бошланиши ва давом этиш процессини ҳам кўрсатади; *Энди, кичадан бери, эшикдан кириш билан кузга ташланадиган жойда, тепада, бутун магазинни энлаб турадиган қизил алвонга катта ҳарфлар билан ёзилган янги шиор пайдо бўлган эди* (А. М у х т о р); *Кўп вақтлардан, ҳатто йиллардан бери, ичида*

давом этиб келаятган бу тинимсиз курашга энди хотима бермоқчи бўлди (М. И с м о и л и й).

Изоҳ маъносида ажратилган пайт ҳоллари ўзидан олдинги пайт ҳолининг маъно доирасини аниқ чегаралаб кўрсатиш учун ҳам қўлланади: *Агар бошланса тўй, колхоз мироби чиқмасин ёддан; Планлар тўлганда, яъни колхоз базми чоғида (С. А б д у л л а); Шу бугун, кундуз соат бешларда, Онахон хотин-қизлар клубидан қайтиб келганида, уйида Ефим Даниловични учратди (А. М у х т о р).*

Ажратилган пайт ҳоллари, бундан ташқари, изоҳланмишдаги мазмунни санаб кўрсатиш учун ишлатилади: *У йилдан бу йилга атиги икки марта, яъни катта ва кичик ҳайитлардагина, мачитга кириб намоз ўқийдиган мингбоши бугунги кунни ўзи учун ҳайит билди (М. И с м о и л и й).*

Улар илгариги бўлакдаги маънони бирор ҳодиса-воқеага нисбатан конкрет белгилаб бериш учун ҳам қўлланади: *Бундан уч йил бурун, Андижон зилзиласидан кейин, Симхаев заводидаги ерлик ишчилар иш ҳақининг оширилишини талаб этиб иш ташладилар (М. И с м о и л и й).*

Ажратилган изоҳ маъносидаги ҳол изоҳланаётган пайт ҳолининг иккинчи номини, синонимини келтириш орқали уни аниқ изоҳлаб беради: *Европада Янги тош даври (неолит даври) да ибтидоий одам яшаган жойдан тош омон ва тош ўғир топилган („Фан ва турмуш“).*

Демак, ажратилган изоҳ маъносидаги пайт ҳоллари ўзидан олдинги изоҳланмишни ташкил этган пайт ҳолини аниқлаш, конкретлаштириш, пайт маъносининг чегарасини белгилаш, бундай пайтнинг кўп ва оз бўлиб туришини эслатиш каби маъноларни ифодалайди.

Ажратилган изоҳ маъносидаги пайт ҳоллари ифодаланиши жиҳатидан яқка ва таркибли бўлади: *Бугун, эрталаб, дўстингни кўрдингми?*

Улар қуйидагича ифодаланади:

Таркибли отлардан: *Эртаси, якшанба кунни, тонг чоғида шоир ҳаёт билан видолашди (О й б е к).*

Таркибли белги отидан: *Кечки овқат олдиди, ним қоронғиликда, қарол ва мардикорлар тиз чўкиб... ўтиришди (О й б е к).*

Сонлар билан бирикиб келган пайт ифодаловчи отлардан: *Бу кун — ҳижрий 706 йил 12-нчи жумодил охир — тарихда улуг мотам кунни бўлди (О й б е к).*

Таркибли сонлардан: *Шу бугун, кундуз соат бешларда, Онахон хотин-қизлар клубидан қайтиб келганида, уйида Ефим Даниловични учратди (А. М у х т о р).*

Пайт ифодаловчи кенгайиб келган сифатдош + равишдошлардан: *Ёшликда, пода боқиб юрган чоғларида, қамшидан, ҳар хил тоғ ёғочларидан най ясар ва поёнсиз далаларда, қоялар остида, сувлар бўйида чала-чала вақтни ўтказар эди* (Ойбек).

Бошқа сўзлар билан бирикиб келган кейин, олдин, сўнг кабилардан (бу сўзлар ўз семантикаларида пайт маъносини кўрсатиб, ўрин-пайт келишиқ қўшимчасини олмайди, улар бошқа сўзлар билан бирга қўлланиб, ўз маъноларига кўра, маълум пайтни чегаралаб кўрсатади): *Бир кун, зиёфатдан кейин, тасодиқий ёлғиз учрашишга тўғри келганда, Абдусамад саройда, ҳарамда рўй берган баъзи сирли воқеаларниқг учини чиқариб қўйди* (Ойбек).

Изоҳ маъносида ажратилган пайт ҳоллари, кўпинча, ўрин-пайт ёки жўналиш келишиғи аффиксини қабул қилади, лекин изоҳланмишда ундай белги бўлмайди: *Меҳри опа биринчи конвертни очди, ундан таклифнома чиқди, кечқурун, соат еттига, клубга чақиритибди* (Р. Файзий).

Бу мисолда ажратилган пайт ҳоли пайтни чегаралаб кўрсатувчи аффикс қабул қилган, изоҳланаётган компонент эса ҳеч қандай аффиксиз маълум пайтни ифодалаб келмоқда.

Баъзан бу ҳолат аксинча ҳам бўлади: *Қолган вақтларда, аксар кечалари*, „*Чаҳор девон*“ билан машғул эди (Ойбек); *Бунн ёш қиз вақтимда, мундан қанча йил илгари, ойим сотиб олиб берганди* (Ойбек).

Мисолларнинг иккаласида ҳам пайт билдирувчи аффикс (-да) биринчи компонентда келган, иккинчи компонент ўз семантикасида маълум вақт маъносини ифодаловчи сўзлардан иборат бўлиб, пайт аффиксини олмаган. Кўринадики, пайт билдирувчи аффикслар маълум пайтни чегаралаб кўрсатади: улар шу сўзнинг таркибида яхлит ҳолда келиб, маълум пайтни ифодалайди.

Изоҳ маъносидаги сабаб ҳоллари. Баъзан изоҳ маъносидаги сабаб ҳоллари ҳам ажратилади: *Саломат Абашева донгдор теримчи бўлганлиғи сабабли, яъни мавсумда 10 тоннадан ортиқ пахта тергани сабабли, мукофотланди; У ҳозир Канизакдан ниҳоятда хурсанд, лекин нима учун хурсандлиғини — унинг ёмон йўлга кирмаганлиғи учунми ёки Тожибойга рўйхуш бермагани ва эҳтимол бирон тарсаки ургани учунми — ўзи билмас эди* (А. Қаҳор).

Изоҳ маъносида ажратилган сабаб ҳоллари *яъни, айниқса* каби сўзлар билан бирга келади.

Изоҳ маъносида ажратилган мақсад ҳоллари. Мақсад ҳоллари ҳам изоҳ маъносида келиб, ажратилади. Улар ўзи оид бўлган мақсад ҳолининг формаларини, ёрдамчиларини

ўзида ифодалайди: *Мамлакатимизга турли мамлакатлардан алоқани мустаҳкамлаш учун, айниқса маданий алоқани мустаҳкамлаш учун, олимлар келмоқдалар* („Қизил Ўзбекистон“).

Мисолимиздаги ажратилган ҳоллар айниқса сўзи ёрдамида ифодаланиб, ўздан олдинги мақсад ҳолини аниқлаш орқали изоҳлаб келмоқда. Яна мисоллар:

*Жаҳл қилиб турди равон борғали,
Яъни ёғоч қолмишини ёрғали.*

(Гулханий)

У бунӣ журттага, синглисини қўрқитиш учун, қиларди (А. Мухтор); *У олижаноб мақсад билан, яъни дўстларига ёрдам бериш учун, бу ерларга келган...* (М. Исмонлий).

Изоҳ маъносида ажратилган равиш ҳоли. Бу ҳам оддий равиш ҳолининг мазмунини тушунтириш, изоҳлаш, конкретлаштириш мақсадида ишлатилади: *Радиол каторлар келажакда ҳатто юк самолётларини учувчисиз — автомат равишда — истаган жойга олиб бориши ҳам мумкин* („Фан ва турмуш“); *Кейин ўзини анча тутиб, назмозни бир меёрда, тартибда, дав м эттирди* (М. Исмонлий); *Раъно бир неча вақт боягича, ҳаракатсиз, Анварнинг пичингига илтифотсиз турди* (А. Қодирий); *Таъбиримиз қўпол тушмаса, бу гузал қиз, оч раъно гулнинг тусида, ёки оқ-сарик тусда, яратилган эди* (А. Қодирий).

Юқоридаги ажратилган бўлақлар оддий ҳолат равишини бошқа сўзлар ёрдамида янада аниқроқ тушунтириш, таъсирли қилиб баён этиш функциясини бажармоқда.

Демак, изоҳ маъносида ажратилган равиш ҳоли оддий равиш ҳолига оид бўлиб, унинг формасини сақлаган ҳолда, бошқа гап бўлақлари билан ҳол каби муносабатга қиради.

Изоҳ маъносидаги шарт ҳоли. Мисоллар: *Агар биз шу кезде заршунослик учун енг шимарсак, яъни гулни-гулдан ажратадиган бўлсак, боягидек эсанкираб мутараддид қолмаймиз. Чунки Кумушбиби лолалар ичидаги бир гул ва юлдузлар орасидаги тўлин ой эди* (А. Қодирий).

Ажратилган изоҳ маъносидаги ҳолларнинг бу тури ўзбек тилида жуда кам қўлланилади.

Изоҳ маъносидаги ажратилган ўрин ҳоли. Булар ўрин ҳоли саволларига жавоб бўлиб келади. Лекин уларнинг функциясини изоҳланаётган бўлақни турли йўл ва усуллар билан тушунтириш, ўқувчига ўриннинг доирасини, бутунлигини аниқ етказишдир.

Изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли, кўпинча, маъхум сўзга, яъни олмошга оид бўлиб, олмошдан ифодаланган ўрин ҳолининг маъносини изҳор этиш, аниқ, конкрет кўрсатиш функциясини бажаради: *Қаёққадир, балки Гулнорнинг мозорига, илдам жўнаркан, лаблари муттасил пиширларди* (Ойбек); *Шоирни ўзи солдирган гўзал бинолардан бири — Жомеда, абадий қарори учун илгаридан ясаб қўйилган масканига етказдилар* (Ойбек).

Юқоридаги мисолларимизда изоҳ маъносидаги ажратилган ўрин ҳоллари „қаёққадир“, „*ири*“ каби олмошларнинг маъноларини конкрет ва аниқ очиб бермоқда.

„Томон“, „нари“, „бери“, „тўғрида“, „узоқ“, „орасида“, „ичкарида“, „орқасида“, „қошида“, „этагида“, „қўйнида“, „узоқда“ каби ўрин билдирувчи сўзлардан ифодаланган ҳоллар ҳам аниқ ўринни кўрсатмайди, улар ажратилган изоҳ маъносидаги ўрин ҳоли ёрдамида аниқланади.

„Нарида“ сўзига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Йўлчи катта тўнкани яланғочлаб, илдизларини, йўғон томирларини болта билан уриб, ердан айирар экан, ўзидан ўн беш-йигирма қадам нарида, беданоя этагида, ёнига пақирини қўйиб, унга яширинча тикилиб турган бир қизга кўзи тушди* (Ойбек); *Тополмасдан чарчаб ташқарига чиқди... Эллиқ қадамча нарида, бир гуруҳ навкарлар олдида, бирдан тўхтаган отлиқни кўрди* (Ойбек).

„Қўйида“ сўзига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Котиб бир оз тетикланди, қўйида, ёзув ашёлари турган настигина курси олдида, тиз чўкди* (Ойбек).

„Қўйи томонида“, „шу томонга“ бирикмаларига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Бир оздан кейин Анвар ёлғиз қолиб, шу томонга — ичкарига — қараб кела бошлагандек бўлди* (А. Қодирий); *Бу уй — „хизматкорхона“, бойнинг ташқари ҳовлисининг қўйи томонида, баланд, кўркам уйлاردан четда, бир бурчакка тиқилган* (Ойбек).

„Тўғрига“ ва „тўғрида“ сўзларига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Меҳмонхона саҳнида бир оз аланглаб тургандан кейин, тўғрига — машқхона эшигига — ўтди* (А. Қодирий); *Тўғрида, Қудратиллахўжа бойнинг илгариги устахонаси ўрнида, баланд қизил дарвоза кўринди* (А. Мухтор).

„Узоқда“ сўзига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Йўлчи меҳмонлардан узоқда, кўрғон ичидан оқиб чиқаётган ариқ лабида, дарахтга суяниб чўққайди* (Ойбек); *Очиқ деразадан зангори само, хиёбонларнинг нозик*

тебранган яшил девори, узоқда, **огочлар орасида**, сувнинг бир парча ойнаси кўринади (Ойбек).

„Ичкарида“ сўзига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Бу тўғрида ичкарида, хотинлар орасида, кўндан буён гап-сўз қайнайди, гўё эрта-индин тўй-никоҳ бўладигандай* (Ойбек).

„Орқасига“ сўзига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Машқхона эшигини очар экан, орқасига — дарвоза йўлагига қаради* (А. Қодирий).

„Қошида“ сўзига оид ажратилган изоҳ маъносидаги ўрин ҳоли.

Мисол: *Уч ойдан бери Анвар қошида — ўз ҳузурда — мирзолик қилиб келар... эди* (А. Қодирий).

„Ораларида“ ва „орасида“ сўзларига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Буларнинг ораларида, япроқлари тўкилган дарахтлар ўртасида, икки қаватли, чиройли нақшкор енгил кўшклар, бекларнинг, давлат-мандларнинг мустаҳкам серҳашам иморатлари, фуқаронинг паст-баланд, эски-туски паҳса уйлари кўринар* (Ойбек).

„Этагиди“ сўзига оид изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли: *Гўнгтепаннинг этагида, янги ахлат тўкилган жойда, дайди итлар изғийди...* (А. Мухтор).

Юқоридаги мисолларимизда кўмакчи сўзлар ёрдамида ифодаланган ўрин ҳоллари конкрет ўринни кўрсатмай, доим изоҳ талаб қилади. Ажратилган изоҳ маъносидаги ўрин ҳоллари уларни аниқлаш ва конкретлаш, тушуштириш вазифасини бажаради, бошқа бирор предметга муносабатига кўра ҳам ўринни изоҳлайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли кўпроқ аниқлаш вазифасини бажариб, унинг таркибида олмош-аниқловчи келиши мумкин: *Унинг очиқ, қудратли кўкраги бу ерда, баландликда, шамолнинг ёқимли ёйилиши билан қаваргандай бўлди* (Ойбек); *Бу ерда, қалин дарахтларнинг кўланкасида, ... юздан ортиқ шоир тўпланган эди* (Ойбек). *Энди, кечадан бери, эшикдан кириш билан кўзга ташланадиган жойда, тепада, бутун магазинни энлаб турадиган қизил алвонга катта ҳарфлар билан ёзилган янги шоир пайдо бўлган эди* (А. Мухтор).

Баъзан изоҳ маъносида ажратилган ҳол „жойда“ сўзидан ифодаланган ўрин ҳолини аниқлаш, конкрет тасвир этиш учун ишлатилади: *Астрономик пункт районида, 1928 йилда Я. И. Беляев аниқлаган жойда (денгиз бетидан 4800—5000 метр баландликда) шундай бир майдонча топилди* („Фан ва турмуш“).

Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар оддан ифодаланган ўрин ҳолига ҳам оид бўлиши мумкин: *Анвар гулханнынг тўрига, тўрт қатлаб солинган кигизга ўтириб, қўлини оловга тутди* (А. Қодирий).

Изоҳ маъносида ажратилган ҳол ўзидан олдин келган умумийроқ, маъно жиҳатдан кенгроқ ўрин ҳолини конкретлаштириш, унинг ҳажмини белгилаш, чегаралаш функциясини бажаради. Бу ўринда юқоридаги ҳолатдан фарқ шуки, аниқлаш функцияси, кўпроқ, изоҳланмишнинг сифатига эмас, унинг ҳажм доирасига оиддир. Мисоллар: *Қатортеракда, трамвай тўхтамайдиغان жойда, юкни йўлакка қўйиб, терларини артди* (Ойбек); *Уйдан, Ғайратнинг столидан, Усарнинг адреси ёзилган қоғозни топшиди* (П. Қодиров); *У ҳар кун аравада шаҳарга, қандайдир бир саройга, пахта ташир эди* (Ойбек).

Юқоридаги мисолларимизда ўрин билдирувчи ҳолларнинг маъноси умумий ва кенгдир, шунинг учун изоҳ маъносида ажратилган ҳолнинг бўлиши талаб қилинади.

Баъзан изоҳланаётган бўлак изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли составида, ўз аниқловчилари билан кенгайиб, аниқлаш, таъкидлаш, таъсири ошириш мақсадида қайтарилиб келиши ҳам мумкин. Мисоллар: *Аммо ишратбозлик мадраса ичиди, мулаваичалар ичиди ҳам, кам эмас эди* (А. Қодирий); *Шоир „ола-чаллоқ“ йўлда, кўланка билан қўшнинг ажойиб шоирона ўйини билан тўлган йўлда, аста-секин юриб, очиқ саҳнга чиқди* (Ойбек); *Салқин шамол паст томондан, Шоқосимнинг чайласи томондан, нашанинг чучмал, қўланса ҳидини келтирар эди* (Ойбек).

Изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли ўзидан олдинги ҳолни аниқлаш, тўлдириш вазифасини бажаради. Мисоллар: *Бу راستада, икки томонда, беш-олтита катта дўкон бўлиб, тор, камгак йўл билан баззозликка, шоҳифурушлик растасига тушар эди* (Ойбек); *Ҳовузнинг бўйидаги супада, дарахтлар кўланкасида, атрофга сувни қалин септириб, Салимбойвачча ётар эди...* (Ойбек); *Вали ака хирмон ёнида, тут соясида, қовун сўйиб ўтирган эди* (М. Исмоилий).

Бу ажратилган бўлақлар аниқлаш орқали, изоҳланмиш бўлақнинг қўшимча хусусиятларини ҳам кўрсатади: *Супа устида — турли хатлар ёзилган қора, қизил ленталар, тонгда узилган тах-батах сарин гуллар орасида, бош томони баландроқ қилиб қўйилган тобут* (А. Мухтор); *Пастда, пахтазор этагида, муздай булоғи ва ола-қуроқ салқини билан ёз кезлари киши жонига аро кирадиган теракзорлар бор эди* (М. Исмоилий); *Бу-*

лардан эллик қадамча нарида, ўқ ариқ ичида, юзини ўсиқ ғўзалар билан тўсиб турарди уни интизор этган қиз! (М. Исмоил йи).

Баъзан ўринни аниқ кўрсатиш мақсадида атқили отдан ифодаланган изоҳ маъносида ажратилган конкрет ҳолни қўллаш мумкин: ... *ёш пахтакорлар мажлисида, Тўрткўлда, суратга тушувдик-ку* („Шарқ юлдузи“).

Баъзан изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳоли оддий ўрин ҳолини бирор шахсга муносабати орқали конкретлаш функциясини ўтайди. Мисолар: — *Бўржарда, хола, Найим-хўжа эшоннинг илгариги ҳовлисида ишладик* (А. Мухтор); *Артелда, хотин-қизлар клубида, Онахон билан учрашар экан...* (А. Мухтор).

У ўзидан олдинги бўлакни тушунтириш учун қўлланиши мумкин: *Чой Хитой ва Непал (Ҳиндистон) дан олиб келиб ишлатилади* („Фан ва турмуш“); *Бу иш XIX асрнинг 40-йилларида Ажарияда (Кавказнинг Қора денгиз бўйларида, олиб борилди* („Фан ва турмуш“).

Изоҳ маъносида ажратилган ўрин ҳолининг тушунтириши функцияси синонимлардан фойдаланиш, қисқартма сўзларни ёйиб ёзиш орқали ҳам амалга ошади: Мисоллар: *У ота-онасига лагерда ўрганган нарсаларини гапириб, райондаги ДТС (болалар техника станцияси) га қайтиш учун рухсат сўради* (П. Қодиров); *Кейин НПда (кузатув пунктида) штаб бошлигини қолдириб, ўзи капитан Капчен билан жангга ташланди* (П. Қодиров).

Ёзувчи таъсирни кучайтириш, эмоционаллигини ошириш ниятида қўшимча маъноларни ифодаловчи бўлакларни ажратиб қўллаши мумкин. Мисоллар: *Низомулмулкнинг икки ўглини зиндон ичида, отасининг кўз ўнгида, жаллод қиличдан ўтказди* (Ойбек);

*Юргин энди, олиб борай уйма,
Сайр эткизай бўстонилга, жойимга.*

(Фольклор)

Ўрин ҳоллари ўрин равишидан ёки ўрин билдирувчи отдан ифодаланиши мумкин. Баъзан отдан ифодаланган ўрин ҳоли грамматик жиҳатдан ўрин равишига оид бўлади. Мисол: *Ҳожар кўкрагини олдинга бериб, тўғрига, Жўрахон кетадиган йўлга, узоқларга қараб турарди* (А. Мухтор).

Баъзан эса ўрин равиши отдан ифодаланган ўрин ҳолини изоҳлаб келади. Мисоллар: *Кейин саройда, аёллар орасида, тўй кунлари буладиган таянчалар ҳақида гапираркан, эри ёқасини ушлаб...* (Ойбек); *Танобийнинг тўрида, ипак*

жойнамоз устида, қиблага қараб ўтирган ойим... ёнига қайрилди (А. Қодирий).

Ҳар иккала ҳол ҳам бир хил грамматик формани сақлайди. Мисол: *Ногоҳ, дарахтлар орасидан — май билан кайфи чоғ бир тўда шўх улфатлар ўтирган жойдан — мусиқи садолари оқди* (Ойбек).

Ажратилган ўрин ҳоллари якка ва бирикмали бўлишлари мумкин. Мисоллар: *У Городишче қишлоғида, кўчада, худди ерга қулоқ солаётгандай тўнқайиб ётган тўрт-беш ёшлардаги бир болани кўрди* (А. Қаҳҳор);

*Қайнар эди Ленин қумғони
Пичанзорда, хатар гўшада.*

(Ойбек)

Кечалари кўпинча навбатчи врач рухсати билан қабулхонада, қуруқ диванда, ётиб қоларди (Р. Файзий).

Изоҳ маъносига ўрин ҳоллари қуйидагича ифодаланади:

Атоқли отлардан: *Қишлоқ хўжалик виставкасида, Москвада, суратга тушувдик-ку* („Шарқ юлдузи“).

Белги отларидан: *Унинг очиқ, қудратли кўкраги бу ерда, баландликда, шамолнинг ёқимли силаши билан қаваргандай бўлди* (Ойбек).

Олмошлардан: *Ўзига қолса, йўлда, машинанинг ўзидаёқ, ҳамма нарсани ҳал қилиб олармиди* (Р. Файзий); *Бригаданинг мана шу ерда, Москванинг ўзида, виставкада номи ёзиб қўйлишида сенинг меҳнатинг зўр, ҳа, дўстим* (Р. Файзий).

Таркибида олдида, томонида, лабида, четда, этагида, ёнида, ўрнида, орасида, ўртасида, ичида каби сўзлардан бири қатнашган **бирикмалардан ифодаланади**. Улар бошқа сўзлар билан бирикиб келади. Мисоллар: *Магазин ёнидан ўта туриб йўлда, мороженое будкаси ёнида, ўгай ота билан Ёдгорни кўриб қолди* (Р. Файзий); *Йўлчи меҳмонлардан узоқда, қўрғон ичидан оқиб чиқайтган ариқ лабида, дарахтга суяниб чуққайди* (Ойбек); *Бу уй — „хизматкорхона“, бойнинг ташқари ҳовлисининг қуйи томонида, баланд, кўркам уйлардан четда, бир бурчакка тиқилган* (Ойбек).

Ажратилган ўрин ҳоллари ўрин-пайт келишигида бўлса, у вақтда иш-ҳаракат маълум ўринда реалташади. Мисоллар: *Йўлчи ўзидан ўн беш-йигирма қадам нарида, бедая этагида, ёнига пақирини қўйиб, унга яширинча тикилиб турган бир қизга кўзи тушди* (Ойбек); *Кўжда, дарахтлар устида, ғуж-ғуж юлдузлар ёнади* (Ойбек).

Ажратилган пайт ҳоллари жўналиш келишиги қўшимчасини олган бўлса, иш-ҳаракат йўналган томонни кўрсатади:

Ўтирди-ю, ҳамон орқасига, келган томониغا, роса бир йил табелчилик қилган бригада шийпониغا, қарашга юраги бетламади (Р. Файзий); *Фақат кечқурунлари идорага, бригадирлар йиғилишига, бирга олиб келар, бригададаги ишлар ҳақида ҳам ўзи гапириб берарди* (Р. Файзий).

Агар улар чиқиш келишигида келса, иш-ҳаракатнинг келиб чиқиш ўрнини кўрсатади. Мисол: *Жанубдан, кенг ва яшил бағирли Аравон тоғидан, аллаловчи, ширин уйқу ва ором бергувчи салқин, сарин шабада эса бошлади; ... қишлоқнинг шимол томонидан, жуда-жуда узоқдан, хира, жонсиз карнай товуши эшитилди* (М. Исмоилий).

Улар доим белгили келади.

Бундан ташқари, юқорида кўриб ўтганимиздек, изоҳ маъносидаги сабаб, шарт, мақсад ва ҳолат билдирувчи ҳоллар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳозирги замон ўзбек тилида бошқа типдаги изоҳ бўлакларга нисбатан оз қўлланади.

Шундай қилиб, изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар билан изоҳланмиш бўлак бир маънони, бошқа бўлакларга нисбатан бир хил грамматик муносабатни ифодалайди, аммо улар ўзаро тобе алоқани ташкил этиб, қандайдир ритмик-мелодик алоқага киради. Ажратилган ҳоллар ўзига хос синтактик ҳодисани ташкил этади. Ажратилган бўлакларнинг бу туридаги ўзига хослик шундаки, улардаги грамматик формалар, асосан, белгили ҳолда қўлланилади.

ИЗОҲ МАЪНОСИДА АЖРАТИЛГАН ТЎЛДИРУВЧИЛАР

Изоҳ маъносидаги тўлдирувчилар ўзидан олдинги тўлдирувчига оид бўлади ва у тўлдирувчи гапда қандай вазифани бажарса, изоҳ маъносидаги тўлдирувчи ҳам шу вазифада келади; у тўлдирувчининг маъносини бошқа сўзлар воситасида, баъзан тўлдирувчининг ўзи таркибли қайтарилган ҳолда аниқ ифодалайди ва изоҳланаётган тўлдирувчининг грамматик эквивалентини ташкил этади ҳамда шунга кўра ўзаро ажралади.

Ажратилган тўлдирувчилар ўзи оид бўлган тўлдирувчининг грамматик белгиларини олади. Шунга кўра изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчилар, оддий тўлдирувчилар каби, ҳам воситали, ҳам воситасиз бўлади.

Изоҳ маъносида ажратилган воситасиз тўлдирувчилар. Маълумки, воситасиз тўлдирувчилар ўтимли феълдан аниқлашлган ҳукмни бевосита ўз устига олади, изоҳ маъносида ажратилган воситасиз тўлдирувчи эса уни изоҳлайди. маъносини тушунтиради, таъкидлайди, шунингдек, маъно жиҳатдан бошқа гап бўлақларидан муҳимлигини билдиради.

Бундай ҳолларда изоҳланмиш тўлдирувчи кўпинча нотаниш сўз ёки олмошдан бўлади. Изоҳ маъносида ажратилган воқеасиз тўлдирувчи қуйидагича вазифаларда қўлланади:

1) олмошдан ифодаланиб, конкрет маъно ифодалай олмайдиган сўзларнинг маъносини аниқлаш, конкретлаш функциясида қўлланади. Мисоллар: *Мен бу ишимда зарар чекмадим, бир мурдор нарсани – спиртли ковушни – мадрасадан йуқотишга сабаб бўлиб, савобга доҳил бўлдим* (С. Айниёй); *Агар ҳоким ҳеч кимни, айниқса, Қудрат акани, қамамаган бўлса, аҳолини қўрқитмаслик, ишдан совутмаслик учун қамамаган* (М. Исмоилий).

Ўзидан олдинги сўзни аниқлаш, хусусиятларини очиш орқали изоҳланмишнинг маъносини тўлиқ ифодалаш функциясида ҳам ишлатилади, бундай ҳолларда изоҳланмиш олмошдан эмас, отдан бўлиши мумкин, лекин конкрет маъно ифодаланмайди. Мисоллар: *Раъно ҳар замон титраб, учиб кетишга ҳозир турган бошидаги сариқ атлас парчасини — рўмолини — бир қўли билан босиб ушлаган эди* (А. Қодирёй); *Отаси Бадиуззамон Балхга кетаркан, ўз ўрнини, Астробод ҳокимлигини, вақтинча унга топширган эди* (Ойбек).

Изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчилар изоҳланмиш бўлакнинг қимматиغا кўра мазмунини очиш вазифасини ҳам бажаради:

*Пахта булутини шопириб бир чол
Қуритади уни,
олтинни
шу тоб.*

(Зулфия)

Баъзан маънони таъсирли ифодалаш учун ишлатилади. Бундай вақтда изоҳланмиш конкрет маъно ифодалайди, ажратилган бўлак эса таъсирни ошириш учунгина қўлланади: *Тўрт севгили боласини — қалбининг иссиқ парчасини — уядан ҳар ёққа учирганда ҳафталар, ойлар тинмасдан йиғлашга, шўр пешаналарни айтиб қақшашга мажбур қилган куч, балки болаларга бўлган ҳамон ўша меҳру муҳаббатдир* (М. Исмоилий).

Айрим ҳолларда маънони янада кучайтириб беришда ҳамда кўшимча маъно изоҳлашда баъзан, ҳатто, ҳам ёрдамчилари қўлланиши мумкин. Мисоллар: *Мимемалар семантикаси предметларнинг ҳаракатини, баъзан уларнинг ўзларини ҳам, товуш образи ёки ҳаракат образи сифатида ифодалайди* („Ҳозирги замон ўзбек тили“); *Очил ҳамма нарсани, ҳатто ўзининг шу ётоқхонада ўтирганини ҳам, унутган эди* (П. Қодиров).

2) нотаниш, маъноси тушунарсиз сўзни тушунтириш функциясида қўлланади: *Николай Егорович само ёт қанот ари ва рул тарининг профилларини — қўндаланг кесимларини — аниқлаш ва уларни синаб кўришнинг назарий усулларини ишлаб чиқди* („Фан ва турмуш“); *Ун уч ёшида мактаб программасини битириб, ёш бўлса ҳам ҳалфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади* (А. Қодир и й); *Ибн Сино ўз асарларида оғриқни босадиган (наркотик) дори сифатида афюн (қора дори) ни таърифлайди* („Фан ва турмуш“).

Мазмуни тушунарсиз бўлган сўзларнинг моҳиятини очиб бериш турли йўллар билан воқе бўлади:

а) изоҳланмиш сўзнинг таржимасини бериш ёрдамида тушунтириш: *Термометр ёрдамида турли хил эсисм ва муҳитларнинг температурасини (ҳароратини) ўлчаш мумкин* („Фан ва турмуш“);

б) изоҳланмиш сўзнинг мазмунини соддалаштириш орқали тушунтириш: *Эрамизнинг иккинчи асрида яшаган Птоломей грек астрономиясини такомиллаштириб, „Альмаист“ („Буюқ тўнлам“)ни ёзади* („Фан ва турмуш“);

в) изоҳланмиш сўзнинг синонимларини келтириш орқали тушунтириш: *„Эшик“ деб Фарғонада ҳовлини (уйни) атайдилар* (М. Исмоил и й).

3) ҳажмига кўра изоҳлаш, аниқлаш функциясини ҳам бажарадилар. Мисол: *Қорақалпоғистон Султонўғиз тоғларининг жануброғида, қадимий қалъалар районида, топилган бу ажойиб ёдгорлик 17,5 гектар майдонни (500×350 метрни) ташкил этади* („Фан ва турмуш“).

Булардан ташқари, изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчи изоҳланаётган бўлакнинг мазмунини тўлдириш, қўшимча маъно бериш учун ҳам ишлатилади. Бу ҳолда изоҳланмиш бўлак бошқа сўзлар билан бирга қайтарилиб келади. Мисол: *Маҳкам вақти келганда „қалай, кўраяписизми?“ деб сўрашни — ғолибона сўрашни — бутун вужуди билан истарди* (П. Қодиров). *Романовский номли канални (ҳозирги Киров номли магистраль канални) эслатиб ўтиш мумкин* („Фан ва турмуш“).

Шунингдек, изоҳланмиш бўлакнинг мазмунини ташкил қилувчи объектларни санаб кўрсатиш учун ҳам қўлланади. Мисол: *Шуънинг учун улар оддий кўзга кўринадиган планеталар (Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурн) нигина кузата олар эдилар* („Фан ва турмуш“).

Бундай ҳолларда ажратилган бўлаklar уюшиб келади. Улар кўпинча эквивалент бўлаklar бўлгани учун, бир хил грамматик формага эга бўлади. Баъзан битта грамматик форма уларнинг ҳар иккиси учун умумий бўлиши мумкин. Ми-

соллар: *Маҳкам эса шу топда ўзига энг яқин турган бир мақсадни — имтиҳон топширишни кўзлаб ўқир эди* (П. Қодиров); *Энди миллионлаб С атомлари орасига жуда кам миқдорда С аралашиб қолса, бу атомни ажратиб турадиган бета нурлари (электронлар) ни аниқлаш билан радиоактив углеродни ҳамма ердан ҳам топиб олиш мумкин* („Фан ва турмуш“).

Изоҳ маъносида ажратилган воситали тўлдирувчилар. Восита келишиги кўшимчасини олган ажратилган тўлдирувчилар восита келишигида келган оддий тўлдирувчиларни изоҳлайди ва улар қандай формада, маънода бўлса, шу формани ўзида сақлайди. Мисоллар: *Менга, кекса бир олимга, фақат Совет ҳукумати ғамхўрлик қилди* (Павлов); *Хуштор бўлдим мен сенга — ақли расо чиройга* (қўшиқдан).

Улар қуйидаги функцияларда қўлланади:

1) айрим тушунарли бўлмаган мазмунни тушунтириш учун ишлатилади: *Бу ер шари атмосферасининг умумий циркуляциясига (ҳаракатига) таъсир қилади* („Фан ва турмуш“); *Қози домла бўлса намозхонлар олдига ўтиб ва такбири таҳримага, яъни қулоқ қоқишга тайёрланиб турди* (М. Исмоилий).

Мисолларимизда „циркуляция“ ва „такбири таҳрима“ сўзлари тушунарсиз бўлгани учун ажратилган тўлдирувчи уларнинг мазмунини тушунтириб келмоқда.

2) ўзидан олдинги тўлдирувчининг маъносини конкрет кўрсатиш функциясини бажаради. Мисоллар: *Акаларининг меҳмонларига, боғ ва шаҳар ҳовлисига қатнаб юрвчи дўстларига ва умуман йигитларга, шароитга кўра, гоҳ эшик тирқишидан, гоҳ девор орқали, гоҳ даррактлар орқасидан мўралашни севган Нурунисо уни (Йўлчини) ҳам узоқ-яқиндан кўп марта кўришга муваффақ бўлган* (Ойбек); *Кечгача ўғлини Баҳрободга — онасига ташлаб келишга қарор бердию, шу тўғрида гаплашгани ишдан тўғри Урмонжоннинг уйига борди* (А. Қаҳҳор); *Артистка Маҳбуба образининг аста-секин ўсиб бориш жараёнини, даставвал, содда, тажрибасиз, ўз устасига (Раҳимжоновга) ҳаддан ташқари ишонган қиз характери ни очиб беради* (А. Олимжонов); *Яна бу ноёб буюмларни ўз эрига эмас, аллақандай бегонага, яъни офтобда қатиқ „ичмаган“, бир сийқа чақалик нафи тегмаган ҳокимга тутаётганига нима дейсиз* (М. Исмоилий).

3) ўзидан олдинги мавҳум олмошга оид бўлган ажратилган тўлдирувчилар шу олмошни изоҳлаб, доим ажратилади ва изоҳланмишнинг грамматик белгиларини ўзида сақ-

лайди. Мисоллар: *Сиз унга, ўша Городцовга, айтинг... биз бу ерда иккинчи эшелон, резерв эмасмиз* (П. Павленко); *Шундан кейин Анвар тўғрисида ҳаёл суриб, унга — Анварга — қариш ўзида кучли бир кек сезар, шундай оғир соатларда ташлаб кетган „йигит“ яна бир кўринса, қандай киноялар билан истиқбол қилишни — кутиб олишни ўйлар эди* (А. Қодирий).

4) улар изоҳланмиш бўлакнинг муҳим қисмини ёрдамчи сўзлар воситасида айириб кўрсатиш учун ҳам ажратилади: *Турсуной ҳеч кимга, айниқса Мастон кампирга, сездирмай, кўз сўзи билан бир нима сўраган эди* (М. Исмоилий); *Маълумки, ўзбек совет адабиётида, айниқса театр санъатида, Ўзбекистон ишчилари ҳаётига доир асарлар жуда оз* (А. Олимжон); *Маълумки, қуёш системасида гигант планеталардан Юпитер ва Сатурннинг шу системадаги майда жисмларга, жумладан кометаларга, таъсири жуда катта* („Фан ва турмуш“); *Фуломжоннинг қарийб ҳаммага манзур бўлган талаби аёнларга, айниқса Тешабойга ёқмади* (М. Исмоилий).

5) бундай ажратилган бўлак изоҳланмиш сўзнинг маъно доирасини санаб кўрсатиш, маънони очиқ ифодалаш учун ҳам қўлланади. Мисоллар: *Бундан ташқари, кўп дориларнинг номлари бир неча шарқ тилларида (араб, форс, ҳинд, сурия ва эски ўзбек тилида) берилди* („Фан ва турмуш“); *В. В. Бартольд бир қанча ҳодисаларда халқ ҳаракатига (365 йилда Самарқандда бўлган қўзғолон, Эронда деҳқонларнинг бош кўтаришига) эътибор қилган эди* („Фан ва турмуш“).

6) улар изоҳланмишнинг маъносини бошқа сўзлар, синонимлар воситасида тушуштириб келади: *Махсус пружинаси эса плёнкани бундан кейин олинадиган кадрга (расмга) автомат равишда кўчириб қўяди* („Фан ва турмуш“); *Бу запислар олов суюқ ҳолатда ёки кристаллизация босқичида, яъни суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтиш босқичида бўлган маънога боғлиқдир* („Фан ва турмуш“); *Савдо-сотиқ, олди-берди масалаларида, яъни бирни ўн қилиш бобида — икки онани эмган...* (М. Исмоилий); *У мени қулликдан, Матқовулбойнинг хўрланган чўрилигидан, қутқазганида: „Энди озодсиз, юзингизни ёруғликка кўрсатинг!“ — деб оналик насиҳатини берган эди* (А. Мухтор).

Маънони конкрет ифодалаш мақсадида изоҳланмиш бўлак ўз аниқловчилари билан кенгайтириб такрорланиб келиши мумкин. Мисол: *Ўт андин сўнгра Дарҳон кўчасига, ки бир дўсту қадрдон кўчасига* (Фурқат); *Ҳамма кометалар ҳаракати қуёш системасидаги планеталар ҳаракат*

қонунига, яъни Кеплер қонунига, мувофиқ бўлади („Файв турмуш“); У ерда муҳтарам бойларимизга, яъни ўзимиздан чиққан заводчи бойларга, мирзолар, гумашталар; ҳисоб-китоб ишларига омил кишилар етказилади. (М. И с м о и л и й).

Маънони кучайтириш мақсадида ҳам ажратилган изоҳ маъносидаги тўлдирувчи составида изоҳланмиш бўлак такрорланиб келиши мумкин: *Биз бахтли ёшлигимиз учун партиямиздан, жонажон Коммунистик партиямиздан миннатдормиз; Менинг ҳаётимда, оддий совет кишининг ҳаётида, бу минутлар ҳаминша партия топиширини олиш билан боғлиқдир; У ҳар қандай ёт кўздан, бошга балолар солгувчи маломатли кўзлардан, сақланиш учун ҳужрада кутишга қарор қилган эди.* (М. И с м о и л и й).

Кўмакчили тўлдирувчилар ҳам изоҳ маъносида қўлланиб, ажратилади. У ҳолда ажратилган бўлак таркибида кўмакчиси бўлган биринчи тўлдирувчиларни изоҳлаб, аниқлаб келади. Бундай кўмакчилар „учун“, „билан“, „тўғрисида“, „сари“ кабилар бўлиши мумкин:

учун кўмакчилнк бўлак: *Йигирма учга кириб қолган бир жувон учун, айниқса юрт оғасининг эрка қизи учун бу шунчаки сўз эмас, юракка урилган ханжар эди* (М. И с м о и л и й); *Унсин учун — бечора қиз учун — бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш мотам! (О й б е к);*

билан кўмакчили бўлак: *Идиома терминининг маъносини турғун сўз уюшмаларининг бир тури билан, яъни фразеологик чатишмалар доираси билан, чегаралаш ижобий ҳодисадир* (Ш. Раҳматуллаев); *Бас, ҳикматни томоша қил: эртаси кун ошинг яна жазлик, яъни „авсат“ билан икки кунлик эҳтиёждан қутулиб, савобга ҳам даҳлдор бўлдинг* (А. Кодирий);

тўғрисида кўмакчили бўлак: *Энди асл муҳаббат тўғрисида — ёр муҳаббати тўғрисида — куйлашингни илтимос қиламиз* (Ш. Рашидов, В. Виткович);

сари кўмакчили бўлак:

Шундан сўнг бизнинг Ойгул

Яшнаб мисоли бир гул,

Ўз Бахтиёри сари,

Ўз севган ёри сари,

Сусамбилга йул олди.

(Ҳ. О л и м ж о н)

Шундай қилиб, изоҳ маъносидаги ажратилган тўлдирувчилар узидан олдинги изоҳланаётган тўлдирувчининг мазмунини англайди ҳамда уни атрофлича кенгайтириб, бўртти-

риб кўрсатади, маънони конкретлаштиради, уни яхшироқ, аниқроқ англаш имконини беради. Бу хусусиятларни ифода этиш учун сўзловчи фикрни маълум оҳанг, пауза билан ажратиб талаффуз этади. Мисол: *Абай уз жигарига — ини-сига, боқаркан, ич-ичидан фахрланди* (М. А в е з о в).

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, кўпинча, шеъриятнинг талаби билан ажратилган бўлақлар гапнинг охирида келиши ҳам мумкин:

*Йўқ, у поймол қила олмас
Чегарасин — кўзи қорасин.*

*Унинг бу кулгиси эслатади
Илк баҳор чечагин — ҳамбек гулини.*

*Кечқурун ош сузсак, бир насиба кам,
Қумсайман бировни — аллакимимни.*
(Ф. Ғ у л о м)

Изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчилар ўздан олдинги тўлдирувчининг маъносини ифодалаб, кўпчилик ҳолларда гапнинг ўртасида келади:

*Шарқнинг машъали — азим водийдан,
Сенга, рус халқига, ташаккур беҳад.*
(Ф. Ғ у л о м)

Унинг ҳайбатли қора суммати мовий осмон бўшлиғида ажралиб турарди ва менинг паккамни — ҳалиги жарлик билан яланглик ўртасида ҳосил бўлган бурчакни — дўстларим яхши билар эди; Сизга — комсомол ячейкасининг бошлиғига ҳаммадан миннатдосчилик билдирамиз (Р. Ф а й з и й).

Лекин ажратилган тўлдирувчиларнинг кўпчилиги маънони санаб кўрсатиш орқали конкретлаштириш мақсадида қўлланади. Улардан олдин келган сўз ҳамж жиҳатдан кенг бўлиб, ажратилган тўлдирувчилар шу сўздан кейин, уни тушунтириш вазифасини бажариб келади.

* * *

Ажратилган тўлдирувчилар грамматик жиҳатдан изоҳланмиш бўлақнинг келишик қўшимчалари билан келиши мумкин. Мисол: *Менга, олтмишдаги бир батракка, фақат Совет ҳукумати гамхўрлик қилди.*

Улар кўплик ва эгалик ҳамда келишик қўшимчаларини, турли ёрдамчиларни қабул қиладилар. Мисол: *Мимемалар*

семантикаси предметларнинг ҳаракатини, баъзан уларнинг ўзларини ҳам, товуш образи ёки ҳаракат образи сифатида ифодалайди („Ҳозирги замон ўзбек тили“).

Изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчилар белгили ҳам белгисиз ҳолда бўлиши мумкин. Мисол: *Қўлидаги тугуни(ни) — бир эски пахталик нимча, бир чит кўйлак, онасидан ёдгор қолган эски шол рўмолни — акасига бериб, паранжисини тузатарди* (О й б е к); *Заҳарли илон чаққан кишига илон заҳаридан тайёрланган сиворотка (зардоб) юборилади* („Фан ва турмуш“); *Партиямиз биз билан, совет ёшлари билан, доим фахрланади.*

Агар изоҳланмиш бўлак келишиқ қўшимчаси олган бўлса, шу гапни ажратилган бўлаксиз ҳам айтиш мумкин. Мисол: *Бизни, Совет мамлакатининг қувноқ ёшларини, партиямиз меҳр билан тарбияламоқда.* Бу гап ажратилган бўлаксиз ҳам айтилиши мумкин *Бизни партиямиз меҳр билан тарбияламоқда.*

Агар қўшимча фақат ажратилган бўлакда келиб, у изоҳланмиш учун ҳам хизмат қилса, гапни ажратилган бўлаксиз айтиб бўлмайди: *Уқитувчимиз биз, болаларни, жуда севади.* Лекин: *Уқитувчимиз биз жуда севади,* деб бўлмайди.

Ажратилган тўлдирувчилар якка ва бирикмали бўлади.

Ажратилган тўлдирувчилар қўйидаги сўзлардан ифодаланadi:

Атоқли отлардан: *Мулла Абдурахмоннинг совчилари бошлаб Солиҳ махдумнинг қизи — Раъно учун бордилар* (А. Қ о д и р и й).

Таркибли турдош отдан: *Анвар хусусий ҳаёти, айниқса Раънога алоқасидан ҳеч кимга бғиз очмас эди* (А. Қ о д и р и й); *Инсоннинг тузни — натрий хлоридки — билши тарихи бу билан тугалланмайди* („Фан ва турмуш“).

Таркибли иш-ҳаракат отларидан: *Шундан кейин Анвар тўғрисида ҳаёл суриб, унга — Анварга — қарши ўзида кучли бир кек сезар, шундай оғир соатларда ташлаб кетган йигит яна бир кўринса, қандай киноялар билан истиқбол қилишни — кутиб олишни ўйлар эди* (А. Қ о д и р и й).

Олмошлардан:

*Кечкурун ош сузсак, бир насиба кам,
Қўмсайман бировни — аллакимимни.*
(Ғ. Ғ у л о м)

Таркибли равишлардан: *Чигит экишда ишлатиладиган тракторларнинг колеясини (ғилдираклар орасини)*

қатор ораларининг кенглигига мослаб ўзгартириш зару-
рати туғилади („Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги“).

Сон ва сон билан келувчи нумератив сўзлардан: *Де-
мак, 6900 гектар ерни, яъни ҳамма пахта даласининг
72 процентини, икки томонлама ишлашга асос туғдир-
дик* („Фан ва турмуш“).

Ажратилган бўлақлар ўз ичларида уюшиб келиши ҳам
мумкин: *Батрак Фафурнинг, унинг севгани Жамиланинг
ва бошқа халқ вакиллариининг синфий онгининг ўсиши,
ўзбек халқининг золимларга (бой, руҳоний ва мустам-
лакачиларга) қарши ғазоби ва кураши бу ажойиб дра-
манинг асосий темасидир.*

Ажратилган бўлақлар турли ёрдамчилар воситасида аж-
ралиб келиши мумкин³⁵. Мисол: *Спиртли ичимликларда
(қисқача айтганда, ичимликда) бўладиган алкоголь
моддаси этил ёки вино спиртидир* („Фан ва турмуш“).

Шунингдек, улар ёрдамчиларсиз ҳам ажрала олади:

*Ер юзида ҳеч киши
Ўзи экан боғини,
Ўз суянган тоғини,
Ёру дўст, ўртоғини,
Уйдаги чароғини,
Ўғил — кўз қароғини
Энди ҳеч жаҳаннамнинг
Гирдобига бошламас.*

(Ғ. Ғ у л о м)

Ажратилган тўлдирувчилар восита келишикларидаги
объектларни изоҳлаб, шу келишиклардаги от ва отланган
сўзлардан ифодаланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ёзувчи маънони кучлироқ
беришда айрим бўлақларни махсус ёрдамчилар воситасида
ажратиши ҳам мумкин, аммо бу бўлақ изоҳни ташкил эт-
майди: *Оламдаги барча гулларни, ҳатто барча овоз-
ларни ҳам, ўша муз тоғидан юборганлар* (Ш. Рашид-
ов, В. Виткович).

Бу мисолимизда уюшиқ компонентларнинг бири махсус
ёрдамчилар воситасида ажратиб берилмоқда.

ИЗОҲ МАЪНОСИДА АЖРАТИЛГАН КЕСИМЛАР

Маълумки, кесим эга ҳақидаги ҳукми ифодалаб, гап-
нинг реаллашишида асосий роль ўйнайди.

³⁵ А. К. Боровков, Очерк истории узбекского языка, «Труды
института востоковедения», М.—Л., 1958, т. XVI, стр. 166—167.

Изоҳ маъносидаги ажратилган кесим эса гапдаги ана шу асосий кесимнинг маъносини тушунтириш, очиб бериш, конкретлаштириш функциясини бажаради.

Изоҳ маъносидаги кесим, изоҳ маъносидаги бошқа бўлақлар сингари, изоҳлаётган кесимнинг бутун грамматик формаларини ўзида ифодалайди, эга билан изоҳланмиш кесим сингари мослашади. Мисол: *Биз, ҳаммамиз, бир отанинг боласимиз, яъни ўзбеклармиз* (Ойбек).

Юқорида изоҳланмиш бўлақ — „*бир отанинг боласимиз*“ „*ўзбеклармиз*“ сўзи билан, яъни, ажратилган кесим билан изоҳланмоқда. Бундан ташқари, уларнинг грамматик формалари ҳам бир хилдир, яъни иккаласи ҳам биринчи шахс кўplik -*миз* формасини қабул қилган ҳамда шахс ва сонда мослашган.

Баъзан от кесимларнинг етакчи от қисми изоҳ қабул қилади. Бундай ҳолларда ёрдамчи феъл ҳар икки компонент учун ҳам, бошқа грамматик формаларга ўхшаб, тенг хизмат этади. Мисол: *Дунёда мен—етим ўртоғингга танҳо сирдош ва дилдор (кўнгил кўтарувчи) эдинг* (А. Қодирий).

Бу ерда *дилдор эдинг* — қўшма кесим, унинг от қисми изоҳ талаб қилган — *кўнгил кўтарувчи эдинг* изоҳ маъносида қўлланган кесимдир. Уларнинг грамматик формалари ҳам бир хил — иккаласи ҳам иккинчи шахс бирликда келган. Ёрдамчи кесим *эдинг* ҳар икки компонент учун тенг хизмат қилмоқда: ...*дилдор эдинг, кўнгил кўтарувчи эдинг*.

Баъзи ҳолларда улардаги грамматик формада фарқ бўлиши мумкин, лекин маъно бари бир шу грамматик формани тақозо қила беради. Мисол: *Шукур, бефарзанд эмасмиз: бир ўғилчам, бир қизим бор, иккови ҳам уруш етимчаларидан, рус гўдаклари* (Ойбек).

Юқоридаги мисолимизда изоҳланмиш бўлақ — *уруш етимчаларидан* — кўplik, III шахсда келганлигидан ташқари, чиқиш келишиги қўшимчасини ҳам қабул қилган. Лекин изоҳловчи бўлақ — *рус гўдаклари* эса кўplik, III шахсда, аммо чиқиш келишиги қўшимчасисиз ишлатилмоқда. Бу ўринда чиқиш келишиги формаси -*дан* кесимга оид эмас, у кўпчиликдан иккитасини ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилмоқда.

Бу ердаги изоҳловчи бўлақ юқоридаги изоҳланмиш бўлакни аниқлаш функциясини бажармоқда.

Изоҳ маъносида ажратилган кесимлар ҳозирги замон ўзбек тилида жуда кам қўлланилади.

Ажратилган бўлақлар оғзаки нутқда пауза, ўзига хос ажратувчи интонация³⁶ ва кучли урғу олиши билан фарқланади.

Маълум мазмунни ифодаловчи ажратилган бўлақлардаги интонация ҳақида А. М. Пешковский шундай дейди: „Интонацион шакллар (ажратилган бўлақларни ўқиётганда) сўз бирикмасининг ҳақиқатан махсус формасини ташкил қилади“³⁷.

Ажратилган конструкциялар маънолари билангина эмас, балки ўзларининг ритм ва мелодияси билан ҳам эргаш гапларга ўхшаб кетади.

Интонация — мелодия. Ажратилган бўлақлардаги интонация эргаш гаплардаги интонацияга ўхшайди, аммо бу ажратувчи интонация, мелодия маънога ва сўзловчининг мақсадига қараб турли тус олади: баъзан кўтарилади, баъзан пасаяди; баъзан нутқ темпи кучаяди — интонация сустлашади, баъзан эса темп тезлашади. Демак:

1. Ажратилган бўлақлар таркибига кирувчи сўзлар ўзига хос мустақил интонация, мелодия (оҳанг) ёрдамида бирикади ва бир синтактик бутунликни ташкил этади.

2. Ажратилган бўлақлардаги ажратувчи интонация, пауза билан бирликда, уларни бошқа гап бўлақларидан ажратади, шунга биноан, улар маъно мустақиллигига, ифодалиликка эга бўлади.

3. Интонация бундай конструкцияларнинг бошқа бўлақлар билан боғланишини таъминлайди.

Пауза ажратилган бўлақларга хос хусусиятлардан бири бўлиб, бўлакни, кўпинча, ҳар икки томонидан чегаралайди, грамматик жиҳатдан бир бутун сўз бирикмасини юзага келтиради ва буни бошқа гап бўлақларидан ажратади, унга ўзига хос оттенка беради, мазмунини бўрттириб ифодалайди ва, ниҳоят, катта синтактик мустақиллик беради. Масалан, пауза аниқловчи ёки изоҳловчини аниқлашдан ажратиб, нутқ оқимида тўхталиш ясайди ва шу бўлакка кишининг диққатини жалб этади. Натижада бу конструкцияда унинг маъно томонини ёритувчи ўзига хос нутқ ритми пайдо бўлади.

Логик урғу. Якка, ёйиқ ажратилган бўлақлар ўзига хос интонация билан бирга, кучли логик урғу олади. Логик урғу маълум бўлакка тушиши билан уни ажратади, диққат-

³⁶ Биз ажратувчи интонация ёки мелодия деганда талаффуздаги овознинг ҳаракатини, тоннинг кўтариллиш ёки пасайишини тушунамиз.

³⁷ А. М. Пешковский, Русский синтаксис в научном освещении, М., 1938.

ни шунга жалб этади. Шунга биноан, бу бўлак (ажратилган бўлак) гапда анча мустақиллик олади.

Хулоса қилиб айтганда, ажратилган бўлақлар бошқа гап бўлақларидан ўзига хос грамматик воситалари ва ажратувчи интонацияси, пауза ва логик урғуси билан ажралиб туради. Мисоллар: „*Оқлон*“ *шаҳарчасида, собиқ Кўкча дарвозасида, улар машинадан тушишди* (Ойбек); *Извошчик янги шаҳар кўчаларидан бирида, деразаларидан электр ёруғи қуюлган бир қаватли янги бино қаршисида, бир неча извошчиклар қаторига тақалиб, тўхтади* (Ойбек).

Шунини айтиш керакки, баъзан ажратувчи интонация ва пауза ажратилган бўлақнинг олдидан мавжуд бўлиб, унинг иккинчи томонидан пауза бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин, шунга қарамай, ажратувчи мелодия сақланади. Мисол: *Нурри алоҳида хонада ўз ўртоқлари — обрўли оилаларнинг қизлари билан ўлтирар эди* (Ойбек); *Яллачиларнинг куйи ташқаридаги эркакларни — куёвнинг ўртоқларини тоқатсизлантирди* (Ойбек).

Бу ажратилган бўлақларнинг иккинчи томонида пауза йўқ, фақат ажратувчи мелодия сақланган; бунга сабаб биринчи мисолда *билан* кўмакчисининг, иккинчи мисолда *эса* —ни аффиксининг келиши ва шу бирикмаларнинг феъл-кесим билан ёнма-ён турганлигидир.

Шунга кўра, баъзи ҳолларда интонацион ажратиш жуда суёт инфодаланади, лекин бу бўлақлардаги грамматик воситалар уларнинг грамматик жиҳатдан ажралган бўлак эканликларини кўрсатиб туради. Бу ҳақда К. Я. Петровская шундай дейди: „Ажралиш озми-кўпми ажратилган бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, андак сезилиб турган ажралиш ёзувда вергул қўйилмаслиги орқали акс этади“³⁸.

Бу фикрни Воронцова ҳам қувватлайди³⁹.

Гап бўлақлари ажралиш билан ўзларининг логик ва грамматик доираларини кенгайтиради⁴⁰. Ажратилган бўлақлар логик урғу олиши, эмоционал таъкидланиши ва мустақиллиги билан гап бўлаги бўлмай қолмайди⁴¹, содда гапнинг бир бўлаги сифатида қолаверади⁴².

³⁸ К. Я. Петровская, О месте обособленных обстоятельств выраженных предложением групп существительного (на материале современного английского языка), «Уч. записки» Ленинград. пед. инст. им. Герцена, т. III, Л., 1955.

³⁹ Г. Н. Воронцова, Вторичный предикат в английском языке, «Иностранный язык в школе», № 6, 1950, стр. 47.

⁴⁰ «Грамматика русского языка», ч. II, стр. 94.

⁴¹ Н. И. Греч, Практическая русская грамматика, СПб., 1827.

⁴² Ф. Камолов, Қўшма гапларга доир масалалар, Тошкент, 1955, 33—37-бетлар; Ф. Абдурахмонов, Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар, Тошкент, 1955.

Агар оддий дарак мазмунидаги содда гапларда битта интонацион кўтарилиш бўлса, ажратилган бўлакки содда гапларда интонацион кўтарилиш ёки пасайиш ажратилган бўлакда ҳам бўлади. Масалан: *Дастёр бўлиб қолган қизлари, айниқса катта қизи Башорат, уни кўндан бери рўзгор ташвишидан қутқазган* (А. Мухтор).

Бунда нутқнинг кўтарилиш темпи ажратилган бўлакдан олдин бирданга узилади, бир оз пауза бўлади, сунгра ажратилган бўлак бошланиб, у ўзига хос тон, мелодия билан айтилади. Унинг айтилиши интонацион кўтарилиш ёки пасайиш асосида боради. Ажратилган бўлак айрилиб бўлгач, яна пауза — тўхталиш бўлади. Ажратилган бўлак ҳар икки томонидан маълум пауза ва акцент-мелодия билан чегараланади. Лекин баъзи вақтларда, айтиб ўтганимиздек, ажратилган бўлакнинг сўнггида паузали ажралиш бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо ажратувчи интонация, мелодия сақланади. Масалан: *Ҳазалкент тўғонидан Янгибозор қишлоғигача чўзилган сувни сув иншооти мутахассислари — тадқиқотчилар ва лойиҳа тузувчилар синчиклаб текшириб чиқдилар* („Фан ва турмуш“); *...саҳна тўла раққосалардан фақат биттаси — оқ ҳарир кийимли гўзал бир қиз — пардай енгил учиб раққ қиларди* (П. Қодиров).

Бундай ҳолларда изоҳ ва изоҳланмишларнинг ўзаро эквивалент бўлак эканлиги янада очиқроқ кўринади. Грамматика ажратилган изоҳларнинг ҳар икки томонидан ажратишни талаб қилади, акс ҳолда маъно ўзгариб кетиши мумкин.

Ажратилган изоҳларнинг интонацион тасвири уларнинг маъно функцияси ва гапда жойлашишига қараб ҳар хил бўлади.

Ажратилган изоҳлар гапнинг ўртасида ва охирида келиши мумкин. Шунга кўра, уларнинг айрилиш темпи ҳам, асосий тоннинг ўзгариши (туси) ҳам турлича бўлади.

Агар ажратилган изоҳ гапнинг ўртасида келса ва маънони кучайтириш, бўрттириш функциясини бажарса, унда интонацион кўтарилиш содир бўлади. Мисол: *Унсин учун — бечора қиз учун — бу қандай мудҳиш мотам!* (Ойбек).

Бундай ҳолларда тезлик билан кўтарилиб бораётган нутқ темпи бирданга узилади, иккинчи бир темп ўзига хос тон-мелодия билан бошланади.

Сўнги мисолимиздаги интонацион ҳолат ажратилган изоҳлар учун типикдир. Чунки улар маънони бўрттириш, ойдинлаштириш функциясини бажариб, доим изоҳланмиш бўлакдан кейин — гапнинг ўртасида келади. *Бечора қиз учун* синтагмасининг интонацион тасвири бошқа синтагмаларнинг интонациясига қўшилиб кетмай, улардан ажралиб

туради; бу синтагма бошқа синтагмаларникидан фарқли паузаеи, акцент-мелодияси билан ўзига алоҳида тонал марказни ташкил қилади. Мисоллар: *Йигитларнинг бири — новча, чўзинчоқ юзли Чорғин, Ақмоннинг укаси эди* (Т. Сидиқбеков); *...опаси — Ойимжон, Бектемирнинг севиб олган хотини* (Т. Сидиқбеков).

Агар ажратилган бўлак изоҳланмиш бўлакнинг маъно доирасини чегаралаш, санаб ифодалаш ёки қўшимча маъно бериш функциясида келса, унинг интонацион темпи ва тасвири бир оз бошқачароқ бўлади. Мисоллар: *Меҳмонлар шийпонда, шоҳи, атлас, адрас кўрпаларда, бошларини олопоқ ва юмошқ ёстийларга қуйиб ухлайдилар* (Ойбек); *Бир вақтлар, Навоийга илк меҳмон бўлган кунни, у ўз қобилиятларини бир-бир кўрсатган эди.*

Юқоридаги мисолларимиздаги ажратилган бўлаklar состав жиҳатдан кенгайиб, шунингдек, уюшиб келмоқда. Улар мазмунни конкретлаштирувчи синтагмани ташкил этиб, унча баланд бўлмаган, текисроқ тон билан айтилмоқда. Бу ўринда ажратилган бўлак қонуний ва зарур ҳолатдир, сўзловчи бундай ҳолларда шу каби изоҳларни ишлатиши шарт.

Бу тўғрида қуйидаги олимларнинг фикрларини келтириш мумкин:

Л. А. Булаховский: „...фразанинг ритм-мелодикаси гўё фикр қўямасининг яхлит эмаслигини, йўл-йўлакай қўшимча ҳолнинг қўшилиб кетишини таъкидлайди“⁴³.

Л. В. Щерба: „Инсон миясига нутқ жараёнида, фикрлаш вақтида келувчи ва аввалги фикрга қўшилиувчи фикр наст ҳамда текис овоз билан баён этилади“⁴⁴.

Кўринадики, бундай синтагмалар конкретлаштириш, қўшимча маъно ифодалаш функцияларида келиб, бир текис оҳанг билан айтилади, ёзувда эса вергул билан ажратилади.

Агар ажратилган изоҳлар гапнинг охирида келса, интонацион пасайиш содир бўлади. Лекин интонацион пауза бошқа ажратилган изоҳлардаги каби, узилиш асосида рўй беради. Мисоллар:

*Титроқ солди ерга, самога
Ишчи, матрос — ботир оғайни.*

(Ойбек)

*Ишчиларни қириб, қонда суза кетди
Жазочи Дубасов — чор адмирал.*

(Маяковский)

⁴³ Л. А. Булаховский, Курс русского литературного языка, изд. 2-ое, 1936, стр. 308.

⁴⁴ Л. В. Щерба, Русский синтаксис . . . , стр. 370.

Бу ўрнида улардаги ярим предикатлик хусусияти равшанроқ кўринади.

Шундай вақтлар ҳам бўладики, сўзловчи гапириш жараёнида жумланинг айрим ўринларига йўл-йўлакай изоҳ бериб кетади. Мисоллар: *Ана шундай қурооллардан бири манжаниқлар (ирғитувчи машиналар) бўлиб, булар порох тўлдирилган шарсимон идишларни қамал этилган қалъаларга қараб ирғитиш учун қўлланилар эди* („Фан ва турмуш“); *Қилтириқмахсум ҳар жумада келиб „иш“ни (тўқилган бўзни) талаб қилар, яъни „симкор унди-рар“ эди* (А. Мухтор).

Юқоридаги гапларда ажратилган синтагмалар паст тэн билан айтилади.

Бу тўғрида А. В. Шчерба: „Сўзловчининг умумий фикри йўналишидан у ёки бу баённинг тушиб қолиши ёзувда қавслар ёки вергуллар билан берилади, нутқда анча паст тон билан айтилади, бунинг учун маълум синтагма ёки, ҳатто, бир қанча синтагмалар талаффуз қилинади, улар қолган ҳолларда ўзининг табиий мелодик характериини сақлаб қолади“, — дейди. Баъзилар қавс ичига олинган изоҳларни кириш сўз (бирикма) деб тушунади, биз бундай бўлакларни ажратилган изоҳлар деб атаймиз, чунки улар ўз изоҳлапмишига эга ва грамматик жиҳатдан ўшанга тобедр.

Ажратилган изоҳлар кириш бирикма (сўз)лар билан бирликда келиши мумкин. Бундай ҳолларда ажратилган бўлак жуда паст ва давомли темп билан талаффуз қилинади. Мисол: *Спиртли ичимликларда (қисқа қилиб айтганда, ичимликда) бўладиган алкоголь моддаси этил ёки вино спиртидир* („Фан ва турмуш“).

Агар ажратилган синтагмалар ёрдамчили бўлса, интонацияда ёрдамчи билан бирликда ажралади. Бу ўрнида доим вергул ишлатилади. Мисол: *Қуёш системасига кирадиган „бахтсизлик хабарчилари“, яъни кометалар* нима? („Фан ва турмуш“).

Шундай қилиб, ажратилган бўлакларнинг интонацион тасвирлари бир хил эмас, улар маънога кўра ўзгариб, турли тус олади; ажратилган бўлаклар бошқа бўлаклардан ҳар доим маълум пауза, ўзига хос акцент-мелодия билан ажралиб туради⁴⁵. Бу ҳол ёзувда турли хил тишиш белгилари билан ифодаланади.

⁴⁵ Бу хусусиятларни махсус асбоблар ёрдамида синаб кўриш мумкин. Биз асбоб йўқлиги туфайли бундай хусусиятларни тўлиқ бера олмадик.

ХУЛОСА

1. Ажратилган бўлақлар ўзларининг маъно бутунликларига эга бўлади. Улар гапда маълум мақсадда, ўзига хос функцияда қўлланади.

2. Ажратилган бўлақлар, асосан, икки хил усулда ажратилиб, бир неча типни ташкил этади.

3. Ажратилган изоҳлар ажратилган бўлақларнинг бир типини ташкил қилиб, ўзининг семантикасига, грамматик белгиларига ва интонацион хусусиятларига эгадир.

4. Ажратилган изоҳлар семантик жиҳатдан бошқа бирор бўлақнинг маъносини тушуштириш, конкретлаштириш, ҳажм доирасини тасвирлаб кўрсатиш, аниқлаш, таъкидлаш, бўрттириш каби хилма-хил функцияларни бажаради.

Изоҳланмишдаги мазмунни тушуштириш функцияси изоҳланмиш сўзнинг таржимасини бериш, аниқлаш ва, ниҳоят, уни синонимлари орқали кенг ҳолда баён этиш орқали амалга ошади.

Конкретлаштиришда ажратилган изоҳлар изоҳланмиш бўлақнинг мазмун доирасини тасвирлаб бериш, санаб кўрсатиш, унинг мазмун доирасини чегаралаб кўрсатиш ёки мазмуннинг асосий қисмини бўрттириб ифодалаш функциясини бажаради.

Ажратилган изоҳлар мазмунни умуман белгилловчи отлашган нисбий сўзларнинг, олмошларнинг мазмунини очиш учун ҳам қўлланади.

Улар маълум предметнинг белги-хусусиятлари воситаси билан изоҳланмиш бўлақнинг моҳиятини аниқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Ажратилган изоҳлар таъсирни кучайтириш, эмоционалликни оширишда муҳим роль ўйнайди.

5. Ажратилган изоҳлар гапда изоҳланмиш билдирган фактни бошқа сўзлар ёрдамида ифодалайди ва ўша бўлақнинг эквиваленти ҳисобланади.

6. Ажратилган изоҳлар ҳамма гап бўлаklarига оид бўлади ва шу вазифадаги гап бўлаklари функциясида ишлатилади.

7. Ажратилган изоҳлар изоҳланмишнинг хусусиятига қараб маъно жиҳатдан турлича бўлади. Агар изоҳланмиш мавҳум сўзлардан ифодаланса, ажратилган бўлак асосий мазмунни реаллаштириб, етакчи компонент бўлиб келади. Бошқа вақтларда қўшимча мазмунни ифодалаб, ёрдамчи компонент ҳисобланади.

8. Ажратилган изоҳ ва изоҳланмиш бўлаklарнинг иккаласи ҳам бир хил грамматик формага эга бўлиб, бошқа бўлаklарга нисбатан грамматик жиҳатдан бир хил муносабатда бўла олади. Булар ўзаро бир-бирини изоҳлайди.

9. Ажратилган изоҳ ва изоҳланмиш бўлак бири иккинчисининг ўрнини боса олади. Шунинг учун изоҳловчи бўлак гапда ажралган ҳолда қўлланади.

10. Изоҳ ва изоҳланмиш бўлаklар мазмунан тенг ва тенг бўлмаган компонентлардан ташкил топади.

11. Ажратилган изоҳлар оғзаки нутқда ўзига хос ажратувчи интонация билан айтилади; улар ўзига хос логик урғуга, пауза ва мелодияга эга бўлади.

12. Бу хил бўлаklар ўзларига хос тараққиёт тарихига эгадир.

13. Ажратилган изоҳлар ўзига хос синтактик ҳодиса сифатида бошқа синтактик ҳодисалардан ажралиб туради.

14. Ёзувда ажратилган бўлаklар тиниш белгилари билан ажратилади.

15. Ажратилган бўлаklар ҳозирги замон ўзбек адабий тилида жуда кенг қўлланилмоқда.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм	
Кириш	3
Уюшиқ бўлақларнинг баъзи умумий хусусиятлари	6
Уюшиқ бош бўлақлар	11
Уюшиқ эгалар	11
Уюшиқ кесимлар	26
Уюшиқ иккинчи даражали бўлақлар	48
Уюшиқ аниқловчилар	48
Уюшиқ тўлдирувчилар	65
Уюшиқ ҳоллар	83
Уюшиқ иккинчи даражали гапларда умумлаштирувчи сўзлар	104
Хулоса	107
Иккинчи қисм	
Кириш	109
Ғай бўлақларнинг ажратиш усуллари. Ажратилган бўлақларнинг грамматик воситаларига кўра типлари ва уларнинг аҳамияти	117
Ажратилган изоҳлар	122
Ажратилган изоҳларнинг семантик характеристикаси	124
Ажратилган изоҳларнинг грамматик хусусиятлари	128
Ажратилган изоҳловчилар	133
Ажратилган изоҳловчиларнинг грамматик белгилари	142
Изоҳ маъносида ажратилган аниқловчилар	145
Изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар	151
Изоҳ маъносида ажратилган тўлдирувчилар	163
Изоҳ маъносида ажратилган кесимлар	171
Ажратилган изоҳларнинг интонацион хусусиятлари	173
Хулоса	178

На узбекском языке

Д. Ашурова, Ф. Убаева и Х. Балтабаева

ОДНОРОДНЫЕ И ОБОСОБЛЕННЫЕ ЧЛЕНЫ ПРЕДЛОЖЕНИЯ

Издательство АН Узбекской ССР
Ташкент – 1962

Редактор *Т. Р. Солихов*
Техредактор *Х. У. Қорабоғва*
Корректор *С. Абдукаримов*

P05368 Теришга рухсат этилди 6.11-1962 й. Боснига рухсат этилди 4/IV-1962 й. Қоғоз 60×90¹/₁₆ 5,63 қоғоз л.—11,25 босма л.
Нашриёт л. 11,35 Нашриёт № 376 61 Тиражи 1000. Баҳоси 82 т.

ЎзССР Фанлар академияси нашриётининг босмахонаси, Хоразм кўчаси, 9-
Заказ 146. Нашриёт адреси: Куйбишев кўчаси, 15.